

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



**МАХСУС ФАНЛАР ЦИКЛИ**

**Ички ишлар органлари учун “Жамоат тартибини сақлаш фаолияти” мутахассислиги бўйича сержантлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**ТОШКЕНТ – 2023**

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Илмий Кенгашининг 2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги йиғилишида кўриб чиқилган ва маъқулланган. “\_\_\_” - сонли баённома.

**Тузувчи:**  
**З.Н.Хожибеков** Махсус фанлар цикли катта ўқитувчиси, майор

**Такризчи:**  
**Э.Х.Норбўтаев** ИИВ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси, доценти., подполковник

**Такризчи:**  
**Ж.С. Мухторов** Махсус-касбий фанлар кафедраси доценти, подполковник

Ўқув-услубий мажмуа Ички ишлар органлари учун “Жамоат тартибини сақлаш фаолияти” мутахассислиги бўйича сержантлар таркиби ходимларини махсус касбий тайёрлаш курсининг “**Жамоат тартибини сақлаш фаолияти**” номли модул бўйича тайёрланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашининг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилганлиги кенг ёритилган.

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасалари тингловчи, курсантлар, шунингдек ички ишлар органларининг амалиёт ходимлари учун мўлжалланган.

Ўқув-услубий мажмуа Малака ошириш институти Илмий Кенгашининг 2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги “\_\_\_”-сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

УДК \_\_\_\_\_

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023.

## Мундарижа

Кириш	5
Модул бўйича машғулот тақсимоти	8
1-Мавзу: “ИИОнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари	9
2-Мавзу: “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорнинг мазмун--моҳиятини ўрганиш бўйича	16
3-Мавзу: ИИВ жамоат хавфсизлиги департаментининг фаолияти ва унинг ҳуқуқий асослари	24
4-Мавзу: Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари	34
5-Мавзу: ППХ саф бўлинмалари раҳбар ходимларининг вазифа тақсимоглари ва ваколатлари	44
6-Мавзу: ППХ саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини бошқариш	56
7-Мавзу: ППХ нарядларини хизмат ўташга таёрлаш	68
8-мавзу: Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари	80
9-Мавзу: ППХ саф бўлинмалари нарядларининг алоҳида вазиятлардаги тактик ҳаракатлари	89
10-Мавзу: ППХ нарядларининг оммавий тадбирларга таёргарлик кўриш, ўтказиш ҳамда фавқулодда вазиятларда хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш	97
11-Мавзу: ИИО лари назорат-лицензиялаш тизимининг моҳияти асосий вазифалари	112
12-Мавзу: ППХ нарядларининг вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича фаолиятини ўрганиш	122
13-Мавзу: ИИОнинг махсус воситаларни қўллаш бўйича ҳуқуқий асослари, шартлари ва тартиби	130
14-Мавзу: Оммавий тартибсизликлар юзага келган вақтда ИИО ходимларининг ҳаракати ва жойлашув тартиби	144
15-Мавзу: Пост ва патруллик йўналишларида шубхали предметлар, портлатиш қурилмалари аниқланганда, ППХ нарядларининг хатти-харакатлари	149
16-мавзу: Темир йўл транспорти ва объектлари ҳамда аэропортларда патруль-пост хизматини ташкил этиш	159
17-мавзу: Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаш тартиби	170
18-мавзу: Ички ишлар органлари Патруль-пост хизмати бригадаси ва батальонларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш тартиби	179
19-мавзу: ИИОларида конвой хизмати фаолияти	190
20-мавзу: ИИОларида конвой хизмати фаолияти	197

21-мавзу: ИИО патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари ва уларнинг фаолиятини баҳолаш	208
22-мавзу: ППХ нарядларининг гиёхванд моддалар ва психотроп воситалар тарқалишининг олдини олиш бўйича вазифалари	218
23-мавзу: Ички ишлар органлари ходимларининг карантин тадбирларини таъминлаш бўйича вазифалари	232
24-мавзу:Вақтинча сақлаш ҳибсхоналари фаолиятини ташкил этиш тартиби	242
25-мавзу:Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларининг фаолияти ташкил этиш	257
26-мавзу: Патруль пост хизмати ходимларининг ИИОнинг бошқа соҳавий хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлиги	277
Мазулар бўйича назорат саволлар	286
Мавзулар бўйича глоссарий	299
Адабиётлар	305

## КИРИШ

Мазкур ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 15-апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 2021-йил 15-майдаги “Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Малака ошириш институти Уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сонли ва 2021-йил 27-августдаги “Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-караера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сонли буйруқларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ички ишлар органларининг узлуксиз ўқув-караера жараёни тизимини амалга ошириш ва ички ишлар органларига хизматга янги қабул қилинган ходимларни тизимли равишда бошланғич касбий тайёргарликдан ўтказишни назарда тутади.

Ушбу ўқув услубий мажмуага кўра, ходимларни бошланғич касбий тайёрлаш ўқув жараёни блок-модуль тизимига асосланган бўлиб, машғулотларда инновацион педагогик технология, интерфаол метод ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва касбий билимлари ҳамда амалий кўникмаларини юксалтиришга қаратилган.

### **Модулининг мақсади:**

ходимларнинг малакасига қараб хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, раҳбар кадрларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини янада ошириш, куч ва воситаларни самарали бошқариш, шунингдек ходимларда (бундан буён матнда тингловчилар деб юритилади) хизмат мажбуриятларини самарали бажаришлари учун касбий билимларини янгилаш, чуқурлаштириш ҳамда кўникма ва маҳоратларини оширишни узлуксиз таъминлашдан иборат.

### **Модулининг вазифалари:**

тингловчиларда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати ва Ички ишлар вазирлиги томонидан ички ишлар органлари ходимларига қўйилаётган бугунги кун талабларига жавоб берадиган юксак касбий маҳоратни ривожлантириш;

тингловчиларни юксак даражадаги ватанпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш;

юқори даражада жанговар ва жисмоний, маънавий-ахлоқий ва руҳий тайёргарликни ҳар томонлама таъминлаш ва такомиллаштириб бориш;

тингловчиларнинг блок-модуль тизими асосида малакасини оширишни сифатли ва тизимли ташкил этиш;

тингловчиларни хизмат фаолиятида тузиладиган ҳужжатлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари, вазифалари билан таништириш;

ўқитишнинг замонавий шакл ва усулларини, инновацион технологияларини, шу жумладан аниқ вазиятлар таҳлили машғулотларида ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

хизмат вазифаларини бажаришда, назария ва амалиётда учраётган барча ўзгаришларга етарли даражада аниқ баҳо бера олиш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш;

тингловчиларда тезкор ва криминоген вазиятни таҳлил қилиш, прогнозлаш ва баҳолашнинг замонавий усулларини ўргатиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органларининг мавжуд куч, восита ва усулларида самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимига кирувчи асосий фаолият йўналишларидан бўлган жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этиш ва тергов қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ тартиботни таъминлаш муаммоларини ҳал этиш бўйича тўпланган илғор иш тажрибасини ўргатишдан иборат.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

Тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар малака ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

#### **Тингловчи:**

хизмат соҳаси фаолиятини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи норматив ҳужжатлар талабларини;

қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижросини ўз вақтида, бир хилда ва тўлиқ бажарилишини;

ходимлар ўртасида ўзаро муносабатлар қоидаларига амал қилиш, бошлиқлар ва ҳамкасбларни ҳурмат қилишни;

бўйсинувчанлик, бўйсинувчиларга юқори талабчанлик, бўйсинувчиларнинг иш натижаларини ҳолисона баҳолаш ва уларга ғамхўрлик қилишни;

ўз иш кўрсаткичларига танқидий қарашни;

ижрочилик интизомига риоя этиш ва уни ташкил этиш асосларини;

ахборотларни тўплаш, таҳлил қилишни;

ўз ваколати доирасида республикада криминоген вазиятни тизимли таҳлил ва прогноз қилиш асосларини;

ўз фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашни *билиши* керак.

#### **Тингловчи:**

ўз фаолиятини режалаштириш;

ўз фаолиятига тааллуқли ахборот билан ишлаш;

ахборот-таҳлил фаолияти методларини аниқлаш;

иш юритиш ва махфийлик тартибига риоя этиш;

фаолиятидаги муаммо ва камчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

ички ишлар органларида бошқарув усулларини қўллаш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш;  
доимий равишда ўз билим ва касбий кўникмаларини такомиллаштириб  
бориш, малака ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича *кўникмаларига* эга  
бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

ички ишлар органлари фаолиятининг истиқболини белгилаш ва  
моделлаштиришнинг методологик асосларини амалиётга тадбиқ этиш;

ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш;

янги инновацион ғояларни хизмат фаолиятига жорий этиш;

соҳавий хизматлар фаолиятини ташкил этишда ахборотлар билан  
таъминлаш ва алмашиш;

фаолиятига таалуқли ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш ва қўллаш  
*малакаларига* эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш;

ички ишлар органлари фаолиятини режалаштириш;

иш фаолиятида юзага келган турли зиддиятли ҳолатлар ва муаммоларни  
ҳал этиш ҳамда тегишли бошқарув қарорларини тўғри қабул қилиш;

самарали иш юритиш ва ҳужжатлар айланишини ҳамда жисмоний ва  
юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш;

илғор иш тажрибаси ва услубларини амалиётга тадбиқ этиш  
компетенцияларига эга бўлиши лозим.

## Модул бўйича машғулот тақсимоти:

Т/г	Блок ва ўқув модуллар номи	Ўқув юкламаси (соатларда)					Мустақил таълим
		Умумий юклама ҳажми	Аудитория машғулотлари (соатларда)				
			Жами	маъруза	семинар, давра суҳбати	амалий	
1	2	3	4	5	6	7	8
<b>III.</b>	<b>ИХТИСОСЛИК</b>	<b>326</b>	<b>218</b>	92	78	48	<b>108</b>
<b>10.</b>	<b>Жамоат тартибини сақлаш фаолияти</b>	<b>170</b>	<b>114</b>	52	50	12	<b>56</b>
10.1	ИИОнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари	6	4	2	2		2
10.2	“Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорнинг мазмун-моҳияти	6	4	2	2		2
10.3	ИИВ жамоат хавфсизлиги департаментининг фаолияти ва унинг ҳуқуқий асослари	6	4	2	2		2
10.4	Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари	6	4	2	2		2
10.5	ППХ саф бўлинмалари раҳбар ходимларининг вазифа тақсимотлари ва ваколатлари	6	4	2	2		2
10.6	ППХ саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини бошқариш	6	4	2	2		2
10.7	ППХ нарядларини хизмат ўташга таёрлаш	6	4	2	2		2
10.8	Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари.	6	4	2	2		2
10.9	ППХ саф бўлинмалари нарядларининг алоҳида вазиятлардаги тактик ҳаракатлари	6	4	2	2		2
10.10	ППХ нарядларининг оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш, ўтказиш ҳамда фавқулодда вазиятларда хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш бўйича фаолияти.	6	4	2	2		2
10.11	Ички ишлар органлари назорат-лицензиялаш тизимининг моҳияти, асосий вазифалари	8	6	2	2	2	2
10.12	ППХ нарядларининг вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича фаолияти	8	6	2	2	2	2
10.13	ППХ ходимларининг махсус воситаларни қўллашнинг ҳуқуқий асослари, шартлари ва	8	6	2	2	2	2



	тартиби						
<b>10.1-10.13-мавзулардан оралиқ назорат</b>		<b>2</b>					<b>2</b>
10.14	Оммавий тартибсизликлар юзага келган вақтда ИИО ходимларининг ҳаракати ва жойлашув тартиби	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>
10.15	Шубҳали предметлар ва портлатиш курилмалари аниқланганда ППХ нарядларининг хатти-ҳаракатлари	<b>8</b>	<b>6</b>	2	2	2	<b>2</b>
10.16	Темир йўл транспорти ва метрополитен объектлари ҳамда аэропортларда патруль-пост хизматини ташкил этиш	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>
10.17	ППХ ходимлари ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ИИОларига олиб келиш тартиби	<b>10</b>	<b>6</b>	2	2	2	<b>2</b>
10.18	Ички ишлар органлари Патруль-пост хизмати бригадаси ва батальонларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>
10.19	ИИО ларида конвой хизмати фаолияти	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>
10.20	Маъмурий қамокқа олинган шахсларни махсус қабулхоналарга олиб келиш ва сақлаш тартиби	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>
10.21	Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари ва уларнинг фаолиятини баҳолаш	<b>8</b>	<b>6</b>	2	2	2	<b>4</b>
10.22	ППХ нарядларининг гиёҳванд моддалар ва психотроп воситалар тарқалишининг олдини олиш бўйича фаолияти	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>
10.23	ППХ нарядларининг карантин тадбирларини таъминлаш бўйича фаолияти	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>
10.24	Вақтинча сақлаш хибсхоналари фаолиятини ташкил этиш тартиби	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>
10.25	Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш маркази фаолияти	<b>6</b>	<b>4</b>	2	2		<b>2</b>
10.26	ППХ ва ЖТС бўлинмаларининг ИИОларининг бошқа хизматлари ҳамда бошқа давлат органлари, муассасалари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги	<b>4</b>	<b>2</b>	2			<b>2</b>

**1-мавзу: ИИОнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари.**

(маъруза 2 соат)

**Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. ИИОнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорнинг мазмун-моҳияти.

2-ўқув савол. ИИО патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини шартномавий-ҳуқуқий асосда кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом.

**1-ўқув савол. ИИОнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорнинг мазмун-моҳияти.**

Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифасини самарали амалга оширишни ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида асосий вазифаси бевосита жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашдан иборат бўлган Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш хизмати ҳамда унинг тизимига кирувчи саф бўлинмаларининг таркибий тузилмалари шакилланди ҳамда уларнинг фаолияти такомиллаштириб борилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) қонуннинг қабул қилиниши бугунги кунда ички ишлар органларининг ўта масъулиятли, серқирра ва ранг-баранг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий майдондаги бўшлиқ, ноаниқлик ва зиддиятларни бартараф этиш, шунингдек алоҳида қонун доирасидаги ички ишлар органлари фаолиятига оид асосий қоидаларни ягона тизимга солишни таъминлаш орқали ички ишлар органлари тизимидаги ислохотларнинг мазмунан янги босқични бошлаб берди. Қонунда ички ишлар органларининг барча соҳалари қатори патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизматининг асосий фаолият йўналишлари ҳамда уларнинг ўз ваколатлари доирасида амалга оширилиши белгиланди.

Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари фаолиятини бошқаришни ҳуқуқий тартибга соладиган яна бир муҳим ҳужжат бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармони дир.

Унга мувофиқ, ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шунингдек мамлакатда кўча ва жамоат жойларда жамоат

тартибини сақлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги “**ИИОнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги**”ги ПҚ-2940-сон Қарори қабул қилиниб унда асосий йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси деб белгиланди:

Қарорда энг муҳим вазифалар деб қуйидагилар белгилаб берилган:

**биринчидан**, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш республика, ўрта ва қуйи бўлинмалари фаолиятини ташкил этишнинг асосий вазифа ва функцияларнинг аниқ белгиланиши ва тақсимланишини ҳамда ҳар бир ходимнинг ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун шахсий жавобгарлигини назарда тутувчи сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиш;

**иккинчидан**, кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари, вокзаллар, аэропортлар ва бошқа жамоат жойларида, шунингдек оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида хизматни ўташда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва кадр-қимматининг ҳурмат қилинишини, муомала маданияти ва одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш;

**учинчидан**, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимлари ўртасида профиль-баътик тадбирларни кучайтириш, улар томонидан хизматни ўташ жараёнида, айниқса тунги вақтларда порахўрлик ва ваколатни суиистеъмол қилиш ҳолатларига барҳам бериш;

**тўртинчидан**, ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий ва бошқа тадбирларни ўтказишда фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг юқори мобиллиги ва самарадорлигини оширишга имкон берадиган янги иш усуллари жорий этиш, ҳуқуқ-тартиботнинг гуруҳлар томонидан бузилиши ва оммавий тартибсизликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда бартараф этишнинг таъсирчан тизимини шакллантириш;

**бешинчидан**, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг мувофиқлаштирилиши ва ташкилий-услубий таъминланишини кучайтириш, мазкур соҳага юклатилган вазифаларни бажаришда ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан яқиндан ҳамкорлик қилиш механизмларини ривожлантириш;

**олтинчидан**, фаолиятда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун махсус қабулхоналар, вақтинча сақлаш хибсхоналари ва муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш каби вазифалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси ички ишлар органлари бўлинмалари, вазирлик ва идораларнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни ва унга ташкилий-услубий раҳбарликни амалга оширади;

-патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жавобгарлик ҳудудларига кирмайдиган жойларда жамоат тартибини ва хавфсизликни таъминлаш туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), шу жумладан профиль-бизнес инспекторлари зиммасига юклатилади.

Шунингдек Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати бригадаси таркибида ўрнатилган умумий штатлар сони доирасида 50 бош хизмат отлари бириктирилган Отлиқ отряд тузиши ҳамда унинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланди:

-очик жойларда ўтказиладиган оммавий тадбирлар чоғида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда юқори ҳаракатчанлик ҳамда мобиллик тўсиқлар ва ҳалқаларнинг ташкил этилишини таъминлаш;

-Тошкент шаҳрининг марказий кўчалари, дам олиш зоналари ва аҳоли гавжум бўладиган бошқа жойларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарларни ушлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш белгиланди.

**2-ўқув савол. ИИО патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини шартномавий-ҳуқуқий асосда кўрсатиш тартиби тўғрисида Низом.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2940-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 09 октябрдаги «Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хизматларни шартномавий-ҳуқуқий асосда амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 808-сон Қарори қабул қилинди.

Ушбу Низом ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хизматларни шартномавий-ҳуқуқий асосда кўрсатиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга, шунингдек йиғилишлар, митинглар, кўча намойишлари ва демонстрацияларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Бозорлар, йирик савдо, кўнгилочар, дам олиш мажмуалари ва марказлари ҳамда фуқаролар гавжум бўладиган бошқа жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тадбирлар шартномавий-ҳуқуқий асосда ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан мазкур жойларда фаолият кўрсатувчи юридик шахслар билан тузиладиган шартномаларга мувофиқ пулли асосда амалга оширилади.

Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хизматлар юзасидан шартнома тузиш.

Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматлари кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш учун юридик шахс туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлим)га ариза билан мурожаат қилади. Аризада юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, фуқаролар гавжум бўладиган жойнинг номи, манзили, бино ва иншоотлар ҳамда атрофидаги ҳудуднинг схемаси илова қилинган ҳолда кўрсатилади.

Шартнома тузиш тўғрисидаги ариза туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасининг (бўлимининг) жамоат тартибини сақлаш бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) томонидан ариза келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни ичида кўриб чиқилади.

Аризани кўриб чиқишда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасининг (бўлимининг) жамоат тартибини сақлаш бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) юридик шахс билан биргаликда фуқаролар гавжум бўладиган жой кўздан кечирилади.

Фуқаролар гавжум бўладиган жойни кўздан кечириш натижаси бўйича далолатнома тузилиб, унда объект ҳудудининг чегараси, ППХ бўлинмаси шахсий таркибининг талаб этиладиган сони, хизмат хоналари, пост ва маршрутларнинг жойлашуви, жавобгарлик ҳудуди, ППХ бўлинмаси ходимларининг хизмат олиб бориш вақти ҳамда тартиблари белгиланади, шунингдек, шартнома лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Кўздан кечириш далолатномаси ва шартнома лойиҳаси тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасига юборилади.

Фуқаролар гавжум бўладиган жойнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда, кўздан кечириш далолатномаси ва шартнома лойиҳасида

ППХ бўлинмасининг хизматини ташкил этишнинг алоҳида шартлари кўрсатилиши мумкин.

Юкланган вазифаларни бажариш учун ППХ бўлинмаси шахсий таркибининг сони, пост ва патруль йўналишларининг жойлашуви, шунингдек хизматни ўташ қоидалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ёки Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси кўздан кечириш далолатномаси ва шартнома лойиҳасини кўриб чиқиш яқунлари бўйича уларни беш иш кунидан кечиктирмаган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ёки Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси раҳбариятига тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ёки Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармалари томонидан кўздан кечириш далолатномасида объектлар чегарасини, ППХ бўлинмасининг жавобгарлик зоналарини, пост ва патруль йўналишларининг жойлашуви, сони ҳамда кўрсатиладиган хизматлар смета қийматини белгилашда жиддий камчиликлар аниқланганда, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасига (бўлимига) мазкур камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш тартиблари кўрсатилган билдиришнома юборилади.

Шартнома лойиҳаси амалдаги қонунларга мувофиқ бўлган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси уч иш кунидан ошмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юридик шахс билан шартнома тузиш ҳамда ППХ бўлинмаси ходимлари учун қўшимча штат бирликлари ажратиш тўғрисида тақдимнома киритади.

Юридик шахслар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси билан шартнома тузади.

Шартнома тузиш ва ППХ бўлинмаси ходимлари учун қўшимча штат бирликлари ажратиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

ППХ бўлинмаси зиммасидаги вазифаларни қўшимча штат бирликлари ажратилгандан сўнг амалга оширади.

**Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш**

Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматлари ППХ бўлинмалари нарядларининг фаолиятини ташкил этиш орқали кўрсатилади.

ППХ бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш ва уларни моддий-техник воситалар билан таъминлаш тузилаётган шартномалар бўйича тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

ППХ бўлинмаси ходимларининг хизматни олиб бориш тартиби ва вақти, пост ва маршрутларнинг жойлашуви ҳамда жавобгарлик ҳудудлари туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғи томонидан юридик шахс билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Фуқаролар гавжум бўладиган жой бир нечта туманлар (шаҳарлар) ҳудудида жойлашган тақдирда, ППХ бўлинмаси ходимларининг хизматни олиб бориш тартиби ва вақти, пост ва маршрутларнинг жойлашуви ҳамда жавобгарлик ҳудудлари Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади.

ППХ бўлинмалари ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиқлари тақдимномасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

ППХ бўлинмаларининг бошқарув аппарати ва командирлар таркибининг умумий сони (отряд, гуруҳ командирлари) шартномаларга асосан ажратилган штат бирликларининг тўрт фоизидан ошмаслиги керак.

ППХ бўлинмаларининг амалдаги шартномалар асосида киритилган штат бирликлари белгиланган тартибда қисқартирилади.

Ички ишлар органларининг шартнома асосида фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматлари кўрсатиш тарифлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ушбу тарифларни декларация қилиш (тасдиқлаш) йўли билан белгиланади.

Шартномалар асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб-рақамларига ўтказилади.

Кўрсатиладиган хизматлар учун келиб тушадиган маблағлар ходимларга ойлик маош бериш, уларни моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш ППХ бўлинмаларининг моддий-техник базасини, жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш ва янгилаш учун сарфланади.

### **Мустақил таълим учун топшириқ:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги “ИИОнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги ПҚ-2940-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 09 октябрдаги 808-сон Қарорларини тўлиқ ўқиб конспектлаштириш.

### **Семинар машғулоти**

Ушбу ўқув машғулоти **“Ақлий ҳужум”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга саволлар ташланади. “Ақлий ҳужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; ходимларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1. ИИОнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси.

2. Ички ишлар вазирлигининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тўғрисида Низом.

3. ИИВ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси вазифалари.

4. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармалари



**2-мавзу: “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича.**

(маъруза 2 соат)

**Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорнинг мазмун-моҳияти.

2-ўқув савол. Ўзбекистон Республикасида хавфсиз туризмни таъминлаш самарадорлигини ошириш.

**1-ўқув савол. “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорнинг мазмун-моҳияти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сон ҳамда 2019 йил 1 февралдаги «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5647-сон фармонларига мувофиқ, шунингдек, транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини самарали таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиш мақсадида, 2019 йил 6 мартда “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4229-сон Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида жорий этилаётган Хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясини Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида татбиқ этиш ва босқичма-босқич амалга ошириш белгилаб берилган.

Ички ишлар органларининг белгиланган штатлар сони доирасида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармалари, ва Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасининг хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил этилди.

**Ташкил этилган Бошқармалар фаолиятининг асосий йўналишлари**

❖ бевосита туризм намоиши объектлари ва инфратузилмаси худудларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари хизматини самарали ташкил қилиш;

❖ ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш борасидаги фаолиятига ахборот-техник жиҳатдан кўмаклашиш, улар ўртасидаги ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлик устидан қатъий назорат ўрнатиш;

❖ туризм намоёиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида криминоген вазиятни тизимли таҳлил қилиш, туристларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги **“Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-6196 сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу фармон билан Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси, Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда Метрополитенда хавфсизликни таъминлаш бошқармасини ўз ичига оладиган **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти ташкил этилди.**



**Департаментнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:**

➤ метрополитен, темир йўл, ҳаво-транспорт ва туризм намоёиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида (кейинги ўринларда — транспорт ва туризм объектлари) жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш;

➤ транспорт ва туризм объектлари ҳудудларида криминоген вазиятни тизимли таҳлил қилиш, йўловчи ва туристларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш;

➤ йўловчиларнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиладиган товар-моддий бойликларнинг бутлиги ва кўриқланишини самарали таъминлаш;

➤ транспорт ва туризм объектларида террористик таҳдидларни, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиактив, заҳарли, кучли таъсир қилувчи ва заҳарловчи моддаларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни ташкил қилиш;

➤ замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда транспорт ва туризм объектлари ва уларга туташ ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг марказлашган мувофиқлаштирилган бошқарувини амалга ошириш вазифалари юклатилди.

2019 йил 1 апрелдан бошлаб қуйидаги тартиб жорий этилган, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаментининг Хавфсиз туризм бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига шартнома асосида туристлар ва туристик гуруҳларни, шу жумладан автотранспортда ҳаракатланиш вақтида кузатиб бориш ҳамда моддий маданий мерос объектларида жамоат тартибини сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга;

❖ транспорт объектларида, биринчи навбатда туризм йўналишидаги поездларда хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича функциялар транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга оширилади;

❖ транспорт объектларида содир этилган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабар ва аризаларни ҳисобга олиш ва қайд этиш марказлашган тартибда транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг навбатчилик қисмлари томонидан амалга оширилади;

❖ транспорт объектлари ва уларга туташ ҳудудларда содир этилган жиноятлар билан боғлиқ баҳсли материалларни кўриб чиқишга доир қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг соҳавий ва минтақавий назоратни таъминлаш юзасидан бириктирилган ўринбосари томонидан Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

❖ туризм йўналишидаги темир йўл транспортида ҳаракатланиш давомида содир этилган, тегишлилиги бўйича ички ишлар органларига тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш уларда жамоат тартибини самарали таъминлаш учун кузатувчи

профильная практика инспекторлари лавозимларини босқичма-босқич жорий этиш орқали бевосита поездларнинг ўзида амалга оширилади;

❖ темир йўл вокзаллари ва аэропортлар атрофида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилишининг олдини олиш ва чек қўйиш ҳудудий ички ишлар органлари билан биргаликда транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сон фармонинг 1-иловасига мувофиқ, 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси қабул қилинган унда хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари жойларда Концепциянинг амалга оширилиши учун масъул бўлган ишчи орган сифатида фаолият олиб боради;

➤ хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ўз хизмат фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланадиган алоҳида фарқловчи белгилар, автотранспорт воситаларида ягона светографик схемалар ҳамда эмблемадан фойдаланишлари мумкин;

➤ бошқарма бошлиқлари бир вақтнинг ўзида тегишлича Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари ҳисобланади;

➤ бошқармаларга Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ички ишлар органларининг турдош бўлинмалари учун қонунчиликда белгиланган кадрларни танлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

➤ Тошкент шаҳар, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимлари тегишли вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмаларининг Концепцияни амалга ошириш бўйича фаолияти устидан тизимли назоратни таъминлайдилар ҳамда уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланадилар;

➤ ички ишлар органлари республикада хавфсиз туризмни таъминлаш аҳволини тизимли мониторинг қилади ҳамда туристлар оқими ва юзага келаётган тезкор вазият таҳлили асосида мазкур йўналишдаги иш самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига вақти-вақти билан таклифлар киритиб боради;

➤ транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятини кундалик тартибга солиш масалалари бўйича тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларига, хизмат ва тезкор фаолиятни ташкил этиш масалалари бўйича бевосита Бош бошқармага бўйсунди.

➤ хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимларининг қўшимча штат бирликларини жорий қилиш ҳамда туризм намоёиши ва инфратузилмаси объектларининг сони ҳамда ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу соҳага фуқароларни шартнома асосида жалб қилиш;

➤ хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимлари учун, қонунчиликда белгиланган бошқа қўшимча ҳақлардан қатъи назар, лавозим маошининг 100 фоизигача бўлган миқдорда рағбатлантирувчи устамалар жорий этиш ҳуқуқи берилди.

Жамғарма маблағлари фақат қуйидагилар учун сарфланади:

➤ хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмаларининг ходимларини рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

➤ хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимларининг касбий тайёргарлигини ошириш, улар томонидан илғор хорижий тажрибани, шу жумладан хорижий мамлакатларга чиқиш орқали ўрганиш билан боғлиқ талбирларни ташкил этиш

## 2-ўқув савол. Ўзбекистон Республикасида хавфсиз туризмни таъминлаш самарадорлигини ошириш

2019 йилда Ўзбекистон Республикасида хавфсиз туризмни таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланган.

Бунда вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва самарали амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилган.

шартнома асосида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ маблағлари ҳисобидан туристик йўналишлар бўйича темир йўл поездларида профильактика инспекторларининг қўшимча штат бирликларини жорий этиш;

транспорт объектларида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва ўз вақтида чек қўйиш ҳамда фавқулодда ҳолатларда ҳаракатланиш мақсадида идоравий вертолёт техникаси имкониятларидан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари туризм объектлари ва инфратузилмаси ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини моддий-техник мустаҳкамлаш мақсадида уч ой муддатда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмаларига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 3 тадан енгил автомобиль, 5 тадан скутер ва 5 тадан мотоциклларни бир марталик харид қилиш ва ажратиш чораларини кўриш;

Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармасининг хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси таркибида «Чорвоқ» эркин туристик зонаси ҳудуди табиий шароитларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳудудда хизмат олиб борувчи тегишли бўлинмани шакллантириш;

Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан бажарилган ишларни ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида уларнинг ташкилий-штат тузилмасини қайта кўриб чиқиш:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Транспорт вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда:

Бош бошқарма тузилмасида транспорт объектлари ва уларга туташ ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг марказлашган мувофиқлаштирилган бошқарувини амалга ошириш имконини берувчи ситуацион-таҳлилий марказни тузиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилди ва босқичма босқич амалиётга татбиқ этилмоқда;

-транспорт объектларида, шу жумладан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзбекистан аирпорте» АЖ маблағлари ҳисобидан интеллектуал видеокузатув тизимини жорий этишни ҳамда уни «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплексига босқичма-босқич интеграция қилишни белгилаб берди.



Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Транспорт вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида полиция тузилмалари ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашув ва музокараларни назарда тутувчи илғор хорижий тажрибани ўрганиш дастури тасдиқланди.

 **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:**

мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқланиши белгиланди;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Хавфсиз туризмни таъминлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни ишлаб чиқилди ва тасдиқланди;

янгидан ташкил этилаётган бўлинмаларнинг тўлақонли фаолиятини таъминлаш мақсадида фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда уларни жойлаштириш, жиҳозлаш, малакали мутахассислар билан тўлдириш ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда;

Мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, Жамғарма, маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

**Мустақил таълим учун топшириқ:** “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорини тўлиқ ўқиб конспектлаштириш.

**2-мавзу: “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорнинг мазмун-моҳияти.**

## Семинар машғулоти

Ушбу ўқув машғулоти **“Ақлий ҳужум”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга саволлар ташланади. “Ақлий ҳужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; ходимларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.



### *Ўқув машғулотнинг саволлари:*

1-савол. “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-4229-сон қарор мазмуни

2-савол. Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти қайси норматив ҳужжат асосида ташкил этилган?

3-савол. Департаментнинг асосий вазифаларига нималар киради?

**3-мавзу: ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаментининг фаолияти ва унинг ҳуқуқий асослари.**

(маъруза 2 соат)

### **Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаментининг фаолияти, вазифалари.

2-ўқув савол. Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепцияси.

**1-ўқув савол. ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаментининг фаолияти, вазифалари.**

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш



мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “**Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПФ-6196-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу фармон асосида Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмларини жойий этиш баробарида:

-ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

-ҳудудларда жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш;

-«республика — вилоят — туман — маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

-ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш мақсадида

Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликлар профильёактикаси бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Пробация хизматини ўз ичига оладиган Жамоат хавфсизлиги департаменти ташкил этилди.

Жумладан кўча ва жамоат жойларда хизмат олиб борадиган патруль-пост ва йўл-патруль хизмати бўлинмалари фаолиятини, шунингдек, маҳаллалар ва жамоат жойларида манзилли профильёактик тадбирлар ўтказилишини мувофиқлаштириш ҳамда муқаддам судланган ва пробация ҳисобига олинган шахслар билан ишлаш ҳамда ички ишлар органларининг тунги хизматини ташкил этиш белгиланган.

**Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

-ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш ҳамда уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

-жамоат тартибini сақлаш фаолиятини ташкил этиш, жамоат жойларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари куч ва воситаларини самарали бошқариш чораларини кўриш;

-ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профильёактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профильёактик ҳисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш;

-воёга етмаганлар ва ёшлар, айниқса уларнинг уюшмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профильёактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

-йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш, транспорт воситасини бошқаришга доир чекловларга риоя этилишини назорат қилиш;

-озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларнинг ҳуқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш.

Ички ишлар вазирининг ўринбосари Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлиғи зиммасига жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги жорий этилаётган бошқарув тизимини самарали йўлга қўйиш ҳамда Департаментнинг асосий вазифалари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этиш бўйича шахсий жавобгарлик юклатилди.

Департамент Стратегия, «Йўл харитаси» ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар дастурларининг амалга оширилиши бунда:

-мунтазам мониторинг олиб бориб, белгиланган чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича таклиф ва тавсияларни тегишли давлат органларига киритади;

-жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида эришилган натижалар ва аниқ кўрсаткичлар акс эттирилган батафсил ахборотни доимий равишда кенг жамоатчиликка етказиб боради;

-ҳар чоракда умумлаштирилган ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига киритади ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши муҳокамасига тақдим қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари мажлисларида ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг ўринбосарлари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари томонидан ҳар чоракда жамоат хавфсизлиги юзасидан ҳисобот бериш, шунингдек, мазкур йўналишда кўрилатган чораларнинг

натижаларини танқидий муҳокама қилиб, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш амалиёти жорий этилади;

-республикада жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда ваколатли идораларнинг ҳаракатларини умумий мувофиқлаштириш вазифаси Департамент зиммасига юклатилади ҳамда унинг қошида ягона идоралараро бошқарув штаби ташкил этилади;

-Департамент бошлиғи ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган жамоат хавфсизлигини таъминлаш тадбирларининг ягона мувофиқлаштирувчиси ҳисобланади;

-Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари таркибига жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профильёактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва пробация хизматлари киритилади.

Ички ишлар вазирлиги томонидан :

-ваколатли давлат органлари билан биргаликда икки ой муддатда алоҳида шароитларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мавжуд куч ва воситаларни тезкор ва ягона идоралараро бошқариш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

-ички ишлар органлари профильёактика ва пробация инспекторлари, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимларининг фаолиятини баҳолаш тартибини танқидий қайта кўриб чиқсин ва самарадорлик индикаторларини ўз ичига олувчи рейтинг тизими жорий этилади.

## **2-ўқув савол. Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепцияси**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади.

### **Концепцияда қўлланилган асосий тушунчалар:**

**жамоат хавфсизлиги**—жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

**жамоат хавфсизлигини таъминлаш**—давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизим.

## **Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги миллий манфаатлар:**

жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини, сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллиги, фуқаролик масъулиятини ошириш асосида мамлакатда ҳуқуқий жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш;

ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш, давлат ва жамият бошқаруви тизимини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш;

мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг фаол ва бунёдкор ролини, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;

жамиятда миллатлараро ва динлараро муносабатларни, диний бағрикенглик маданиятини, дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва гуманизмни ҳар томонлама мустаҳкамлаш;

дунёда доимий равишда кечаётган ўзгаришлар ва улар билан боғлиқ реал ҳамда эҳтимолий таҳдидлар шароитида жамиятнинг ўзлигини (тили, маданияти, ижтимоий тузилиши, миллий ўзига хослиги ва динини), яъни ўзини ўзи сақлаб қолиш қобилияти ва салоҳиятини мустаҳкамлаш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

жамоат хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан кенг қамровли мақсадли дастурларни қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;

жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, шу жумладан бундай тажовузларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг асосий омилларини аниқлаш ва бартараф этиш;

ижтимоий ва миллатлараро низоларнинг профиль-бъактикасини амалга ошириш;

ҳар қандай кўринишдаги террористик ва экстремистик фаолиятни аниқлаш ва унга чек қўйиш, коррупция, гиёҳванд ва психотроп моддалар, қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар, ноқонуний миграция ва одам савдоси ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш;

ижтимоий инфратузилманинг, шу жумладан туризм объектларининг узлуксиз ва хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш;

транспорт инфратузилмасини, транспорт воситаларининг хавфсизлик стандартларини ва йўл ҳаракати қоидаларини такомиллаштириш орқали йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида етказиладиган зарар ва ўлим билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш;

жиноят содир этишга мойил, маъмурий ва пробация назоратига олинган ҳамда ёт бўлган ғоялар таъсирига тушиб адашган шахсларнинг ижтимоийлашуви, шу жумладан уларни касб-ҳунарга ўқитиш ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали ушбу тоифадаги фуқаролар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслик;

аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, фуқаро муҳофазаси, ёнгин хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг кўникмаларини шакллантириш ва доимий такомиллаштириб бориш;

вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни амалга ошириш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини кенг жорий этиш;

жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинадиган ваколатли давлат органлари куч ва воситаларининг доимий тайёрлигини таъминлаш, тезкорлигини ошириш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг шахсий таркибини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш даражасини ошириш.

**Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти қўйидаги асосий тамойилларга таянган ҳолда амалга оширилади:**

қонунийлик;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни ҳурмат қилиш;

очиклик ва шаффофлик;

жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларининг устуворлиги;

жамоат хавфсизлигини таъминлашда барча ваколатли тузилмаларнинг ҳаракатлари изчиллиги ва бирдамлиги.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат идоралари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинувчи куч ва воситаларнинг ҳаракатлари ўзаро изчиллик ва бирликка асосланади ҳамда бу борадаги фаолиятда сансалорлик ва зиддиятларга йўл қўйилмайди.

### **Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими жамоат хавфсизлигини таъминловчи ва унда иштирок этувчи субъектлардан иборат.

Жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан иборат.

Бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектларга киради.

#### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:**

жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жумладан ҳуқуқбузарлик, ижтимоий ва миллатлараро низоларнинг олдини олишга қаратилган комплекс мақсадли давлат дастурлари ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича барча давлат органлари ва ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, халқаро ташкилотлар ҳамда фуқаролар билан самарали ҳамкорлигини таъминлайди;

жамоат хавфсизлигини бевосита таъминловчи субъектларнинг моддий-техник таъминотини, шунингдек, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

жамоат хавфсизлигини таъминлашда фаол иштирок этган нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

#### **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:**

жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли идоравий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жинойтчилик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чоратадбирларни амалга оширади;

жамоат жойларида, шу жумладан йўлларда, транспорт ва туризм инфратузилмаси объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган барча куч ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ташкилий-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди;

фуқаровий ҳамда хизмат қуроли ва унинг ўқ-дорилари муомалада бўлиши соҳасига доир қоидалар ва тартибга, ушбу соҳадаги лицензия ва рухсат беришга оид талаблар ҳамда шартларга риоя этилишини таъминлайди;

ҳуқуқбузарликлар профильбақтикасини амалга оширади, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлайди;

жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жинойтларнинг комплекс, тизимли таҳлилини олиб боради, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар, кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ва тавсиялар киритади;

жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга чек қўйиш бўйича тадбирлар юзасидан умумий бошқарув тизимини таъминлайди;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ҳақида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб боради, бу борада жамоатчилик фикрини ўрганади;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни амалга оширади.

### **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси:**

жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли идоравий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга чек қўйиш бўйича тадбирларни амалга оширади;

ўзига бириктирилган жамоат жойларида, шу жумладан Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларидаги оммавий тадбирларда, истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни ташкил этади;

ваколати доирасида фавқулодда вазиятларда ва фавқулодда ҳолат эълон қилинган ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлайди;

террорчиликка қарши операцияларни ўтказишда ваколатли давлат идоралари билан ҳамкорликда иштирок этади;

давлат объектларини, ўта муҳим, тоифаланган объектларни ҳамда бошқа объектларни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани қўриқлайди;

кўриқлаш фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;  
жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни амалга оширади.

**Концепцияни амалга ошириш қуйидагиларни ўз ичига олади:**

жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш;

жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли ва манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган идоралараро амалий ўқув машғулотларини ўтказиш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида малакали кадрларни тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш, тизимли малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

жамоат хавфсизлигига хатарларнинг ҳолати ва даражаларини белгиловчи мезонларни ва асосий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолатининг жорий ва истиқболдаги ривожланишини прогноз қилиш, мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни белгилаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жамоат хавфсизлигига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларнинг профильёактикасини амалга ошириш, уларни содир этган шахсларнинг белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини таъминлаш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқаришнинг ягона марказлашган тизимини жорий этиш;

жамоат хавфсизлигини таъминлашда рақамли технологияларни кенг жорий этиш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва уни татбиқ этиш чораларини кўриш, соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга таҳдидлар, уларнинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари, жамоат хавфсизлигининг таъминланганлиги ҳолати белгиланган кўрсаткичлар асосида баҳоланади.

**Мустақил таълим учун топшириқ:** Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар тўлиқ ўқиб конспектлаштириш.

**3-мавзу: ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаментининг фаолияти ва унинг ҳуқуқий асослари.**

**Семинар машғулоти**

Ушбу ўқув машғулоти **“Ақлий ҳужум”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.



Мавзу юзасидан тингловчиларга саволлар ташланади. “Ақлий хужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий хужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; ходимларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

***Ўқув машғулотнинг саволлари:***

1. “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармон мазмуни.

2. Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмларини жойий этиш.

3. Департаментнинг асосий вазифалари.

4. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги миллий манфаатлар.

**4-мавзу: Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари.**

(2-соат маъруза)

**Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низоми.

2-ўқув савол. ППХ саф бўлинмаларининг асосий вазифа ва функциялари.



**1-ўқув савол. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низоми.**

Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари ижро ва фармойиш берувчи ҳокимият органи ҳисобланади. Давлат ва жамиятнинг ички ишлар соҳасини бошқариш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларига юклатилган. Ўзининг бажарадиган функцияларига мувофиқ ички ишлар органларини ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари қаторига киритамиз.

Ички ишлар органларининг тизими Ўзбекистон Республикаси миллий давлат тузилиши ва маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос ҳолда, шунингдек иқтисодий, ташкилий техник ва ҳуқуқий омилларни инобатга олган ҳолда тузилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИО тизимида кенг ислоҳатларни амалга ошириш ҳозирги вақтда давр талаби бўлиб бунда аввало охириги йиллардаги ислоҳатларнинг бошланиши Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органли тўғрисида” ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ–2940-сон «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон фармонига мувофиқ, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2023 йил 20 февралдаги «Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 77-сон буйруғи қабул қилинди. Мазкур буйруқ ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини белгилайди.

**Мазкур буйруқда қўлланиладиган асосий тушунчалар:**

**бодикамера** – жамоат жойларида атрофдаги вазиятни, фуқароларнинг ҳаракатлари ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни патруль-пост хизмати ходимларининг хизмат

вазифаларини бажариш вақтидаги ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни аудио-, видео ёзув шаклида қайд этувчи ускуна;

**“Е-патруль”** тизими – текширилаётган шахсни планшет орқали бармоқ изларини планшетнинг махсус сканери ёрдамида, агар бармоқ изи билан идентификация қилиш имкони бўлмаса, унинг юз тузилиши (юзнинг олд томони)ни расмга олиш орқали реал вақт режимида текшириш, маълумотларни шакллантириш, тўплаш, умумлаштириш, сақлаш, шунингдек, ваколатли органлар ўртасида идоралараро ахборот алмашишнинг марказлаштирилган электрон тизими;

**жамоат жойлари** – сутканинг ҳар қандай вақтида шахсларнинг бўлиши, эркин ҳаракатланиши ва тўпланиши мумкин бўлган жойлар, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кириш (чиқиш) тартибга солинган объектлар. Шу жумладан, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, истироҳат боғлари, стадионлар, иш жойлари, барча турдаги жамоат транспортлари жамоат жойлари ҳисобланади;

**жамоат хавфсизлиги** – шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнғинлардан ҳимояланганлик ҳолати;

**жиноят** – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

**жиноятчиликка қарши кураш** – жиноятнинг содир этилишига имконият туғдирувчи ҳолатларни бартараф этиш (камайтириш), жиноятларнинг олдини олиш, уларни тўхтатиш, рўйхатга олиш, очиш, жиноятчиларни қидириш ва тергов қилиш, одил судловни амалга ошириш, жиноят содир этган шахсни тузатиш, жазони ўтаб чиққанидан сўнг уларнинг ахлоқини назорат қилиш, шунингдек, жиноятнинг салбий оқибатларини тугатишга қаратилган иқтисодий-сиёсий, ҳуқуқий, руҳий, ташкилий, техник хусусиятдаги чора-тадбирлар йиғиндиси;

**жамоат тартибини сақлаш** – фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, ташкилотларнинг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун тўлиқ шароит яратишга, уларнинг шаъни, қадр-қимматини ҳамда умумхлоқий кадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий нормалар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими;

**махсус воситалар** – ички ишлар органлари таъминотида бўлган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда қўлланиладиган, инсонга ёки бирор-бир моддий объектга мажбурий

жисмоний таъсир ўтказиш учун мўжаллаган техник буюмлар (электрошок қурилмаси, махсус резина таёқчаси, қўл кишани ҳамда предметлар, моддалар ва бошқалар);

**маъмурий ҳуқуқбузарлик** – маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

**патруль-пост хизмати** – ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ белгилаб берилган ҳудудлар ва жойларда хизмат ўташи;

**патруль-пост наряди** – патруль-пост хизматини ўташга жалб этилган ички ишлар органи ходими ёки ҳарбий хизматчиси ёхуд улардан иборат бўлинма (гурух);

**планшет** – маълумотлар базаси ахборот тизимига интеграция қилинган техник восита. Шахснинг биометрик идентификацияси (юз қиёфаси ёки бармоқ изи)ни электрон равишда олиб, унинг шахсига оид (судланганлиги, қидирувдалиги, профильёъақтик, пробақия ва маъмурий назорат ҳисобида туриши ва бошқа) тезкор маълумотларни мобильёъ ҳолатда жойида текшириш воситаси;

**транспорт объектлари** – темир йўл ва ҳаво транспорти ҳамда метрополитен объектлари;

**ҳуқуқбузарлик** – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ўзларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда, ички ишлар органларининг жиноят қидирув, терроризмга қарши кураш, йўл-патруль, профильёъақтика, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, ёнғин хавфсизлиги, қўриқлаш хизматлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик вакиллари ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлик қилади.


ППХ саф бўлинмалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишларига, амал қилади.

**ППХ саф бўлинмалари қуйидагиларни ўз ичига олади:**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси «Тошкент-Марказий» вокзалида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлими ва «Тошкент» аэропортида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимининг Жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари Патруль-пост хизмати отрядлари;

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати бригадаси;

 Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаларининг Патруль-пост хизмати батальонлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари Жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари (гуруҳлари) Патруль-пост хизмати гуруҳлари (бўлинмалари).

Патруль-пост хизмати бригадаси батальонлардан, батальонлар отрядлардан, отрядлар эса гуруҳлардан ташкил топади.

ППХ саф бўлинмаларининг фаолияти қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳолислик, очиқлик ва шаффофлик принципи асосида ташкил қилинади.

ППХ саф бўлинмалари Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўзининг тўлиқ номи ёзилган бланк ва муҳрга, шунингдек фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан таъсис этиладиган ўз рамзига эга бўлиши мумкин.

ППХ саф бўлинмалари ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг ҳақиқий зарурати бўлган шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшаш пунктларида ҳамда транспорт объектларида белгиланган тартибда ташкил этилади ва жойлаштирилади.

ППХ саф бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланган шаҳар (туман)ларнинг кўчалари ва бошқа жамоат жойларида хизмат олиб боради.

Ушбу жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни ташкиллаштириш ва амалга ошириш туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаларининг ички ишлар бўлимлари (бундан буён

матнда туман (шаҳар) ИИБлари деб юритилади) ҳамда Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари бошлиқларига юклатилади.

ППХ саф бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари (бундан буён матнда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБлари деб юритилади) Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаларининг саф бўлинмалари ҳисобланиб, хизмат кўрсатиладиган туман (шаҳар) ИИБлари бошлиқлари ва улар ўринбосарларининг оператив бўйсунувида бўлади.

◆ ППХ саф бўлинмалари Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБлари Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармалари бошлиқларига, Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари (бундан буён матнда Транспортда ЖХТБ деб юритилади) ППХ саф бўлинмалари эса ушбу бўлимлар бошлиқларининг жамоат тартибини сақлаш хизматига раҳбарлик қилувчи ўринбосарларига бевосита бўйсунди.

Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган ППХ саф бўлинмалари штатлар сонининг энг юқори чегараси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

ППХ саф бўлинмаларининг лавозимлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади.

ППХ саф бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига мувофиқ ташкил этилади ва тугатилади. Шартномавий-ҳуқуқий асосдаги ППХ бўлинмалари бундан мустасно.

**2-ўқув савол. ППХ саф бўлинмаларининг асосий вазифа ва функциялари.**



**Қуйидагилар ППХ саф бўлинмаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:**


❖ жавобгарлик ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш;

❖ жавобгарлик ҳудудларидаги криминоген вазиятни таҳлил қилган ҳолда ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш;

❖ экстремал вазиятларда, айниқса террорчилик ҳаракатлари ва бошқа оғир жиноятлар содир этилганда жамоат тартибини сақлаш бўйича доимий жанговар шайликни таъминлаш;

❖ ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий ва бошқа тадбирларни ўтказишда фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг юқори мобиллиги ва самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ-тартиботнинг гуруҳлар томонидан бузилиши ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш;

❖ постлар ва патрулик йўналишларида ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари ва ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ҳамкорликни таъминлаш.



Ўз зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ППХ саф бўлинмалари қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) жавобгарлик ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган чора-тадбирларини кўриш бўйича:

➤ фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини жинойий ҳамда бошқа тажовузлардан ҳимоя қилиш;

➤ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек уларни содир этган шахсларни ушлаш чораларини кўриш мақсадида кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, транспорт объектлари ва бошқа жамоат жойларида патруликни амалга ошириш;

-патрулик йўналишларида (постларда) терговга қадар текширув (суриштирув), тергов органларидан, суддан яшириниб юрган, жинойий жазони ва маъмурий жазони ўташдан бўйин товлаётган, шунингдек бедарак йўқолган шахсларни аниқлаш;

➤ ҳуқуқбузарлик содир этган ёки содир этганликда шубҳаланган шахсларни белгиланган тартибда ички ишлар органига ёки ички ишлар органининг таянч пунктига (бундан буён матнда таянч пункти деб юритилади) олиб бориш;

➤ жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан кўчалар ва бошқа жамоат жойларида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш;

➤ жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва бахтсиз ҳодисалардан жабрланган фуқароларга ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солаётган таҳдидларни бартараф этиш;

б) жавобгарлик ҳудудларидаги криминоген вазиятни таҳлил қилган ҳолда ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш бўйича:

❖ кўчалар ва бошқа жамоат жойларидаги ҳодисалар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш;

❖ патрулик йўналишларида (постларда) содир этилган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириш;

❖ жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва ҳодиса содир бўлган жойга дарҳол етиб бориш, ғайриқонуний қилмишларга чек қўйиш, фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва ҳодиса изларининг сақланишини таъминлаш;

❖ кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида мавжуд куч ва воситаларни қайта тақсимлаш, улардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш;

в) экстремал вазиятларда, айниқса террорчилик ҳаракатлари ва бошқа оғир жиноятлар содир этилганда жамоат тартибини сақлаш бўйича доимий жанговар шайликни таъминлаш бўйича:

ППХ саф бўлинмаларининг инфратузилмасини такомиллаштириш, моддий-техника ва ўқув-техника базасини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

➤ кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, бошқа лавозимга ўтказиш, рағбатлантириш, ўрнатилган тартибда қайта тайёрлаш ва малака ошириш, уларга махсус унвонлар бериш, интизомий жазоларни қўллаш, уларнинг касбий ва жанговар тайёргарлигини таъминлаш ҳақида таклифлар киритиш;

➤ ҳуқуқбузарликларни, айниқса террорчилик ҳаракатлари ва бошқа жиноий тажовузларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек оммавий тадбирларни ўтказишда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича ички ишлар



органларининг бўлинмалари ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда ўтказиладиган машқ ва ўқув машғулотларида бевосита иштирок этиш;

➤ авариялар, фалокатлар, ёнғинлар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятларда аҳолини хабардор қилиш, одамларни қутқариш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ёнғинларни ўчириш, ҳудуднинг зарур участкаларини ўраб олиш (тўсиш) юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш, шунингдек фавқулодда вазиятларда қаровсиз қолган мол-мулкни қўриқлаш;

➤ ички ишлар органларининг фавқулодда ҳолатларда ҳаракатланиш бўйича махсус режалари амалга киритилганда, ушбу режалар асосида юклатилган вазифаларни ўз ваколатлари доирасида бажариш;

г) ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий ва бошқа тадбирларни ўтказишда фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг юқори мобиллиги ва самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ-тартиботнинг гуруҳлар томонидан бузилиши ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш бўйича:

➤ оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олиш ҳамда уни ўз вақтида бартараф этиш;

➤ оммавий тадбирлар ўтказиш объектларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ўта хавфли ва махсус юкларни қўриқлаш бўйича шартномавий-ҳуқуқий асосда хизматлар кўрсатиш;

➤ муҳандислик-техник воситалардан фойдаланган ҳолда оммавий тадбирлар ўтказиш объектларига бориш йўлларининг тўсилишини ташкил этиш ва уларни ўраб олиш чегараларини ҳосил қилиш;

➤ оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларга кириш жойларида замонавий техник воситалар, шунингдек психологик-визуал кузатув усуллари ёрдамида шахслар ҳамда автотранспортларни кўздан кечиришни ташкил этиш;

➤ оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш чоғида ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни ушлаш чораларини кўриш;

д) постлар ва патруллик йўналишларида ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари ва ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла посбони» жамоатчилиқ тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ҳамкорликни таъминлаш бўйича:

➤ -кўчалар ва бошқа жамоат жойларида, оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш чоғида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этиладиган ички ишлар органлари

бўлинмалари ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликни ташкил этиш;

 ППХ саф бўлинмалари фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш;

❖ жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда яқиндан ёрдам берган ва ўрнатган қўрсатган фуқароларни рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш;

❖ ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув фаолиятининг ҳамда жиноятларнинг олдини олиш, уларни фош этиш ва жиноятчиларни ушлаш, ҳуқуқбузарликлар профильёбъактикаси бўйича бошқа тадбирларнинг амалга оширилишида ўз ваколатлари доирасида уларга кўмаклашиш;

❖ ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ахборот алмашиш ҳамда ҳамкорликдаги тадбирларда иштирок этиш.

ППХ саф бўлинмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**Мустақил таълим учун топшириқ:** ППХ саф бўлинмаларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги ўқиб конспектлаштириш.

## 4-мавзу: Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари.



### Семинар машғулоти

Ушбу ўқув машғулоти “Кичик гуруҳларда ишлаш савол-жавоб ақлий хужум”, тест технологияси, тоифалаш жадвали” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари

### ППХ саф бўлинмаларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги



1-гуруҳга топширик. ИИО ППХ ва ЖТС хизматидаги ислоҳатлар?

2-гуруҳга топширик. Уставдаги асосий тушунчалар?

3-гуруҳга топширик. ППХ саф бўлинмалари ўзларига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажаришда қандай ҳуқуқларга эга?

4-гуруҳга топширик. ППХ саф бўлинмалари ходимлари Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ қандай ҳуқуқларга эга?

**ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамага келинади.

## **5-мавзу: ППХ саф бўлинмалари раҳбар ходимларининг вазифа тақсимотлари ва ваколатлари.**

(маъруза 2-соат)

### **Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. ППХ саф бўлинмалари раҳбар ходимларининг ваколатлари.

2-ўқув савол. ППХ саф бўлинмалари ходимларининг пост ва патруллик йўналишларидаги мажбуриятлари.

**1-ўқув савол. ППХ саф бўлинмалари мансабдор шахсларининг ваколатлари.**



**Кўча ва жамоат жойларида хизмат олиб бораётган Патрул пост хизмати нарядларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2023 йил 20 февралдаги «Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 77-сон буйруғи асосида тартибга солинган.**

ППХ саф бўлинмаларининг мансабдор шахслари:

ППХ саф бўлинмаси (бригада, батальон, отряд, гуруҳ) командири:

бўлинма барча шахсий таркибининг тўғридан-тўғри бошлиғи ҳисобланади;

бўйсунувидаги бўлинма фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш ва бўлинманинг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг тегишли тарзда бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

фавқулодда ҳамда тезкор вазият мураккаблашган бошқа вазиятларда юклатиладиган вазифаларни бажариш бўйича бўйсунувидаги куч ва воситаларнинг жанговар шайлигини таъминлайди;

тезкор вазиятнинг таҳлили асосида туман (шаҳар) ИИБ раҳбариятига ППХ саф бўлинмасининг куч ва воситаларини тақсимлаш бўйича таклифлар киритади;

ППХ нарядлари билан йўриқномаларни ташкил этиш ва ўтказишни таъминлайди, уларни хизмат ўташини, ташқи кўринишини, формали кийим-бошни кийиш қоидаларига амал қилишларини ҳамда махсус ва техник воситалар билан таъминланганликларини назорат қилади;

бўлинманинг ҳамда ҳар бир ходимнинг иш натижалари ҳисоби олиб борилишини ташкиллаштиради, кунлик таҳлиллар асосида иш натижалари самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

ўз ўринбосарлари ва бўлинма ходимларининг функционал вазифаларини тақсимлайди, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий ва бошқа тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш бўйича куч ва воситаларнинг юқори мобиллигини таъминлайди;

жамоат тартибини сақлаш масалалари бўйича ички ишлар органлари бўлинмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари ва бошқа жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликни таъминлайди;

хизмат ўташ чоғида ходимлар томонидан шахсий хавфсизлик чораларига, ўқотар қурол, техника ва махсус воситаларнинг муомаласига оид тартиб-қоидаларга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатади;

саф бўлинмани махсус воситалар, замонавий техник воситалар ва анжомлар, алоқа ва транспорт воситалари билан таъминлаш бўйича тақлифлар киритади;

бўлинма лавозимларининг жамланишини ташкил қилади, бўйсунувидаги ходимларнинг шахсий ва ишчанлик сифатларини шакллантириб боради;

шахсий таркиб билан маънавият ва маърифат дарслари, хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик машғулотларининг ўтказилишини таъминлайди, ходимларни ўқитиш ва тарбиялаш ишларига шахсан раҳбарлик қилади, шахсий таркиб томонидан хизмат интизоми ва қонунийлик бузилишининг олдини олиш чораларини кўради;

шахсий таркибнинг асосли эҳтиёж ва талабларини кўриб чиқади, уй-жой, маиший ва бошқа ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича кўмаклашади;

ўз ваколати доирасида бўйсунувидаги ходимларга махсус унвонлар бериш, интизомий жазоларни қўллаш, меҳнат таътилларини бериш, уларни рағбатлантириш, бошқа лавозимга ўтказиш ҳамда қайта тайёрлаш ва малака оширишга юборишни амалга оширади ёки бу ҳақида тақлифларни ўрнатилган тартибда тақдим этади;

бўлинманинг штатлар сонини қайта тақсимлаш тўғрисида тақлифлар киритади;

бўлинманинг иш режалари ва хизматга оид бошқа ҳужжатларини ваколати доирасида тасдиқлайди;

бўлинмага берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

ППХ саф бўлинмаси командирининг функционал вазифалари бўйсунув тартибида юқори турувчи бошлиқ (командир) томонидан белгиланади ва тасдиқланади.

ППХ саф бўлинмаси командирининг биринчи ўринбосари – штаб бошлиғи:

ППХ саф бўлинмаси (бригада, батальон) командирига бўйсунди;

Вазирликнинг ички идоравий хужжатларига мувофиқ тезкор вазиятнинг таҳлили ва уни баҳолаш асосида бўлинма хизмат фаолиятининг режалаштирилишини ташкил этади, шу жумладан бўлинманинг иш режаларини ишлаб чиқади;

иш натижаларини умумлаштиради, тегишли ахборот-таҳлилий, ҳисобот ва иш натижалари ҳақида маълумотларини тайёрлайди;

бўлинма командирининг бошқарув қарорлари тайёрланишини ташкиллаштиради ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

ўқотар қуроллар, уларнинг ўқ-дорилари, махсус ва техник воситаларни белгиланган тартибда ҳисобини юритиш, сақлаш, тарқатиш ва қабул қилиш тартиб-қоидаларига амал қилинишини, фаолиятга оид хужжатларнинг юритилишини кундалик тартибда назорат қилади;

бўлинмада навбатчилик хизматини ташкиллаштиради ва назорат этади;

шахсий таркибнинг кунлик саф рўйхатини юритади;

бўлинма командири йўқлигида унинг ваколатларини амалга оширади.

**ППХ саф бўлинмаси командирининг хизмат ва жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари:**

ППХ саф бўлинмаси (бригада, батальон, отряд) командирига бўйсунди;

шахсий таркибни хизмат ўташга тайёргарлигини, ходимларнинг ташқи кўринишини, ўқотар қурол, махсус ва техник воситаларни қўллаш ҳамда автотранспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича билимларини текширади, илғор тажрибаларни ўрганади ва кундалик фаолиятда жорий этади;

бўлинма командирининг топшириғига мувофиқ, хизмат ўташга жалб этилган ППХ нарядлари билан йўриқномаларни ўтказади ва уларга зарурий вазифаларни қўйиб, бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

ППХ нарядларининг бевосита хизмат ўташ жойларида ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволини ўрганади ва баҳолайди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ва бу ҳақида бевосита командирига ахборот беради;

кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кейинги сутка учун куч ва воситаларни тақсимлаш юзасидан таклифларни тайёрлаб, жорий кунни соат 18-00 га қадар командирга ахборот беради;

фавқулдда вазиятларда ППХ саф бўлинмасининг куч ва воситаларидан фойдаланиш назарда тутилган махсус режаларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади, шунингдек шахсий таркибни фавқулдда йиғиш чизмасини (схемасини) ишлаб чиқади;

ППХ нарядларининг хизмат ўташини ошкора ва хуфиёна равишда текшириш графигини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун командирига тақдим этади ва тасдиқлангандан сўнг бажарилишини назорат қилади;

ташқил этилган постларнинг жиҳозланганлигини, ППХ нарядларининг экипировкаси ва хизмат автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини хизмат ўталишидан олдин текшириб боради, махсус ва техник воситаларни, ўқотар қуроллар ва унинг ўқ-дориларини тарқатиш ва қабул қилиб олиш тартиб-қоидаларига риоя этилишини, шунингдек хизмат автотранспорт воситаларининг белгиланган жойларда сақланишини текширади;

ходимларнинг кунлик хизматга чиқишини бевосита назорат қилади ва иш натижалари ҳисобини юритади;

ППХ саф бўлинмаси командирига кўчалар ва бошқа жамоат жойларидаги тезкор вазиятнинг аҳволи ҳамда бўлинманинг иш натижалари бўйича ойлик таҳлилий маълумотларни тайёрлайди;

таҳлиллар асосида бўлинма фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, куч ва воситаларни келгусида қайта тақсимлаш бўйича таклифларни тайёрлайди ва командирига тақдим этади.

ППХ саф бўлинмаси командирининг кадрлар бўйича ўринбосари:

ППХ саф бўлинмаси (бригада, батальон, отряд) командирига бўйсунди;  
ходимларни ўқитиш ва улар билан тарбиявий ишларни олиб бориш бўйича саф бўлинманинг режалари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва ижросини назорат қилади;

командирлар таркиби учун бўйсунувдаги ходимлар билан ишлаш услублари бўйича ўқув машғулотларини ташқил этади;

ходимларнинг хизматга(дан) келиши (кетиши) устидан кунлик назоратни амалга оширади;

шахсий таркиб билан маънавият ва маърифат дарслари, хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотлар ўтказилишини ташқил этади, ходимларнинг шахсий ва ишчанлик сифатларини атрофлича ўрганади, улар билан яқка тартибдаги тарбиявий ишлар олиб борилишини таъминлайди, шунингдек жамоада низоли вазиятларни ўз вақтида бартараф этади ва соғлом маънавий муҳитни шакллантиради;

ППХ саф бўлинмаси командирининг топшириғига мувофиқ жисмоний

ва юридик шахсларнинг сўровномалари, таклифлари ва бошқа муурожаатларининг ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкиллаштиради, улар юзасидан тегишли текширувларни ўтказди ва жавоб хатларини тайёрлайди;

бўлинмада ички ишлар органларида хизматни ўташ тартибига риоя қилишини назорат қилади, ички ишлар органларига номзодларни танлаш ва ўрнатилган тартибда ҳисобга олиш, ходимларни лавозимга тайинлаш, бўшатиш, рағбатлантириш, бошқа лавозимга ўтказиш, уларга махсус унвонлар ҳамда интизомий жазоларни бериш бўйича хужжатларни ўз вақтида тайёрлайди, шунингдек шахсий таркибни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини кўради;

ходимларнинг турмуш тарзини, оилаларидаги маънавий-руҳий ҳолатни ўрганиш бўйича зарурий чора-тадбирларни амалга оширади;

кадрлар билан ишлаш ва тарбиявий ишларни олиб бориш бўйича маълумотларни тайёрлаб, ҳар ойда командирига тақдим этади;

кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, шунингдек шахсий таркиб ўртасида қонунийлик ва хизмат интизомига риоя қилиниши, ходимлар томонидан хизматни ўташ жараёнида, айниқса тунги вақтларда порахўрлик ва ваколатни суистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича тарбиявий-тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминлайди.

ППХ саф бўлинмаси командирининг моддий-техника таъминот бўйича ўринбосари:

ППХ саф бўлинмаси (бригада, батальон) командирига бўйсунди;

бўлинма фаолиятини режалаштиришда, шу жумладан иш режалари ишлаб чиқилишида иштирок этади ва тааллуқлилиги бўйича ижросини таъминлайди;

ўқотар куроллар, уларнинг ўқ-дорилари, махсус, алоқа, автотранспорт ва бошқа моддий-техника воситаларнинг, шунингдек мол-мулкнинг белгиланган тартибда ҳисоби юритилиши ва сақланишини таъминлайди ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади;

белгиланган меъёр асосида ППХ саф бўлинмасини автотранспорт воситалари ва бошқа мулк билан таъминлаш бўйича таклифларни, шунингдек фойдаланиш муддати ўтганларини ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқариш бўйича тегишли хужжатларни тайёрлайди;

тегишли хизматлар билан биргаликда бўлинманинг бино ва иншоотларини таъмирлаш бўйича лойиҳа хужжатлари тайёрланишини ташкиллаштиради;

автотранспорт воситаларининг техник ҳолати ва жиҳозланганлиги устидан доимий назоратни амалга оширади, патруллик йўналишларига



чиқишдан олдин автотранспортларни кунлик кўриқдан, ҳар ойда эса комиссия тартибда кўриқдан ўтказилишини таъминлайди;

техник воситалар ва уларнинг эҳтиёт қисмларига ўз вақтида техник хизмат кўрсатилишини ҳамда таъмирланишини, шунингдек ёқилғи-мойлаш материалларини берилиши, сақланиши ва ҳисоби юритилишини бевосита назорат қилади;

шахсий таркиб томонидан ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишини, мавжуд бирламчи ёнғин ўчириш воситаларининг сақланиши ва созлигини назорат қилади;

бўлимнинг моддий-техника таъминоти бўйича командирга ҳар ойда маълумотнома тайёрлайди, қурол-аслаҳа, махсус, алоқа, автотранспорт ва бошқа моддий-техника воситалардан ҳамда мол-мулкдан унумли фойдаланилишини, шунингдек уларнинг фаолият самарадорлигига таъсирини мунтазам равишда таҳлил қилиб боради;

бўлимнинг моддий-техника таъминотини такомиллаштириш бўйича таклиф беради.

### **ППХ саф бўлимси ходимлари:**

ППХ саф бўлимси ходимлари ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасида назарда тутилган мажбуриятларни амалга оширади ҳамда 17-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар;

ППХ саф бўлимси ходимлари хизмат ўташ чоғида жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни бартараф қилиш ҳамда уларни содир этган шахсларни ушлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунининг 21-24-моддаларига мувофиқ жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга;

ППХ саф бўлимлари (бригада, батальон) ходимларининг функционал вазифалари ушбу бўлимлар командирлари томонидан, Транспортда ЖХТБ ППХ саф бўлимлари ходимларининг функционал вазифалари ушбу бўлим бошлиқлари томонидан тасдиқланади.



### **2-ўқув саволи. ППХ саф бўлимлари ходимларининг пост ва патрулик йўналишларидаги мажбуриятлари**

Қуйидагилар пост ва патрулик йўналишларида хизмат ўтайдиган ППХ саф бўлимлари ходимларининг умумий

мажбуриятлари ҳисобланади:

➤ жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш ҳамда уларнинг бажарилишини фуқаролардан талаб қилиш;

➤ ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ходимларига, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларига улар зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишида кўмаклашиш;

➤ кўчалар ва бошқа жамоат жойларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш;

➤ қонунийликка амал қилиш, жамоат тартибини бузган ва бошқа ҳуқуқбузарларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни қўллашда, уларга ушбу чоралар қандай ҳуқуқбузарлик учун ва қайси қонун ҳужжатига мувофиқ қўлланилаётганлигини тушунтириш;

➤ жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳар қандай ҳодиса ҳамда техник ёрдам кўрсатиш ва авария хизматларини жалб этиш зарурати тўғрисида туман (шаҳар) ИИБ, Транспортда ЖХТБ тезкор навбатчиси ва ППХ саф бўлинмаси инспектор-навбатчисига ахборот бериб бориш;

➤ фуқаролардан эгасиз мол-мулкни қабул қилиш ва уни билдирги билан навбатчига топшириш.

➤ Наряд таркиби икки ва ундан ортиқ ППХ ходимидан иборат бўлганда наряд каттаси тайинланади.

➤ Наряд каттаси хизмат ўташ чоғида наряд фаолиятига раҳбарлик қилади.

#### **Қуйидагилар наряд каттасининг мажбуриятлари ҳисобланади:**

➤ наряддаги ходимларнинг хизмат ўташини ташкиллаштириш, юзага келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда нарядларнинг жойлашуви ва хизмат ўташ тартибига ўзгартиришлар киритиш зарурати ҳақида бевосита командирига ҳамда навбатчига ахборот бериш;

➤ бўйсунувидаги ходимларнинг хизмат ўташи устидан назоратни амалга ошириш ва юклатилган вазифаларнинг бажарилишида уларга амалий ёрдам кўрсатиш;

➤ хизмат ҳужжатларининг тўғри юритилишини текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

➤ техник ва махсус воситалардан тўғри фойдаланилишини назорат қилиш;

➤ хизмат ўтаётган жойи ҳамда ундаги вазият ҳақида ҳар соатда навбатчига ахборот бериб бориш.

#### **Қуйидагилар пост ва патрулик йўналишларида хизмат ўтайдиган ППХ саф бўлинмалари ходимларининг мажбуриятлари ҳисобланади:**

а) жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича:

жиноятлар содир этилиши эҳтимоли бўлган, қидирилаётган жиноятчиларнинг, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган ёки шартли ҳукм қилинган шахсларнинг пайдо бўлиши ва яшириниши мумкин бўлган жойларни кузатишни амалга ошириш;

фуқаролардан тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар тўғрисида хабар олинганда, ушбу фуқаролар, жиноят содир этилган аниқ жойи, ким томонидан ва кимга нисбатан тайёрланаётганлиги ёки содир этилганлиги ҳақида ва мазкур жиноятни фош этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотларни ёзиб олиш, булар ҳақида дарҳол навбатчига ва бевосита командирига ахборот бериш, жиноят содир этилишига йўл қўймаслик, уни тайёрлаётган ёки содир этган шахсларни аниқлаш ва ушлаш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, гувоҳларни аниқлаш ҳамда тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунига қадар жиноят содир этилган жойнинг қўриқланишини, ашёвий далиллар ва изларнинг даҳлсиз сақланишини таъминлаш чораларини кўриш;

жиноят содир этилган жойга тергов-тезкор гуруҳи етиб келганидан сўнг, гуруҳ раҳбарининг кўрсатмаларини бажариш ва бу ҳақида навбатчига ахборот бериш;

патруллик йўналишларида (постларда), айниқса фуқаролар гавжум бўлган жойларга алоҳида эътибор берган ҳолда қидирувда бўлган жиноятчилар ва бошқа қидирилаётган шахсларнинг белгилари бўйича уларни аниқлаш;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қаратилган, мулкӣ ва бошқа турдаги жиноятларни аниқлаш, фош этиш, уларни содир этган шахсларни ушлашга қаратилган тезкор-қидирув фаолиятни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилььёактикаси бўйича тадбирларни амалга оширишда ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ходимларига кўмаклашиш;

б) вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилььёактикаси бўйича:

кўчалар ва бошқа жамоат жойларида вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, содир этилганларини фош этиш;

назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни, шунингдек алкогольли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсирида мастлик ҳолатида бўлган вояга етмаганлар ва ёшларни аниқлаш ҳамда уларни ички ишлар органи навбатчилик қисми ёки таянч пунктига олиб бориш;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган вояга етмаганлар ва ёшларни, уларнинг гуруҳ бўлиб тўпланиш жойларини аниқлаш чораларини

кўриш, бу ҳақида навбатчига ахборот бериш, шунингдек ҳудудга бириктирилган профильёбактика (катта) инспекторига ёки вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профильёбактикаси инспекторига хабар бериш;

вояга етмаганлар ва ёшларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарлик содир этишга, шу жумладан кимор ўйинларига, тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ва кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган бошқа моддалар ёки воситаларни истеъмол қилишга, қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган айбли қилмишларни содир этишга жалб қилаётган шахсларни аниқлаш, бу ҳақида навбатчига, профильёбактика (катта) инспекторига ёки вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профильёбактикаси инспекторига ахборот бериш;

вояга етмаганларнинг тунги вақтларда жамоат жойларида ота-онаси (бошқа қонуний вакиллари) ёки болалар иштирокида тадбирларни амалга ошираётган шахсларнинг кузатувисиз юришларига (бўлишларига) йўл қўймаслик чораларини кўриш;

в) йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича:

Йўл ҳаракати қоидалари ва уни бузганлик учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик чораларини билиш;

алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсирида мастлик ҳолатида бўлган ҳамда белгиланган ёшга тўлмаган (ёши сезилиб турган ёки ходимга аён бўлган) шахслар томонидан транспорт воситаларининг бошқарилишига йўл қўймаслик ва йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келувчи бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш;

пиёдалар томонидан Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш, шу жумладан йўлнинг қатнов қисмида, шунингдек пиёдалар ўтиш жойларида ҳаракатланиш чоғида тельефондан фойдаланиш, теле-, видеомаҳсулотларни кўриш, радио-аудиомаҳсулотларни эшитиш, китоб ёки даврий матбуот ўқиш ҳамда эътиборни чалғитадиган бошқа воситалардан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш;

йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда, бу ҳақида дарҳол навбатчига ахборот бериш ва йўл-патрул хизмати нарядига хабар бериш;

тергов-тезкор гуруҳи ёки йўл-патрул хизмати наряди етиб келгунига қадар жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойни ўзгаришсиз ва ҳодиса изларининг сақланишини таъминлаш, ҳодиса иштирокчилари ва гувоҳларининг шахсини аниқлаш, ҳодиса юз берган жойдан кетиб қолган транспорт воситасининг русуми,

ранги, давлат рақам белгиси ва бошқа идентификация қилиш белгиларини аниқлаш чораларини кўриш;

йўл-патрул хизмати ходимлари билан биргаликда йўл ҳаракатига ҳалақит берадиган ҳар қандай тўсқинликларни ўз вақтида бартараф этиш;

г) транспорт объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича:

темир йўл ва метрополитен объектлари ҳамда аэропортларнинг тавсифини, улар яқинида хизмат ўтаётган нарядлар ва улар билан алоқа қилиш тартибларини, йўловчилар ташиш қоидаларини, йўловчиларнинг транспортдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар турларини, транспорт ходимларининг асосий хизмат мажбуриятларини билиш;

қидирувда юрган жинойтчиларни, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларидан қочган шахсларни аниқлаш ва ушлаш;

йўловчиларнинг поезд юриб кетаётганда поездга чиқишига ва поезддан тушишига, юк поездларида ўзбошимчалик билан юришига, шунингдек темир йўлларни белгиланмаган жойларидан кесиб ўтишига йўл қўймаслик;

темир йўл изларига поездлар қатновининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ашёларни қўйиш, сигнал бериш, алоқа иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш ҳолатларининг олдини олиш ва бартараф этиш;

темир йўл станциялари, юк саройлари, контейнер майдончалари, юк ва саралаш паркларининг қўриқланадиган ҳудудларида бегона шахслар юришига йўл қўймаслик, транспорт ходимлари, шу жумладан ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмалари ўқчиларига юклар ўғирланиши ва талон-тарож қилинишининг олдини олишда ёрдам кўрсатиш;

поездларни кузатишда:

поезд жўнашидан олдин унинг бригадири ва машинисти билан алоқа ўрнатиш, йўловчиларнинг поездга чиқиши (тушиши) ва поезд ҳаракатланиши давомида жамоат тартибини сақлаш;

поезд ҳаракатланиши даврида, айниқса тунги вақтларда вагонларда патрулликни амалга ошириш, бунда асосий эътиборни содир этилиши мумкин бўлган мулкий турдаги жинойтларнинг олдини олишга қаратиш;

белгиланмаган жойларда тамаки ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилаётган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик чораларини кўриш;

поезд бригадаси аъзолари, шу жумладан вагон кузатувчилари билан доимий алоқада бўлиш, фуқаролар уларнинг қонуний талабларини бажаришдан бош тортган ҳолларда уларга кўмаклашиш;

жиноятларни содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш, уларни ва бошқа ҳуқуқбузарларни поезд тўхтайдиган навбатдаги станцияда Транспортда ЖХТБ ходимларига билдирги асосида топшириш;

вагон жиҳоз ва қурилмалари шикастлантирилишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш;

темир йўл транспорти ходимлари ва хизматчилари томонидан мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (йўловчиларни чиптасиз ташиш ва темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ бошқа) ҳолатларини аниқлаш, бу ҳақида поезд бригадирига хабар бериш ва Транспортда ЖХТБ бошлиғига билдирги билан ахборот бериш;

поезд ҳалокатга учраганда, шунингдек авария, табиий офат, ёнғин ва бошқа фавқулодда ҳодисалар содир бўлганда, бу ҳақида дарҳол энг яқиндаги ички ишлар органига ахборот бериш, одамларни қутқариш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш, ҳодиса жойини ҳамда қаровсиз қолган мол-мулкни кўриқлашни таъминлаш;

поезд охирги станцияга етиб келганда, йўловчилар, багажлар ва юклар тўлиқ туширилганидан сўнг бригада аъзолари билан биргалакда поезд вагонларини кўздан кечириш, унутиб қолдирилган буюмлар ва бошқа эгасиз мол-мулкни фуқаролар ёки юридик шахслар ихтиёрига топширилгунига қадар уларнинг сақланишини таъминлаш чораларини кўриш ва булар ҳақида навбатчига ахборот бериш.

**Мустақил таълим учун топшириқ:** ППХ саф бўлинмалари фаолиятини режалаштириш, Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қарорларни қабул қилишни ўқиб конспектлаштириш.


## 5-мавзу: ППХ саф бўлинмалари раҳбар ходимларининг вазифа тақсимотлари ва ваколатлари.

### СЕМИНАР МАШҒУЛОТИ МАЗМУНИ

Ушбу амалий машғулоти «*Блиц-сўров*» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулоти тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



1. ППХ саф бўлинмалари ходимларининг вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мажбуриятлари.

2. ППХ саф бўлинмалари ходимларининг жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари.

3. ППХ саф бўлинмалари ходимларининг транспорт объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари.

4. ППХ саф бўлинмаси ходимлари хизмат ўташ чоғида жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш вақтидаги ҳуқуқлари.

## **6-Мавзу: ППХ саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини бошқариш.**

(маъруза 2 соат)

### **Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. ППХ саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини бошқариш.

2-ўқув савол. ППХ нарядларининг турлари, шахсий таркибни кунлик хизматга чиқариш меъёрлари, постлар ва патруллик йўналишларида хизмат ўташнинг умумий мажбуриятлари.

### **1-ўқув савол. ППХ саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини бошқариш.**

Мазкур фаолиятнинг асосини ППХ саф бўлинмаларининг куч ва воситаларидан самарали фойдаланиш ҳамда юклатиладиган вазифаларни бажаришга доимий шайлигини таъминлаш ташкил этади.

ППХ саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини бошқариш ушбу бўлинмалар фаолиятини режалаштиришни, юклатиладиган вазифаларнинг беками-кўст бажарилишини таъминлашга қаратилган қарорларни ишлаб чиқиш ва уларнинг сўзсиз ижро этилишини ташкиллаштиришни, ходимларнинг хизмат олиб бориши устидан назорат ўрнатишни ўз ичига олади ва бу мақсадларга эришиш учун:

- ❖ тезкор вазиятнинг таҳлиллари асосида патруль-пост хизматини ташкиллаштириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш;

- ❖ бўлинманинг куч ва воситаларини юклатиладиган вазифаларни бажаришга тайёрлаш ҳамда ушбу вазифаларни бажариш юзасидан йўл-йўриқ бериш;

- ❖ ППХ нарядлари билан доимий ва барқарор алоқани ҳамда ўз вақтида ахборот алмашишни таъминлаш;

- ❖ куч ва воситаларнинг биргаликда ҳаракатланишини ташкиллаштириш ҳамда маневрини амалга ошириш;

- ❖ патруль-пост хизмати ташкиллаштирилиши ва ўталиши устидан назорат ўрнатиш;

- ❖ ППХ нарядларининг фаолият натижаларини ҳисобга олиш ва баҳолаш;

- ❖ хизматни ташкиллаштириш бўйича ижобий тажрибаларни ўрганиш ва уларни фаолиятда жорий этиш;

- ❖ ППХ нарядлари фаолиятини ташкил этишда йўл қўйилаётган камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

- ❖ ППХ саф бўлинмаларини, улар ходимларини моддий-техника билан ҳамда молиявий таъминлаш, шу жумладан иш самарадорлигини оширишга қаратилган рағбатлантириш масалаларини ҳал этиш;



❖ шахсий таркибга патруль-пост хизматини ўташ тартиблари ва услубларини ўргатиш зарур ҳисобланади.

ППХ нарядларини туман (шаҳар) ИИБ, Транспортда ЖХТБ бошлиқлари ва уларнинг жамоат тартибини сақлаш хизматига раҳбарлик қилувчи ўринбосарлари ҳамда ППХ саф бўлинмаси командири шахсан ёки бўйсунувидаги аппарат орқали бошқаради.

Хизмат ўташ даврида ППХ нарядларини оператив бошқариш ички ишлар органларининг, шу жумладан ППХ саф бўлинмаларининг навбатчилик қисмлари зиммасига юклатилади.



### **ППХ саф бўлинмалари фаолиятини режалаштириш**

ППХ саф бўлинмаларининг фаолияти Вазирлик томонидан белгиланган тартибда тузиладиган жорий режаларга мувофиқ амалга оширилади.

Режаларнинг бажарилиши ППХ саф бўлинмаси командири ҳузуридаги тезкор йиғилишларда кўриб чиқилади. Тегишли давр якунига кўра режалар бандларининг ижроси юзасидан ахборотнома (маълумотнома) тайёрланади ва ушбу режаларни тасдиқлаган раҳбарга ахборот берилади.

Режаларнинг бажарилиши устидан назорат командирлар ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек ППХ саф бўлинмаларининг бошқа масъул (штаб) ходимлари томонидан амалга оширилади.

### **Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қарорларни қабул қилиш**

Куч ва воситаларнинг ягона жойлашув режасига мувофиқ муайян суткалар учун тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органи бошлиғи ва ППХ саф бўлинмаси командирининг қарори қабул қилинади.

Қарорда Уставнинг 2-иловасига мувофиқ юритилган ППХ нарядларини пост ва патруллик йўналишларига тақсимлаш китобида назарда тутилган куч ва воситалар ҳисоби ҳамда ППХ нарядларининг жойлашуви белгиланади.

Кўчалар ва бошқа жамоат жойларида патруль-пост хизматини ташкиллаштириш ППХ саф бўлинмалари фаолиятининг асосини ташкил этади.

#### **▲ Қарорни қабул қилишда қуйидагилар инобатга олинади:**

туман (шаҳар)нинг географик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, маҳаллий аҳолиси сони, таркиби ва кўчиш динамикаси, бошқа шаҳарларда яшовчи ҳамда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг

келиб кетиши, кўчаларнинг тавсифи, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жойлашган жойлари ҳамда иш вақтлари, ўта муҳим ва тоифаланган, назорат-лицензиялаш объектлари, банклар, ички ишлар органлари бўлинмаларининг, шу жумладан махсус муассасаларнинг жойлашуви;

давр ва мавсумларнинг ўзига хос хусусиятлари (йил фасллари, таътиллار, дам олиш, байрам кунлари ва ҳ.к.)ни ҳисобга олган ҳолда метрополитен, темир йўл ва ҳаво ҳамда бошқа жамоат транспортида йўловчиларнинг оқими;

йил фасли ва сутка даврини инобатга олиб, кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жиноятчилик аҳволи, шунингдек жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитлари;

ППХ нарядларининг тақсимоти шаклланаётган тезкор вазиятга мувофиқлиги, жамоат жойларида, шу жумладан кўчаларда ўрнатилган видеокузатув ва бошқа техник воситалар;

ППХ нарядларининг иш натижалари, шунингдек шахсий таркибнинг қурол-аслаҳа, махсус, алоқа ва автотранспорт воситалари билан таъминланганлик ҳолати;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар, шу жумладан бундай мойиллиги бўлган ёшлар ва вояга етмаганлар йиғиладиган жойлар.

Тезкор вазиятни ўрганишда:

жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш аҳволи тўғрисидаги ҳисоботлар, таҳлилий ва бошқа материаллар, содир этилган жиноятлар ва қидирувдаги шахслар ҳақидаги тезкор маълумотлар;

ички ишлар органлари ходимларидан келиб тушаётган тезкор хабар ва маълумотлар;

бошқа ички ишлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳарбий қисмлар, шунингдек давлат бошқарув органларининг бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлардан тушган хабарлар;

фуқароларнинг мурожаатлари;

оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари;

видеокузатув ва бошқа ахборот-коммуникация технологиялари тизимларининг техник каналлари орқали тушган маълумотлар ҳисобга олинади.

Заруратдан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органи бошлиғи ва ППХ саф бўлинмаси командири қарор қабул қилишдан олдин ўз ўринбосарлари ва бошқа масъул ходимлар иштирокида рекогносцировка (патруль-пост хизмати ўталадиган жойда ўрганиш) ўтказадилар. Бунда сафарбар этиладиган куч ва

воситаларнинг сони, постларнинг жойлашуви, патрулик йўналишларининг чегараси, ППХ нарядининг тури, сони, таркиби ва мажбуриятлари, хизмат ўташ тартиби ва вақти, захиранинг жойлашуви ва вазифаси белгиланади.

Оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга, террорчилик ҳаракатлари ва бошқа оғир жиноятлар, табиий офатлар, авариялар, фалокатлар, эпидемия, эпизотия ва ўзга фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга, шунингдек ҳуқуқ-тартиботнинг гуруҳлар томонидан бузилиши ва оммавий тартибсизликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда рекогносцировка ўтказилиши ва ҳарита тузилиши зарур ҳисобланади.

Қарорда шаклланаётган тезкор вазиятдан келиб чиқадиган вазифалар, ППХ нарядларининг таркиби, жойлашуви ва мажбуриятлари, хизмат ўташ вақтлари, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари бўлинмалари, шунингдек ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик вакиллари ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликни ташкиллаштириш ҳамда хизмат ўташнинг ўзига хос хусусиятлари, куч ва воситаларни тезкор бошқариш, нарядлар билан алоқа қилиш ва уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, шартли хабарлар (сигналлар) ва белгилар назарда тутилади.

**2-ўқув савол. ППХ нарядларининг турлари, шахсий таркибни кунлик хизматга чиқариш меъёрлари, постлар ва патрулик йўналишларида хизмат ўташнинг умумий мажбуриятлари.**

ППХ нарядларининг турлари ва таркиби ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан ҳамда юзага келган тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.



**Қуйидагилар нарядларнинг турлари ҳисобланади:**



❖ **патрул** – икки ва ундан ортик ички ишлар органлари ходимлари, Вазирлик тизимидаги таълим муассасаларининг курсант ва тингловчилари, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларидан иборат ҳаракатдаги наряд.

Патрул ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни патрулик йўналишларида пиёда, автомобильбўй ва хизмат отида амалга оширади.

Қоида тариқасида, патрулик йўналишининг масофаси пиёда патрул учун

1-1,5 км, автопатрул учун 6-8 км, отлик патрул учун 2-3 км ни ташкил этади. Зарур ҳолларда патруллик масофаси узайтирилиши ёки қисқартирилиши мумкин;

❖ **патрул гуруҳи** – ягона раҳбарлик остида аҳоли гавжум бўлган кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, истироҳат боғлари ва бошқа жамоат жойларида хизмат ўташ учун бирлаштирилган икки ва ундан ортиқ патруллардан иборат наряд.

❖ Патрул гуруҳига туман (шаҳар) ҳудудидаги фуқаролар гавжум бўладиган участкалар бириктирилиб, унинг негизини автомобилдаги патрул ташкил этади. Ушбу автомобиль радиостанция, махсус нур ва товуш чиқарувчи мосламалар, овоз кучайтириш қурилмаси ва бошқа техник воситалар билан жиҳозланади.

❖ **пост** – ички ишлар органлари ходимларининг кечаю-кундуз ёхуд сутканинг маълум вақтлари давомида узлуксиз хизмат ўташлари зарур бўлган аниқ жойда ёки ҳудуд участкасида ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажарадиган наряд.

❖ Постнинг маркази ва чегаралари белгиланади. Кузатувни амалга ошириш, шунингдек жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳамда турли фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш учун қулай бўлган жой постнинг маркази этиб белгиланади. Бунда пост марказидан унинг чегарасигача бўлган масофа 300 м дан ошиши мумкин эмас.

❖ **назорат-ўтказиш пункти** – оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида, табиий ва техноген хусусиятга эга бўлган фалокатлар, шу жумладан зилзилалар, сув тошқинлари, ёнғинлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва бошқа фавқулодда вазиятларда ўтказиш тартиботини таъминлаш ёки транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракатини чеклаш бўйича аниқ жойда ёки ҳудуд участкасида хизмат ўтайдиган наряд;

❖ **поездларни кузатиш наряди** – поездларнинг ҳаракатланиши давомида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида поездларни кузатиб борадиган наряд;

❖ **тўсиқ** – ҳудуднинг аниқ белгиланган участкасини назорат қилиш ёки айрим транспорт йўналишларини тўсиш бўйича вазифаларни бажарувчи ички ишлар органлари ходимларидан иборат бўлинма (гуруҳ);

❖ **заҳира** – тезкор вазият мураккаблашганда юклатиладиган алоҳида вазифаларни бажариш, жамоат жойларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлашни қўшимча куч ва воситалар ҳисобига кучайтириш, шунингдек зарурат туғилганда патруллик йўналишида (постда) хизмат ўтаётган нарядларни алмаштириш учун мўлжалланган наряд.

Заҳира нарядининг таркиби, жойлашиши ва уни сафарбар этиш тартиби ваколатли раҳбарлар томонидан белгиланади;

❖ **назорат-кузатув гуруҳлари** – оммавий тадбирлар яқунланганидан сўнг тадбир иштирокчиларининг объект ҳудудидан чиқиши ва тарқалиши давомида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган наряд.

Нарядларни хизматга жалб этиш ва уларнинг хизмат ўташ давомийлигини белгилашда, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойлар ва вақтларда нарядларнинг зичлиги оширилиши ҳисобга олинади.

ППХ саф бўлинмаси нарядлари ва автотранспорт воситаларини кунлик мажбурий хизматга чиқариш меъёрлари ушбу бўлинманинг штатлар сонини, шунингдек кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун куч ва воситалардан максимал фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Бунда талаб этиладиган ходимлар коэффиценти сутка давомида саккиз соатдан ёпиладиган патрулик йўналишлари (постлар) учун 1.29 бирликни ташкил этади. Агар патрулик йўналишлари (постлар) саккиз соатдан ортиқ ёпиладиган бўлса, коэффицент ҳар бир соат учун 0.16 бирликка ошади.

Кунлик мажбурий хизматга чиқариш меъёрларини белгилашда ППХ саф бўлинмасининг командирлар таркиби (бригада, батальон, отряд командирлари ва уларнинг ўринбосарлари), аппарат ходимлари, шунингдек бўш лавозимлар инobatга олинмайди.

ППХ саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини кунлик мажбурий хизматга чиқариш меъёрларининг бажарилишига туман (шаҳар) ИИБ ва Транспортда ЖХТБ бошлиқлари, уларнинг жамоат тартибини сақлаш хизматида раҳбарлик қилувчи ўринбосарлари ҳамда ППХ саф бўлинмаси командири шахсан жавоб берадилар.

Туман (шаҳар) ИИБ бошлиғи ва ППХ саф бўлинмаси командири кейинги суткада патруль-пост хизматини ташкиллаштириш бўйича ҳар куни соат 18-00 га қадар қарор қабул қиладилар. Қарорда куч ва воситаларнинг ҳисоби, нарядларнинг смена бўйича тақсимооти белгиланади.

Бошланғич тайёргарликдан ўтмаган ҳамда қасамёд қабул қилмаган ходимларни мустақил равишда хизмат ўташга жалб этиш ва қуроллантириш тақиқланади.

ППХ ходимлари қатъий равишда қарорда белгиланган патрулик йўналишларида (постларда) хизмат ўтайдилар.

Патрулик йўналишида (постда) хизмат ўтайдиган ППХ ходимлари туман (шаҳар) ИИБ, Транспортда ЖХТБ бошлиқларига ва уларнинг жамоат

тартибини сақлаш хизматига раҳбарлик қилувчи ўринбосарига, ППХ саф бўлинмаси командири ва унинг ўринбосарларига, навбатчига бўйсундилар.

Фақатгина ушбу мансабдор шахслар ППХ нарядларига ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш юзасидан кўрсатмаларни бериш, уларни патруллик йўналишидан (постдан) ечиш ёки хизмат ўташ жойини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

ППХ ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган формали кийим-бошда хизмат ўтайдилар. Махсус вазифаларни бажаришда уларга фуқаролик кийимида хизмат ўташга руҳсат берилади.

ППХ саф бўлинмасининг иш режими кун тартиби ва график асосида белгиланади. Кун тартибида ППХ саф бўлинмасининг кунлик фаолияти, иш графигида эса ҳар бир ходимнинг хизмат ўташ кунлари ва соатлари (сменалари) белгиланади.

Кун тартиби ва иш графиги ППХ саф бўлинмаси командири томонидан тасдиқланади.

ППХ нарядлари навбатчи ва бошқа мансабдор шахсларнинг бўйсунувида бўлган давр уларнинг хизмат ўташ вақтлари деб ҳисобланади (хизматолди йўриқномаси бошланишидан хизмат ўташ якунланганлиги тўғрисида буйруқ берилгунига қадар). Йўриқномалар, хизмат, жанговар, жисмоний тайёргарлик ва бошқа машғулотлар, тезкор йиғилишлар иш вақти сифатида иш графигига киритилади.

Шулар билан бирга, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ хизмат сафарида ёки даволанишда бўлиш, хизмат, даволаниш жойига бориш ёки улардан қайтиш, асирликда, гаровга олинган ёки ушлаб қуролсизлантирилган ҳолатда бўлиш, бедарак кетиш, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қимматини ҳимоя қилишга доир ва бошқа ҳаракатлар ППХ ходимларининг хизмат мажбуриятларини бажариш вақтлари ҳисобланади.

ППХ ходимлари иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига қирқ соатдан ошиши мумкин эмас, дам олиш кунлари график асосида берилади.

Тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда ППХ ходимлари хизматни ўташга қонун ҳужжатлари ва Вазирликнинг ички идоравий ҳужжатларига мувофиқ кучайтирилган ёки суткалик режимда жалб қилиниши мумкин.

ППХ нарядларининг пост ва патруллик йўналишларида узлуксиз хизмат ўташи ҳаво ҳарорати  $-15^{\circ}\text{C}$  ва ундан паст (исинадиган жой бўлмаганда) ҳамда  $+40^{\circ}\text{C}$  ва ундан юқори бўлганда икки соатдан ошиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда нарядларнинг алмаштирилиши амалга оширилади.

Хизмат ўташга тушаётган ППХ ходимлари қуйидагиларни билишлари керак:

тезкор вазиятни ҳамда патруллик йўналишининг (постнинг) ўзига хос хусусиятларини;

энг яқиндаги ППХ нарядларининг жойлашувини, ички ишлар органлари ва таянч пунктлари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг жойлашган жойини ҳамда улар билан алоқа қилиш тартибларини;

қидирилаётган шахслар, мол-мулк ва транспорт воситаларининг алоҳида белгиларини;

жиноят содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойларни;

патруллик йўналишларида жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган ёхуд шартли ҳукм қилинган шахсларнинг яшаш жойларини;

хизмат ўташ ҳудудларида ўта муҳим ва тоифаланган объектлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ички ишлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, меҳмонхона ва ётоқхоналар, корхона, ташкилот ва муассасалар, спорт, маданий-оммавий ва кўнгилочар-томоша объектлари, умумий овқатланиш ва савдо корхоналари, шу жумладан алкоғолли маҳсулотларни сотиш жойлари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг жойлашган жойлари ва уларнинг иш режимини, жамоат транспорти бекатларини;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика Инкассация хизмати давлат унитар корхонасининг махсус автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналишларини;

патруллик йўналишларига (постларга) туташган кўчаларни, тор кўчаларни, майдонларни, ўтиш йўлакларини.

Хизмат ўташга тушаётган ППХ наряди хизмат ўташ жойига келгач, патруллик йўналишини (постни) айланиб чиқади ҳамда вазият ҳақида навбатчига ахборот беради.



ППХ нарядларининг алмашиниши постда ҳамда патруллик йўналишининг белгиланган жойида амалга оширилади.

Хизмат ўташга тушаётган наряд алмашувчи нарядга ўзини таништиради.

Масалан: «Ўртоқ сафдор. Сафдор Абдуллаев хизмат ўташга келди» ёки «Ўртоқ сафдор. Сафдор Икромов ва сафдор Алиев таркибидаги патрул хизмат ўташга келди».

Алмашувчи наряд хизмат ўташ вақтида содир бўлган ҳодисалар ва олинган топшириқлар ҳақида хизмат ўташга тушаётган нарядга хабар берган ҳолда патруллик йўналишини (постни) биргаликда айланиб чиқади.

Хизмат ўташга тушаётган ППХ наряди патрулик йўналишини (постни) қабул қилиш-топшириш ҳақида алмашувчи наряднинг хизмат китобчасига тегишли ёзувларни киритади ҳамда навбатчига ахборот беради.

Хизмат ўташга тушаётган наряд белгиланган вақтда етиб келмаган ҳолда алмашувчи наряд бу ҳақида навбатчига ахборот беради ва фақатгина унинг рухсати билан патрулик йўналишини (постни) ташлаб кетиши мумкин.

Патрулик йўналишида (постда) хизмат ўташ жойи ва ҳаракатланиш тартиблари йўналиш (пост) паспортида, шунингдек юклатилган вазифалар, патрулик йўналишининг (постнинг) ўзига хос хусусиятлари, юзага келган вазият, йил ва сутка даври ҳамда ваколатли раҳбарларнинг кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Икки нафар ППХ ходимидан иборат пиёда патрул зарурат туғилган ҳолларда бир-бирини кўриш ва эшитиш мумкин бўлган масофада алоҳида хизмат ўташларига йўл қўйилади.



**Хизмат ўташ чоғида ППХ нарядлари қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишлари керак:**

моддий-бойликлар сақланадиган объектлар, банк муассасалари, савдо корхоналари, омборхона ва базалар олдида тез-тез пайдо бўлаётган, ушбу объектларнинг эшиклари, дераза ромлари, қулфлари ва тўсиқларининг ҳолати, иш тартиби ва қўриқланиши билан қизиқаётган шахсларга;

ўзини ўта сергаклиги ва безовталиги билан шубҳа уйғотган, йил фаслига мос бўлмаган ёки бўй-бастига нолайиқ кийимда бўлган, шунингдек танасида боғланган жойи ва жароҳати бўлган шахсларга;

ҳиёбонларда, кўп қаватли уйларнинг ораликлари, йўлаклари ва бошқа жойларда тўпланган шахсларга, айниқса гуруҳ бўлиб йиғилган вояга етмаганлар ва ёшларга, бунда низоли вазиятга олиб келиши мумкин бўлган асоссиз ҳаракатларга йўл қўйилмайди;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга (дайдилар ва тиламчиларга);

назоратсиз қолган вояга етмаганларга;

хуқуқбузарлар пайдо бўлиши мумкин бўлган жойларга;

бойликлар сақланадиган дўконлар ва бошқа объектлар эшиклари, деразалари ва витриналарининг бутунлигига;

бинолар ва объектлардан чиқаётган тутунлар ёки алангаларга ҳамда шубҳали шовқинларга;

хавф туғдириши мумкин бўлган шубҳали буюмларга;



тунги вақтларда жамоат жойларида ота-онаси (бошқа қонуний вакиллари)

ёки болалар иштирокида тадбирларни амалга ошираётган шахсларнинг кузатувисиз бўлган вояга етмаганларга.

ППХ нарядлари хизмат ўташ чоғида ҳушёр бўлиши ва тўсатдан ҳужум қилинишини чекловчи эҳтиёт чораларини кўриши шарт.

ППХ наряди тунги вақтларда бино ва иншоотларга яқин бўлмаган масофада юриши, мумкин қадар фуқаролар билан оралиқ масофани сақлаши ва орқадан юриб келаётган шахсга сергак бўлиши, шахсга ёруғлик тушаётган томондан яқинлашиши шарт. Қоронғу ва одамлар гавжум бўлмаган пайтларда наряднинг орқасидан келаётган шахсни четга ўтган (назардан қолдирмаган) ҳолда ўтказиб юбориши ёки ҳаракат йўналишини қарама-қарши томонга ўзгартириши зарур.



**Ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ходимлари ва яқиндаги нарядлар билан ҳамкорлик қилиш ёки уларни ёрдамга чақириш учун ППХ наряди алоқанинг барча турларидан фойдаланади ёхуд ҳуштак ёрдамида сигналлар беради, яъни:**

«Ушла» – битта узун сигнал;

«Ёрдамга» – иккита қисқа сигнал.

Зарурат бўлганда сигналлар қайтарилади. Охирги зарурат чораси сифатида ППХ ходими ўзига бириктирилган ўқотар қуролдан юқорига қарата ёки бошқа хавфсиз йўналишда ўқ отиш орқали хавф-хатар сигнали бериш ёки ёрдамга чақириш ҳуқуқига эга.

ППХ наряди «Ушла» сигнали бўйича таъқибдан қочаётган (яширинаётган) шахсни аниқлаш ва ушлаш чорасини кўришга, «Ёрдамга» сигнали бўйича эса битта қисқа сигнал билан жавоб берган ҳолда чақирилган жойга ёрдам учун етиб боришга мажбур.

ППХ наряди белгиланган вақт мобайнида патруллик йўналишини (пост) тарк этмаган ҳолда хизмат ўташи шарт.

ППХ наряди қўйидагиларни амалга ошириш учун туман (шаҳар) ИИБ ва Транспортда ЖХТБ бошлиқларининг, уларнинг жамоат тартибини сақлаш хизматига раҳбарлик қилувчи ўринбосарларининг, ППХ саф бўлинмаси командири ва унинг ўринбосарларининг, навбатчининг кўрсатмасига асосан ёки рухсати билан патруллик йўналишини (постни) ташлаб кетиши мумкин:

жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш;

яширинишга уринаётган жиноятчиларни таъқиб қилиш;

ҳуқуқбузарларни ички ишлар органларига олиб келиш;

ночор аҳволда ёки ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолган шахсларга ёрдам кўрсатиш;

ёнғинларни ёки бошқа фавқулодда ҳодисаларни бартараф этиш чораларини кўриш;

жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва ҳодиса изларининг сақланишини таъминлаш;

кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам олиш;

ички ишлар органларининг бошқа нарядлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларнинг вакиллари ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришларида уларга кўмаклашиш.

ППХ наряди патрулик йўналишини (постни) ташлаб кетаётганлиги ҳақида дарҳол навбатчига ахборот беради.

Хизмат ўташ чоғида ППХ нарядига қўйидагилар таъқиқланади:

ўзига бириктирилган ўқотар қуролни кобурадан асоссиз чиқариш ва бошқа шахсга бериш (ходимнинг бевосита раҳбарлари бундан мустасно);

ухлаш, хизматдан чалғиш;

радио алоқа қилиш тартиб-қоидаларини бузиш, тельефон орқали хизматга оид бўлмаган суҳбатларни олиб бориш;

хизмат зарурати бўлмай туриб аҳоли яшаш уйлари, дўконлар, ошхоналар, кафе, бар, ресторанлар, клублар ва бошқа объектларга кириш;

патрулик йўналишини (постини) ташлаб кетиш, мазкур Уставнинг 76-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## 6-мавзу: ППХ саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини бошқариш.

Семинар машғулотини ўтказишда тингловчиларга тушунарли бўлиши ва кўпроқ маълумот олиши учун уларни кичик гуруҳларга ажратиб **савол-жавоб методи** асосида машғулот ўтказилади.

Кичик гуруҳларга ажратилган тингловчилар юқоридаги саволларга жавоб беришда уни кенг ёритиб бериши назарда тутилган.

### ППХ нарядларини хизмат ўташга тайёрлаш ва улар билан йўриқнома ўтказиш



1. Патруль-пост хизматини ўташ учун нарядга тайинланган ходимларни йўриқномага тайёргарлиги
2. Хизмат ўташга тушаётган ППХ ходимларининг ёнида бўлиши керак бўлган ҳолатлар

1. Хизматолди йўриқномаларига жалб қилинадиган хизматлар.
2. Юклатиладиган вазифалардан ҳамда тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда ППХ ходимларига қўшимча равишда бериладиган воситалар.

1. Патруллик йўналишларида (постларда) хизмат ўташ хусусиятлари.
2. ППХ саф бўлинмалари ходимларининг ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг



## **7-Мавзу: ППХ нарядларини хизмат ўташга тайёрлаш.**

(маъруза 2 соат)

### **Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. ППХ нарядларини хизмат ўташга тайёрлаш ва улар билан йўриқнома ўтказиш.

2-ўқув савол. ППХ нарядларининг биргаликдаги ҳаракатини ташкил этиш ва маневрини амалга ошириш.

### **1-савол. ППХ нарядларини хизмат ўташга тайёрлаш ва улар билан йўриқнома ўтказиш.**

Туман (шаҳар) ИИБ томонидан маҳалла, кўча ва жамоат жойларда хизмат олиб борадиган ППХ нарядларига йўриқнома ўтиш, топшириқ ва вазифалар бериш, натижаларни сарҳисоб қилиш каби ишларни амалга оширади.

ППХ нарядларига йўриқнома ўтиш ва хизматга йўналтириш бу Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2023 йил 20 февралдаги «Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 77-сон буйруғи асосида амалга оширилади.

ППХ саф бўлинмалари нарядларини хизмат ўташга тайёрлаш ва улар билан йўриқнома ўтказиш қоида тариқасида, махсус жихозланган хизмат синфида ўтказилади.

Патруль-пост хизматини ўташ учун нарядга тайинланган ходимлар йўриқнома бошланишидан ўн беш дақиқа олдин ППХ саф бўлинмасига ёки белгиланган бошқа жойга етиб келадилар ва бу ҳақида навбатчига ҳамда бевосита командирига ахборот берадилар.

Масалан: «Ўртоқ маёр. Сафдор Собиров хизмат ўташ учун келди».

Навбатчи:

нарядга тайинланган ходимларни келганлиги ҳақида ППХ нарядларини пост ва патруллик йўналишларига тақсимлаш китобида қайд этади;

ходимларга зарур бўлган қурол-аслаҳа, махсус, шахсий ҳимоя ва алоқа воситаларини уларнинг бевосита командири ёки масъул раҳбар иштирокида тарқатади;

постлар ва патруллик йўналишларини ҳамда хизмат ўташ вақтларини эълон қилади.

Командир ёки масъул раҳбар:

йўриқнома ўтказиш учун нарядларни сафлайди;

хар бир ходимда қурол-аслаҳа, махсус, шахсий химоя ва алоқа воситалари мавжудлигини, ходимларнинг ташқи қўринишини текширади ва соғлиғининг аҳволи ҳақида сўрайди;

текширув давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради;

ходимларнинг руҳий ҳолатига эътибор беради;

шахсий таркибнинг хизмат ўташга тайёрлиги ҳақида йўриқнома ўтказувчига ахборот беради.

Ўқотар қуролни ўқлаш ва ўқсизлантириш махсус белгиланган жойда нарядга тайинланган ходимларнинг бевосита командири ёки масъул раҳбарнинг кузатуви ва назорати остида йўриқномадан олдин амалга оширилади. Бунда патрон ўқдонга юборилмайди (жойлаштирилмайди).



Хизмат ўташга тушаётган ППХ ходимлари мавсумий формали кийим-бошда ва намунали ташқи қўринишда бўлишлари шарт.

Хизмат ўташга тушаётган ППХ ходимларининг ёнида:

❖ хизмат гувоҳномаси, ҳайдовчи ходимлар учун қўшимча – ҳайдовчилик гувоҳномаси;

❖ хизмат китобчаси, патруллик йўналиши (пост) паспорти;

❖ билдирги бланкалари;

❖ ўзига бириктирилган ўқотар қурол (ўқланган иккита ўқдон (магазин) билан);

❖ ўқотар қурол кобураси (хавфсизлик камари ва протирка билан);

❖ резина таёқ;

❖ қўл кишан;

❖ хуштак;

❖ олиб юриладиган радиостанция;

❖ мобиль видеокамера (видеорегистратор);

❖ чўнтак электр фонари;

❖ авторучка, оддий (қора) қалам;

❖ хизмат ҳужжатлари ва канцелярия буюмларини олиб юришга мўлжалланган планшет бўлиши зарур.

❖ Юклатиладиган вазифалардан ҳамда тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда ППХ ходимларига қўшимча равишда:

❖ карабин;

❖ газли ёки шикастлантирувчи қурол;

❖ электрошок қурилмалари;

❖ кўздан ёш оқизувчи моддалар;

❖ портловчи моддаларни аниқлаш воситалари;

- ❖ қўл металлодетектори;
- ❖ бинокль;
- ❖ тунги кўриш воситалари;
- ❖ электромегафон;
- ❖ рақамланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома бланкалари; нафас органларининг химоя воситалари (противогаз);
- ❖ биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳалтачаси (аптечка);
- ❖ шахсий химоя воситалари (бронежилет, шлем, қалқон);
- ❖ темир йўл вагонларининг калитлари;
- ❖ ички ишлар органлари таъминотида бўладиган бошқа қурол-аслаҳа, махсус ва техник воситалар берилиши мумкин.

ППХ нарядлари билан кунлик хизматолди йўриқномалари шахсан ППХ саф бўлинмаси командири (йўқлигида ўринбосари) томонидан ички ишлар органи бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш хизматига раҳбарлик қилувчи ўринбосари ва жамоат тартибини сақлаш бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) бошлиғи, шунингдек навбатчининг иштирокида ўтказилади.

Хизматолди йўриқномаларига жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилььяктиваси, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи бўлинмаларнинг раҳбарлари ва тажрибали ходимлари алоҳида тасдиқланган жадвалларга мувофиқ жалб этилади.

Йўриқномаларнинг давомийлиги ўттиз дақиқадан ошиши мумкин эмас.

Йўриқнома ўтказувчи хизмат кўрсатиш ҳудудидаги тезкор вазиятни, ҳар бир патруллик йўналишининг (постнинг) вазифалари, хизмат ўташнинг ўзига хос хусусиятлари ва тартибларини билиши, олдинги суткада ППХ нарядларининг фаолиятини баҳолаши ва иш натижаларини етказиши, шунингдек турли, шу жумладан экстремал вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича ходимларнинг билимларини текшириш ва уларни ўргатиш учун шартли вазифалар ва саволлар бериши керак.

Ходимларга бериладиган шартли вазифалар ва саволлар вақти-вақти билан янгиланиши, мураккаблашиб бориши лозим.

Қўшимча патруллик йўналиши (пост) ташкил этиш зарурати туғилган ҳолларда, хизмат ўташ хусусиятлари хизматолди йўриқномасида тушунтирилади ва хизмат китобчасида қайд этилади.

Йўриқнома ўтказувчи раҳбар келганда, командир ёки масъул раҳбар: «Наряд, РОСТЛАН, текисланиш ЎНГГА (ЧАПГА, ЎРТАГА)» командасини бергач, нарядларнинг йўриқномага тайёрлиги ҳақида ахборот беради.

Масалан: «Ўртоқ подполковник. Хизмат ўташга тушаётган нарядлар йўриқномага сафланди. Ахборот берувчи капитан Тошматов».

Ахборотни қабул қилгач, йўриқнома ўтказувчи нарядларга: «Салом, ўртоқлар» – деб мурожаат этади. Бунга нарядлар: «Ассалом» – деб жавоб берадилар.

Шундан сўнг, йўриқнома ўтказувчи «Эркин» командасини беради ва нарядларга тезкор вазият, содир этилган жиноятлар, қидирилаётган шахслар, мол-мулк ҳамда транспорт воситаларининг алоҳида белгилари ва бошқа маълумотлар етказилиши тўғрисида навбатчига кўрсатма беради, навбатчи томонидан етказилаётган маълумотлар нарядлар томонидан хизмат китобчаларига қайд этилишини назорат қилади.

Йўриқнома ўтказувчи:

шахсий таркибнинг хизмат ўташга тайёрлигини текширади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради;

ППХ нарядларининг билимларини, шу жумладан:

ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни;

жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиб-қоидаларини;

патруллик йўналишларида (постларда) хизмат ўташ хусусиятларини, қидирилаётган шахслар ва мол-мулкнинг алоҳида белгиларини;

ҳуқуқ-тартиботнинг бузилиши ва тартибсизликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш, ҳуқуқбузарларни ушлаш борасидаги хатти-ҳаракатларни ўзлаштирганликларини текширади;

олдинги суткадаги ППХ нарядларининг иш натижаларини эълон қилади, зарур ҳолларда йўл қўйилган нуқсон ва камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтиради, патруллик йўналишларида (постларда) нарядлар томонидан эришилган ижобий ишларни мисол келтиради, ходимларни рағбатлантириш тўғрисида қабул қилинган буйруқларни ўқиб эшиттиради;

шаклланаётган тезкор вазиятни еткази, ҳар бир нарядга хизмат ўташ юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб беради, нарядларни алмаштириш, алоқа ва ҳамкорлик қилиш тартибларини тушунтиради;

шартли вазифаларни беради ва уларнинг бажарилишини текширади, хизмат ўташ чоғида юзага келиши мумкин бўлган алоҳида вазиятларда ҳаракат қилиш тактикаларини ўргатади (кузатувни амалга ошириш, жиноятчиларни уларнинг кўзга ташланмайдиган белгилари бўйича аниқлаш, террорчилик ҳаракатлари, ҳуқуқ-тартибот бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қуролланган жиноятчиларни қўлга олиш ва бошқа);

нарядларга хизмат интизоми ва қонунийликка, одоб-ахлоқ ва муомала маданияти қоидаларига қатъий амал қилинишини уқтиради;

шахсий таркиб томонидан берилган саволларга жавоб беради.

Кунлик йўриқномаларнинг ўтказилиши ППХ нарядларининг хизмат ўташга киришишлари тўғрисидаги буйруқ билан тугатилади.

Масалан: «Наряд, РОСТЛАН. Буюраман: Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга киришилсин. Хизмат ўташ чоғида қонунийликка ҳамда одоб-ахлоқ ва муомала маданияти қоидаларига қатъий амал қилинсин. Ўнг-ГА (Чап-ГА) пост ва патруллик йўналишларига кадам БОС».

ППХ саф бўлинмалари ички ишлар органларининг таркибий бўлинмалари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда ўтказиладиган қўшма йўриқномаларда иштирок этишлари мумкин.

### **Алоқани таъминлаш**



Патруль-пост хизматини ўташда, шу жумладан жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда фош этиш бўйича тадбирларни ўтказишда ўзаро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида алоқа ташкил этилади.

Туман (шаҳар) ИИБ, Транспортда ЖХТБ бошлиқлари ва ППХ саф бўлинмаси командири томонидан бўйсунувдаги бўлинмалар ва нарядлар билан узлуксиз алоқа қуйидагилар орқали ташкил этилади ва таъминланади:

- тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда алоқа воситаларидан фойдаланиш ва иш режимини белгилаш;
  - ўтказиладиган тезкор тадбирлар ва ППХ нарядларининг маневрини сир сақлаш мақсадида белгиланган радиоалоқа чақирув номларидан, суҳбатлашиш жадвал ва кодларидан фойдаланиш;
  - алоқа воситалари орқали суҳбатлашиш тартиб-қоидаларига амал қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;
  - алоқа воситаларининг ўрнатилган тартибда сақланиши ва ҳисоби юритилиши, берилиши ва қабул қилинишини, шунингдек ўз вақтида таъмирланиши ва уларга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиш;
- алоқа воситалари ва каналларнинг захирасини таъминлаш.

ППХ саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини бошқаришда радио-, видео, симли ва сигналли алоқа воситаларидан, шунингдек хабар элтувчилардан фойдаланилади. Радиостанция ППХ нарядлари билан алоқа қилишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Симли алоқа воситалари (шаҳар ва махсус тельефонлар) радиоалоқаси бўлмаган нарядлар билан алоқа қилишда ишлатилади.

Алоқа воситалари бўлмаган ёки улардан фойдаланиш имкони чекланган ҳолларда, шунингдек алоҳида кўрсатмаларга аниқлик киритиш ёки уларни



такрорлаш (дубль) учун транспорт воситаларида ёхуд пиёда хабар элтувчилардан фойдаланилади.

ППХ нарядлари ўртасида кўрсатмаларни етказиш ва уларнинг биргаликда ҳаракат қилишларини таъминлаш учун товуш, нур ва бошқа кўзга кўринувчи ишоралар қўлланилиши мумкин.

Видео воситалардан хизмат кўрсатиладиган ҳудудларнинг (объектларнинг) муҳим аҳамиятга эга бўлган участкаларини кузатиш ва ППХ нарядлари фаолиятини назорат қилиш учун фойдаланилади.

**2-ўқув савол. ППХ нарядларининг биргаликдаги ҳаракатини ташкил этиш ва маневрини амалга ошириш.**

ППХ нарядларининг ўзаро ва ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан биргаликдаги ҳаракати ҳамда маневри (тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда куч ва воситалар жойлашувини ўзгартириш) туман (шаҳар) ИИБ бошлиқлари томонидан мазкур Уставга ва Вазирликнинг тегишли ички идоравий ҳужжатларига мувофиқ ташкиллаштиради.



ППХ саф бўлинмалари ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, шунингдек давлат бошқаруви, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан биргаликда бажарадиган вазифалар кўшма қарорлар, режалар, кўрсатмалар ва йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилади.

Жамоат тартибini сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги вазифаларни бажаришга давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси вакиллари ҳамда фуқаролар ихтиёрий равишда жалб этилиши мумкин.

Биргаликдаги ҳаракат қуйидагиларни ўз ичига олади:

тезкор вазият бўйича ўзаро ахборот алмашиш, содир этилган жиноятлар ва ўзга ҳуқуқбузарликлар тўғрисида бошқа нарядларни хабардор қилиш;

ППХ саф бўлинмалари шахсий таркиби билан ўтказилаётган йўриқнома ва машғулотларда уларга жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш, ғайриқонуний ҳаракатларни содир этган шахсларни ушлаш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ва ҳодиса жойини қўриқлаш, ички ишлар органларига юклатилган бошқа

вазифаларни бажариш бўйича тактик ҳаракатларни, усул ва услубларни ўргатишда ички ишлар органлари бўлинмаларининг тажрибали ходимларини иштирок этиши;

хизмат вазифаларни бажаришда ўзаро ёрдам кўрсатиш, тезкор-профиль-тактик тадбирларни ҳамкорликда ўтказиш ва тажриба алмашиш;

ваколат доирасида ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича бошқа тадбирларни, шу жумладан ички ишлар органларининг фавқулодда ҳолатларда ҳаракатланиш бўйича махсус режаларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширишда иштирок этиш;

террорчилик ҳаракатларига чек қўйиш, гаровга олинганларни озод қилиш, ҳуқуқ-тартиботнинг гуруҳлар томонидан бузилиши ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш, ўта муҳим ва тоифаланган ҳамда давлат органларининг қўриқланадиган бошқа объектларига, ўта муҳим юкларга, транспорт воситаларига гуруҳ бўлиб қилинган ҳужумни ёки қуроли ҳужумни даф этиш бўйича ички ишлар органларининг бўлинмалари билан биргаликда тактик-махсус, қўмондонлик-штаб ва бошқа машғулотлар ҳамда машқларни ўтказиш.

ППХ саф бўлинмалари командирлари ушбу бўлинмалар томонидан хизмат кўрсатиладиган туман (шаҳар) ИИБлари раҳбарияти билан биргаликдаги ҳаракати ахборот алмашиш, тезкор вазиятни биргаликда таҳлил қилиш, томонларнинг тезкор йиғилишларида иштирок этиш, куч ва воситаларнинг жойлашувига тузатиш ҳамда ўзгартиришлар киритиш, шунингдек хизмат ўташ чоғида барча нарядларнинг ҳаракат қилиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш тартибларини келишиш йўли билан амалга оширилади.

Тезкор вазият оғирлашган жойларга ички ишлар органларининг куч ва воситаларини уюшган ва кечиктирмаган ҳолда сафарбар этиш учун ППХ нарядларининг маневри амалга оширилади.

Юзага келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда маневр ППХ нарядларининг хизмат ўташ сменаларига, суткаларга ёки узоқроқ муддатларга татбиқ этилиши мумкин.

Маневр туфайли ППХ нарядларининг жойлашуви ўзгарганлиги тўғрисида ППХ нарядларини пост ва патруллик йўналишларига тақсимлаш китобида қайд этилади.

ППХ саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини тезкор вазият мураккаблашган бошқа туманга (шаҳарга) маълум муддатга сафарбар этиш зурурати туғилганда, сафарбар этиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБлари бошлиқларининг фармойишларига мувофиқ амалга оширилади.



### **ППХ нарядлари томонидан хизмат ташкиллаштирилиши ва ўталиши устидан назоратни амалга ошириш**

ППХ нарядлари томонидан хизмат ташкиллаштирилиши ва ўталиши устидан назоратни амалга ошириш, ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш, шахсий таркиб зиммасига юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, шунингдек бевосита патруллик йўналишларида (постларда) ходимларга хизмат ўташ тактика ва услубларини ўргатишнинг муҳим элементи ҳисобланади.

ППХ нарядлари томонидан хизмат ташкиллаштирилиши ва ўталиши устидан назорат мунтазам (икки соатда камида бир маротаба) текширувларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Текширувлар давомида қуйидагиларга эътибор қаратилиши зарур:

- нарядларнинг бириктирилган патруллик йўналишларида (постларда) хизмат ўтаётганлигига;
- куч ва воситаларнинг жойлашуви, улардан фойдаланилиши ички ишлар органи бошлиғи ва ППХ саф бўлинмаси командири томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқлигига;
- нарядларнинг тезкор ва пухта бошқарилишига, тезкор вазиятдаги ўзгаришлар ҳақидаги хабарларнинг ўз вақтида етказилишига;
- нарядларнинг патруллик йўналишидаги (постдаги) вазиятни, юклатилган вазифаларни, энг яқиндаги нарядларнинг жойлашуви ва улар билан алоқа қилиш усулларини, шунингдек ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишларига;
- хизмат ўталишининг сифатига, шу жумладан жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилганларини фош этишда нарядларнинг фаоллиги ва ролига;
- нарядларнинг ўзаро, шунингдек ички ишлар органлари бошқа бўлинмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари ва жамоатчилик вакиллари билан биргаликдаги ҳаракатига;
- нарядлар томонидан хизмат интизоми ва қонунийликка амал қилинишига;

➤ патрулик йўналишида (постда) содир этилган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар сонига ҳамда улар бўйича кўрилган чораларга;

➤ хизмат ҳужжатларининг тўғри юритилиши ва расмийлаштирилишига.

ППХ нарядлари томонидан хизмат ташкиллаштирилиши ва ўталиши:

Вазирлик Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси ходимлари томонидан инспекторлик (комплекс) ва назорат текширувларида, шунингдек алоҳида жадвалларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБлари Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармалари ходимлари томонидан ҳар ойда камида бир маротаба;

туман (шаҳар) ИИБ, Транспортда ЖХТБ бошлиқлари, уларнинг жамоат тартибини сақлаш хизматида раҳбарлик қилувчи ўринбосарлари, ППХ бригадаси ва батальони командирлари томонидан ҳар ойда камида икки маротаба;

ППХ бригадаси ва батальони командирларининг ўринбосарлари, шунингдек туман (шаҳар) ИИБ ва Транспортда ЖХТБ жамоат тартибини сақлаш бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) ходимлари ҳар ҳафтада камида бир маротаба;

ППХ отряди командирлари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан ҳар куни камида икки маротаба;

ППХ гуруҳ командирлари томонидан хизмат ўташ сменасида ҳар бир нарядни камида тўрт маротаба;

ички ишлар органининг таянч пункти профильёбъактика (катта) инспекторлари томонидан ўз маъмурий ҳудудларида ҳар куни текширилиши шарт.

ППХ нарядларининг хизмат ўташини текшириш ошкора ва хуфиёна равишда алоҳида график асосида амалга оширилади. График ППХ саф бўлинмаси командири (туман (шаҳар) ИИБ, Транспортда ЖХТБ бошлиғи) томонидан тасдиқланади. Тасдиқланган графикларга гриф қўйилмайди, лекин графикнинг амал қилиш муддатида у билан танишувчилар доираси чекланади.

ППХ наряди келган текширувчиларни танимаган ҳолларда улардан хизмат гувоҳномаларини, текширув ҳуқуқини берувчи ҳужжатни кўрсатишни талаб қилади.

Патрулик йўналишида (постда) хизмат ўтаётган ППХ ходими текширувчининг олдида бориб, ўзини таништиради.

Масалан: «Ўртоқ маёр. Сафдор Тўлаганов».

Икки нафар текширувчилар келганда, хизмат ўтаётган ходим юқори лавозимдаги, лавозимлари тенг бўлганда эса юқори унвондаги текширувчига ўзини таништиради.

Текширувчининг талабига кўра, наряд каттаси патруллик йўналишидаги (постдаги) вазият бўйича ахборот беради ва берилган саволларга жавоб қайтаради.

ППХ наряди белгиланган патруллик йўналишида (постда) бўлмаган ҳолларда, текширувчи дархол навбатчи билан боғланиши ва наряд қаердалигига аниқлик киритиши шарт.

Текширувчи, туман, шаҳар ва кичик тумандаги, шунингдек патруллик йўналишидаги (постдаги) тезкор вазиятни билиши, талабчанликни сусайтирмаган ҳолда хизмат ўталишини ҳолис баҳолаши ва вазмин бўлиши лозим.

Хизмат ўталишини текширишда наряддаги ходимнинг унга бириктирилган ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, махсус ва транспорт воситаларини эгаллаб олишга уринишга ҳамда бахтсиз ҳодисалар ва бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Текширувчи патруль-пост хизматини ташкиллаштириш ва ўташ бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриши керак.

Мазкур талабларини қўпол равишда бузганлиги учун ППХ наряди бўйсунув тартибида юқори турувчи бошлиқлар (командирлар) томонидан патруллик йўналишидан (постдан) ечилиши мумкин. Бунда наряднинг ечилганлиги ҳақида туман (шаҳар) ИИБ бошлиғи ва ППХ саф бўлинмаси командири ҳамда навбатчига хабар берилади.

Текширувчи ППХ нарядини текширганлиги ҳақида ходимнинг хизмат китобчасида, юритилган Автопатрул борт журналида, кейинчалик эса ППХ нарядларини пост ва патруллик йўналишларига тақсимлаш китобида қайд этади.

Хуфиёна текширув ППХ нарядининг ҳаракатларини пинҳона кузатиш йўли билан камида бир соат амалга оширилади. Хуфиёна текширувда ходимларнинг ҳаракатларини қайд этиш учун техник воситалардан, шу жумладан фото ва видео қайд этиш воситаларидан фойдаланилиши мумкин.

ППХ наряди томонидан хизмат ўташ тартибининг қўпол равишда бузилган ёки унга ёрдам бериш зарур бўлган ҳолларда хуфиёна текширув тўхтатилиб, тартиб бузилишига барҳам бериш, тегишли ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилади.

Хуфиёна текширув натижалари бўйича текширувчи ППХ саф бўлинмаси командирига (туман (шаҳар) ИИБ, Транспортда ЖХТБ бошлиғига) билдирги билан ахборот беради.

ППХ нарядларининг хуфиёна текширувлари алоҳида отрядларда ҳар ойда камида тўрт маротаба, алоҳида гуруҳларда ҳар ойда камида уч маротаба, бригада ва батальонларда эса уларнинг таркибидаги отрядлар сонидан келиб чиққан ҳолда (ҳар бир отрядда бир ойда камида тўрт маротаба) амалга оширилади.

ППХ нарядларининг хизмат ўташлари устидан назоратни амалга ошириш самарадорлиги ППХ саф бўлинмаси командири (туман (шаҳар) ИИБ, Транспортда ЖХТБ бошлиғи) ҳузурида ўтказиладиган тезкор йиғилишда ҳар ойида камида бир маротаба муҳокама этилади.

#### **Мустақил тайёргарлик машғулотиغا топшириқ:**

ППХ нарядлари томонидан хизмат ташкиллаштирилиши ва ўталиши устидан назоратни амалга ошириш шунингдек ошкора ва хуфиёна текшириш сабаб ҳамда мақсадини ўқиб конспектлаштириш.


## 7-Мавзу ППХ нарядларини хизмат ўташга тайёрлаш.

### Семинар машғулоти

Ушбу ўқув машғулотини “*Сухбат*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи тингловчи ва (курсант)лар ўртасида диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги сухбат жараёнида ойдинлашмаган масалалар юзасидан қўшимча саволлар бериш, тингловчи ва (курсант)нинг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида рухий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.

Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:



### Ўқув машғулотини саволлари:

1-савол. Патруль-пост хизматини ўташ учун нарядга тайинланган ходимлар йўриқнома бошланишидан олдин тайёргарлик вақти?

2-савол. Хизмат ўташга тушаётган ППХ ходимлари кийим-бош ва ташқи кўриниши қандай бўлиши керак?

3-савол. Хизмат ўташга тушаётган ППХ ходимларининг ёнида бўлиш шарт бўлган нарсалар?

4-савол. Юклатиладиган вазифалардан ҳамда тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда ППХ ходимларига қўшимча равишда яна қандай воситалар берилади?



**8-Мавзу: Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари.**  
(маъруза 2 соат)

**Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари таркибида отлик отрядларни босқичма-босқич ташкил этиш ҳамда ППХ нарядларининг хизмат отларида хизмат ўташ хусусиятлари.

2-ўқув савол. ППХ нарядларининг автомобилларда хизмат ўташ хусусиятлари.

**1-савол: Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари таркибида отлик отрядларни босқичма-босқич ташкил этиш ҳамда ППХ нарядларининг хизмат отларида хизмат ўташ хусусиятлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини ташкил қилишда хизматни ўташнинг замонавий услубларини жорий қилиш ҳамда уларнинг юқори ҳаракатчанлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 июндаги, «Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 333-сон қарори қабул қилинди:

Ушбу Қарорда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

-ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг нарядлари томонидан патруль хизматини фақат авто ва мототранспорт воситаларида олиб боришга ўтказиш учун зарур бўлган транспорт воситалари билан босқичма-босқич таъминлаш;



**ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари таркибида отлик отрядларни босқичма-босқич ташкил этиш ҳамда мазкур отрядларни хизмат отлари, тегишли транспорт воситалари ва анжомлар билан таъминлаш**

Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Навоий



вилоятлари ички ишлар бошқармаларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари таркибида ташкил этиладиган отлик отрядларни ушбу ички ишлар бошқармаларига тегишли бўлган ер майдонларида барпо этиладиган бино ва иншоотларда, Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармасининг патруль-пост хизмати саф бўлинмаси таркибида ташкил этиладиган отлик отрядни эса Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш департаментига тегишли бўлган ер майдонида барпо этиладиган бино ва иншоотларда жойлаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бухоро, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ички ишлар бошқармаларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари таркибида ташкил этиладиган отлик отрядларни жойлаштириш учун Нукус ва Бухоро шаҳарлари, Фарғона, Қарши, Термиз туманлари ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган 1 гектардан заҳира ер майдонларини Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда тегишли вилоятлар ички ишлар бошқармаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиб берилди.

2023—2026 йилларда ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини авто ва мототранспорт воситалари, хизмат отлари ва анжомлар билан таъминлаш;

2023—2026 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг отлик отрядлари учун янги бино ва иншоотларни куриш ҳамда мукамал таъмирлаш дастури белгиланди.

2023—2026 йилларда ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмаларини авто ва мототранспорт воситалари, хизмат отлари ва анжомлар билан таъминлаш дастури доирасида отлик отрядларга қорабайир зотли отлар мазкур соҳага ихтисослашган маҳаллий ташкилотлар томонидан етказиб берилади.

**Қарор билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига икки ой муддатда:**

❖ отлик отрядларнинг тузилмасини, ушбу отрядлар тўғрисидаги низомни, уларнинг ходимлари учун хизмат кийимининг намунасини, уларни экипировка, анжом ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш бўйича таъминлаш меъёрларини;

❖ хизмат отларининг қилиниши, сақланиши, парвариш қилиниши, ўргатилишини ҳамда ем-хашак, зоотехника ва ветеринарияга оид ҳамда бошқа анжомлар билан таъминланишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги қўлланмани ишлаб чиқиш;

❖ уч ой муддатда отлик отрядлар учун янги бино ва иншоотларни куриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш белгиланган;

❖ қарорда кўрсатиб ўтилганидек тўрт ой муддатда отлик отрядларнинг йўналишларда ўз вақтида жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш ва уларга чек қўйиш бўйича аниқ вазифаларини, ҳудудий ички ишлар органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларнинг куч ҳамда воситалари билан ҳамкорликни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш услубларини, шунингдек, хизмат отларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришни белгилаган ҳолда, отлик отрядлар билан махсус тактик машқлар, хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотларини ўтказишга доир мавзули режа-жадваллар ва ўқув дастурлар ишлаб чиқилди.



### **ППХ нарядларининг хизмат отларида хизмат ўташ хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 21 июндаги 112-сон буйруғида Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати бригадаси Отлик отрядининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

Отлик отрядининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

➤ хизматни ўташда фуқороларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматининг ҳурмат қилинишини, муомала маданияти ва одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш;

➤ очиқ жойларда ўтказиладиган оммавий тадбирлар чоғида жамоат тартибини сақдаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда юқори ҳаракатчанлик ҳамда мобилъь тусиқлар ва халқаларнинг ташкил этилишини таъминлаш;

➤ Тошкент шаҳрининг марказий кучалари, дам олиш зоналари ва аҳоли гавжум бўладиган бошқа жойларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарларни ушлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш;

➤ ходимларга йилқичилик асосларини ва от миниб юриш кўникмаларини ўргатишни ташкил этиш, ушбу соҳадаги ижобий ҳорижий тажрибани ўрганиш ва амалиётга жорий этиш, экстремал вазиятларда хизмат отларини тайёрлаш усуллари ва улардан фойдаланиш тактикасини такомиллаштириш.

Бунда хизмат отлари белгиланган йўналишларда патрулликни амалга ошириш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш,

уларни аниқлаш ва бартараф этиш, очик жойларда ўтказиладиган оммавий тадбирлар чоғида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда юқори ҳаракатчанлик ҳамда мобилъьь тўсиқлар ва ҳалқалар ташкил этиш бўйича чораларни амалга ошириш учун мўлжалланган.

Отлиқ патруллар Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБлари бошлиқлари томонидан тасдиқланган патруллик йўналишлари (постлар) жойлашувига мувофиқ марказий кўчаларда, дам олиш зоналари ва аҳоли гавжум бўладиган бошқа жойларда, оммавий тадбирларни ўтказиш объектларида бириктирилган участкаларда ва йўналишларда хизмат олиб боради.

Хизмат ўташга тушаётган отлиқ ходимларнинг ёнида компас, патруллик йўналишининг топографик ҳаритаси, шунингдек таБельъьь меъёрига мувофиқ бошқа техник воситалар бўлиши керак.

Отлиқ патрулга жалб этилган ходимлар ўзларига бириктирилган хизмат отларида хизмат ўтайдилар.

Оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботнинг гуруҳлар томонидан бузилиши ва оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тадбирларга отлиқ нарядларни жалб этиш оммавий тадбирни ўтказиш жойининг тури, хусусиятлари ва тадбир иштирокчиларининг тахминий сонидан, гуруҳий ҳуқуқбузарликларнинг характери ва сонидан, уларнинг иштирокчилари қуролланганлигидан, шунингдек тегишли ҳудудда шаклланаётган тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Отлиқ патрулда хизмат ўташга махсус тайёргарликдан ўтган, хизмат отлари билан муомала қилишнинг амалий кўникмаларига эга бўлган, жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар, шу жумладан хизмат отлари ҳамда ўқотар қурол қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилиги тўғрисида тегишли сертификатни олган отлиқ ходимлар жалб этилади.

Отлиқ ходимлар хизмат отлари қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини текшириш учун даврий текширувдан ўтказилади.

Отлиқ патрул куннинг ёруғ вақтларида хизмат ўташга жалб этилади. Отлиқ нарядларни қоронғи вақтда хизмат ўташга жалб этиш ҳуқуқ-тартиботнинг гуруҳлар томонидан бузилиши ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш чораларини амалга ошириш доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар

ИИБлари бошлиқларининг кўрсатмалари асосида амалга оширилиши мумкин.

Отлиқ патрулларни хизмат ўташга жалб этиш йил фасли, сутка даври, об-ҳавонинг шароитларидан (қор, ёмғир, туман) ва ҳавонинг ҳароратидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Ҳаво ҳарорати -15 оС дан паст ва +25 оС юқори бўлганида хизмат отлари махсус анжомлар билан таъминланган ҳолда қўлланилади (ёпинчиқ, тишли мослама, пластик ёки резинали сувлуқ [“трэнзель”]).

Отлиқ ходимларнинг иш тартиби шахсий таркиб ва отларни хизматга тайёрлаш, отлиқ бўлинманинг доимий жойлашув жойидан хизмат ўташ жойига бориш (етказиш) ва қайтиш учун сарфланадиган вақтларни ҳамда куннинг ёруғ даври давомийлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Отлиқ ходимни отлиқ патрул таркибида узлуксиз хизматни ўташ (эгарда бўлиш) вақти уч соатдан, бир кунда олти соатдан, ҳафтада ўттиз соатдан ва ойда бир юз ўн соатдан ошиши мумкин эмас.



### **Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари туғрисида”ги қонунига мувофиқ:**

Отлиқ отряд ходимлари куйидаги ҳолларда хизмат отларини қўллаш ҳуқуқига эга:

- ❖ фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган хужумни қайтариш учун;
- ❖ жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда,
- ❖ ички ишлар органи ходимига қаршилик курсатилишига чек қўйишда;
- ❖ жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда;
- ❖ қуролли қаршилик курсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;
- ❖ ушлаб турилган шахсларни ва камоққа олинган, маъмурий камоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочиб кетишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;
- ❖ фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат ҳавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;
- ❖ жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;
- ❖ муҳофаза қилинадиган объектларни химоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.

Отлик отряд томонидан хизмат отларининг кўлланилиши учинчи шахсларнинг хаёти, соглиғига хавф туғдирмаслиги ва мол-мулкига зарар етказмаслиги керак.

**Отлик патрулга хизмат ўташ чоғида қўйидагилар тақиқланади:**  
бегона шахсларнинг хизмат отини минишига йўл қўйиш, юкларни ташиш;  
хизмат отларини қаровсиз қолдириш;  
-йўл ҳаракати қатнашчиларининг (ҳайдовчи, пиёда) ҳаракатланишига халақит бериш;  
-шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ҳудудларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш, шунингдек тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларига риоя қилмаслик.



**2-ўқув савол. ППХ нарядларининг автомобилларда хизмат ўташ хусусиятлари.**

Патрул автомобиллари белгиланган йўналишлар бўйича патрулликни амалга ошириш, жиноятчиларни таъқиб қилиш, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ички ишлар органларига олиб келиш учун мўлжалланган.

Патрул автомобилларидан махсус транспорт воситалари бўлмаганда, шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларни, шунингдек жамоат жойларида алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсирида мастлик ҳолатида бўлган ва мустақил равишда ҳаракатланиш ёки адашмай йўл топиш қобилиятини йўқотган ёхуд атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказиши мумкин бўлган шахсларни тиббий муассасаларга олиб бориш учун фойдаланиш мумкин.

Патрул автомобиллари радиостанция ва бошқа техник воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Патрул автомобилларига ўрнатиладиган махсус ёруғлик ва товуш сигналларидан фойдаланиш тартиблари, патрул автомобилларининг ППХ саф бўлинмаларига тегишлилигини билдирувчи бўёқ схемалари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Автопатрулнинг патруллик йўналишида ҳаракатланиш тартиби юклатилган вазифалар, юзага келган вазият, йил фасли ва сутка даври ва ваколатли раҳбарларнинг кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Тезкор вазияти барқарор бўлмаган, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойларда тўхташ пунктлари тайинланади ҳамда ҳар бир пунктда пиёда хизмат ўташнинг

алоҳида вазифалари, вақти ва давомийлиги, шунингдек бир пунктдан бошқасига ўтиш кетма-кетлиги, навбатчилик қисми билан алоқа қилиш вақтлари белгиланади. Ушбу маълумотлар патруллик йўналишининг (постнинг) паспортида ҳамда Автопатрул борт журналида қайд этилади.

Автопатрул наряди каттаси белгиланган хизмат ўташ тартибининг, юклатилган вазифаларнинг, автотранспорт ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш тартиб-қоидаларининг сўзсиз бажарилиши, хизмат ўташ чоғида ҳамда ушланган шахсларни транспорт воситасида ташиш давомида хавфсизлик чораларига амал қилиниши учун жавобгар ҳисобланади.

Автопатрул ҳаракатланиш давомида кузатувни амалга оширади, жамоат тартибига тажавуз қилувчи хатти-ҳаракатлар, шу жумладан жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолларда, уларнинг олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш чораларини кўриш учун тўхташи шарт.

Агар наряд таркибидаги ходимлар сони уч-тўрт нафарни ташкил этса, наряд каттаси автопатрулнинг тўхтаб туриши даврида ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимоли бўлган жойларда пиёда патрулликни ташкиллаштиради.

Бунда ҳайдовчи ходим автомобилда қолади ва автомобилнинг кўриқланишини, навбатчи ва наряд каттаси билан радиоалоқани таъминлайди. Пиёда патрулликни амалга оширишда ходимлар автомобилдан 300 м гача бўлган масофага узоқлашишлари мумкин.

Автопатрул тўхташ пунктларида ўттиз дақиқадан кам ва бир соатдан кўп бўлмаган вақт давомида хизмат ўтайди.

Автопатрул белгиланган йўналишда автомобилда кузатувни амалга ошириш учун қулай бўлган, лекин 40 км/ҳ дан юқори бўлмаган тезликда, тунги вақтларда патрул автомобилининг кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи чироқ-маёқчаси ёқилган ҳолда ҳаракатланиши зарур.

Автопатрул пиёда патруллар (постлар) билан ҳамкорлик қилади, тезкор вазият бўйича ўзаро ахборот алмашади ва зарур ҳолларда уларга ёрдам кўрсатади.

#### **Ушланган шахсларни автомобилга ўтказишда, ПИХ наряди:**

➤ ушбу шахслар томонидан атрофдагиларга ёки ўзларига жароҳат етказилиши, ички ишлар органи ходимларига ҳужум қилиниши ва мол-мулкка зарар етказилишининг олдини олишга қаратилган эҳтиёт чораларини кўриши;

➤ эшикларнинг, уларнинг қулфлари ва бошқа очиш-ёпиш мосламаларининг ҳолати ва мустаҳкамлигини текшириши шарт.

Наряд томонидан олиб келинган шахс автомобилдан туширилгандан сўнг, қолдирилган предметлар ва ҳужжатларни аниқлаш мақсадида кузов (кабина) кўздан кечирилади.

**Автопатрулга хизмат ўташ чоғида қуйидагилар тақиқланади:**

- ❖ бегона шахслар ва юкларни ташиш;
  - ❖ автомобилни унинг олиб қочилишининг олдини олишга қаратилган эҳтиёт чораларини кўрмасдан қаровсиз қолдириш;
- Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш;
- ❖ ўзбошимчалик билан белгиланган патруллик йўналишини ташлаб кетиш ва хизмат ўташ тартибини ўзгартириш;
  - ❖ автомобиль бошқарувини ўзга шахсга бериш;
- ушланган шахсларни автомобилда қаровсиз қолдириш.

**Келгуси машғулот учун топшириқ**

Мустақил таълим вақтида Отлиқ отрядини бошқаришни ташкиллаштиришни ўқиб конспектлаштириш.

**8-мавзу. Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари.**

**Семинар машғулотни режаси:**

Ушбу ўқув машғулотни “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга савол ташланади. “Ақлий ҳужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; тингловчиларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

**Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 июндаги, «Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 333-сон қароридаги асосий вазифа?
2. Ўзбекистон Республикасининг қайси вилоятларида Патруль-пост хизмати Отлиқ отрядлари ташкил этилди?
3. Патруль-пост хизмати Отлиқ отрядининг хизматини ташкил этиш қайси меъёрий ҳужжатда белгиланган?
4. Отлиқ отряд ходимлари қайси ҳолларда хизмат отларини қўллаш ҳуқуқига эга?



**9-мавзу: ППХ саф бўлинмалари нарядларининг алоҳида вазиятлардаги тактик ҳаракатлари.**

(маъруза 2 соат)

### **Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. Жиноят содир этилганда, жиноят содир этилган ва ҳодиса жойида ППХ нарядларининг ҳаракатлари ва гумондор шахсларни ушлаш ва ИИОга (таянч пунктига) олиб келиш тартиби.

2-ўқув савол. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланганда ППХ нарядларининг

ҳаракатлари.

**1-ўқув саволи. Жиноят содир этилганда, жиноят содир этилган ва ҳодиса жойида ППХ нарядларининг ҳаракатлари ва гумондор шахсларни ушлаш ва ИИОга (таянч пунктига) олиб келиш тартиби.**

Жиноят содир этилганлиги ҳақида хабар олинганда, ППХ наряди ушбу хабарни берган шахсдан қуйидагиларни аниқлайди:

жиноят содир этилган жойни, вақтни, усул ва бошқа ҳолатларни;

➤ жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс тўғрисидаги маълумотларни (унинг белгиларини), жиноят гувоҳлари ва улар тўғрисида қандай маълумотлар мавжудлигини;

➤ жабрланувчининг аҳволи ва унга ёрдам кўрсатилганлигини;

➤ жиноят ҳақида хабар берган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш манзилини.

Ушбу маълумотлар хизмат китобчасига ёзилади, навбатчига ахборот берилади ва унинг кўрсатмасига мувофиқ ҳаракат қилинади.

Кечитириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарур бўлган ҳолларда ППХ наряди зудлик билан жиноят содир этилган ёки ҳодиса жойига етиб боради ва бу ҳақида навбатчига ахборот беради.

Қуйидагилар жиноят содир этилган жойда ППХ нарядларининг мажбуриятлари ҳисобланади:

❖ жиноятни бартараф этиш бўйича қатъий чоралар кўриш;

❖ жиноятчиларни таъқиб қилиш ва ушлашни ташкиллаштириш;

❖ жабрланувчига ёрдам кўрсатиш, зарурат бўлганда тез тиббий ёрдам хизматини чақириш;

❖ имкониятдан келиб чиққан ҳолда гувоҳларни аниқлаш;

❖ жиноят содир этилган жойни кўриқланишини таъминлаш;

❖ жиноят ҳолатлари ҳақида навбатчига ахборот бериш ва унинг кўрсатмасига мувофиқ ҳаракат қилиш.



Ҳаракатларнинг изчиллиги содир этилган жиноятнинг характери, ППХ нарядларининг таркиби ва бошқа ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Жиноят содир этилганда, уни содир этишда гумон қилинаётган шахснинг (шахсларнинг) ғайриқонуний ҳаракатларни давом эттиришини чеклаш ППХ нарядларининг устивор вазифаси ҳисобланади.

Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб қилиш улар ушлангунига ва зарарсизлантирилгунига қадар тўхтатилмайди. Таъқиб қилиш давомида ППХ нарядлари шахсий хавфсизликларини таъминлаган ҳолда ҳаракат қилишлари, заруратга қараб мансабдор шахслар, фуқаролар ва ички ишлар органларининг бошқа нарядларидан ёрдам сўрашлари лозим. Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни таъқиб қилиш давомида жиноят содир этилган жойнинг кўриқланиши яқиндаги нарядлар томонидан ёки фуқароларни жалб этган ҳолда амалга оширилади.

Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб қилиш ва кидиришни ташкиллаштириш имкони бўлмаганда, ППХ ходими тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунига ёки навбатчининг кўрсатмасини олгунига қадар жиноят содир этилган жойни тарк этмаслиги шарт.

Жиноятга алоқадор ашёвий далиллар ва изларнинг даҳлсиз сақланишини таъминлаш мақсадида жиноят содир этилган жойдан барча фуқаролар, зарур бўлган ҳолларда эса жабрланувчилар ҳам зудлик билан маълум масофага узоқлаштирилади.

Тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунигача бирон бир шахснинг, шу жумладан наряднинг жиноят содир этилган жойдаги ашёвий далиллар ва изларга тегиши, уларнинг жойи ва ҳолатини ўзгартиришига йўл қўйилмайди.

Ашёвий далилларни жойи ва ҳолатини ўзгартириш фақатгина уларга зарар етиши мумкин бўлган ҳолларда (об-ҳаво ва бошқа шароитларда) рухсат этилади. Бунда ашёвий далилларнинг дастлабки ҳолати қайд этилиши (фото-ва видео қайд этиш, қоғозга ёзиш ва чизиш, ҳолисларни жалб этиш ва бошқа имкониятлардан фойдаланиш) шарт.

Зарур бўлган ҳолларда, ППХ нарядлари томонидан жиноят содир этилган жой ўраб олинади (тўсиб қўйилади), мазкур вазифани амалга ошириш учун жамоатчилик вакиллари жалб этилиши, жиноят содир этилган жойни тўсиб қўйиш учун турли тўсиқлардан (арқон, ёғоч, сим ва бошқа воситалар) фойдаланилиши мумкин. Наряд таркибидаги ходимлар томонидан қолдирилган излар яққол кўринувчи белгилар билан бегилаб қўйилади.

Жиноят содир этилган ёки ҳодиса жойида ППХ нарядларига чекиш, бирон бир предмет ташлаш, ишга алоқадор бўлмаган суҳбатларни олиб бориш ва бегона шахсларнинг саволларига жавоб бериш рухсат этилмайди.

ППХ ходими жиноят содир этилган жойда биринчи навбатда вақт ўтган сайин йўқ бўлиши ёки ўзгариши мумкин бўлган жиҳатларни (хидлар, об-ҳаво шароити, ҳарорат, шамол йўналиши, ёруғлик характери) эслаб қолиши ва имкониятдан келиб чиққан ҳолда ёзиб олиши керак.

Асосий эътибор жиноят содир этилган жойдаги вазиятни, шу жумладан жиноят қуролларининг, қўл бармоқлари, оёқ кийимлари ва транспорт воситалари изларининг, қон доғларининг, соч ва тук толаларининг, кийим предметларининг, мато қисмларининг, шиша парчаларининг, ёғоч бўлакларининг, чекиб ташланган сигареталар ва содир этилган жиноятга алоқадор бўлган бошқа предметларнинг сақланишини таъминлашга қаратилиши зарур.

ППХ ходимлари жиноят содир этилган ёки ҳодиса жойида қатъиятлик билан ҳаракат қилиши, шунингдек фуқаролар билан низога ҳамда аҳоли орасида шов-шувга сабаб бўлиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги шарт.

Жиноят содир этилган жойда бўлган фуқаролардан ўзбошимчалик билан бирон бир ҳаракат қилмасликлари сўралади, уларнинг ҳужжатлари асосида шахси аниқланади, фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, иш жойи ва тельефон рақамлари ёзиб олинади, шунингдек жиноят иштирокчиларининг сони, ташқи кўриниши ва белгилари, улар қайси томонга кетганликлари (яширинганликлари) ва қандай транспорт воситасидан фойдаланганликлари, унинг давлат рақам ва бошқа белгилари, жиноят содир этилган жойдаги вазиятнинг ўзгарганлиги ва улар ким томонидан қандай мақсадларда амалга оширилганлиги аниқланади.

ППХ ходими жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ёки уни тиббий муассасага жўнатиш вақтида жиноятга алоқадор предметлар, излар ва бошқа белгиларни аниқлаш мақсадида жабрланувчининг кийими ва танасининг очиқ жойларини кўздан кечиради ҳамда унинг шахсини аниқлаш чораларини кўради.

Жароҳатланган шахс аниқланган жой, унинг гавдаси, қўллари ва оёқларининг ҳолати мавжуд воситалар (бўр, кўмир, кесак ва бошқа) ёрдамида белгиланади.

Агар жабрланувчида ҳаёт аломатлари мавжуд бўлмаса, унинг тириклиги (ўлганлиги) текширилади, бунда имкони борича жабрланувчи танасининг ҳолати ва атрофдаги вазият ўзгартирилмайди.

Тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунига қадар жиноят содир этилган ёки ҳодиса жойидаги жасадларнинг ҳолати ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.



## Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва ички ишлар органларига (таянч пунктига) олиб келиш тартиблари

Жиноятчилар ва жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлашда ППХ ходимларидан конунийликка амал қилиш, ҳушёр ва қатъиятли бўлиш ҳамда вазиятдан келиб чиққан ҳолда тўғри қарор қабул қилиш талаб этилади.

Бунда қуйидагилар ҳисобга олинади:

❖ ушланаётган шахснинг шахси ва у ушланмаган тақдирда, юзага келиши мумкин бўлган хавфли оқибатлар;

❖ ушлаш чоғида ушланаётган шахс, унинг шериклари ва бошқа шахслар томонидан қаршилик кўрсатилган ҳолларда, юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлар;

❖ қуролли қаршилик кўрсатилиши ёки ҳужум қилиниши эҳтимоли;

❖ жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш учун асослар мавжудлиги ҳамда уларни қўллаш шароитлари.

Жиноят содир этган ёки содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлашдан олдин, алоҳида эътибор уларнинг ёнида ўқотар ёки совук қуроллар мавжудлигини аниқлаш ва эҳтиёт чораларини кўришга қаратилиши зарур.

Ўқотар қуролни қўллаш зарурати бўлган ҳолларда, ППХ ходими ўзига бириктирилган ўқотар қуролни қўллаш учун тайёрлаши ҳамда уни жанговар ҳолатга келтириши шарт (қобурани қурол чиқариш учун қулай ҳолатга келтириш, тўппонча сақлагичини ечиш, патронни ўқдонга юбориш).

Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахслар гуруҳларини ушлаш зарур бўлган ҳолларда, ППХ ходими навбатчи ва энг яқиндаги нарядлар билан боғланиб, улардан ёрдам сўраши, шунингдек имкониятдан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг уларни хавф остида қолдирмаган ҳолда кўмагидан фойдаланиши керак.

Жиноятчини ушлаш жойи юзага келган вазиятни, фуқароларнинг ҳамда ППХ ходимларининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдидларни, шунингдек ҳуқуқбузарнинг яшириниш имкониятини чеклайдиган бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. ППХ наряди ушланаётган шахснинг олдига эҳтиёткорлик билан унга сьездирмасдан яқинлашади, «ТЎХТА. Қўлингни КЎТАР» командасини беради ва ушланганлигини маълум қилади.

Алоҳида ҳолларда ушланаётган шахс томонидан қаршилик кўрсатилишининг олдини олиш мақсадида унга ушлашнинг сабаби, мақсади маълум қилинмайди ва чалғитадиган вазиятлар (жамоат тартибини бузиш, белгиланмаган жойдан йўлни кесиб ўтиш, паспорт режими қоидаларига риоя

этилишини текшириш, карантин ва бошқа) билан мурожаат этилади. Бунда «ТЎХТА. Қўлингни КЎТАР» командаси берилмайди.

Ушланган шахснинг кийими ва нарсаларини кўздан кечириш вазиятдан келиб чиққан ҳолда дарҳол ёки ички ишлар органларининг бошқа ходимлари ёхуд фуқаролар томонидан ёрдам кўрсатилиши мумкин бўлган қулай фурсатда амалга оширилади.

Кўздан кечириш жараёнида аниқланган қурол ҳамда нарядга қаршилик кўрсатиш ва ҳужум қилиш ёки қочиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган предметлар дарҳол олиб қўйилади.

ППХ ходими гумонланувчининг ҳужжатларини текшириш, уни сўроқ қилиш вақтида ундан бир қадам узоқликда ва ярим бурилган ҳолда ҳужумни қайтариш учун шай ҳолда туриши керак.

Ушланган шахсларни ички ишлар органига (таянч пунктига) олиб келиш патрул ва ички ишлар органларининг махсус автомобилларида, бунинг имконияти бўлмаган ҳолларда эса қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларида амалга оширилади.

Жамоат транспортдан, махсус мўлжалланган транспорт воситаларидан, шу жумладан ёнғин ўчириш, инкассация хизмати ва тез тиббий ёрдам (тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно) автомобилларидан, шунингдек чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарига, халқаро ташкилотларга тегишли бўлган транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда ушланган шахсларни ички ишлар органига (таянч пунктига) олиб келишга йўл қўйилмайди.

ППХ наряди ушланган шахсни олиб келишда ушбу шахснинг шериклари томонидан унинг қочиши ёки зўрлик ишлатиш йўли билан озод қилиниши учун шароитлар яратилиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда эҳтиёт чораларини кўриши, шунингдек, ашёвий далиллар ташлаб юборилиши ёки бирор бир шахсга берилиши ва шериклардан қурол ёки бошқа ҳужум қилиш учун ишлатилиши мумкин бўлган предметлар олинишига йўл қўймаслик мақсадида ушланган шахсни мунтазам кузатиб бориши зарур.



## **2-ўқув савол. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланганда ППХ нарядларининг ҳаракатлари.**

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланганда, ППХ ходимлари қонун ҳужжатлари ва Вазирликнинг ички идоравий ҳужжатлари талабларига риоя этишлари ҳамда уларни бажаришлари шарт. Бунда улар қуйидагиларга мажбур:

а) ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тугатишни талаб қилишга;  
б) ҳуқуқбузарнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини текширишга,  
улардаги маълумотларни қайд этишга;

в) гувоҳларни (агар улар мавжуд бўлса) аниқлаш ва улар ҳақидаги маълумотларни ёзиб олишга, гувоҳларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиришга;

г) ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳолатларни аниқлашга, хусусан:

❖ маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисасини ёки аломатини;

❖ ғайриқонуний ҳаракатларни содир этган шахсни;

❖ шахснинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдорлигини;

❖ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатларни;

❖ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни;

❖ ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа ҳолатларни;

д) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 281-моддаси талабларига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузишга ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида ушбу Кодекснинг 284-моддасига мувофиқ ҳуқуқбузарни ички ишлар органига ёхуд таянч пунктига ушлаб келтиришга.

ППХ ходимлари ҳаракатларининг изчиллиги содир этилган ҳуқуқбузарликнинг характери, наряднинг таркиби ва бошқа ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Қуйидагилар маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланганда, ППХ ходимларининг биринчи навбатдаги вазифалари ҳисобланади:

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилишини тугатиш ва ҳуқуқбузарни ушлаш чорасини кўриш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича материалларнинг сифатини ва тўлиқлигини таъминлаш;

ғайриқонуний қилмиш ҳолатларини ҳужжатлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, прокурорлар ва прокуратура терговчилари, шунингдек Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ходимлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганда ППХ ходимлари мазкур Уставнинг 222-банди «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган ҳаракатларни амалга оширадилар ва бу ҳақда навбатчига хабар берадилар.

## **Жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилинаётган шахслар яшириниши мумкин бўлган жойларни кўздан кечириш**

ППХ нарядлари патрулик йўналишларида (постларда) хизмат ўташ чоғида жиноят содир этган шахслар ёки бошқа ҳуқуқбузарлар яшириниши мумкин бўлган (ертўлалар, чордоқлар, аҳоли яшамайдиган бинолар, қурилаётган бино ва иншоотлар, боғлар, ҳиёбонлар ва шу каби) жойларни кўздан кечиришлари лозим.

Жиноятчилар яшириниши мумкин бўлган жойларни кўздан кечириш камида икки нафар ППХ ходими томонидан, зарур бўлган ҳолларда эса хизмат итлари ва бошқа махсус ҳамда техник воситалар ёрдамида амалга оширилади. Кўздан кечиришга коммунал хизматлар ишчи ва хизматчилари, комендантлар ва бошқа шахслар, шунингдек фуқаролар жалб этилиши мумкин.

Кўздан кечирилиши лозим бўлган жойларда қуролланган шахслар яширинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда, наряд бу ҳақида навбатчига ахборот беради ва унинг кўрсатмасига мувофиқ ҳаракат қилади.

Жиноятчилар яшириниши мумкин бўлган жойларни кўздан кечиришда ППХ наряди каттаси аввало объектнинг жойлашувини, тузилишини, кириш ва чиқиш жойлари мавжудлигини аниқлаши, наряд ва жалб этилган бошқа шахсларнинг вазифаларини белгилаши, уларга кўздан кечириш жараёнида шахсий хавфсизлик ва эҳтиёт чоралари кўрилиши зарурлигини уқтириши шарт.

Кўздан кечиришнинг барча иштирокчилари фақатгина ППХ наряди каттасининг командасига кўра ҳаракатланадилар. Ҳар қандай ўзбошимча ҳаракатлар тақиқланади.

Кўздан кечириладиган объектларга бориш (яқинлашиш) шовқинсиз амалга оширилади, гаплашиш ва чекишга йўл қўйилмайди. Командалар паст овозда ёки махсус белгиланган ишоралар ёрдамида берилади. Объектни кўздан кечиришдан олдин ППХ наряди ўқотар қуролни қўллаш учун тайёрлигини текшириши зарур.

Объект ичига кирилганда, ҳужум қилинишининг олдини олишга қаратилган эҳтиёт чоралари кўрилиши керак. Агар объект (хона) ичига съездирмасдан киришнинг имкони бўлмаса, киришдан олдин «Ким бор, ЧИҚ» командаси берилади. Бир вақтнинг ўзида ППХ наряди таркибидаги барча ходимларнинг бир кириш жойидан объектга (хонага) киришлари тақиқланади.

Жиноятчилар ёки жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахслар аниқланганда, ППХ наряди мазкур Уставга мувофиқ ҳаракат қилади.

**Мустақил таълим учун топшириқ:** Жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилинаётган шахслар яшириниши мумкин бўлган жойларни кўздан кечириш тўлқ ўқиб конспектлаштириш.

## **9-мавзу: ППХ саф бўлинмалари нарядларининг алоҳида вазиятлардаги тактик ҳаракатлари**


(2 соат семинар)

### **Семинар машғулоти**

Ушбу ўқув машғулоти «*Савол-жавоб*» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади..

«Савол-жавоб» методи мавзунинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



#### ***Машғулотнинг саволлари:***

1-савол. Жиноят содир этилганлиги ҳақида хабар олинганда, ППХ наряди ушбу хабарни берган шахсдан нималарни аниқлайди?

2-савол. Жиноят содир этилган жойда ППХ нарядларининг мажбуриятлари?

3-савол. Жиноят содир этилган ёки ҳодиса жойида ППХ нарядларига нималар таъқиқланади?

4-савол. Жиноятчилар ва жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлашда ППХ ходимларидан талаб қилинади?

#### **Амалий машғулот:**

Кўча ва жамоат жойларида хизмат олиб бораётган Патруль-пост нарядлари томонидан Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаш ва ички ишлар органларига (таянч пунктига) олиб келиш тартиблари



**10-Мавзу: ППХ нарядларининг оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш, ўтказиш ҳамда фавқулодда вазиятларда хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш бўйича фаолияти.**

(маъруза 2 соат)

**Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. Оммавий тадбирлар тўғрисида тушунча, оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва рухсатнома олиш тартиби.

2-ўқув савол. Оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида террорчилик актларининг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар.

3-ўқув савол. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлардаги нарядларнинг турлари.

**1-ўқув савол. Оммавий тадбирлар тўғрисида тушунча, оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва рухсатнома олиш тартиби.**

**Оммавий тадбир** - 100 ва ундан кўп кишиларнинг иштирокида ижтимоий-сиёсий (анжуманлар, конференциялар ва бошқалар), маданий-оммавий ва кўнгилочар-томоша дастурлари (мусиқий, адабий ва бошқа фестиваллар, концерт, театр, спорт, реклама тадбирлари, халқ сайиллари, цирк, миллий намоёишлар ва ўйинлар, кўрик танловлар ва бошқалар), шунингдек умумхалқ, диний, касб байрамларини ўтказиш мақсадида оммавий тадбирни ўтказиш объектида ташкил қилинадиган фуқароларнинг биргаликда қатнашишлари;

**биринчи тоифадаги оммавий тадбир** - 200 ва ундан кўп кишилар иштирокида Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказлари ҳудудида ўтказиладиган оммавий тадбир;

**иккинчи тоифадаги оммавий тадбир** - биринчи тоифага кирмайдиган оммавий тадбир;

**оммавий тадбирни ўтказиш объекти** - оммавий тадбирларни ўтказиш учун махсус мўлжалланган ёки мослаштирилган, ёнғинга қарши хавфсизлик, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, эвакуация қилиш, коммуникация, муҳандис-техник ҳимоя воситалари ва оммавий тадбир иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашнинг бошқа воситалари ва тизимлари билан жиҳозланган, биринчи ва иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш объектлари рўйхатларига киритилган очиқ жой участкалари, бинолар, иншоотлар ва бошқа жойлар (маданият маърифат муассасалари, спорт мажмуалари ва бошқалар);



**оммавий тадбир ташкилотчиси** - оммавий тадбирни ташкил қилиш ва ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олган давлат органи, юридик шахс ва 18 ёшга етган жисмоний шахс;

**оммавий тадбир дастури** - оммавий тадбирни ўтказиш мақсадлари, объекти, санаси ва аниқ вақтини, ҳар бир босқичини ўтказиш учун жавобгар бўлган шахсларни кўрсатган ҳолда унинг асосий босқичларининг вақт бўйича жадвалини (босқичмабосқич режасини), фойдаланиладиган техник ва муҳандис-техник воситалар (сахна майдончаси, овоз кучайтириш, электр таъминоти манбаи, чироқ ва пиротехника билан безатилиши, тиббий хизмат кўрсатиш, оммавий тадбир ўтказилгандан кейин ҳудуднинг йиғиштирилиши)ни белгилаб берувчи, оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти билан келишув бўйича оммавий тадбир ташкилотчиси томонидан тасдиқланган ҳужжат;

**оммавий тадбирни ўтказиш учун рухсатнома** - оммавий тадбирни ўтказиш ҳуқуқини берадиган, ваколатли орган томонидан қабул қилинадиган ва оммавий тадбир ташкилотчисига бериладиган қарор;

**оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ ҳудудлар** - чегаралари маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари билан белгиланадиган жой участкалари;

**ваколатли орган** - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари;

**оммавий тадбир иштирокчилари** - оммавий тадбир дастурида кўзда тутилган оммавий тадбирларни амалга оширувчи ташкилотчилар, артистлар, спортчилар ва бошқа шахслар, шунингдек томошабинлар.

Оммавий тадбирлар биринчи ва иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш объектилари рўйхатига киритилган объектларда ўтказилиши мумкин.

Биринчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш объектиларининг рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Иккинчи тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш объектиларининг рўйхатлари туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг таклифлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

Айрим оммавий тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорлари асосида, биринчи ва иккинчи

тоифадаги оммавий тадбирларни ўтказиш объектларининг рўйхатларига киритилмаган жойларда ўтказилиши мумкин.

Оммавий тадбир уни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш тўғрисида ички ишлар органлари билан шартнома тузилгандан кейин оммавий тадбирни ўтказиш учун рухсатнома (кейинги ўринларда рухсатнома деб аталади) асосида, оммавий тадбир дастурига мувофиқ оммавий тадбирнинг ташкилотчиси томонидан ўтказилади.

Рухсатнома олгунга қадар оммавий тадбирнинг ташкилотчиси ва бошқа шахслар оммавий ахборот воситаларида, Интернет тармоғида оммавий тадбирнинг ўтказилиши тўғрисида эълон бериш, реклама материалларини тарқатиш, оммавий тадбирни ўтказиш жойи, санаси ва вақти тўғрисидаги маълумотларни бошқа тарзда тарқатиш, чипталар сотилишини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган оммавий тадбирларни ўтказиш объектларида оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатномалар олиш талаб қилинмайди.

Халқаро ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлган оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатномалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишув бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан берилади.



➤ **Оммавий тадбирлар қуйидаги турларга бўлинади:**

➤ ижтимоий-сиёсий (анжуманлар, конференциялар ва бошқалар)

➤ маданий-оммавий ва кўнгилочар-томоша дастурлари (мусликий, адабий ва бошқа фестиваллар, концерт, театр, спорт, реклама тадбирлари, халқ

сайиллари, цирк, миллий намоишлар ва ўйинлар танловлар ва бошқалар)

➤ умумхалқ, диний ҳамда касб байрамлари (Қурбон хайит, Устоз ва мураббийлар куни ва бошқалар)

Оммавий тадбир ташкилотчиси рухсатнома олгандан кейин оммавий тадбир бошланишидан ўн иш куни олдин ички ишлар органлари билан оммавий тадбирни ўтказиш вақтида хавфсизликни таъминлаш тўғрисида шартнома тузиши шарт. Оммавий тадбирни ўтказиш вақтида фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш бўйича ички ишлар органлари хизматларининг қиймати ушбу Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ хизматлар қийматини ҳисоб-китоб қилиш асосида белгиланади.

Оммавий тадбирни ўтказишда фавқулодда вазиятлар юзага келиши ёки фуқароларнинг хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга таҳдид солувчи ҳолатлар юзага келганда комиссия томонидан янги юзага келган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, объектнинг рухсат берилган оммавий тадбирни ўтказишга тайёрлигини ва оммавий тадбирни ўтказиш учун оммавий тадбир ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти томонидан амалга ошириладиган тайёргарлик чора-тадбирлари ҳолатини ўрганувчи ишчи гуруҳ ташкил қилинади.

Ишчи гуруҳ таркибига оммавий тадбирни ўтказиш объектининг хусусиятларини, унинг характерини ва иштирокчиларнинг сонини ҳисобга олган ҳолда ваколатли орган, ҳудудий ички ишлар органлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, оммавий тадбир ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти, бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари киритилади. Ишчи гуруҳ таркибига, шунингдек оммавий тадбирни ўтказиш вақтида рухсатнома билан зиммасига фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш юкланган ички ишлар органининг вакиллари киритилади.

Тадбирнинг характери, об-ҳаво шароитлари ва оммавий тадбирни ўтказишда фуқаролар хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлашга таъсир кўрсатувчи бошқа омилларга боғлиқ ҳолда, ишчи гуруҳ унинг ўтказилишидан икки сутка олдин оммавий тадбирни ўтказиш объектини текширади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради. Ишчи гуруҳ томонидан ўтказилган текширув яқунлари бўйича оммавий тадбирнинг ўтказилиш имконияти юзасидан текширув далолатномаси тузилади.

Оммавий тадбирнинг аҳамияти, характери ва иштирокчиларининг сонини ҳисобга олган ҳолда, ваколатли орган томонидан оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишга доир муайян режаларни ишлаб чиқувчи жалб қилинган ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун ташкилий кўмиталар ташкил этилиши мумкин, ушбу режалар жамиятга қарши ҳодисалар профилъььактикасини, ёнғин ва санитария-эпидемияга қарши хавфсизликни, тиббий таъминотни таъминлайди, оммавий тадбирларни ўтказиш жойларини тўлдириш ва иштирокчиларни эвакуация қилиш тартибини, фавқулодда ҳолатлар юзага келганда турли хизматларнинг вазифаларини кўзда тутди.

Оммавий тадбир ташкилотчиси комиссияни, оммавий тадбирни ўтказишда рухсатнома билан зиммасига фуқароларнинг хавфсизлигини ва

жамоат тартибини таъминлаш чора-тадбирлари юкланган ички ишлар органини ёзма равишда хабардор қилиб, оммавий тадбир иштирокчиларига хабар бериш ва уларга чипталар қийматини қайтариш чораларини кўриб, оммавий тадбирни ўтказмаслик ҳуқуқига эга.



**2-ўқув савол. Оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида террорчилик актларининг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар.**

Оммавий тадбирларни ўтказиш босқичида террорчилик актларининг олдини олиш мақсадида

ИИОлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар:

**1. Ташкилий тадбирлар:**

а) оммавий тадбирлар бошланишидан камида 4 соат олдин хизматга жалб этилган куч ва воситалар тақсимот асосида зоналар, участкалар, назорат ўтиш жойлар ва бошқа постларга бўлинган ҳолда хизматга жалб этилади.

б) бошқарув пункти ИИОларининг махсус алоқа воситалари билан жихозланган транспорт воситаларида, бевосита тадбир ўтказиладиган, кўзга ташланмайдиган жойда алоҳида хонада жойлаштирилади.

**2. Тезкор-қидирув тадбирлари:**

а) терорчилик –қўпоровчилик, фуқароларни гаровга олиш билан боғлиқ жиноий харкатлар ва фавқулотда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида объектнинг атроф ҳудудларида иншоатга кириш-чиқиш жойларида қаттиқ назорат ўрнатилиб, фуқаролар кузатилади, шубхали шахслар аниқлананда уларнинг шахсини аниқлаш чоралари кўрилади.

б) объект маъмурияти томонидан кирш эшиклар, назорат ўтиш жойларига маъмурият ишчиларидан қўшимча равишда назоратчилар қўйилиши ташкиллаштирилади.

в) тадбир давомида нарядларинг қонуний талабларини бажармаган шахсларни объектдан чиқариб юбориш, жамот тартибини, оммавий тадбирларни ўтказиш тартиб қоидаларини бузган шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади.

**Оммавий тадбирларни ўтказишда ички ишлар органларининг мажбуриятлари:**

оммавий тадбирнинг ҳажми, характери ва иштирокчиларининг сонини ҳисобга олган ҳолда оммавий тадбирни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлаш учун куч ва техник воситаларни жалб қилиш, жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш;

оммавий тадбирни тайёрлаш ва ўтказиш даврида фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини, йўл ва ёнғинга қарши хавфсизликни

таъминлаш масалалари бўйича Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бўлинмалари, бошқа манфаатдор ташкилотлар, оммавий тадбир ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

чипталарни сотиш вақтида кассалар олдида ва оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ ҳудудларда жамоат тартиби сақланишини таъминлаш;

оммавий тадбирнинг ташкилотчисидан ва оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмуриятидан оммавий тадбирни ўтказиш объектининг сифимидан келиб чиқиб чипталарни сотиш (таклифномаларни тарқатиш) лимитига риоя этилишини талаб қилиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмуриятига алкоғолли ичимликдан маст бўлган ҳолатда ёки инсоннинг интеллектуал ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи наркотик воситалар, психотроп ёки бошқа моддаларни истеъмол қилиш ҳолатида бўлган шахсларнинг оммавий тадбирни ўтказиш объектига ўтишига, шунингдек оммавий тадбирни ўтказиш объектида ва оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ ҳудудларда спиртли ичимликларни ичиш (истеъмол қилиш)га йўл кўймасликда ёрдам бериш;

оммавий тадбир ташкилотчисидан, оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмуриятидан ва бошқа шахслардан оммавий тадбирни ўтказиш объектида ва оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ ҳудудларда алкоғолли маҳсулот сотишнинг тўхтатилишини талаб қилиш;

оммавий тадбирнинг ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти билан биргаликда томошабинлар ва бошқа иштирокчиларнинг оммавий тадбирни ўтказиш объектига ўтиш хавфсизлигини таъминлаш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектининг сифимидан келиб чиқиб, оммавий тадбир иштирокчиларининг оммавий тадбирни ўтказиш объектига киритилишини тўхтатиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмуриятига томошабинларнинг ташкилий равишда ўтишини ва трибуналарда, ўтириш учун ажратилган бошқа жойларда уларнинг жойлаштирилишига кўмаклашиш;

трибуналар (секторлар, жойлар)да ва унга туташ бўлган ҳудудда жамоат тартиби сақланишини таъминлаш, томошабинлар томонидан белгиланган хулқ-одоб қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

бошқа манфаатдор органлар билан биргаликда оммавий тадбирни ўтказиш объектида муҳандис-техник, ёнғинга қарши, коммуникация

тизимлари ва иншоотлари, эвакуация қилиш йўллари тайёрлиги юзасидан назоратни амалга ошириш;

жамоат тартибини, ушбу Қоидалар талабларини, умумий қабул қилинган хулқ-одоб нормалари ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган оммавий тадбир иштирокчиларидан оммавий тадбирни ўтказиш объектидан чиқиб кетишларини талаб қилиш, шунингдек уларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш;

оммавий тадбир дастурида кўзда тутилган чиқишлар (ҳаракатлар)ни бевосита амалга оширувчи артистлар, спортчилар ва бошқа шахслар билан оммавий тадбирни ўтказиш вақтида фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳолларда ўзини тутиш қоидалари бўйича, шунингдек томошабинларнинг агрессив ҳис-туйғуларини келтириб чиқарувчи ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида йўл-йўриқ кўрсатиш;

оммавий тадбир тугаши билан, зарурат бўлганда - уни ўтказиш вақтида ёнғинлар, табиий офатлар, бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келганда ёки юзага келиши хавфи бўлганда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг бўлинмалари, оммавий тадбирнинг ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмурияти билан биргаликда оммавий тадбир иштирокчиларини трибуналар (секторлар, жойлар)дан ва оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ ҳудудлардан иштирокчиларни эвакуация қилиш жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш.

Ички ишлар органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажаришлари мумкин.

***Оммавий тадбирни ўтказишда ички ишлар органларининг ҳуқуқлари:***

оммавий тадбирни ўтказиш объектига бориш жойларида физик тўсиқни ва рухсатнома билан ўтказиш режимини амалга ошириш, муҳандис-техник воситалардан фойдаланган ҳолда оммавий тадбирни ўтказиш объектини ва оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ ҳудудларни ўраб олиш чегараларини яратиш, оммавий тадбир иштирокчиларининг фотосуратга олинишини, аудио ва видеоёзувини амалга ошириш;

оммавий тадбирнинг ташкилотчиси ва оммавий тадбирни ўтказиш объектининг маъмурияти томонидан рухсатномалар бўйича ўтказиш режимини амалга ошириш, томошабинлар ва бошқа иштирокчиларни трибуналар (секторлар, жойларда) чипталар (таклифномалар) бўйича жойлаштириш қоидаларига риоя этишни назорат қилиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объектига туташ бўлган ҳудудларда транспорт воситаларининг текширувини, оммавий тадбир иштирокчи-

ларининг шахсий текширувини ва улардаги буюмларнинг текширувини, шу жумладан техник ва махсус воситалар ёрдамида амалга ошириш. Оммавий тадбир иштирокчиси транспорт воситасининг текширувидан, шахсий текширувдан ёки ундаги буюмлар текширилишидан бош тортган тақдирда оммавий тадбир иштирокчиси (транспорт воситаси) оммавий тадбирни ўтказиш объектига қўйилмайди;

оммавий тадбирнинг ташкилотчисидан ва оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмуриятидан оммавий тадбир иштирокчиларини эвакуация қилиш йўлларининг бўшатилишини талаб қилиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмуриятидан томошабинлар ва оммавий тадбирнинг бошқа иштирокчилари билан кўргазмали тарғибот ўтказиш, маҳаллий ретрансляция тармоғи ва бошқа воситаларидан фойдаланиб оммавий тадбирни ўтказиш объектида ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш масалалари бўйича тушунтириш ишларининг ўтказилишини талаб қилиш;

оммавий тадбирни ўтказиш объекти маъмуриятининг ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига риоя этилишини назорат қилиш.

Ички ишлар органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлар (бино, майдон, ўйингоҳ ва бошқалар)да террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун фойдаланадиган моддалар, воситалар ва мосламаларни аниқлаш мақсадида ушбу жойлар тўлиқ кўздан кечирилади. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларга яқин 50-100 метр ҳудудларда қаровсиз қолдирилган автомашиналар ва транспорт воситалари олдирилади. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларга киритиш учун амалга ошириладиган махсус назорат текшириш пунктлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган воситалар (стационар ва қўлда олиб юрилувчи металл қидириш мосламалари) билан жиҳозланишини таъминлайди.

Оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларга киритилаётган шахслар ва уларнинг буюмларини фақатгина махсус белгиланган назорат-текшириш пунктлари орқали киритилади, уларнинг қўлидаги сумкалар очиб текширилади, бундан ташқари ҳар бирида таклифнома ва билетлари бўлиши шарт. Наряд каттаси шахсий таркибни хизмат олиб боришини назорат қилади. Ҳар бир вазият бўйича раҳбарга ва масъул ходимга ахборот бериб турилади.

Оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда наряд томонидан кўнгил очар кафе, бар ва ресторанлар ёпилишини таъминлайдилар. Тадбирга маст

бўлган шахсларни киритмайдилар. Наряд томонидан савдо-сотиқ шахобчаларини белгиланган жойларда ишлашларини назорат қиладилар.

Текширилаётган гумондор шахслар ва шубхали буюмлар аниқланганда, наряд каттаси радио алоқа воситаси орқали кўшимча кучларни чақиради ва нарядлар етиб келгунга қадар воқеа жойидан гумондор шахсни ёки транспорт воситасини кетиб қолишига йўл қўймайди ва ушбу жойни кўриқлаб туришни ташкил этади. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда террорчилик ҳаракатларини олдини олиб, бу билан биз инсонларни, қолаверса ички ишлар ходимлари ҳайётини сақлаб қоламиз. Қолаверса иншоотларни ва биноларни вайрон бўлишини олдини олдини оламиз.

Муайян оммавий тадбирни ўтказиш чоғида жамоат тартиби ва хавфсизликни сақлаш режасини ишлаб чиқиш, зарур куч ва воситаларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш, жамоат тартибини сақлашда ва бевосита оммавий тадбир ўтказилишида иштирок этувчи барча давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш, вазиятни назорат қилиш, маъмурий назоратни амалга ошириш, иштирокчилар ҳамда томошабинларнинг жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этишларининг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, шунингдек айбдорларни жавобгарликка тортиш борасидаги вазифалар айнан ИИОлари зиммасига юклатилган.

Оммавий тадбирлар ўтказиш чоғида жамоат тартибини сақлаш оддий шароитлардагисидан фарқли ўлароқ, муайян чекловлар жорий этишни талаб қилади, чунки одатдаги усуллар билан лозим даражадаги тартибни таъминлашнинг имкони йўқ. Баъзи ҳолларда тадбир ўтказиладиган ҳудуд ўраб олинишига, у ердан ўтказиладиган тадбирга алоқаси бўлмаган шахсларни (масалан, футбол ўйини ўтказиლაётганида стадиондан, спорт эстафетаси ўтказиლაётганида шахар кўчаларидан) чиқариб юборишга тўғри келади. Ўраб олинган ҳудудга катта юки бўлган шахслар киритилмайдилар. Транспорт ҳаракати тўсилади ёки унинг йўналиши ўзгартирилади. Баъзи ҳолларда йўл ишлари ва бошқа баъзи бир ишлар тўхтатилади.

### **3-ўқув савол. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлардаги нарядларнинг турлари.**

Оммавий тадбирлар ўтказилиши мобайнида хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш учун ИИО нарядларининг қуйдаги турларидан фойдаланилади:



*Пост*–оммавий тадбирлар ўтказилишида ИИО ходимлари



зиммаларига юклатилган вазифаларини адо этадиган аниқ белгилаб берилган жой ёки ҳудуд ҳисобланади. Бундай постларга икки ёки ундан ортиқ ИИО ходимлари хизматга жалб этилиб, улар алоқа воситаси ва чақирув номлари билан таъминланади.

**ЙПХ пости** – оммавий тадбирлар ўтказилишида тадбир ўтказилаётган ҳудудда транспорт воситалари ва йўловчиларнинг ҳаракатларини чеклаш ва тақиқлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун ЙПХ ходимлари таркибидан қўйиладиган наряд.

Зарур ҳолларда ЙПХ постларини кучайтириш мақсадида уларга бошқа саҳавий хизматларнинг тажрибали ходимлари ажратилиши мумкин.

Бу турдаги ИИО нарядларининг хизмати асосан тадбир ўтказиладиган жойлар атрофидаги чорраҳаларда, серқатнов кўчаларда, автобус ва метро бекатларида пиёда ёки махсус автомашиналарда маъсул ходимлар бошчилигидаги ташкил этилади.

ЙПХ постларига маъсул раҳбар ходимлар бириктирилиб, алоқа воситалари ва чақирув номлари билан таъминланади.




**Кузатув автоэкипажлари** – Олий Мажлис, вилоят, шаҳар ва туман депутатларининг, чет эл расмий делегациялари аъзоларининг, оммавий тадбирларини ўтказишда иштирок этиш учун келаётган ҳукумат ва ҳокимликлар

раҳбарларининг, таклиф этилган чет эл фуқароларининг, тадбир иштирокчилари ва қатнашчиларнинг, байрам дастурларини тайёрлашда қатнашувчи бадий жамоалар аъзолари ва гуруҳларнинг, спорт жамоалари ва ҳакамларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга ажратилган транспорт воситаларини кузатувчи, ички ишлар органларининг махсус жихозланган автомашиналар билан таъминланган йўл патрул хизмати (зарурати билан бошқа хизматлари) ходимлардан ташкил этилган ИИО наряди.


Кузатувчи автомабиллари сони кузатилиши лозим бўлган депутатлар, меҳмонхоналарга хизмат кўрсатиш учун ажратилган транспорт воситалари сонига, тезкор вазиятга қараб белгиланади.

Кузатув автоэкипажларига маъсул раҳбар ходимлар бириктирилиб, мобильё алоқа воситалари (зарурати билан қўлда олиб юрилувчи) ва чақирув номлари билан таъминланади.


 **Патруль гуруҳлари** – оммавий тадбирлар ўтказилаётганда ҳудуднинг белгиланган жойларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини

таъминлаш учун ягона раҳбарлик остида хизматни ўташ мақсадида бирлаштирилган икки ва ундан ортиқ ИИО ходимларидан иборат бўлган ИИО наряд. Уларнинг вазифаси – белгиланган ҳудудда патруллик қилиш йўли билан жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.


Патрул гуруҳларига маъсул раҳбар ходимлар бириктирилиб, алоқа воситаси ва чақирув номи билан таъминланади.


 **Кузатув пости** – фото – видео аппаратлари билан таъминланган тезкор хизматлар ходимларидан (ЭЖБ, ЖК ва ТҚКБ, ТБ) ташкил этилган ИИО наряди. Бу турдаги нарядлар оммавий тадбирлар ўтказилишида (айниқса спорт тадбирларида) бевосита секторлар, минбарлар ва асосий тадбирлар ўтказилаётган бошқа жойларда оператив вазият оғирлашган ҳолларда фуқароларнинг хатти–ҳаракатларини ҳужжатлаштириш мақсадида қўйилади.

Кузатув постларига маъсул раҳбар ходимлар бириктирилиб, алоқа воситаси ва чақирув номи билан таъминланади.

 **Назорат – текширув пункти**– оммавий тадбирларни ўтказишда аниқ бир ҳудудда (9 та жойда) режим тартибини таъминлаш ёки транспорт ва пиёдалар қатновини чеклаш учун қўйиладиган ИИО наряди.


НТПлар асосан ўраб олинган ҳудуддаги ҳалқаларда, тадбир ўтказилаётган бино ёки ўйингоҳларнинг кириш эшикларида ташкил этилади. Уларнинг вазифаси – тадбир тадбир ўтказилаётган ҳудудга кириш ҳуқуқини берувчи таклифномаси, чиптаси ёки махсус рухсатномаси бўлган фуқароларни текшириб ўтказиш.

 **Назорат**– текширув пунктларига маъсул раҳбар ходимлар бириктирилиб, алоқа воситаси ва чақирув номи билан таъминланади.

 **Ҳалқа**– оммавий тадбирлар ўтказилишида тадбир ўтказиладиган ҳудудда транспорт воситалари ва фуқароларнинг ҳаракатларини чеклаш ёки тақиқлаш мақсадида ўраб олинган ҳудуд. Ҳалқага жалб этилган ИИО ва ички қўшинлар нарядлар ўраб олинган ҳудудга транспорт воситалари ва йўловчиларнинг фақат назорат – текширув пунктлари орқали ўтишларини таъминлайди.

Ҳалқанинг узунлиги, унга ажратиладиган шахсий таркиб сони ўраб олинадиган ҳудудни хажми, алоҳида хусусиятлари ва тезкор вазиятга қараб белгиланади.

Ҳалқаларга маъсул раҳбар ходимлар бириктирилиб, алоқа воситаси ва чақирув номи билан таъминланади.

 **Занжир** – оммавий тадбирлар ўтказилишида халқга жалб этиладиган ИИО нарядларининг бошқарилишини таъминлаш учун халқанинг кичик бўлимларига бўлиниши.

Занжирларга ажратилган шахсий таркиб сони ажратилган ҳудуднинг узунлиги, унинг темир панжалари, деворлар билан ўралганлиги, ҳудуддаги уйлар сони ва улар оралиғидаги очик жойлар ва йўлларнинг кенглигига қараб белгиланади.

Масалан, занжирга ажратилган ҳудуд 100 метр масофани ташкил қилиб, баландлиги 2 метр ёки ундан ортиқ бўлган темир панжара билан ўралган бўлса, унинг оралиқларидан ёки устидан фуқароларни ошиб ўтишларига йўл қўймаслик мақсадида темир панжара бўйлаб ҳар бир оралиқдаги 20 метр масофага биттадан, жами 5 та ИИО ходими, уларга бир нафар маъсул, бир нафар ёрдамчи ходим, ҳаммаси бўлиб 7 нафар ИИО ходими бирик-тирилиши мумкин.

Агар, ушбу масофа баландлиги 1 метр бўлган темир панжара билан ўралган бўлса, ёки очик жой бўлиб, тадбир давомида фойдаланиладиган махсус темир панжаралар ва арқонлар ёрдамида тўсилса, унда вазиятдан келиб чиққан ҳолда ҳар уч метр масофага, ёки ҳар бир темир панжара рўпарасига биттадан, жами 33 нафар ИИО ходими, бир нафар маъсул, бир нафар ёрдамчи ходим, ҳаммаси бўлиб 35 нафар ИИО ходими бирик-тирилиши ёки оператив вазиятдан келиб чиққан ҳолда ходимлар зичлиги янада оширилиши мумкин.

Парадлар ва кўча намоёишлари ўтказилиши мобайнида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида марказий минбар олдида ИИВ ўқув муассасалари тингловчиларидан қўйиладиган йўналтирувчи чизиклардаги занжирларга шахсий таркиб ажратишда ходимлар оралиғидаги масофани 3 метр қилиб белгиланиши, айрим ҳолларда эса, тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ходимларнинг елкама–елка туришлари ҳисобга олинади.

Тадбир ўтказиладиган жойга ҳукумат ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларнинг ташрифи пайтида улар юрадиган йўналишларида коридор ҳосил қилиш учун ёриб ўтиш гуруҳлари ташкил этилганда, уларга ажратиладиган шахсий таркиб сони ҳам худди шу йўсинда амалга оширилади.

Занжирларга алоҳида маъсул раҳбар ходимлар бириктирилиб, алоқа воситаси ва чақирув номи билан таъминланади.

**Зона** – оммавий тадбирлар ўтказилишида тадбир ўтказиладиган жойда хизматга жалб этилган ИИО ва ички қўшинлар нарядларнинг бошқарилишини таъминлаш мақсадида объектнинг ҳудудларга бўлиниши.

**Участка** – оммавий тадбирлар ўтказилишида зоналарга хизматга жалб этилган ИИО ва ички қўшинлар нарядларининг бошқарилишини таъминлаш мақсадида тадбир ўтказилаётган жойдаги оператив вазиятдан келиб чиққан ҳолда уларнинг ҳудудларга бўлиниши.

Участкаларнинг кенглиги ва уларга ажратиладиган шахсий таркибнинг сони тадбир ўтказилаётган зонанинг хажми, уларда жойлашган саҳналар, спорт майдончалари, ташкил этилган ярмаркалар ва кўргазмаларнинг сони, улардаги тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Участкаларга ички ишлар органларидан маъсул раҳбар ходимлар бириктирилиб, алоқа воситаси ва чақирув номи билан таъминланади.

**Сектор** – оммавий тадбирлар ўтказилаётган маданият саройлари ва уйларида, ўйингоҳларида ва бошқа иншоотларда томашабинлар, таклиф, этилган меҳмонлар ва бошқа тадбир иштирокчилари ўтирадиган, ўриндиқлар ўрнатилган ва рақамланган жой.

Секторларга ажратиладиган шахсий таркибнинг сони унинг хажми, томашабинларнинг сони, тадбир давомида юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ходимларни секторларнинг икки ён ва ўрта қисимларига, хар уч, тўрт қатор оралиқлардаги ўриндиқларга жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Секторларга маъсул раҳбар ходимлар бириктирилиб, алоқа воситаси ва чақирув номи билан таъминланади.

**Тўсиқ** – оммавий тадбирлар ўтказилишида аниқ бир жойни, ҳудудни ўраб олиш ёки айрим йўналишларни тўсиш ишларини бажарадиган ИИО наряд. Тўсиқ сифатида юк автомашиналари, автобуслар, трамвайлар, темир панжаралар, темир битон плиталар, арқонлардан фойдаланиш мумкин. Бундай тўсиқлар орқали транспорт воситалари ва фуқароларнинг ўтишларига йўл қўймаслик мақсадида, уларга ИИО нарядлари ажратилади.

Тўсиқ сифатида юк транспортларидан фойдаланилганда, улар имконият даражасида тадбир ўтказилаётган жойга олиб келувчи йўлларнинг кўзга кўринмайдиган қисимларига қўйилади.

Тўсиқларга маъсул раҳбар ходимлар бириктирилиб, алоқа воситаси ва чақирув номи билан таъминланади.

**Назорат – тарқатиш гуруҳи** – оммавий тадбир ўтказилаётган пайтда ўраб олинган ҳудуддаги ҳалқаларда ташкил этилган назорат текширув пунктлари олдида тўпланиб қолган ва чипталари, таклифномалари ёки махсус рухсатномалари бўлмаган фуқаролар ўртасида профилъьбактик тушинтириш ишларини олиб бориш йўли билан уларни тарқатиш учун қўйиладиган ИИО наряди.

**Назорат** – тарқатиш гуруҳларига алоҳида маъсул раҳбар ходимлар бириктирилиб, алоқа воситаси ва чақирув номи билан таъминланади.

**Заҳира** – оммавий тадбирлар ўтказилишида фавқулотда вазиятлар юзага келганда уларни бартараф этиш учун ИИО нарядларига ёрдам берилишини таъминлаш мақсадида хизматга жалб этилган асосий кучларнинг 15 фоизи ҳисобидан ташкил этилган кўшимча кучлардир.

Оммавий тадбирлар ўтказилиши мобайнида заҳира кучлари тезкор штаб раҳбарининг кўрсатмасига биноан ички ишлар органларининг навбатчилик қисмида, бевосита тадбир ўтказилаётган объект атрофида жойлашган биноларда ёки махсус ажратилган автомашиналар ва автобусларда жойлаштирилиши мумкин.



**Оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда назорат ўтиш жойидаги ППХ ходимлари қуйидаги ишларни амалга оширишлари лозим:**

Назорат ўтиш жойларидан ўтаётган шахсларнинг харақтларини синчиклаб кузатиши, уларнинг қўлидаги буюмлар ва сумкаларга эътиборни кучайтириш ва шунингдек террорчилик харақатларини амалга ошириш учун керакли моддалар, воситалар, қурилмалар, қурол ва бошқа тақиқланган предметлар аниқланганда ашённинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар чақирилади ва улар келгунга қадар наряд каттаси гумондор шахсга иложи борича чекароққа ўтказиб ортиқча харақат қилмаслик буюрилади. Текширув чоғида гумондор шахсдан ходимларга нисбатан чапга ёки ўнга 45 градус бурчак остида туриш талаб қилинади

Агар гумондор шахсда қурол борлиги аниқланса ходимларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган тажовузларни олдини олиш мақсадида унга чап томонидан яқинлашиб, ерга юзтубан ётиши ҳолатида чап тиззаси билан гумондор шахснинг белини босиб ўз хавфсизлик чорасини кўрган ҳолда қўлига кишан солиниб, қурол олиб қўйилади. Ерда ётган гумондор шахснинг билаклари, баданлари, ёнлари, оёқлари, шунингдек, чўнтаклари ва кийимининг бошқа қисмлари тўлиқ тинтувдан ўтказилади. Гумондор шахсга қурол осилган томон билан яқинлашиш таъқиқланади.

Агарда Оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда ташлаб кетилган кути ёки шунга ўхшаш нарсалар аниқланганда ходимлар томонидан ушбу жой ўраб олиниб, фуқароларни яқинлаштирайдилар. Бу ҳақда ўз бошлиғи ва навбатчилик қисмига хабар берилади. Махсус хизматдаги ходимлар келгунга қадар ушбу жойга ҳеч кимни киргизмайди ва ўзи ҳам ушбу жисмга тегинмайди.

Оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда гумондор шахс аниқланган ҳолатда саросимага тушмасдан, иложи борича фуқароларни ушбу жойдан

узоклаштириш керак. Шунингдек ходим ўз ҳавфсизлигини таъминлаган ҳолда вазиятни тўғри баҳолаши лозим. Ўз-ўзидан аёнки, юқорида келтирилган шароитларда ички ишлар органлари ходимлари ўзини ва ўз атрофидагиларни террорчилик ҳаракатларидан сақлашлари, зийракликни йўқотмасликлари, огоҳликни оширган ҳолда кўчалар ва жамоат жойларида, барча бино иншоотларининг ичи ва уларнинг атрофида қолдириб кетилган шубҳали сумкалар, қутилар, чемодонлар, пакетлар ва бошқа буюмларга эътибор беришлари лозим.

Бинобарин, Тошкент воқеалари замонавий террорист-“камикадзе”лар ўзларини ташқи кўринишлари билан омма ичида деярли фарқланмаслигини, замонавий кийим-кечаклардан ҳоли эмаслигини барча ички ишлар органлари ходимларини жинойтчини биринчи навбатда психологик аломатлари бўйича аниқлай ола билишларини кўрсатмоқда. Терроризм билан кураш самараси замонавий техник аппаратлар, махсус тайёрланган хизмат итларидан кенг равишда фойдаланиш билан бир қаторда ходимларнинг зийраклигига, ҳар қандай вазиятда муносиб ҳаракатлана олишларига чамбарчас боғлиқдир.

### Семинар машғулоти

Ушбу ўқув машғулоти **“Ақлий ҳужум”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга саволлар ташланади. “Ақлий ҳужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади. “Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; ходимларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида кўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

## **11-Мавзу: Ички ишлар органларининг назорат-лицензиялаш соҳасидаги фаолияти ва асосий вазифалари.**

(маъруза 2 соат)

### **Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. Ички ишлар органларининг назорат-лицензиялаш тизими фаолиятини амалга оширишнинг моҳияти ва асосий вазифалари.

2-ўқув савол. Портловчи моддалар ортилган автомобилларни қўриқлаш ва кузатиб бориш тартиби

### **1-савол. Ички ишлар органларининг назорат-лицензиялаш тизими фаолиятини амалга оширишнинг моҳияти ва асосий вазифалари.**

Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири – жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Айниқса, фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш ёки фаолиятни (ҳаракатларни) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида ёхуд хабардор қилиш тартибида амалга ошириш чоғида жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонунчиликда белгиланган талаблар ҳамда шартларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ички ишлар органлари томонидан ушбу фаолиятни амалга ошириш орқали шахс ҳаёти ва соғлиги, жамият хавфсизлиги ва давлат осойишталигига зарар етказилиши мумкин бўлган хавфлар бартараф этилади. Дарҳақиқат, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг, жисмоний ва юридик шахслар қонуний манфаатларининг, фуқаролар ҳаёти ва соғлигини сақлашнинг, жамоат хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ички ишлар органларининг фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Назорат-лицензия тизими деганда, кенг маънода ҳуқуқий нормаларда



мустаҳкамланган, ваколатли давлат органларининг муайян ҳаракатларни содир этишга лицензия (рухсат) олиши ёки корхона, муассаса ва ташкилотлар, бирлашмалар ёхуд алоҳида шахсларнинг муайян ваколатлар олиши шартлигини назарда тутувчи тартиб тушунилади.

Назорат-лицензия тизими ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларида амал қилади.

Масалан, давлат сири соҳасида корхона, муассаса ва ташкилотларнинг давлат сири бўлган маълумотлардан фойдаланиш, ахборотни ҳимоя қилиш воситаларини яратиш, шунингдек, давлат сирини сақлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ ишларни бажариш борасидаги фаолиятга лицензия берилади, махсус техник воситалар

муомаласи соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг маълумотларни рақамловчи техникани ишлаб чиқариш, таъмирлаш, сотиш (реализация қилиш) ва ишлатиш билан боғлиқ фаолияти тартибга солинади.

Ички ишлар органларининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқий асосларини, Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ЎРҚ-701-сон (2021 йил 14 июль) қонуни ҳамда у асосида қабул қилинган қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунининг мақсади- лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Мазкур қонун қуйидагиларга,

❖ *биринчидан*, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш, шунингдек комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси (франшизинг тўғрисидаги шартнома) асосида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти;

❖ *иккинчидан*, тадбиркорлик субъектларини, битимларни, ҳуқуқларни ва мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш;

❖ *учинчидан*, аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, стандартлаштириш, метрология ва техник жиҳатдан тартибга солиш;

❖ *тўртинчидан*, давлат экологик экспертизаси; *бешинчидан*, атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият;

❖ *олтинчидан*, Қонуннинг 2-иловасида кўрсатилмаган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни жисмоний шахсларга бериш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Маълумки, ҳар қандай фаолиятнинг асосида тушунчалар тизими ётади. Ички ишлар органларининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги фаолиятининг объекти ва предмети аниқ белгилаш, аввало «лицензиат», «лицензия», «лицензиялаш», «фаолиятнинг лицензияланадиган тури», «лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартлари», «лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар», «лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрлари»,



«лицензияладиган фаолият турининг кичик тури», «давлат хизматлари паспорти», «рухсат бериш тартиб-таомили», «рухсат этиш хусусиятига эга хужжат», «талабгор», «хабарнома», «хабардор қилувчи», «хабардор қилиш тартиб-таомили» ва ««ягона дарча» принципи» каби тушунчалар мазмун-моҳиятининг аниқлаб олиш талаб қилинади.



**Ички ишлар органлари лицензилаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги фаолиятини қуйидаги асосий принципларга риоя этган ҳолда амалга оширади:**

- ❖ қонунийлик;
- ❖ лицензилаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш чоғида ички ишлар органлари фаолиятининг очиклиги;
- ❖ инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг, жисмоний ва юридик шахслар қонуний манфаатларининг, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини сақлашнинг, жамоат хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг устуворлиги;
- ❖ лицензилаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларининг шаффофлиги;
- ❖ лицензилашнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг «ягона дарча» принципи бўйича амалга оширилиши.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ички ишлар органлари томонидан назорат қилинадиган назорат-лицензия объектларини қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

а) буюм ва нарсалар: ўқотар қуроллар (ҳарбий, ўқув, спорт кичик ва катта калибри, силлиқ стволли ўқотар қуроллар ва уларга ўқ-дорилар); совуқ қуроллар (овчилик пичоғи, қилич, ханжар ва бошқалар); босмаҳона жиҳозлари (шрифт ва матрицалар, босмаҳона бўёқлари); муҳр ва штамплар;

б) моддалар: портловчи моддалар ва портлатувчи воситалар; заҳарловчи моддалар, тез таъсир этувчи заҳарловчилар; наркотик воситалар, психотроп моддалар, прекурсорлар; ионлаштирувчи нурланиш тарқатувчи радиоактив воситалар; метанол ва бошқ.;

в) объектлар: омборхоналар, буюм ва воситалар базаси, қурол таъмирлаш, пиротехник, штампелли-гравюралик устахоналар, тез таъсир этувчи воситаларни таҳлил қилиш ва сотиш ташкилотлари, лабораториялари, ўқотар қуроллар ва ўқ-дорилар билан савдо қиладиган дўконлар ва радиоактив моддаларни сақлаш омборлари ҳамда уларни қўмиш жойлари.

Шунингдек, ички ишлар органлари томонидан рухсат бериладиган корхоналарга қуйидагилар киради: қурол ишлаб чиқарадиган ва сотадиган корхоналар, қурол таъмирловчи устахоналар; фуқаро ва хизмат қуроллари ҳамда уларнинг патронлари сақланадиган базалар, омборлар, тирлар ва ҳ.к. Ички ишлар органлари томонидан назорат-лицензия фаолиятини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад – фойдаланилиши учун лицензия талаб этиладиган буюм, модда ва жиҳозларни (нарсаларни) сотиб олиш, сотиш, сақлаш, ҳисобга олиш, ташиш ва фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқаришда ўрнатилган тартиб-қоидаларнинг бузилишини олдини олиш ҳамда уларнинг йўқолиши, ўғирланиши, жиноий ва бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўймасликдан иборат.

Шу сабабли, ички ишлар органларининг назорат-лицензиялаш фаолияти билан шуғулланувчи хизматлари зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилган:

- ❖ назорат-лицензия объектларининг ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш;
- ❖ фойдаланилиши учун лицензия талаб этиладиган буюм, модда ва жиҳозларни сақлаш, ташиш, сотиб олиш, фойдаланиш ва ишлаб чиқариш учун сўраб билдирилган аризаларни кўриб чиқиш;
- ❖ назорат-лицензия объектларининг фаолият кўрсатишига рухсат бериш;
- ❖ объектларни текширишни режалаштириш, текшириб бориш ва бу борада амалга оширилган ишлар ҳисобини юритиш;
- ❖ маъмурият, профильёъақтика инспекторлари ва бошқа алоқадор хизматлар билан биргаликда объектларни кўздан кечириш ҳамда натижаларини расмийлаштириш;
- ❖ ов қуроли мавжуд шахсларнинг ҳисобини олиб бориш, ҳисобга олинмаган қуролларни аниқлаш ҳамда ҳисобга қўйиш чораларини кўриш;
- ❖ назорат-лицензия объектлари устидан назорат олиб бориш, бу борада аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича тегишли қонуний чораларни кўриш.

Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикасининг чегара қўмитаси тасарруфидаги қурол ва жиҳозлар ички ишлар органларининг назорат-лицензия тизими фаолиятига кирмайди.

### **Назорат-лицензиялаш тизими объектлари турлари.**

Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунда жами амалга оширилиши учун лицензияларни олиш талаб қилинадиган 50 та фаолият

турлари кўрсатилган. Шундан 2та фаолият турлари бўйича лицензиялаш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

1. Пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш фаолияти учун лицензия;

2. Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш фаолияти учун лицензия.

Мазкур қонунда жами амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш талаб этиладиган 121 та фаолият (ҳаракатлар) турлари кўрсатилган.

Шундан 7 та фаолият тури бўйича рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар бериш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

1. хавфли юкларни автомобильъьь транспортда ташиш фаолият тури бўйича – *автотранспорт воситасини хавфли юкларни ташишга қўйиш тўғрисидаги қувонома*;

2. бошқа модельъьь ва модификацияларнинг агрегат ва узеллари, эҳтиёт қисмлари ва бутловчи деталларидан фойдаланган ҳолда автототранспорт воситаси конструкцияси ва таркибий қисмларининг элементларига ўзгартиришлар киритиш фаолият тури бўйича – *автототранспорт воситаларини қайта жиҳозлаш учун рухсатнома*;

3. автомобильъьь йўлларини, йўл иншоотларини, темир йўл кесишмаларини, автомобильъьь йўллари ва кўчалари бўйида жойлашган АЁҚС, АГТКС ҳамда АГҚС (автомобилларга бензин қуйиш, газ тўлдириш ва газ қуйиш) станцияларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш лойиҳасини тасдиқлаш фаолият тури бўйича – *Ўзбекистон Республикасидаги автомобильъьь йўлларини, йўл иншоотларини, темир йўл кесишмаларини, автомобильъьь йўллари ва кўчалари бўйида жойлашган АЁҚС, АГТКС ҳамда АГҚС (автомобилларга бензин қуйиш, газ тўлдириш ва газ қуйиш) станцияларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш лойиҳаларини келишиши*;

4. фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиш, реализация қилиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилиш фаолият тури бўйича – *фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиш, реализация қилиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш, Ўзбекистон Республикаси*

*ҳудудига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилиш учун рухсатнома;*

5. портловчи материаллар айланмаси соҳасида фаолият кўрсатувчи юридик шахслар томонидан портловчи материалларни олиб кириш, олиш, сақлаш, шунингдек автомобильъёъ ва темир йўл транспортида ташиш фаолият тури бўйича – *портловчи материалларни олиб кириш, сотиб олиш, сақлаш, шунингдек автомобильъёъ ва темир йўл транспортида ташиш учун рухсатнома;*

6. объектлар (хоналар)да гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни, уларнинг аналогларини ва прекурсорларни сақлаш фаолият тури бўйича – *объектлар (хоналар)нинг гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни, уларнинг аналогларини ва прекурсорларни сақлашга доир техник талабларга мувофиқлиги тўғрисида хулоса;*

7. оммавий тадбирларни, шу жумладан концерт-томоша тадбирларини ҳамда халқаро ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлган оммавий тадбирларни ўтказиш фаолият тури бўйича – *оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома.*

**Назорат**–лицензиялаш тизими объектларининг фаолиятини дастлаб рўйхатга олгунга қадар ва жорий текшириш (ошкора назорат), фуқароларга бундай объектларга ишлашга қўйиш (допуск), тегишли рухсатномаларни расмийлаштириш, ноошкора назорат ўрнатиш ҳамда предмет ва моддаларни ўғирланиши, йўқолиши ёки белгиланмаган мақсадларда фойдаланишини олдини олишга қаратилган профильъёъақтик тадбирларни амалга ошириш йўллари билан амалга оширилади.

**2-ўқув савол. Портловчи моддалар ортилган автомобилларни кўриқлаш ва кузатиб бориш тартиби.**

Муомалада бўлиши қонун ҳужжатлари билан чекланган, яъни назорат-лицензиялаш тизими тасарруфига қуйидаги предмет ва моддалар киради:

портловчи моддалар –(ПМ) муайян ташки таъсирлар остида тезлик билан содир буладиган кимиёвий ўзгаришлардан ҳосил бўлган кучли қизиган ва юкори босимли газларнинг кенгайишидан механик фаолиятни юзага келтирийдиган кимёвий бирикма ёки аралашма;

портлатиш воситалари- портловчи моддаларни механик, электр ёки аланга йўли билан ҳаракатга келтирувчи мосламалар. Натижада жуда катта тезликда иссиқлик ва газ ажралиб чиқиши билан боғлиқ реакция амалга ошади.

пиротехника маҳсулотлари - салютларни амалга ошириш учун мўлжалланган, рангли, овозли, тутунли ва бошқа намойишларни ҳосил қилувчи моддалардир. Уларнинг таркибини портлаш ва ёнғинга ҳавфли

моддалар ташкил қилиб, ушбу маҳсулотлар ишқаланишга, урилишга, аланга нурига таъсирчан. Ёнишда маҳсулотларнинг ҳарорати 3000 градусгача етиши мумкин, гиёҳвандлик воситалари – табиий ёки синтетик йўл билан олинадиган, Ўзбекистон Республикасида назорат остидаги ҳамда гиёҳванд моддалар рўйхатига киритилган, таркибида гиёҳванд моддаси бўлган ўсимликлар ва препаратлар;



**психотроп моддалар** – табиий ёки синтетик йўл билан олинадиган, Ўзбекистон Республикасида назорат остидаги, ҳамда психотроп моддалар рўйхатига киритилган ўсимликлар ва препаратлар;

**прекурсорлар** – гиёҳванд ва психотроп моддаларни тайёрлашда ишлатиладиган, Ўзбекистон Республикасида назорат остидаги ҳамда прекурсорлар рўйхатига киритилган модда.

**гербли муҳр** – ваколатли шахснинг ҳаракатлари ёки бошқа маълумотларнинг ҳақиқийлигини қўшимча расмий равишда тасдиқловчи, тайёрлаш, сақлаш ва фойдаланишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган восита.

ПМ ортилган автомобиллар юк ташиш вақтида истеъмолчи-корхона ёки юк ташувчи-корхонанинг юк ташиш учун масъул шахси томонидан кузатиб борилиши, ички ишлар органларининг қуролланган қўриқчилиги билан таъминланиши ва йўл патрул хизмати (ЙПХ)нинг патрул автомашиналари томонидан кузатиб борилиши лозим. Кузатиб бориш учун ҳақ белгиланган тартибда амалга оширилади.

■ идоравий қарашлилиги ва ҳудудий бўлинишидан қатъий назар тайёрловчи- заводдан корхона омборига;

➤ идоравий қарашлилиги ва ҳудудий бўлинишидан қатъий назар омбордан омборга;

➤ транспорт пунктлари (юк ортиш ва тушириш майдончалари)дан ПМ омборига юк ташиш ишлари бажарилган ҳолларда, ПМ ортилган автомобиллар юк ташувчи (юк қабул қилиб олувчи, юк жўнатувчи) корхона билан шартнома бўйича ички ишлар органлари томонидан ажратиладиган ички ишлар органларининг қуролланган қўриқчилик ходимлари ва ЙПХнинг патрул автомобиллари кузатуви (ички ишлар органларининг қўриқлаш ва кузатиб бориш гуруҳи) остида етказиб берилиши лозим. ПМни икки ва ундан ортиқ автомобиллар орқали етказиб беришда, ҳудудий бўлинишдан қатъий назар, колонна ЙПХнинг камида икки патрул автомобили томонидан колоннанинг олд ва орқасида жойлашган ҳолда кузатиб борилади.

Қўриқлаш гуруҳи таркибига ПМ ортилган ҳар бир автомобилга қўриқлаш учун ички ишлар органларининг бир нафардан ходими, шунингдек, гуруҳ бошлиғи (офицер) бириктирилади. ПМ бир автомобильъёъ орқали етказиб бериладиган ҳолларда юкни қўриқлаш учун бир нафар ходим ва гуруҳ бошлиғи (офицер) бириктирилади.Йўлда 8 соат ва ундан зиёд вақт юриладиган ҳолларда ҳар бир автомобилга ички ишлар органларининг икки нафардан ходими ажратилади. Бундай ҳолларда, захиравий ҳайдовчи ва ички ишлар органлари ходими нинг махсус кузатиб бориш автомашинаси (автомашиналари)га жойлашади.

ПМни турли вилоятлар ҳудудида жойлашган омбордан портлатиш ишлари амалга ошириладиган жойларга ва аксинча йўналиш бўйича етказиб бериш Қоидаларнинг 92-банди талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Кузатиб бориш ва қўриқлаш гуруҳи, шартнома шартлари ва корхона буюртмасига мувофиқ, ҳар бир қатнов учун Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ бошлиқлари буйруқлари билан тайинланади.Ички ишлар органларининг кузатиб бориш ва қўриқлаш гуруҳи таркибига тайинланган барча ходимлари қатновга чиқиш олдидан мазкур Қоидаларни билиши ва ташилаётган ПМ хоссалари, улар билан муомала қилиш қоидалари, уларни ташиш ва фавқулодда ҳолатлардаги ҳаракатлар тўғрисида махсус инструктаждан ўтишлари лозим. Кузатиб бориш ва қўриқлаш гуруҳи таркибига тайинланадиган ички ишлар органларининг қуролланган ходимлари турлари ташилаётган юк миқдори ва хусусиятига боғлиқ ҳолда ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади.

ПМни бир вилоят ҳудудида жойлашган омбордан портлатиш ишлари амалга ошириладиган жойларга ва аксинча йўналиш бўйича етказиб бериладиган ҳолларда ПМ ортилган автомобиллар портлатувчи, омбор мудири (таксимловчи), инструктаж қилинган портлатиш бригадаси ишчилари, шунингдек, ички ишлар органларининг қуролланган қўриқчилари томонидан кузатиб борилади. Бундай ҳолларда, ПМ ортилган автомобиллар патрул автомашинаси ёки корхона томонидан кузатиб борилиши лозим.

Ўқ отиш ва портлатиш аппаратларини ўқ отиш-портлатиш ишларини ўтказиш учун қидирув ва фойдаланиш кудуқларига бир махсус лаборатория-автомобилида етказиб беришда унинг вилоят ҳудуди доирасида патрул автомашинаси ёки корхона томонидан кузатиб борилиши шарт эмас.

Икки ва ундан ортиқ автомобиллардан иборат колонна бўлиб ҳаракатланишда масъул шахс олд томондаги автомобильъёъ кабинасида бўлади.

Ўқ отиш ва портлатиш аппаратларини ўқ отиш-портлатиш ишларини ўтказиш учун қидирув ва фойдаланиш қудуқларига тезкор етказиб бериш, эшиклар ва дарчалар очилганда ишга тушиб кетадиган ва автомобильъёь кабиносидаги пультага олиб чиқилган товушли кўриқлаш сигнализацияли кулф билан ёпиладиган ва тамғаланадиган эшикларга эга “фургон” туридаги ўтрача билан жиҳозланган фақат махсус лаборатория-автомобиллари перфоратор станцияси лабораторияси – (ПСЛ)да рухсат этилади.

Портловчи материалларни олиб кириш, сотиб олиш, сақлаш, шунингдек, автомобильъёь ва темир йўл транспортида ташишга рухсатнома Ички ишлар вазирлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси рухсатнома беради.

Ички ишлар органлари ходимларининг вазифалари:

-доимо транспорт воситаси ёнида бўлиш; ташилаётган ПМни, уларнинг ўғирланиши ва йўқотилишига йўл қўймаган ҳолда, ҳушёрлик билан кўриқлаш;

-катнов йўналишида мажбурий тўхталишлар жойларида (кўриқланмайдиган жойларда) юк ортиш ва тушириш вақтида, юк ташиш учун масъул муайян шахс томонидан ПМ ортилган транспорт воситаларига бегона шахсларнинг тақиқланган зона доирасида яқин келтирмаслик;

ПМ ортилган автомобилларга ҳужумни қайтаришдан иборат.

### **Мустақил тайёргарликучун топшириқ:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Ички ишлар органларинг назорат-лицензиялаш соҳасидаги фаолияти ва асосий вазифалари мавзусини ўқиб ўрганиш ва Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлдаги «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги ЎРҚ-701-сон қонунини конспектлаштириш.

# 11-мавзу: Ички ишлар органларинг назорат-лицензиялаш соҳасидаги фаолияти ва асосий вазифалари

## Семинар машғулоту

Ушбу ўқув машғулоту “*Кичик гуруҳларда ишлаш*” интерфаол ва “Тест” технологияси методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



Гуруҳларга топшириқлар:



1-гуруҳга топшириқ. Ички ишлар органларининг назорат-лицензиялаш тизими фаолиятини амалга оширишдаги асосий вазифалари?.

2-гуруҳга топшириқ. Назорат-лицензиялаш тизими объектлари турлари..

3-гуруҳга топшириқ. Назорат-лицензиялаш тизими объектларининг техник мустаҳкамлиги.

4-гуруҳга топшириқ. Портловчи модда ортилган автомобилларни кўриқлаш ва кузатиб бориш тартиби.



## **12-мавзу: ППХ нарядларининг вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича фаолиятини ўрганиш**

(маъруза 2 соат)

### **Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. Патруль-пост нарядларининг Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида тушунчаси.

2-ўқув савол. Вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тартиби.

### **1-ўқув савол. Патруль-пост нарядларининг Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида тушунчаси.**

Патруль-пост хизмати нарядлари хизмат фаолиятини амалга оширишда шунингдек қаровсиз ва назоратсиз вояга етмаганларни аниқлаш ва уларга чора кўриш мақсадида асосан норматив ҳуқуқий ҳужжатларни мукамал билиши шарт. Бунда вояга етмаганлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар олдини олиш шунингдек профилактик ишларни амалга ошириш барча ИИО ходимларининг вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги **“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”** ги Қонуни қабул қилинди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **03.08.2021** йилдаги **Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 490-сон Қарори** қабул қилинди. Юқоридаги Қонуннинг мақсади вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг қарори қаровсиз ва назоратсиз вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш тартиби белгиланган.

**Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонунчилик** ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**вояга етмаган** — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;

**вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси** — вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

**ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган** — вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган;

**ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила** — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила;

**назоратсиз** — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган;

**якка тартибдаги профилактика иши** — ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият;

**қаровсиз** — аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган;

**ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар** — вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари.

Қонуннинг **7-моддасида** Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки, Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида:

таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиш вақтида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслик, бундан мазкур муассасаларда таълим фаолияти ёки таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган тадбир доирасида бўлиши мустасно;

вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслик;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларнинг ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда тунги вақтда улардан бирининг кузатувисиз бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

Қонуннинг **8-моддасида** Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизими белгилаб берилган булар;

**вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар;**

**ички ишлар органлари;**

**таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари;**

**васийлик ва ҳомийлик органлари;**

**соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;**

**меҳнат органлари;**

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг худудий бўлинмалари.**

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ҳамда муассасалар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этади.

**Шундан Ички ишлар органлари**

Ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи махсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларидан ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан (бундан буён матнда ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази деб юритилади) иборатдир. Ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик

ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ўз ваколатлари доирасида иштирок этади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

## **2-ўқув савол. Вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тартиби.**

Марказларга 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган қуйидаги вояга етмаганлар кеча-кундуз қабул қилинади:

ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратсиз ва қаровисиз қолган;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларда яшаётган ҳамда давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасаларини ёхуд бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этганлар;

ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ёшда бўлганлар;

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаганлар, агар вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш ёки улар томонидан такроран ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш зарур бўлса, шунингдек, вояга етмаганларнинг шахси аниқланмаган ёхуд унинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳуқуқбузарликларни содир этганлар, агар уларнинг шахси аниқланмаган бўлса ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ҳуқуқбузарликлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

ўзининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши тўғрисидаги масаланинг суд томонидан кўриб чиқилишини вақтинча кутиб турганлар;

суднинг ажримига кўра ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига юборилаётганлар.

Марказлардан вояга етмаган шахсни чиқариш учун қуйидагилардан бири асос бўлади:

вояга етмаган шахсининг ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (васийлик ёки ҳомийлик органи)га топширилиши;

республика ўқув-тарбия муассасасига қабул қилиниши;

болалар-меҳрибонлик уйига қабул қилиниши;

ихтисослаштирилган таълим муассасасига қабул қилиниши;

вояга етмаган шахсда марказда қолишига тўсқинлик қилувчи касаллик аниқланганлиги сабабли уни соғлиқни сақлаш муассасасига юборилиши;

олиб келинган вояга етмаган шахсинг 18 ёшга тўлиши.

### **Назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш ва уларни қабул қилиш тартиби**

Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар таълим муассасаларида, профилактика инспекторлари хизмат ҳудудида, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари оилаларда ўрганиш (кузатиш) ва профилактик тадбирларни амалга ошириш жараёнида қаровсиз болаларни аниқлайди.

Вояга етмаган шахсинг қаровсиз қолганлиги давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқланган ҳолларда улар бу тўғрисида профилактика инспекторига хабар беради.

Профилактика инспектори бирламчи ўрганиш натижаларига кўра бола қаровсиз қолганлиги тўғрисида хулосага келган тақдирда, ушбу хулосани маҳаллий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғига тақдим этади, маҳаллий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи эса, хулосани кўриб чиқиб, болани Марказга қабул қилиш юзасидан йўлланма тайёрлайди ва уни Марказга юборади.

Марказ ходимлари 5 соат ичида махсус автотранспорт воситасида қаровсиз бола сақланаётган манзилга етиб келиб, уни қабул қилиб олади ва белгиланган тартибда Марказга олиб бориб жойлаштиради.

Марказ бошлиғи ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарининг ўринбосари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи (Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи)га қаровсиз бола қабул қилинганлиги ҳақида навбатчилик қисми орқали хабар беради.

Марказ бошлиғининг сўровига асосан ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаси мутахассислари 3 соат ичида Марказга етиб келиб, қаровсиз болани белгиланган тартибда тиббий текширувдан ўтказилади.

Тиббий текширув хулосасига кўра қаровсиз боланинг даволанишга муҳтожлиги (ақлий ва руҳий ривожланишда ёшига нисбатан орқада қолган, тан жароҳати, касаллиги, ҳомиладорлиги) аниқланган ҳолларда у даволаниш учун тегишли соғлиқни сақлаш муассасасига ёки ақлий ва руҳий ривожланишда ёшига нисбатан орқада қолаётган болаларга мўлжалланган муассасага жойлаштирилади.

Марказ 48 соат ичида қаровсиз боланинг шахсини аниқлайди, унинг ўқиши ва хулқ-атворини, оиласидаги муҳитни ҳамда қаровсиз қолишига сабаб бўлган омилларни тўлиқ ўрганади, боланинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатига баҳо бериш натижасига кўра ижобий хулосага келса, уни ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар)га топширади.

Марказдан ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар)га топширилган боланинг ўқиши, хулқ-атвори ва оиласидаги муҳит бир йил давомида вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар томонидан маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар органлари билан биргаликда мониторинг қилиб борилади.

Мониторинг давомида боланинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда қолаётганлиги кузатилса, уни белгиланган тартибда Марказга қайтариш чоралари кўрилади.

Марказ боланинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатига баҳо бериш натижасига кўра унинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилада яшаётганлиги ва давлат ёрдамига муҳтожлиги тўғрисида хулосага келса, ушбу болани Марказда 48 соатдан ортиқ, бироқ 30 кундан (зарурат бўлганда 45 кундан) кўп бўлмаган вақт давомида сақлаш ҳақида судга илтимоснома киритади.

Ушбу илтимоснома 24 соат ичида Марказда сайёр ёки онлайн шаклда ўтказиладиган ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади.

Суд илтимосномани кўриб чиқиш жараёнида қаровсиз боланинг ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар) рози бўлмаган ҳолда ҳам уни Марказга ва келгусида ихтисослаштирилган таълим муассасасига қабул қилиш масаласини кўриб чиқади.

Қаровсиз боланинг доимий яшаш жойи бошқа минтақа ҳудудида бўлса, Марказ 48 соат ичида уни тегишли ҳудуддаги Марказга олиб бориб топширади.

Вояга етмаганларни 48 соатдан кўп бўлмаган муддатга Марказларга қабул қилишга туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқлари ёки Марказ бошлиғи ёхуд унинг ўринбосарларининг қарори асос бўлади.

Вояга етмаганларни 48 соатдан кўп бўлган муддатга Марказларга қабул қилиш учун суднинг қонуний кучга кирган ажрими асос бўлади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар томонидан вояга етмаганлар назоратсиз ва қаровсиз қолганлиги аниқланганда вояга етмаганлар марказга қабул қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш мақсадида туман (шаҳар) ички ишлар органларининг энг яқин таянч пунктига ёки Марказга олиб келинади.

Вояга етмаганларни марказларга қабул қилиш борасидаги тадбирлар мазкур Низомга иловага мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

Марказ бошлиғи ёки унинг ўринбосарлари вояга етмаган шахс ушбу Марказга қабул қилинганлиги тўғрисида мазкур Марказ жойлашган ҳудуддаги прокурорни ва Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссияни зудлик билан, лекин узоғи билан 24 соатдан кечиктирмасдан хабардор қилади.

Болалар масалалари бўйича ҳудудий комиссия тақдим этилган ҳужжатларни зудлик билан кўриб чиқиб, 48 соатдан кўп бўлмаган муддатда туман (шаҳар) ички ишлар органлари ёки марказ бошлиғининг ёхуд унинг ўринбосарларининг вояга етмаганни Марказга қабул қилиш тўғрисидаги қарорини келишиб беради.

Вояга етмаганлар ва уларнинг буюмлари Марказга жойлаштирилишидан олдин бир жинсга мансуб икки ёки ундан ортиқ шахслар иштирокида шахсий кўрикдан ўтказилади.

Шахсий кўрик натижасида тан жароҳати ҳолатлари аниқланганда ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига хабар берилади ҳамда

Марказда сақланиши ман этилган буюмлар олиб кўйилади ва ўтказилган шахсий кўрик натижасига кўра далолатнома расмийлаштирилади.

Марказга олиб келиниши тақиқланган буюмлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда юритилади.

Пул маблағлари ёки моддий қийматга эга бўлган буюмлар, ҳужжатлар, шахсий ашёлар ва бошқа буюмлар Марказнинг ушбу буюмларни сақлаш учун масъул этиб тайинланган ходимига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ вақтинчалик сақлаб туриш учун топширилади.

Марказга жойлаштирилган вояга етмаганлар тўғрисида маълумот улар Марказга олиб келинган куннинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда юритиладиган вояга етмаганларни рўйхатга олиш китобига қайд ёзуви киритилади.

Марказга қабул қилинган вояга етмаганлар 48 соатгача Марказда сақланса, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги ҳисобга олиш карточкаси (электрон тарзда) тўлдирилади, Марказга жойлаштирилган вояга етмаганлар 48 соатдан ортиқ сақланса, унга нисбатан Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда ҳисобга олиш йиғмажилди юритилади. Йиғмажилд электрон тарзда юритилиши ҳам мумкин.

Жиноят содир этган ва жиноят содир этишда гумонланаётган, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, шунингдек, таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари ёки алкоголь ичимликлар таъсирида бўлган, ногиронлик белгиси яққол кўриниб турган, ақли норасо бўлган вояга етмаганлар ҳамда 18 ёшга тўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган шахслар Марказга қабул қилинмайди.


**Мустақил таълим учун топшириқ:** Марказда вояга етмаганларни сақлаш тартибини тўлқ ўқиб конспектлаштириш.

## Семинар машғулоти

Ушбу ўқув машғулотининг «Савол-жавоб» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Савол-жавоб» методи мавзунинг ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш куйидаги тартибда амалга оширилади:



### **Ўқув машғулотининг саволлари:**

1. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишдан мақсад.
2. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар.
3. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар.
4. Вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш.



## 13-мавзу: ИИОнинг махсус воситаларни қўллаш бўйича ҳуқуқий асослари, шартлари ва тартиби

(маъруза 2 соат)

### Машғулот режаси:

1. ИИОлари тизимида махсус воситаларнинг турлари, уларни қўллашнинг шартлари ва ҳуқуқий асослари.
2. Махсус воситаларни қўллаган ходимнинг ҳаракатлари.
3. Ноқонуний тарзда махсус воситаларни қўллаганлик учун жавобгарлик.

### 1-ўқув саволи: ИИОлари тизимида махсус воситаларнинг турлари, уларни қўллашнинг шартлари ва ҳуқуқий асослари.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан махсус воситалардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг 5-боби: “ИИО нинг ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш шартлари”да шунингдек Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 15 мартдаги “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби тўғрисида”ги 55-сонли буйруғида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 37-моддаси “Зарурий мудофаа”, 38-моддаси “Охирги зарурат”, 39-моддаси “Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш” каби моддаларида қонуний мустаҳкамлаб қўйилган.



Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 5-боби, 21-моддаси: “ИИО нинг ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш шартлари”да;-

Ички ишлар органларининг ходими ўзига бириктирилган ўқотар қурол ва махсус воситаларни хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида олиб юриш, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда эга бўлади.

Ички ишлар органларининг ходими махсус тайёргарликдан, шунингдек жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлилигини текшириш учун даврий текширувдан ўтиши шарт. *Махсус тайёргарликдан ўтган ходимга тегишли сертификат берилади.*

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилиши билан боғлиқ шароитларда ҳаракат қилишга касбий

яроқлилигини аниқлаш бўйича текширувдан ўта олмаган ички ишлар органи ходими эгаллаб турган лавозимга мувофиқлигини аниқлаш учун аттестациядан ўтади.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилишидан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши керак, бундан ушбу огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва ички ишлар органи ходимларининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахсларнинг ҳатти-ҳаракатларининг хавфлилиги хусусиятига ва даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда ички ишлар органи ходими ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Ички ишлар органининг ходими, агар юзага келган вазиятда махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун ушбу Қонуннинг 23 ва 24-моддаларида назарда тутилган асослар вужудга келиши мумкин деб ҳисобласа, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш учун тайёрлаш ҳамда уларни жанговар ҳолатга келтириш ҳуқуқига эга.

Тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиши, уларнинг қариндошлари эса йигирма тўрт соат ичида бу ҳақда хабардор қилиниши керак.



Жисмоний куч ишлатилган, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органининг ходими бевосита бошлиғига дарҳол ахборот бериши шарт.

Жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида, шунингдек ўқотар қурол қўлланилган барча ҳоллар тўғрисида ички ишлар органи прокурорга дарҳол хабар беради.

Ички ишлар органи ходимининг жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш чоғида ўз ваколатлари доирасидан чиққанлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш қонунда белгиланган асослар бўйича ва тартибда амалга оширилган бўлса, ички ишлар органи ходими жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ёки ўқотар қуролни қўллаш чоғида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Агар ички ишлар органи ходими томонидан жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ёки ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, ички ишлар

органи ходими ҳодиса жойини ўзгаришсиз қолдиришга қаратилган чораларни кўриши шарт.

### **Ички ишлар органи ходими қўйидаги ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:**



- фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган ҳужумни қайтариш учун;
- жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;
- ички ишлар органи ходимига қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда;
- жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда;
- қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда;
- ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, кўриқлаб бориш ва кўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида;
- зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда;
- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда;
- ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда;
- жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда;
- муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда.



Ички ишлар органининг ходими Қонунда ўқотар қурол ишлатишга руҳсат этилган барча ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга.

Махсус воситаларнинг қўлланилиши учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хавф туғдирмаслиги керак.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўришиб турган шахсларга, ёши аниқ кўришиб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан, шунингдек куч ишлатмасдан, жамоат тартибини, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ғайриқонуний йиғилишлар, митинглар, намойишлар, оммавий чиқишлар ва пикет қўйишларни бартараф этиш чоғида махсус воситаларнинг, шу жумладан газли ҳамда шикастлантирувчи қуролнинг қўлланилиши тақиқланади, бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимининг

хаёти ҳамда соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб хужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

### **Қўйидагилар тақиқланади:**

одамнинг бошига, бўйнига, ўмров суягига, қорнига, жинсий аъзоларига, юрак соҳасига резина таёқ билан зарбалар бериш;

хаво ҳарорати Цельсий бўйича ноль даражадан паст бўлганида сув билан зарба берувчи машиналарни қўллаш.

Сув билан зарба берувчи ва зирҳли машиналар Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг оғзаки ёки ёзма қарори асосида қўлланилади, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар прокурорларига ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларга дарҳол хабар берилади.

Ички ишлар органи таъминотида бўладиган махсус воситаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

### **Ички ишлар органи ходими қўйидаги махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:**



**Резина таёқлар** – фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган хужумни қайтариш учун, қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда, муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини

тўсиб қўйишда ва фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда ҳамда зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда қўлланилади.

**Кўздан ёш оқизувчи моддалар ва газли, шикастлантирувчи қурол** – жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда, қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда, зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда, муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда ва ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда қўлланилади.



**Қўл кишанлар ёки бошқа боғлаш воситалари** – жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда, ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш

ва қўриқлашда, шунингдек қочиб қанишига уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига

зарар етказишини бартараф этиш мақсадида, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда ва муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда қўлланилади.

**Махсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар** – ҳайдовчиси ички ишлар органи ходимининг тўхташ тўғрисидаги талабини бажармаган транспорт воситасини тўхтатишда, муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда ва жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда қўлланилади.



**Электрошок қурилмалари** – ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида, зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда ва фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган ҳужумни қайтариш учун ҳамда жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол қўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда қўлланилади.



**Хизмат ҳайвонлари** – фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган ҳужумни қайтариш учун, ушлаб турилган шахсларни ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда, жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда, муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўлланилади.

**Чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалари** – зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда ва муҳофаза қилинадиган объектларни ҳимоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда қўлланилади.



**Транспорт воситаларини мажбурий тўхтатиш воситалари** – фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда ва жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган

шахсларни аниқлашда қўлланилади.

Тинчлантириш қўйлаги фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган хужумни қайтариш учун ва қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда қўлланилади.



**Сув билан зарба берувчи машиналар** – зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда ва фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда қўлланилади.



**Зирҳли машиналар** – қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда, зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда қўлланилади.

**Муҳофаза қилинадиган объектларни (худудларни) химоя қилиш, ғайриқонуний ҳаракатлар содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиш воситалари** – муҳофаза қилинадиган объектларни химоя қилишда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этаётган фуқаролар гуруҳларининг ҳаракатланишини тўсиб қўйишда ишлатилади.

**Тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар** – қуролли қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган шахсни ушлашда, зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйишда ва жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда қўлланилади.

Ички ишлар органининг ходими ўқотар қурол ишлатишга рухсат этилган барча ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга. Махсус воситаларнинг қўлланилиши учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига хавф туғдирмаслиги керак.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум

бўлган вояга етмаганларга нисбатан, шунингдек куч ишлатмасдан, жамоат тартибини, транспорт, алоқа воситалари ва ташкилотларнинг ишини бузмасдан ўтказилаётган ғайриқонуний йиғилишлар, митинглар, намойишлар, оммавий чиқишлар ва пикет қўйишларни бартараф этиш чоғида махсус воситаларнинг, шу жумладан газли ҳамда шикастлантирувчи қуролнинг қўлланилиши тақиқланади, бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимининг ҳаёти ҳамда соғлиғига ҳақиқатда таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.



Махсус воситалар учга бўлинади:

I. Индивидуал (шахсий) ҳимоя воситалари.

II. Актив (фаол) мудофаа воситалари.

III. Махсус операцияларни бажарувчи воситалар.

1. Индивидуал (шахсий) ҳимоя воситалари. Ички ишлар органлари ходимларининг шахсий ҳимоясини таъминловчи воситалар киради.

Масалан:

1. Темир қалпоқ. (каска).
2. Темир зирхли нимчалар (бронжилет).
3. Қалқон (шить).
4. Газлардан ҳимояловчи восита (противогаз).
5. Нурланишлардан ҳимоя қилувчи махсус кийим (ОЗК)

2. Актив (фаол) мудофаа воситалари. Жиноятчи ёки ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган воситалар киради.

Буларга:

1. Резина таёқ (ПР-73).
2. Қўл кишани (Нарушник).
3. Кўздан ёш оқизувчи газлар (черемуха).
4. Электрошок.

3. Махсус операцияларни бажарувчи воситалар.

1. Танклар (БТР, БМП, БМД)
2. Махсус автомашиналар
3. Оломонга сув сепувчи махсус автомашиналар.
4. Кичик ҳажмдаги портловчи гранаталар (чинқироқ овоз чиқарувчи, тутун чиқарувчи, кўздан ёш оқизувчи газ гранаталари, аланга чиқарувчи гранаталар).

Махсус операцияларни бажарувчи воситалар ИИВ Вазири, Мудофаа Вазири томонидан руҳсат этилгандагина, махсус хизмат ходимлари томонидан қўлланилади.

**2-ўқув саволи: Махсус воситаларни қўллаган ходимнинг ҳаракатлари.**



Жисмоний куч ишлатган ходим ҳуқуқбузарга тан жароҳати етказганлиги ёки етказилмаганлигини

аниқлаб олади. Бунда ҳуқуқбузар қутилмаганда ҳужум қилиб қолиши мумкинлиги инобатга олинади ва зарур хавфсизлик чоралари кўрилади. Ҳуқуқбузарга тан жарохати етказилганда, шунингдек унга ёрдам кўрсатиш зарурати бўлса зудлик билан унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади.

Махсус воситаларни қўллаган ходим ўз хавфсизлигини таъминлаган ҳолда жароҳатланган шахснинг олдига бориб, қуроли бўлса қуролсизлантириб, уни зарарсизлантиради ҳамда биринчи тиббий ёрдам кўрсатади. Навбатчилик қисмига ахборот бериб, тезкор-тергов гуруҳини ва тез тиббий ёрдамни чақиради. Улар келгунга қадар жароҳатланган шахсни қочиб кетишини олдини олиб, воқеа жойини кўриқлаш чора-тадбирларини амалга оширади.

Гувоҳларни ушлаб туради, далилий ашёларни ва изларни йўқолиб кетмаслигини таъминлайди. Тезкор-тергов гуруҳи етиб келганидан сўнг воқеа ҳақида батафсил ахборот беради ҳамда гувоҳлар ва далилий ашёларни тақдим этади.

Билдирги ёзиб воқеа тафсилотларини баён қилади. (қачон, кимга нисбатан махсус воситаларни қўлланганлиги, қўллаш сабаблари ва шароитлари, оқибатларива ҳ.к.)

Ички ишлар органлари тўғрисидаги Қонун талабларига асосан ҳуқуқбузарларга ва жиноятчиларга нисбатан махсус воситаларни қўллаганликлари тўғрисида далолатнома тузадилар.

### **3-ўқув саволи: Ноқонуний тарзда махсус воситаларни қўллаганлик учун жавобгарлик**

Қуйидаги ҳолларда ходим томонидан махсус воситалардан фойдаланиш ва жисмоний куч ишлатиш ноқонуний ҳисобланади.

1.Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш тажовузнинг хусусияти ва хавфлилик даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа вақтида қасддан одам ўлдириш ёки қасддан баданга оғир шикаст етказиш.

Ушбу ҳаракатлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 100- ва 107-моддаларида кўзда тутилган.

2.Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарурий чегараларидан четга чиқиб қасддан одам ўлдириш ёки қасддан баданга оғир шикаст етказиш.

Ушбу ҳаракатлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 101 ва 108 моддаларида кўзда тутилган.

3.Охирги зарурат чегарасидан четга чиқиш, яъни бошқа воситалар билан хавфнинг олдини олиш мумкин бўлса ёки келтирилган зарар олдини олинган зарардан ошиб кетса.

Охирги зарурат ҳолатида содир этилган қилмишнинг қонунийлигини баҳолашда олди олиниши лозим бўлган хавфнинг хусусияти ва хавфлилик даражаси, шундай хавфнинг ҳақиқатдан мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ва юз бериш вақтининг яқинлиги, хавфни қайтарувчи шахснинг мавжуд имкониятлари, вужудга келган вазиятдаги рухий ҳолати ва бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади.



4. Мансаб ваколатидан четга чиқиш, яъни ходимнинг ўзига қонун билан белгиланган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши ва бунинг оқибатида фуқаронинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказиш.

Ушбу ҳаракатлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 206-моддасида кўзда тутилган.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ИИИ ходимлари ноқонуний тарзда қурол қўллаганлиги билан биргаликда, хизмат бурчини адо этиш учун зарурият вужудга келган вақтда қурол қўлламаганлиги учун ҳам амалдаги қонунийлик асосида жавобгардир.

*Ушбу ҳолат қуйдагича ҳуқуқий баҳоланади, яъни:*

-мансабга совуққонлик билан қараш, яъни ходимнинг ўз хизмат вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги:

-ҳокимият ҳаракатсизлиги, яъни ходимнинг ўз хизмат вазифалари юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги:

Ушбу ҳаракатлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 207- ва 208-моддаларида кўзда тутилган.

### **Мустақил тайёргарлик учун топширик:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.


ИИОнинг махсус воситаларни қўллаш бўйича ҳуқуқий асослари, шартлари ва тартибмавзусини ўқиб ўрганиш ва Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг 21- ва 23-моддаларини конспектлаштириш.

### 13-мавзу: ИИОнинг махсус воситаларни қўллаш бўйича ҳуқуқий асослари, шартлари ва тартиби

#### Семинар машғулот

Ушбу ўқув машғулотини “Жадвал” ва “Тест” технологияси интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда методлардан фойдаланиш қуйидагича кечади:



	Махсус воситаларнинг турлари											
<b>Савол:</b>	резина таёқлар	кўзданёшиқувчи моддалар, газли, шикастлантувчи курул	кўлишанлар ёки бошқа боғлаш воситалари	махсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар	электррошок қурilmалари	хизмат хайвонлари	чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалари	транспорт воситаларини мажбурий тўхтати тинчлантириш кўйлаги	сувбиланзарбарувчи машиналар	зирхли машиналар	харакатланишни тўсиш воситалари	тўсиқ-ғовларни бартар афтувчи восита
<b>Ҳуқуқий асоси</b>												
<b>Қачон қўлланилади</b>												
<b>Қўллаш тақиқланади</b>												
<b>Қўллаган ходимнинг ҳаракатлари</b>												
<b>Жавобгарлик масалалари</b>												

**Изоҳ:** Ушбу метод тингловчиларда ўрганилаётган мавзу, муҳокама қилинаётган масала ёки муаммонинг моҳиятини жадвал ёрдамида ақс этириш қобилиятини шакллантиришга ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Уни қўллашда тингловчилар мавзу моҳиятини оғзаки ёки ёзма матн кўринишида эмас, балки асосий ғоя, ва таянч тушунча ва муҳим жиҳатларни жадвалда аниқ қисқа ифодалаш кўникмаларини ўзлаштиради.

## 14-Мавзу: Оммавий тартибсизликлар юзага келган вақтда ИИО ходимларининг ҳаракати ва жойлашув тартиби.

(маъруза 2 соат)

### Машғулот режаси:

1-ўқув саволи. Оммавий тартибсизликлар тушунчаси, босқичлари ва уларнинг таснифланиши.

2-ўқув саволи. Оммавий тартибсизликлар вақтида ПШХ ходимларининг бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда иш олиб бориши.

### 1-ўқув саволи: Оммавий тартибсизликлар тушунчаси, босқичлари ва уларнинг таснифланиши.

Жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб бориш, айниқса унга таъсир қилувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун унинг моҳияти, келиб чиқиши, таркиби ва кўринишлари, ривожланиш қонуниятлари ҳамда тарихий келажаги хақида чуқур илмий асосланган билимга эга бўлиш лозим.

Оммавий тартибсизликларга жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг бир кўриниши сифатида қуйидагича таъриф бериш мумкин.



**Оммавий тартибсизликлар** - шахс устидан зўравонлик ўтказиш, қирғин, ўт қўйиш, қурол ишлатиш ёки қурол туридаги буюмларни қўллаш ёхуд калтаклаш таҳдиди билан ҳокимият вакилларига қаршилик кўрсатишга боғлиқ жамиятда ўрнатилган ахлоқ

тартибларини оммавий бўзиш бўлиб, бу ижтимоий хавфсизликка путур етказди,

У транспорт тизимлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг маромли фаолиятини издан чиқаради ва Республика фуқароларига моддий ва маънавий зиён етказди.



### *Оммавий тартибсизликлар қуйидаги босқичлардан иборат холда юзага келади:*

**1.Бошланғич босқич** - бу босқич оммавий тартибсизликлар вужудга келишига олиб келадиган зиддиятлардан (ҳокимият органлари ҳаракатларидан норозиликлар) ёки турли хил салбий омиллар шу жумладан табиий офат, фалокат, бахтсиз ходиса билан боғлиқ турли иғволар натижасида юзага келади. Бу босқичнинг юзага келишига оммавий тартибсизликлардан манфаатдор шахслар ҳаракатлари ёки бу вазият маълум бир фавқулотда вазият натижасида одамларнинг оломонга айланиши натижасида ҳам юзага келиши мумкин. Бу босқичда тўпланган оломоннинг диққати маълум бир фактга қаратилган бўлади.

Оммавий тартибсизликдан манфаатдор шахслар оломон орасида турли миш- мишлар тарқатиши натижасида оломон хиссий жихатдан жумбушга келиб унинг таҳдид кучи ошиб боради. Миш-мишлар бу босқичда оломон томонидан бўрттирилган холда қабул қилинади ва оломон бундай нотўғри

маълумотларни ҳам оммавий тартибсизликларнинг фаол иштирокчилари томонидан тарғиб қилиниши натижасида тўғридан-тўғри қабул қиладилар.

**Оммавий тартибсизликларнинг бошланғич босқичида иштирокчилар учун қуйидаги ҳолатлар ҳосдир:**



- ёлғон ва гиж-гижловчи маълумотларни тарқатиш;
- ҳокимият вакиллари ҳақорат қилиш;
- транспорт ва пиёдаларнинг ҳаракатини бузиш;
- қизиқувчиларга нисбатан безорилик ҳаракатларини амалга ошириш;
- бошқа шахсларни ҳам ўз сафларига қўшилишларини даъват қилиш ёки қўшилишга мажбур қилиш.

**2.Босқич**-бу фаол босқич ҳисобланиб, бунда оммавий тартибсизликларнинг иштирокчилари оломон сифатида тўла шаклланиб бўлади. Оммавий тартибсизликларнинг бу босқичида унинг иштирокчилари зўрлик ва бўзғунчилик ҳамда безорилик каби фаол ҳаракатларни амалга оширишни бошлайди.

Оммавий тартибсизликнинг бу босқичида оломон хиссий жихатдан жумбушга келишининг энг юқори нуқтаси ҳисобланади. Айнан шу босқичда оммавий тартибсизликлар иштирокчилари ўз талабларини баён қилиб уни бажаришни ҳокимият вакилларида талаб қиладилар. Ушбу босқичда бошқа хавфли жиноятлар, яъни қотиллик, талон-тарож, қасддан баданга ўртача оғир ва оғир шикаст етказиш сингарилар юз беради.

**3.Босқич** - яқунловчи босқич бўлиб, ушбу босқичда ички ишлар органлари ходимлари оммавий тартибсизликни тарқатиш ва бартараф этишга киришадилар. Бунда ички ишлар органлари ходимлари оломон томонидан ва унинг актив иштирокчилари томонидан фаол қаршиликка, шу жумладан қуролли қаршиликка, буйсунмаслик ва яшириниб қочиш кетишга ҳаракат қилиш ҳолатларига дуч келиши мумкин.

Оммавий тартибсизликларнинг фаол ва яқуний босқичлари учун оммавий тартибсизликлар иштирокчиларини жамоат ва маъмурий биноларга, транспорт воситаларига хужум қилиши (ойналарни, эшикларни синдириш), турли хил чақириқ ва ҳақоратларни бинолар деворлари, хар-хил буюмларга ёзиш, экинларни, биноларни, деворларни, тўсиқларни бўзиб ташлаш, автотранспорт воситаларини ва бошқа объектларни ёкиб юбориш, одам соғлиги ва ҳаётига хавф туғдирувчи тош, турли ёнувчи-захарловчи суюқлик тўлдирилган шишаларни ва бошқа предметларни отиш, талон-тарожкаби бошқа ҳаракатлар ҳосдир.

Оммавий тартибсизликларга қарши курашни ташкил қилиш учун ушбу ҳаракатларни ижтимоий хавфи ва фаоллик даражасини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Одамларни оммавий тартибсизликларда қатнашуви уларни ижтимоий, иктисодий ҳолати, сиёсий етуқлиги, ахлоқий - маънавий қарашлари асосида вужудга келади.

*Оммавий тартибсизликларда қатнашаётган шахслар оммавий*

*тартибсизликларда қатнашганлик даражасига қараб қуйидагича тавсифланади:*



**Бошловчилар** - яъни ўз хатти-ҳаракатлари ва фаолиятлари билан нафакат оммани жумбушга келтирадилар, шу билан бирга оммани ҳаракатга келтириб уни бошқарадилар ҳам. Шунингдек, уларнинг ҳаракатлари ўз ичига омма орасида ёлғон хабарларни ва ҳокимият органларига қарши қуювчи ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда булар ёрдамида оломонни аниқ актив ҳаракатга жалб қилишни ҳам қамраб олади.

Амалиёт таҳлиliga кура, аксарият холларда бошловчилар рецедивистлар ёки илгари маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар бўладилар.

Масалан, 1980 йилларнинг охирида Фарғона водийсида миллий низолар натижасида оммавий тартибсизликлар рўй берган. Бу вақтда Месхети турклар ва маҳаллий ўзбеклар ўртасида бир гуруҳ шахслар томонидан низо чиқарилган. Бу шахсларнинг аксариятлари муқаддам судланганлар бўлиб, оммавий тартибсизликларни уюштирганлар. Бунинг натижасида жамиятнинг нормал ҳаёти издан чиқиб, бегуноҳ одамларнинг қони тўкилган.

**Иғвочилар** - бўхтончилар (правакаторлар). Уларнинг ҳаракатлари айрим оммавий тартибсизликлар босқичларида бошловчиларнинг ҳаракатлари билан уйғунлашиб кетади. Ушбу тоифадаги шахслар оломонни рухий-эмоционал холатидан фойдаланган холда омманинг ҳаракатини маълум бир йуналишга йуллайдилар. Оломонни ноқонуний ҳаракатларга ундаб ўз жиноий мақсадларини амалга оширадилар.



**Тажовузкор шахслар** - бундай шахсларнинг ҳаракатлари жамиятга зид унсурлар бўлиб айнан шулар оммавий тартибсизликларнинг бошқа иштирокчиларига нисбатан хавфли ҳаракатларни амалга оширадилар. Улар оломонга ўзларининг тажовузкор мақсадларини амалга ошириш ниятида ҳокимият органларидан қасос олиш учун ҳокимиятга қўшиладилар. Бу шахсларнинг аксариятлари ҳам муқаддам судланган ёки ҳокимият органларига нисбатан душманона муносабатда бўлган шахслар бўладилар.

**Қизиқувчилар** - ушбу тоифадаги шахслар фақатгина ходиса жараёнига қизиқибгина оммавий тартибсизликларга қўшиладилар. Бу шахслар осон тарқаладиган оломон жумласига кирадилар, лекин иғвочиларнинг даъватлари ёки ваҳимада улар ҳам оммавий тартибсизликларни фаол иштирокчиларига айланиб кетишлари мумкин. Шунингдек, бу тоифадаги шахслар ваҳимали хабарларга ва вазиятларга тез берилувчан бўлиб, ички ишлар органлари ходимлари ҳаракатларига ўз таъсирини кўрсатади.

**Адашганлар** - ушбу шахслар юз бераётган воқеалар жараёнига, унинг сабабларига, вужудга келишига тушунмаган шахслардир. Пода тариқасида бундай шахслар оммавий тартибсизликларнинг сабабчилари ва иғвогарлари тоифасидаги шахсларнинг ёлғон маълумотлари ва иғво хабарлари орқали юз берган вазиятга ёндашади.



**Ташкилотчилар** - ушбу тоифадаги шахслар энг хавфли шахслар ҳисобланиб, улар оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқишидан манфаатдор бўладилар. Улар оммавий тартибсизликлар вақтида четдан туриб оммавий тартибсизликларни фаол иштирокчиларини маблағ ва техник воситалар ҳамда зарур ҳолларда курол-яроғ билан таъминлайдилар. Ташкилотчилар оммавий тартибсизликларни амалга ошириш орқали ҳокимият органларига ўз таъсирини кўрсатишга уринадилар. Кўп ҳолларда ташкилотчилар оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариш ва ҳокимият органларига халқнинг ишончсизлигини пайдо қилиш учун тарғибот ишларини ҳам амалга оширадилар. Бу ишларни улар асосан турли норозилик руҳида иғво маълумотлар ёзилган варақалар тарқатиш орқали амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу тоифадаги шахслар барча ҳолларда фаол ҳаракатлардан ўзларини четга тортадилар ва ўз ҳаракатларини оммавий тартибсизликларнинг фаол аъзоларидан фойдаланиб амалга оширадилар. Одатда бу шахслар моддий жихатдан яхши таъминланган бўладилар.

Оммавий тартибсизликларда қатнашувчиларнинг яна бир муҳим хусусиятларидан бири шундаки, оммавий тартибсизликлар иштирокчиларнинг аксарият қисми (айрим ҳолларда 90%) ёшлардан иборат. Бу ҳам ички ишлар органларининг оммавий тартибсизликларни бартараф этиш ва олдини олиш тадбирларини амалга оширишда эътиборга олинishi лозим бўлган омиллардан биридир

**Оммавий тартибсизликларнинг юз берган ҳудудларига қараб фарқланиши:**

**1.Кичик аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларда** - асосан қишлоқларда юз берадиган оммавий тартибсизликлар. Бу оммавий тартибсизликлар аксарият ҳолларда қариндош-уруғчилик, оилавий жанжаллар оқибатида вужудга келиши мумкин. Кўп ҳолларда бундай оммавий тартибсизликлар кенг қамровли бўлмайди. Лекин ўз вақтида олди олинмаса жиддий вазиятларни келтириб чиқаради.

**2.Туман ёки шаҳар ҳудудида** - бу оммавий тартибсизликлар маълум бир туман ёки шаҳар доирасида юз беради.

**3.Вилоятлар ҳудудида** - бу оммавий тартибсизликлар фақатгина маълум бир вилоят ҳудудида юз беради.

**4.Вилоятлараро** - бу оммавий тартибсизликлар икки ёки ундан ортиқ вилоятларда юз берадиган оммавий тартибсизликлардир.

**5.Чегара ҳудудларида** - бу оммавий тартибсизликлар кўшни Республикалар билан чегара бўлган аҳоли яшаш пунктларида вужудга келиши мумкин.

Оммавий тартибсизликлар вақтида, вазият мураккаблашган пайтларда ички ишлар органлари томонидан қуйидаги тактик усуллар қўлланилиши мумкин:



1) **ИИОлари, ҳарбий ва жамоатчилик кучларидан умумлаштирилган ҳолда фойдаланиш** - бу тактика шахсий таркибнинг асосий қисмини фаолиятнинг асосий йўналишларига жалб этиш билан боғлиқ. Бу ҳолат кучлар кам бўлганда ва уларни бир пайтнинг ўзида оммавий тартибсизликлар юзага келган ҳудуднинг барча жойларида бўлишини таъминлаш имконияти бўлмаганда мавжуд куч ва воситалар оммавий тартибсизликлар юзага келган ҳудуд бўйича тенг тақсимланган ҳолда эмас, балки муҳим ва тезкор вазият оғир бўлган участкаларда умумлаштирилган ҳолда фойдаланишдан иборат.

2) **ички ишлар органларининг куч ва воситаларидан комплекс фойдаланиш** - биринчидан, жамоат тартибини сақлаш, оммавий тартибсизликларни бартараф этиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифаларни келишилган ҳолда бажариш. Иккинчидан, ушбу хизмат ходимлари томонидан қўлланилаётган маъмурий - ҳуқуқий, тезкор - қидирув, ошкора ва хуфёна, режим тадбирлари бўйича иш турлари, усуллари ва услубларини бирга олиб боришдан иборат. Бундай ҳолатларда ички ишлар органлари ИИОлари нарядлари олдида кўйилган вазифаларни кам куч сарф қилган ҳолда бажарилиши тезкор штаб томонидан хизматга жалб этилган куч ва воситаларнинг ягона бошқарувини таъминлаш йўли билан эришилади.



3) **жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга жалб этилган ИИОлари нарядларининг фаоллиги** - хизматга жалб этилган ходимларнинг ташаббускорлиги, тезкор вазиятни доимий равишда кузатишлари ва жамоат тартибининг бузилишига олиб келувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар кўрилиши билан белгиланади.

4) **Оммавий тартибсизликлар аниқланганда ИИОлари ва ППХ ходимлари уни бартараф этиш, олдини олиш бўйича зарурий чораларни кўришади, фуқаролардан белгиланган қонуний талабларнинг бажарилишини таъминлашни талаб қилган ҳолда катъий ва талабчанлик билан ҳаракат қилишади.**

5) **Кучни намойиш қилиш** - бирор жойда тезкор вазият оғирлашган ҳолларда қўлланилади. Воқеа жойига кўп миқдордаги ИИОлари кучлари тўпланади (захира ва ташқи ўраб олиш гуруҳидагилар ҳисобидан) ва ташкиллаштирилган ҳолда бир неча маротаба тартиббузарлар олдида бир жойдан иккинчи жойга ҳаракатлантирилади ёки хавфли вазият юзага келган секторда ИИОлари нарядларининг сони кўпайтирилади. Кўшимча жалб этилган кучлар воқеа жойига катта - катта гуруҳлар бўлиб келишади. Вазият енгиллашганидан сўнг ИИОлари нарядларининг бир қисми кўзга ташланмаган ҳолда воқеа жойидан олинади.

6) **Вақти, жойи, йўли, усули бўйича кучларни бехосдан ишлатиш** - ички ишлар органларига ўз фикрларини амалга оширишда бир қатор устунликлар беради, тартиббузарлар ҳаракатининг бузилишига олиб келади, уларни саросимага солади. Куч ва воситаларни кутилмаганда ишлатиш тайёргарлик тадбирларининг яширин равишда олиб борилиши билан таъминланади.

7) **жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашда профилактик йўналтирилган тадбирлар**- куч ва воситаларнинг кўнгилсиз ҳодисалар аниқланган заҳоти, уларнинг кучайиб кетишининг олдини олишга қаратилган ҳаракатларидан иборат. ИИОлари нарядлари оммавий бузарликларнинг олдини олишга қаратилган тактик ҳаракатлардан фойдаланган ҳолда тартиббузарликларнинг бошланғич давридаёқ уларга эътиборни қаратиб, салбий оқибатларга олиб келишига йўл қўймаслик чораларини кўради.

8) **Куч ва воситаларни манёвр қилиш** - оммавий тартиббузарликларнинг асосий жойларида ИИОлари нарядларини кучайтиришдан иборат. Манёвр ИИОлари қисмлари ва нарядларининг мобиллаштирилганлиги, янги вазифалар пайдо бўлишини инобатга олиб куч ва воситаларнинг қайта тақсимланганлиги, ҳаракатдаги захира кучларининг ташкиллаштирилганлиги, уларнинг зудлик билан ҳаракатга келтириш мумкин бўлган жойга жамланганлиги билан таъминланади.

**2 ўқув саволи: Оммавий тартибсизликлар вақтида патруль-пост хизмати ходимларининг бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда иш олиб бориши.**

**Ўзаро ҳамкорлик**- қўйилган вазифаларни бажаришда (мақсади, вақти ва жойига кўра) барча хизматларнинг бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатиши билан таъминланади.



**Патруль-пост хизматини ўташда ўзаро ҳамкорлик қуйидагилар билан таъминланади:**

- 1) барча хизматлар (нарядлар) қўйилган вазифани бир хил англаши, умумий ва алоҳида вазифаларни ҳамда уларни бажариш усуллари яхши билишлари;
- 2) тезкор вазият ва унинг ўзгаришини доимий равишда билишлари;
- 3) узлуксиз алоқанинг ва доимий ахборот алмашувининг мавжудлиги;
- 4) шартли сигналларни тўғри қўллашлари;
- 5) хизматлар (нарядлар)нинг ички ишлар органлари бошлиқлари, ППХ саф бўлинмалари командирлари томонидан узлуксиз бошқарилиши ва улар олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилишлари;
- 6) хизмат (наряд) ларнинг хизматни ўташ жараёнида бир-бирига ўзаро ёрдам беришлари;



ИИВ аппаратлари бошқарма, бўлим ва хизматлари билан ҳамкорликнинг мақсади - биргаликда мавжуд куч ва воситалардан режали ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жамиятга зид бўлган уюшган жиноятчилик, диний экстремизм, терроризмга қарши курашиш, ноқонуний равишда наркотик моддалари ва ўқ отар қурол-яроқларини сақланиши, инсон ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига нисбатан ғайриқонуний тажовўзларга қарши курашиш, уларни ўз вақтида олдини олиш. Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва жамоат тартибini сақлаш, ҳавфсизлигини таъминлаш, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, чеклаш, содир этганларга нисбатан тегишли чораларни кўриш каби муҳим вазифалар ҳамкорликда амалга оширилади.

Нарядларнинг ўзаро ва бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорлигини ташкил қилиш, вазиятдан келиб чиққан ҳолда хизматни ўташга ўзгартиришлар киритишни амалга ошириш

Маҳаллалар, кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибini сақлашда қатнашадиган ППХ саф бўлинмалари нарядлари, ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари, бошқа хизмат ходимлари, жамоатчилик уюшмалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда кўллаб-қувватлаш, қўйилган вазифаларни бажарилишининг асосий шарти ҳисобланади.



**Ўзаро ҳамкорликни ташкил қилишнинг асосий шакллари қуйидагилар ҳисобланади:**

1) тезкор вазиятни биргаликда ўрганиш ва баҳолаш:

2) келишилган иш режаларини ишлаб чиқиш:

3) ҳар бир кўриқлаш саф бўлинмалари наряди ва бошқа хизмат ходимига умумий, аниқ топшириқ

бериш:

4) юзага келаётган вазият ҳақида ўзаро маълумот алмашиш ва алоқа тартибini белгилаш:

5) ҳамкорликаги тадбирларни амалга ошириш, жумладан биргаликдаги хизматни ўташ:

6) кунлик вазифаларни бажаришда ва фавқулодда ҳолатлар юзага келганда ўзаро ёрдам кўрсатиш:

7) биргаликдаги иш натижаларини таҳлил қилиш.

ППХ командирларининг ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорлиги амалга оширилаётган ишларни, олинган маълумотларни, тезкор вазиятни ва иш натижаларини биргаликда таҳлил этиш, тезкор йиғилишларда кўриб чиқиш, барча нарядлар ва ходимларнинг ҳаракат қилиш тартибini келишиб олиш ҳамда хизмат вақтида ўзаро ёрдам бериш йўли билан амалга оширилади.

Тезкор вазият мураккаблашган жойларда кўриқлаш саф бўлинмалари нарядлари томонидан хизмат ўташ тартибига ўзгартиришлар киритилади.

Юзага келган вазиятга қараб патруль-пост нарядларининг хизмат ўташ тартибига ўзгартиришлар киритиш босқичли, кунлик ёки ундан узоқ вақтга мўлжаллаб амалга оширилиши мумкин.

ИИБ-ИИББ-ИИБ ва Транспорт ИИБ бошлиқлари республика, вилоят, шаҳар, темир йўл объектлари миқёсида қўриқлаш саф бўлинмалари нарядларининг хизмат ўташ тартибига ўзгартириш киритишни амалга оширишади, зарур бўлганда ички ишлар органлари, ички қўшинларнинг махсус бўлинмаларидан қўшимча куч ва воситалар ажратиш ҳисобига пост хизматини кучайтириш мумкин.

Шаҳар, туман, тармоқ ички ишлар бўлимлари бошлиқлари шаҳар, туман ва транспорт объектларидаги тезкор вазият кескинлашган жойларда ўз куч ва воситалари билан хизматни ўташ тартибига ўзгартириш киритишни амалга оширишади.

**Хизматни ўташ тартибига ўзгартириш киритиш ҳақидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилади:**

1. хизматни ўташ тартибига ўзгартириш киритишни мақсади ва вазифалари;

2. ажратилаётган нарядларнинг сони ва уларнинг хизмат тартиби (қанча вақт мобайнида кўрсатилган жойда хизматни ўташлари);

3. тунги патрулик йўналишлари ҳамда постларда хизматнинг бошланиш ва тугаш вақти;

4. нарядларни бошқариш ва хизмат фаолиятини назорат қилиш тартиби;

5. мавжуд ёки қўшимча ажратилган моддий-техник воситалар.

Хизматни ўташ тартибига ўзгартириш киритиш вақтида нарядларнинг жойи ўзгарганлигини қўриқлаш нарядларини постлар ва патрулик йўналишларига тақсимлаш китобида кўрсатиш лозим.

ИИО нарядларини аниқ муддат давомида бир жойда йиғиш зарур бўлганда улар йўриқномадан сўнг ёки бошқа белгиланган вақтда кўрсатилган ҳудудда хизматни ўташади, шундан сўнг ўзларига бириктирилган йўналишга қайтишади.

Тезкор вазият мураккаблашган ёки фавқулодда ҳолат юз берган шароитда хизматни ўташ тартибига ўзгартириш киритиш махсус режа асосида амалга оширилади.



**Куч ва воситаларни мақсадли йўналтириш (маневр) қуйидагилар орқали таъминланади:**

1) хизматлар ва нарядларнинг юқори мобиллаштирилиши;

2) хизматлар ва нарядларнинг муҳим ҳудудларда тартиб билан кучайтирилиши, яъни мақсадли йўналтирилиши;

3) тезкор вазият асосида республика, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, темир йўллар (сув ҳавзалари, аэропорт объектлари) миқёсида куч ва воситаларнинг қайта тақсимланиши;

4) ҳаракатчан заҳира кучларининг ташкиллаштирилиши;

5) узлуксиз алоқанинг мавжудлиги;

Тезкор вазиятнинг тез ўзгариб туриши, шунингдек бехосдан вужудга келадиган табиий ҳалокатлар, оммавий тартибсизликлар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда куч ва воситаларни мақсадли йўналтириш (маневр) муҳим рол ўйнайди.

**ИИВ-ИИББ-ИИБ куч ва воситаларини мақсадли йўналтирилишини (маневр) таъминлаш учун режалар ишлаб чиқилиб, уларда қуйидаги масалалар белгиланади:**

- 1) шахсий таркибни тезкорлик билан йиғиш;
  - 2) маҳаллий ҳокимликлар, прокуратуралар ва бошқа тегишли органларга, шунингдек катта бошлиқларга хабар бериш тартиби;
  - 3) ўтказилаётган тадбирни бошқариш учун штаблар тузиш;
  - 4) ўта муҳим, ҳаётий муҳим тоифаланган объектларни қўриқлашни кучайтириш;
  - 5) бир неча ҳолатлар ва улар бўйича хизматлар ҳамда нарядларнинг аниқ ҳаракатларини белгилаш;
- б) куч ва воситаларнинг ҳисоби.

Режалар шахсий таркиб томонидан ўрганилади ва шу асосда ходимлар билан ўқув машғулотлари ўтказилади.

**14. мавзу. Оммавий тартибсизликлар юзага келган вақтда ИИО ходимларининг ҳаракати ва жойлашув тартиби.**

### Семинар машғулоти


Ушбу амалий машғулот **«Блиц-сўров»** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олиншига кўра белгиланади.


**Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:**

Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар моҳиятини очибберишни талаб этадиган саволларни ишлаб чиқиб, тингловчиларэътиборига ҳавола қилади

Тингловчилар берилган саволга қисқа муддатда лўнда, аниқ жавоб беради



Гуруҳ (жуфтлик)да ишлашда бир нафар тингловчи берилган саволга жавоб қайтаради, унинг гуруҳдошлари жавобни тўлдиреди (бирок, фикрлартакрорланмаслиги лозим)



### Назорат саволлар:

1. Оммавий тартибсизлик тушунчаси.
2. Оммавий тартибсизликларнинг босқичлари ва уларнинг таснифланиши.
3. Оммавий тартибсизликларда қатнашаётган шахсларнинг тавсифланиши.
4. Оммавий тартибсизликларларни бартараф этишда ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган “Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга жалб этилган ИИО ППХлари нарядларининг фаоллиги” тактик усули.
5. Оммавий тартибсизликлар вақтида ўзаро ҳамкорликни ташкил қилишнинг шакллари.
6. Куч ва воситаларни манёвр қилиш.
7. Патруль-пост хизматини ўташда ўзаро ҳамкорликни таъминланаш.
8. Ўзаро ҳамкорликни ташкил қилишнинг асосий шакллари.
9. Юзага келган вазиятга қараб патруль-пост нарядларининг хизмат ўташ тартибига ўзгартириш.
10. Куч ва воситаларни мақсадли йўналтириш.

### 15-МАВЗУ: Пост ва патруллик йўналишларида шубҳали предметлар, портлатиш қурилмалари аниқланганда, ППХ нарядларининг хатти-харакатлари

(маъруза 2 соат)

#### Машғулот режаси:

1-ўқув саволи. Портловчи моддалар тушунчаси, портлаш воситалари ва қўлбола портловчи қурилмалар.

2-ўқув саволи. Шубҳали предметлар ва автомобиллар аниқланган ҳолатда ППХ нарядларининг зудлик билан амалга оширадиган ҳаракатлари.

**1-ўқув саволи. Портловчи моддалар тушунчаси, портлаш воситалари ва қўлбола портловчи қурилмалар.**



Портловчи модда – ташқи таъсир (қиздириш, зарба бериш, ишқаланиш ва х.к.) натижасида портлаб кетиш хусусиятига эга бўлган кимёвий бирикма ёки механик аралашма айтилади.

Портлаш – бу шундай жарёнки портловчи моддани жуда тез, куп микдорда, катта босимда

иссиқлик ва газга айланиб атроф мухитни бузиб, суриб, майдалаб ушиб бориши.

Портлашда жуда катта тезликда иссиқлик ва газ ажралиб чиқиши билан боғлиқ реакция амалга ошади. Ажралиб чиққан иссиқлик, газ ва ҳосил бўлган зарба тўлқини атроф мухитни бузиб, вайронага айлантиради.

Республикамиз ҳалқ хўжалигида улар асосан кончилик, яъни фойдали қазилма конларини қазиб олиш ва махсус қурилиш ишларида фойдаланилади.

Портловчи моддаларнинг турлари:

Тротил – оч сариқ ёки тўқ сариқ рангдаги кристалл модда. Сувда эримайди, тез алангаланувчан, кукунсимон, гранула ва зичланган холларда бўлиши мумкин. Зичланган тротил 75, 200, 400 гр шашкалар кўринишида, ташқи таъсирдан химоя қилиш мақсадида парафинланган қоғоз қобиқларига ўралган бўлади.

ТРОТИЛ - бризант портловчи моддаси булиб, оч-сарик рангда, эриш температураси 810 С, детонация тезлиги 7000 м/с

Аммонит – аммиакли силитра ва тротилнинг оқ сариқ, тўқ кул рангли механик аралашма, зичланган холатда диаметри 32 – 90 мм, патрон кўринишида, 40 кг қопларда ишлаб чиқарилади. Патронлар парафинланган қоғоз қобиқлар билан ўралади. Улар детонатор симлар ёрдамида портилатилади. Ёпиқ идишда ёки кўп миқдорда бўлса ўз – ўзидан портлаши мумкин.

Сейсмопласт, гексопласт, тетрил, гексоген, пентрит каби турлари ҳам бор.



Портловчи моддалар 3 та гуруҳга бўлинади:

- 1.Ташаббусли портловчи моддалар
- 2.Парчаланувчи портловчи моддалар
- 3.Отилувчан портловчи моддалар (порохлар)

Ташаббусли портиловчи моддалар - ташқи таъсирга, яъни оловга, зарбага ва ишқаланишга тез берилувчан бўлади. Уларга:

Шовқинли симоб (Гремучая ртуть)

Қўрғошин азиди

ТНРС – тириинтрезорцинет свинца

Шовқинли симоб – оёқ ёки кул ранг рангда бўлиб сувда ёмон эрийди. Ушбу модда ёниш оқибатида портлайди.

Қўрғошин азиди – оқ рангли майда кристалл модда сувда ёмон эрийди. Ушбу модда ёниш оқибатида портлайди.

ТНРС моддаси – сариқ рангли сочилмайдиган майда кристалл модда. Бу модда шовқинли моддага ўхшаб ёниш оқибатида портлайди.

Парчаланувчи портловчи моддалар қувати бўйича 3 та турга бўлинади:

- Юқори қувватли портловчи моддалар
- Нормал қувватли портовчи моддалар
- Паст қувватли портловчи моддалар

Юқори қувватли портловчи моддаларга:

- ТЭН – тетранитропентаэритрит
- Гексоген
- Тетрил

ТЭН портловчи моддаси оқ порошок, сувда ёмон эрийдиган модда, ушбу модда детонация берувчи симобларда ишлайди. Детонация берувчи шнурлар портлаш тезлиги 1 секунд – 6500 м.

Гексоген портловчи моддаси оқ қизғиш рангдан оқ ранггача бўлиб сувда ёмон эрийди, бу модда артиллерия ва авиация, ўқ-дориларнинг снарядларида заряд учун ишлатилади.

Тетрил – портловчи моддаси сариқ рангдан жигаррангача бўлиб, ушбу модда ҳам сувда ёмон эрийди. Тетрил портловчи моддаси пиёдаларга қарши миналарнинг запалларида ишлатилади.

Нормал қувватли портловчи моддаларга қуйидагилар киради:

- Тротил
- Пластит

Тротил моддаси органик модда ҳисобланиб, оч сариқ ёки тўқ сариқ рангдаги кристалл модда. Сувда эрмайди, тез алангаланувчан, кукинсимон гранула ва зичланган холларда бўлиши мумкин. Зичланган тротил 75, 200, 400 гр шашкалар кўринишида, ташқи таъсирдан химоя қилиш мақсадида парафинланган қоғоз қобиғларига ўралган бўлади.

Ушбу модда олтингугурт ва азот кислоталарни нитратлаш йўли билан олинади. Тротил моддаси 3160С температурада ёнади, ёпиқ идишларда портлаши мумкин.



Пластит портловчи моддаси сариқ рангли ёпишқоқ ҳамирсимон модда, сувда эрмайди. Таркиби 80% гексоген, 20% - махсус пластит орган қатордан иборат.

- паст қувватли портовчи моддалар
- аммонит
- аюмотон

Аммиак селитра ва тротил оқ сариқ ва тўқ кул рангли аралашмадан иборат. Аммонит моддаси 80% - аммиак селитра, 20% - тротил моддаси.

Отилувчан портловчи моддалар (порохлар)

**Порохлар 2 та турга бўлинади:**

- Тутунли порох
- Тутунсиз порох

Тутунли порохлар пиёдаларга қарши сакровчи миналарда ва олов ўтказувчи супрларда ишлатилади. ОЗМ – 72 осколкали сакровчи мина 1972 йилда ишлаб чиқарилган.

- Соф оғирлиги – 5 кг.
- Сакраш баландлиги – 75 – 80 см.
- Тайёр осколкалари сони – 2400 та.
- Ўлдириш радиуси – 20 – 25 м.

Тутунсиз порохлар барча ўқ отар қуролларда ишлатилади.

Портлатиш жиҳозлари:

Капсюль детонатор – мис, алюмин, биметол ёки қоғоз цилиндрик гильза кўринишида бўлиб, диаметри 6 – 7 мм ва узунлиги 47 – 51 мм ни ташкил этади. Гильза ичига ташқи таъсирга сезгир бўлган 0,5 гр гремучая ртуть ва 1 гр тротил ёки 0,1 гр ТНРС, 0,2 гр азид сивинца ва 1 гр тетрил портловчи моддалар жойлаштирилган бўлади.

Электродетонатор капсюль – детонаторлар билан бир хил бўлиб, унга фақат электр чўлғами ўрнатилган бўлади. Электродетонатор гильзасидан чиқиб турган симлар ток манбаига уланади. Ток электр чўлғамидаги улагични қиздиради, натижада пиротехник таркиб алангаланади ва аланга хосил бўлади. Хосил бўлган учкунли электродетонатор зарядини портлатади.

Аланга узатувчи шнур капсюль – детонаторларни ҳаракатга келтириш учун мўлжалланган бўлиб, унинг ичига кам зичланган порох жойлаштирилган бўлади. Шнурни ташқи диаметри 5 – 6 мм бўлиб, 1 метрида 6 гр га яқин порох бўлади. У 1 секундда 1 см тезликда ёнади.

Детонацион шнурлар детонацияни ва капсюль детонатордан портловчи моддалар зарядига узатиб бериш учун мўлжалланган. Детонацион шнур ичи, яъни унинг ўзаги юқори қувватли портловчи модда ТЭН дан тайёрланади. 1 м детонацион шнурда 12 – 13 гр ТЭН портловчи моддаси бўлади. Детонацион шнурлари 50 м диаметрдаги бухталар шаклида чиқарилади.

Порох доналарига қараб майда ва йирик донали, кучлинам тортувчи, намлик таъсирида намиқиб қоладиган намлиги 2% дан юқори шароитда ишга яроқсиз бўладиган модда.

### **Гумондор шахс ва уларнинг буюмларини текшириш тартиби.**



Гумондор шахслар ва уларнинг буюмларини текширишда:

Гумондор - бу ташқи кўриниши ва хатти-харакатлари билан ўзини-ўзи портлатиши, ёкиб юбориши, террорчилик-қўпоровчилик ҳаракатларини содир этиши ҳамда бундай жинойтларнинг бевосита иштирокчиси ёки ташкилотчиси бўлиши мумкин бўлган ўзини хаёжонланган, асабийлашган холда тутаетган, инсон асабига таъсир этувчи гиёҳванд моддалар ёки спиртли ичимлик таъсирида маст холда бўлган, кийими тагидан беўхов нарсалар яшириб олган, хомиладорга ўхшаган, қорни катта, қўлида сумка, кейс, чемодан, дипломат ёки бошқа нарсалар кўтариб олган шахслар (аёл ёки эркак)дир.

Наряд каттаси шахсан ўзи текширувга тўхатилган гумондор ва шубҳа уйғотувчи шахсга олд томонидан яқинлашиб, уни тўхтатади, у билан мулоқатда булиб, шахснинг хавф туғдира олмаслигига тўла ишонч хосил қилгач, унинг ҳужжатларини ва олиб кетаётган буюмларини текшириш учун шахсни алоҳида ажратилган жойга ўтишини сурайди.

Иккинчи ходим текширилаётган шахсинг олд томонида 1,5 - 2 метр узоқликдаги жойни эгаллаб, содир этилиши мумкин бўлган хужумни қайтаришга шай холда шахсинг хатти -харакатларини кузатиб туради.

Наряд каттаси хужжатларни ўзида қолдирган холда шахсдан ўзи билан олиб кетаётган буюм - нарсалар туғрисида ахборот олади ва уларни текшириш учун очишни талаб қилади. Текшириш учун очиб берилган буюм ва предметларга назар ташлайди. Шубхали ва хавф туғдириши мумкин бўлган нарсалар йўқлигига ишонч хосил қилгач, уларни қўли билан ушлаб кўради, уларнинг ичида портловчи моддалар ёки ўқ-отар қуроллар йўқлигини аниқлайди.

Текширилаётган гумондор шахс ва унинг ёнида бўлган шубхали буюмлар аниқланганда, Наряд каттаси радио алоқа воситаси орқали кўшимча кучларни чақиради ва нарядлар етиб келгунга қадар шахсни жойида қолиши ва уни қўриқлаб турилишини ташкил этади.

### **Қўлбола портловчи моддалар ва қурилмалар.**



Қўлбола портловчи моддалар русубликамиз худудида 1999 ва 2004 йилларда содир этилган кўпуровчилик ҳаракатлари жараёнида қўлбола портловчи модда ва мосламаларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш амалиёти кузатилди. Тайёрлаш жараёни бирмунча соддалиги ва тайёрлаш усуллари «Интернет» тармоғида мавжудлиги, хом ашёсининг очик холда сотилиши ёки алоҳида назорат остига олинмаганлиги сабабли қўлбола портловчи моддаларни тайёрлашга террорчилар асосан аммиакли селитра, алюмин ва магний кукуни, олтингугурт (сера), дизел ёқилғиси, бензин, калий хлорид, қизил фосфор, қанд каби моддаларнинг аралашмаларидан фойдаланишганлиги аниқланди.

Қўлбола портилатиш мосламалари портловчи мосламалар заводида ишлаб чиқарилган ёки қўлбола усулда тайёрланган бўлиши мумкин. Қўлбола портилатиш мосламаларининг корпуслари турлича бўлиб, уларни китоб ичига, электорбритва ва бошқа қурилмалар ичига жойлаштириш мумкин. Баъзида бу қурилмаларнинг зарарлантириш кучини ошириш мақсадида уларнинг корпусларига болтлар, гайкалар, темир бўлақлари, михлар, пўлат симлар, турли металллар, шариклар бириктирилади.

### **Мисол тариқасида;**

1. Сизларга мисол тариқасида, автобус бекати олдида номаълум жисм (сумка) турганлигини сиз ёки фуқаро томонидан кўрсатилди. Сиз томондан зудлик билан шу худудда бўлган фуқароларни эвакуация қилинади, навбатчилик қисмига холат бўйича ахборот берилади, юридик манзил айтилади. Шубхали предмет юзасидан қисқача маълумот берилади. Тезкор



нарядлар келгунга қадар Шубхали предмет турган жойни қўриқловини тўсиш ишларини ташкил этади,

2. Автоуловда аниқланса, қуйидагилар амалга оширилади;

➤ автоуловга тегиш, жойдан кимирлатиш, ичини очиш қатъиян ман этилади.

➤ зудлик билан 102 га хабар бериб, аниқ манзилни (мулжални) айтинг.

➤ ўзингиз ва яқин ордаги фуқароларни шубхали автоулов турган жойдан хавфсиз жойга 100-150 метр масофага ўтинг ва ўтказинг.

➤ шубхали автоулов олдига тезкор тергов гуруҳи ва мутахасислар етиб келгунга қадар ҳеч кимни қўйманг.

**2-ўқув саволи. Шубхали предметлар ва автомобиллар аниқланган ҳолатда ППХ нарядларнинг зудлик билан амалга оширадиган ҳаракатлари.**



ППХ нарядлари кундалик фаолиятларида портловчи модда ва портлатиш қурилмаларини аниқлаш ва уларни зарарсизлантириш мақсадида ҳамда ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун пиёда йўналишларга 3 нафардан ва автоуловларга 4 нафардан қуролланган ходимлар жалб этилиб, наряд аъзоларидан бири автомат ва шахсий химоя воситалари билан таъминланади.

Пиёда йўналиш бўйича хизматга жалб этилган ходимлардан модда ва портлатиш қурилмаларини аниқлаш ва уларни зарарсизлантириш учун қуйидагилар талаб қилинади:

- белгиланган йўналиш бўйича атроф-ҳудудни ва (постларда хизматни) фуқароларнинг хатти-ҳаракатларини доимий кузатиб бориш;
- наряд каттаси томонидан ҳар бир ходимга аниқ вазифалар бериш;
- хавф тақдид қилганда ундан химояланиш жойлари олдиндан аниқланиши.

Пиёда йўналишда наряд каттаси қолган ходимлардан 2 метр олдинроқда юриш лозим.

ИИОлари ходимлари портловчи моддалар ва портловчи қурилмаларни аниқлаганларида қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш қатъиян тақиқланади:

Демак, жамоат жойларида, яъни бозор, темирўл вокзаллари, кўп қаватли уйларнинг кириш йўлакларида, бошқа одамлар гавжум жойларда дипломат, қути, чемодан, пакет, сумка каби шубхали ашёлар аниқланган тақдирда ички ишлар органлари ходимлари қуйидаги қоидаларга қатъий амал қилишлари шарт:

- Шубхали нарса ва буюмларга тегиш қатъиян ман этилади.

○ Ҳар қандай портловчи моддаларни зарарсизлантириш фақатгина махсус тайёрланган мутахассис (сапёр)лар томонидан амалга оширилиши лозим.



Шубҳали ашёлар ва автомобиллар аниқланганда, ИИО ходимлари томонидан амалга ошириладиган кечиктириб бўлмас ҳаракатлар: жамоат жойларида, яъни бозор, темир йўл вогзаллари, кўп қаватли уйларнинг кириш йўлакларида, бошқа одамлар говжум жойларда шубҳали ашёлар (дипломат, кути, чемодан, пакет) аниқланганда:

- Шубҳали ашёга тегишли ва уни жойидан қўзғатишга ҳамда очишга йўл қўймаслик чораларини кўриш.

- Шубҳали ашё турган жойнинг аниқ манзили ва ашёнинг кўриниши ҳақида ИИИга хабар бериш.

- ИИИ бошқа ходимлари ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда камида 150 метр масофали айлана узунликда шубҳали ашё аниқланган жойни ўраш, кўриқлаш ҳамда бегоналарни киритмаслик чораларини кўриш.

- Агар шубҳали ашё поездеда ёки кўп қаватли уй ёнидан топилса, шовқин суронсиз ва во хималарсиз ушбу уйда яшовчиларни хавфсиз жойга кўчиришни ташкил этиш.

- Яқин атрофда турган барча техник воситаларини шубҳали ашё турган жойдан узоқлаштириш чораларини кўради.

- Шубҳали ашё аниқланган жойга яқин жойлашган корхона, муассасалар ходимларини ва савдо ҳамда овқатланиш шаҳобчаларидан. Оммавий дам олиш жойлари, ўйингоҳлардан фуқароларни хавфсиз жойларга чиқаришини ташкил этиш.

- Шубҳали ашёни зарарсизлантириш учун келган мутахассисларга вазиятни тушинтиради ва уларга керакли ёрдам кўрсатади.

Транспорт воситаларида портловчи моддалар мавжудлиги аниқланганда:

Транспорт воситаларида портловчи моддалар мавжудлигини аниқлаш бўйича текширув уч босқичда олиб борилади:

- Автомобилнинг олд қисмини текшириш. Олдинги бампернинг ички қисмини, олд ғилдирақларининг сачратмағичлари остидаги бўшлиғини, шамоллатиш тизимининг ҳаво йўллари, аккумулятор батарейкалари остидаги бўшлиғини, олд ғилдирақларининг декоратив қалпоқларини остини, олд қанотлари ва чироклари ўртасидаги ораликни, олд капотнинг ички бўшлиқ қисмларини кўздан кечириш ва текшириш.

- Салонни текшириш. Приборлар шитининг орқа бўшлиғини, бардачокнинг устки ва ён деворларини, эшиклардаги кулдонларни, гиламлар ва қопламалар остини, салондаги мавжуд буюмларни, ўриндиқларнинг суянадиган қисмларини ва бўшлиқларни, ўриндиқларнинг пружиналари оралиғидаги бўшлиқни, эшик ва шифтнинг қопламалари орасидаги

бўшлиқни, остона тагидаги бўшлиқни, консолларни кўздан кечириш ватекшириш.

➤ Автомобилни орқа қисмини текшириш. Орқа бампернинг ички қисмини, юкхонадаги мавжуд буюмларни, юкхонанинг ички қисмини, гиламлар ва қўшимча жиҳозланган жойларни, чироқлар орасидаги бўшлиқни, орқа ғилдиракнинг декоратив қалпоқлари остини кўздан кечириш ва текшириш.

Шубҳали автоуловларда портловчи моддалар борлиги аниқланганда зудлик билан қилинадиган ҳаракатлар:

❖ Транспорт воситасини кўзғатмаслик билан унинг ичини очиб кўрмаслик ва автомобилни эвакуатор билан эвакуация қилмаслик чораларини кўради. Шубҳали автоуловга тегишли эшикларини ва юкхоналарини очиш ҳамда хайдаб бошқа жойга йўл қўймайди.

❖ Шубҳали автоулов турган жойнинг аниқ манзили, автоулов ва портловчи моддаларнинг кўриниши ҳамда вазият ҳақида ИИИга зудлик билан хабар беради.

❖ Транспорт воситаси турган жойдан камида 1000 м узоқликдаги атрофни ўраб олиб, қўриқлайди ва худудга бегоналарнинг киришига йўл қўймаслик чораларини кўради.

❖ Маскан ёки постга олиб келувчи, патруль йўналишидаги ўтувчи автомобиль йўлларда ҳаракатланишини тўхтатиш ва қолиб кетган транспорт воситаларини хавфли худуддан чиқариб юбориш чораларини амалга оширади.

❖ Агар шубҳали автоулов подезд ёки кўп қаватли уй ёнида аниқланса шовқин – суронсиз ва вахимасиз ушбу уйда яшовчиларни хавфсиз жойга кўчириш чораларини кўради.

❖ шубҳали автоулов турган жойга яқин жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар ходимларини, шунингдек бошқа фуқароларни савдо ёки овқатланиш шаҳобчалардан оммавий дам олиш жойларидан, ўйингоҳлардан хавфсиз жойларга чиқаришни ташкил этади.

❖ Шубҳали автоуловни зарарсизлантириш учун келган мутахассисларга вазиятни тушунтиради ва уларга керакли ёрдам беради.

Автотранспорт воситаларига портловчи модда ёки портлатиш қурилмалар ўрнатилган деб гумон учун асос бўладиган ҳолатлар:

\*автоулов ҳайдовчиси автомашинасини бошқа транспорт воситалари орасида беркиниб юришига ва кўзга ташланмасликка ҳаракат қилганида;

\*назорат-ўтказиш пунктларига етмасдан йўловчиларни тушириб ёки йўловчи билан жой алмаштириб ўтиб кетишга ҳаракат қилганида;

\*йўловчи ёки ҳайдовчи назорат-ўтказиш пунктида хизмат ўтаётган милиция ходимларининг хатти-ҳаракатларини узоқ вақт назорат қилганлиги аниқланганда;

\*ҳайдовчи ва йўловчиларнинг безовталаниши, ўша ҳолатдаги хатти-ҳаракатларида бирдан ўзгаришлар сезилганда (ранги ўзгарганда, тез-тез сигарет чекканда, терлаганда, титроқ босганда, хаяжонланганда);

\*автоулов ижарага олинганлиги аниқланганда;

Аниқ вазият билан боғлиқ хавф-хатарга ҳуқуқбузар, қуролланган гумондор шахс ёки олдиндан таниш бўлган хавфли жиноятчи бор автомобилани тўхтатиш киради. Ушбу ҳолат бевосита милиционерлар учун тан жароҳати олишига ёки ўлимига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда наряд каттаси вазиятни назорат қилиш мақсадида ўз хатти-ҳаракатларини вазиятнинг кескинлигини ҳис этган ҳолда бошқариши керак. Доимо кутилмаганда қилинадиган ҳужумни қайтариш чораларини кўриш ва вазиятни аниқ баҳолай олиши лозим.

Бу ерда баён этилаётган қоидалар умумтавсиявий характерга эга бўлиб, ходимнинг аниқ хатти-ҳаракатлари шаклланаётган вазият ҳамда жиноятчининг психологик хусусиятларини тўғри баҳолаш асосида белгиланади. Шундай қилиб, кўчада, транспорт воситасида ёки хонадонда ўзининг хатти-ҳаракатлари ва ташқи кўриниши билан террорист-«камикадзе»га ўхшайдиган шахс мавжудлиги аниқланган тақдирда, ички ишлар органлари ходими учун энг асосий вазифа -саросимага тушмаслик, ўзини йўқотмаслик, мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда тезкор ва қатъиятлилиқ билан ҳаракат қилиш орқали ўзининг ва атрофдагиларнинг ҳаётини сақлаб қолишдан иборатдир.

Бундай ҳолатларда ходимларининг асосий эътибори ўзининг хатти-ҳаракатлари ва устки кийим боши (масалан, иссиқ кунда қалин кийиниши), юриши, берилган саволлардан ўзини олиб қочишга ҳаракат қилаётган ва уларга аниқ жавоб бера олмаётган, мулоқотда ўзини йўқотиб қўяётган, шунингдек кийими тагидан беўхшов, мос бўлмаган нарсаларни яшириб олган, қўлидаги сумка, кейс, чемодан, дипломат ёки бошқа нарсаларнинг ичидан симлар ёки бошқа нарсалар кўриниб турган шахсларга қаратилиши керак.

Шу билан бирга, ходим ўз хизмат фаолиятида шубҳали, ўз аломатлари ва хатти-ҳаракатлари билан террорчи-«камикадзе»га ўхшаш шахсга рўпара келганида:

- жиноятчининг кўриниши ва жойлашуви, ходиса жойи, қўлланилиши мумкин бўлган воситаларнинг кўриниши, тури ва характери ҳақида зудлик билан ИИБ навбатчилиқ қисмига хабар бериши;

- хавфли ҳудуддан фуқаролар ва транспорт воситаларини эвакуация қилиш (олиб чиқиш), шунингдек ушбу ҳудудга бегона фуқаро ва автомобилаларнинг киришига йўл қўймаслик чораларини кўриши;

- олдиндан пана жойни аниқлаб, хавфсизроқ масофани эгаллаши ва табел қуролини жанговар ҳолатга келтириши;

- имкон қадар тезроқ террорчи билан мулоқотга киришиб, унинг талаб ва мақсадларини аниқлашга ҳаракат қилиши;

- террорчининг жинси, ёши, хулқи, руҳий ҳолатининг тахлили асосида муомала қилишнинг тўғри усулини танлаши;

- юмшоқ усул танланган ҳолатларда хавфсизлик талабларига риоя қилган ҳолда мулоқотга киришиши, унинг ҳақиқий мотивлари ва мақсадларини аниқлашга ва жиноят йўлидан қайтаришга ҳаракат қилиш, бу

борада унинг ёшига қараб ота-онаси, неваралари, болалари ва бошқа яқинлари ҳақида эслатиши ва х.к.;

○ қатъиятлилик билан ҳаракатланиш йўли танланганда террористдан баланд овозда ва қатъий тарзда қўлларини кўтаришни талаб этиши, акс ҳолда унга нисбатан қурол қўлланилиши ҳақида огохлантириши;

○ террорчи қўлларини кўтарган ҳолда чеккарок, одамлар гавжум бўлмаган жойга ўтишга (уйдан чиқишга, автомобилдан тушишга) мажбур қилиш чораларини кўриши тавсия этилади.

Бироқ, гумондор шахс террорист-«камикадзе» эканлиги, уни танланган йўлдан қайтаришнинг реал имкони бўлмаган тақдирда юзага келган вазият бўйича аниқ қарор қабул қилмаслик, яъни зудлик билан қатъий чоралар кўрилмаганда атрофдаги фуқароларнинг ҳаёти хавф остида қолиши ва қурбонлар бўлишига олиб келадиган бўлса, огохлантирмасдан табель қуролидан фойдаланиб, уни зарарсизлантириш чоралари кўрилади.

## **15-МАВЗУ: Шубҳали предметлар ва портлатиш қурилмалари аниқланганда ППХ нарядларининг хатти-ҳаракатлари**

### **Семинар машғулоти**

Ушбу ўқув машғулоти **“Ақлий ҳужум”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга саволлар ташланади. “Ақлий ҳужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; ходимларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

### **Назорат саволлар:**

1. Портловчи модда тушунчаси.
2. Портловчи моддаларнинг турлари.
3. Гумондор шахс ва уларнинг буюмларини текшириш тартиби.
4. Наряд каттаси шахсан ўзи текширувга тўхатилган гумондор ва шубҳа уйғотувчи шахсни текшириш тартиби.

## **16-Мавзу: Темир йўл транспорти ва объектлари ҳамда аэропортларда патруль-пост хизматини ташкил этиш**

(маъруза 2 соат)

### **Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. Темир йўл транспорти ва метрополитен объектлари ҳамда аэропортларда патруль-пост хизматини ташкил этиш.

2-ўқув савол. ППХ саф бўлинмалари навбатчилик қисмлари фаолиятини ташкил этиш.

## 1-ўқув савол. Темир йўл транспорти ва метрополитен объектлари ҳамда аэропортларда патруль-пост хизматини ташкил этиш.



Темир йўл транспорти ва объектларида ҳамда аэропортларда патруль-пост хизматини ташкил этиш мазкур Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Темир йўл вокзаллари, станциялари, платформалар, поездлар ва аэропортларда патруль-пост хизмати йўловчилар ва юкларни ташиш, поездларнинг

харакатланиш ва самолётларнинг учиб (қўниш) жадаллигини, шунингдек, шаклланаётган тезкор вазиятни ҳисобга олган ҳолда Транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаси бошлиғи томонидан ташкиллаштирилади.

ППХ нарядларининг хизмат ўташ тартиби Вазирлик Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти томонидан белгиланади.

Қуйидагилар йўловчиларни ташиш соҳасида патруль-пост хизматини ташкил этишнинг шакллари ҳисобланади:

ППХ нарядларининг вокзаллар ва аэропортларнинг залларида, олд майдонларида (панжара билан ўралган қисми), темир йўл станцияларида, платформалар ва бошқа йўловчилар гавжум бўладиган жойларда, шунингдек, вагонларнинг тўхтаб туриш паркларида (деполарда) патрулликни амалга ошириш, ушбу жойларда пост ва патруллик йўналишларини ташкил этиш (тасдиқланган дислокация асосида);

нарядлар томонидан поездлар кузатилиши.



Тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда Транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаси бошлиғи томонидан айрим темир йўл станцияларида пост ва патруллик йўналишлари ташкил этилиши мумкин.

Поездларда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш поездларни кузатиш нарядлари томонидан амалга оширилади. Наряд таркиби Вазирлик Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаментининг тегишли саф бўлинмаси командири томонидан белгиланади. Бунда ходимларнинг сони икки нафардан кам бўлмаслиги ва улар орасидан наряд каттаси тайинланиши керак. Заруратга қараб нарядга сержантлар ёки офицерлар таркибига кирувчи ходим раҳбарлик қилиши мумкин.

Нарядлар томонидан поездларни кузатиш қуйидаги усулларда амалга оширилиши мумкин:

➤ тўғридан-тўғри – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жўнаш пунктидан етиб бориш пунктига бир наряд томонидан;

➤ эстафетали – ўз хизмат кўрсатиш участкаларида бир неча нарядлар томонидан.

Махсус, туристик, уюшган гуруҳлар ташилаётган поездларни кузатиш учун кучайтирилган наряд тайинланади.

Поездларни кузатиш нарядларининг хизмат ўташи Вазирлик Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаментининг тегишли саф бўлинмаси раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган график асосида белгиланади. Мазкур графикда кузатиладиган поездларнинг рўйхати, хизмат ўташни бошлаш ва якунлаш вақтлари, бир поезддан бошқасига ўтиш жойлари ва вақтлари кўрсатилган бўлиши керак.

Поездларни кузатиш наряди ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда Транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаси, ҳудудий ички ишлар органлари, тегишли темир йўл транспорти корхона ва ташкилотлари, шу жумладан поезд бригадаси билан ҳамкорлик қилади.

Махсус поездларнинг ҳаракатланиши давомида темир йўл транспорт объектларида патруль-пост хизмати алоҳида режалар асосида ташкиллаштирилади. Мазкур режалар Вазирлик Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти ҳамда ҳудудий Транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари томонидан ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилади ва келишилади.

### **Метрополитен объектларида патруль-пост хизматини ташкил этиш**



Метрополитен объектларида патруль-пост хизмати мазкур Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда метрополитендаги ички ишлар органлари томонидан ташкиллаштирилади.

Метрополитен бекатларида, шу жумладан бекат вестибюллари, эскалаторлари, зинапоялари, платформалари, бир бекатдан бошқасига ўтиш йўллари, ер ости йўлларида патруль-пост хизматини ташкил этиш метрополитендаги ички ишлар органи бошлиғи томонидан шаклланаётган тезкор вазиятни, йўловчилар оқими ва электропоездларнинг жадаллигини ҳисобга олган ҳолда ҳудудий ички ишлар органлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Патруль-пост хизматини ўташга жалб этиладиган нарядларнинг иш тартиби метрополитендаги ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади.

Қуйидагилар метрополитен объектларида хизмат ўтайдиган нарядларнинг мажбуриятлари ҳисобланади:

➤ метрополитен бекатларининг вестибюллари, эскалаторлари, зинапоялари, платформалари ва бир бекатдан бошқасига ўтиш йўлларида патрулликни амалга ошириш;

- фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан метрополитендан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- бекатларнинг хизмат ўташ участкаларидаги тезкор вазият ҳақида метрополитендаги ички ишлар органи навбатчилик қисмига ҳар соатда ахборот бериб бориш;
- электропоездларга йўловчиларнинг кириши ва чиқишини кузатиб бориш, зарур ҳолларда йўловчилар оқимини тартибга солишда метрополитен хизматчиларига ёрдам кўрсатиш;
- эҳтиётсизлик ёки бошқа сабабга кўра йўловчи темир йўл изига тушганда, бекат навбатчиси орқали рельсдаги электр қувватини узиш чораларини кўриш, жабрланувчини чиқаришда кўмаклашиш, тиббиёт ходимларини чақириш, ҳодиса гувоҳларини аниқлаш;
- алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсирида мастлик ҳолатида бўлган фуқаролар билан боғлиқ бахтсиз ва бошқа ҳодисаларнинг (ўзига ёки атрофдагиларга зарар етказиш, шу жумладан поезддан жароҳат олиш) олдини олиш мақсадида уларнинг бекатларга киришларига йўл қўймаслик чораларини кўриш;
- поездларнинг ҳаракатланиши даврида бегона шахслар тоннелга кириб кетганларида бекат навбатчиси орқали рельсдаги электр қувватини узиш чораларини кўриш, ҳодиса ҳақида кейинги бекатга ҳамда навбатчилик қисмига хабар бериш, қоидабузарни ушлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш ва унинг шахсини аниқлаш;
- фуқароларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш ва эвакуация йўлларининг тўсилишига йўл қўймаслик мақсадида метрополитен ҳудудларида тегишли рухсатномаларсиз юзага келтирилган сунъий тўсиқларни, шу жумладан савдо билан шуғулланиш ҳолатларини бартараф этиш;
- метрополитенда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ҳамда бирламчи ёнғин ўчириш воситалардан фойдаланиш тартибларини билиш;
- электропоездларнинг ҳаракатланиши тугаганидан сўнг бекатни айланиб чиқиш, метрополитен хизматчиларининг рухсатномалари ва шахсини тасдиқловчи гувоҳномларини текшириш, бегона шахсларни чиқариб юбориш;
- метрополитен объектларида фавқулодда ҳодисалар (авариялар, ёнғинлар, табиий ҳамда техноген хусусиятга эга бўлган фалокатлар ва бошқа) рўй берганда, одамларни қутқариш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш;
- ўз ваколатлари доирасида метрополитен маъмурияти ва хизматчиларига улар зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишида кўмаклашиш.

Метрополитен бекатларида ташкил этиладиган постлар ва патрулик йўналишларининг сони ҳамда чегараси бекатнинг йўловчилар ҳаракатланиши ва бўлиши назарда тутилган чегара доирасида ташкил этилади.



Тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда, электропоездларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш мақсадида поездларни кузатиш нарядлари тайинланиши мумкин. Наряд таркиби метрополитендаги ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади.



Метрополитен ёпилиши даврида нарядлар алоҳида йўриқномаларга мувофиқ бекатларда ўтказиш тартиботини таъминлайдилар.

Метрополитен маъмурияти билан келишилган ҳолда бекатларда нарядлар учун махсус хоналар ажратилади ҳамда зарур анжом ва воситалар билан жиҳозланади.

Метрополитен объектларида патруль-пост хизматини ўташга жалб этиладиган нарядларнинг фаолияти устидан назорат метрополитендаги ички ишлар органи бошлиғи, унинг жамоат хавфсизлиги хизматига раҳбарлик қилувчи ўринбосари, саф бўлинмаси командири ва унинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

Нарядларнинг хизмат ўташини текшириш тартиби ва даври метрополитен йўлининг узунлиги, бекатлар ҳамда улардаги пост ва патруллик йўналишлари сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда ҳар бир наряд бир смена давомида камида уч мартаба текширилиши керак.

## **2-ўқув савол. ППХ саф бўлинмалари навбатчилик қисмлари фаолиятини ташкил этиш.**



ППХ саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини тезкор бошқариш ушбу бўлинмаларнинг навбатчилик қисмлари томонидан амалга оширилади.

ППХ саф бўлинмаси навбатчилик қисми бўйсунув тартибида юқори турувчи ички ишлар органи навбатчилик қисмининг оператив бўйсунувида бўлади ва ППХ нарядларини бошқариш функциясини амалга оширади.

ППХ саф бўлинмаси навбатчилик қисми фаолиятини ушбу бўлинма командирининг хизмат бўйича ўринбосари ташкиллаштиради. Навбатчилик қисмининг суткалик нарядларини алмаштириш тартибини белгилаш ҳамда зарурат бўлганда уларни навбатчиликдан четлаштириш ҳуқуқи фақатгина ППХ саф бўлинмаси командирига, йўқлигида эса унинг вазифасини бажарувчига ёки навбатчилик қисми бошлиғига берилади.

ППХ саф бўлинмаларининг навбатчилик қисмлари суткалик наряди иш вақтининг давомийлиги суткасига йигирма тўрт соатдан ошиши мумкин эмас.

Навбатчилик вақтида навбатчилик қисми ходимларига навбатма-навбат овқатланиш ва қисқа муддатли дам олиш учун умумий давомийлиги уч сменалик режимда – олти соат, тўрт сменалик режимда – тўрт соат давом этадиган танаффуслар берилади.

Смена тугагач, навбатчилик қисмларининг ходимларига белгиланган тартибда дам олиш берилади.

ППХ саф бўлинмаси навбатчилик қисми қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- тезкор вазият ҳақидаги хабарларни кечаю-кундуз узлуксиз равишда йиғиш, ишлов бериш ҳамда раҳбарият ва хизмат ўтаётган ППХ нарядларига етказиш;

- жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисалар тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш, уларни навбатчининг ёзувлар китобида қайд этиш ва ўз вақтида ҳудудий ҳамда юқори турувчи ички ишлар органи навбатчилик қисмига узатиш, келиб тушган хабарлар асосида мавжуд куч ва воситаларни тегишли ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

- хизмат ҳужжатлари, ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, махсус ва алоқа воситалари ҳамда бошқа мол-мулкларнинг сақланишини таъминлаш;

- ППХ саф бўлинмаси бино ва иншоотларининг қўриқланиши, мудофааси, ёнғин хавфсизлиги ва санитария ҳолати устидан назоратни амалга ошириш;

- ППХ саф бўлинмаси раҳбариятига тайёргарлик даражаси киритилганлиги ҳақидаги махсус хабарлар (сигналлар)ни етказиш ва улар бўйича шахсий таркибни хабардор қилиш.

ППХ саф бўлинмаси навбатчилик қисми ҳудудий ички ишлар органларининг навбатчилик қисмлари билан биргаликда:

- ППХ саф бўлинмасининг куч ва воситаларини узлуксиз бошқаришни, содир этилган жиноятларни фош этиш чораларини кўришни;

- ППХ саф бўлинмаси шахсий таркибининг ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ходимлари билан жамоат тартибини сақлаш, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш бўйича ҳаракатларини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

ППХ саф бўлинмаси навбатчилик қисми ходимлари ва ички нарядларнинг мажбуриятлари Вазирликнинг тегишли ички идоравий ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

ППХ саф бўлинмаси навбатчилик қисмига ҳуқуқбузарликлар, ҳодисалар ҳақида келиб тушаётган барча хабар ва маълумотлар навбатчининг ёзувлар китобида қайд этилади. Ушбу китобнинг ППХ саф бўлинмаси навбатчилик қисмида юритилиши мажбурийдир.

ППХ саф бўлинмаси навбатчиси тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар, ҳуқуқ-тартиботнинг гуруҳлар томонидан бузилиши ва оммавий тартибсизликлар, фавқулодда ва бошқа ҳодисалар ҳақида маълумотларни олганда, уларни дарҳол тегишли ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига етказди, шунингдек, мазкур жиноят ва ҳодисалар бўйича кўрилган чоралар тўғрисида хабар бериши керак.

ППХ саф бўлинмаларининг навбатчилик қисмларида қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар, махсус ва ҳимоя воситаларини сақлаш, ҳисобини юритиш, тарқатиш ва қабул қилиш Вазирликнинг тегишли ички идоравий ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

ППХ саф бўлинмаларининг автотранспорт воситаларидан фойдаланилишини назорат қилиш мақсадида мазкур транспорт воситаларидан фойдаланишни ҳисобга олиш журнали юритилади.

ППХ саф бўлинмаларининг навбатчилик қисмларида ушбу бўлинмалар зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хизмат ҳужжатлари юритилади:

- навбатчиликни қабул қилиш ва топширишни қайд этиш китоби;
- навбатчининг ёзувлар китоби;
- қурол-аслаҳа ва махсус воситалар берилишини қайд қилиш китоби;
- қурол-аслаҳа ва ўқ-дорилар, махсус ва ҳимоя воситалари сақланишини (техник ҳолатини) текшириш натижаларини қайд этиш китоби;
- ППХ нарядларини пост ва патруллик йўналишларига тақсимлаш китоби;
- қабул қилинган телеграмма (факсограмма, телефонограмма, ориентировка)ларни рўйхатга олиш китоби;
- пакетларни ҳисобга олиш журнали;
- электрон-ҳисоблаш техникалари, алоқа воситалари, сигнализация, видеокузатув аппаратларининг ишчи ҳолатини текшириш китоби;
- суткалик оператив маълумотлар йиғма-жилди;
- хоналарни кўриқловга олиш, улар ва сейфларнинг калитларини топшириш ва қабул қилиш журнали;
- текширувчиларнинг танбеҳ ва таклифларини қайд этиш китоби.

Шулар билан бирга, навбатчилик қисмларида ППХ саф бўлинмалари шахсий таркибининг кунлик саф рўйхатлари бўлиши зарур.

ППХ саф бўлинмалари навбатчилик қисмлари фаолиятининг мазкур Низом билан тартибга солинмаган масалалари ички ишлар органларининг навбатчилик қисмлари фаолиятини белгиловчи Вазирликнинг ички идоравий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

### **Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг бириктирилган ҳудудлари ва жойлашуви**

Т/р	Патруль-пост хизмати саф бўлинмасининг номи	Таркибий саф бўлинма	Жавобгарлик ҳудуди ва жойлашуви (шаҳар-туман)
1.	Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси Жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати бригадаси	Биринчи махсус сафарбарлик батальони Иккинчи махсус сафарбарлик батальони	Тошкент шаҳри

2.	Юнусобод тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси жамоат тартибini сақлаш бўлими	Патруль-пост хизмати отряди	Юнусобод тумани
3.	Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси жамоат тартибini сақлаш бўлими	Патруль-пост хизмати отряди	Мирзо Улуғбек тумани
4.	Шайхонтохур тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси жамоат тартибini сақлаш бўлими	Патруль-пост хизмати отряди	Шайхонтохур тумани
5.	Олмазор тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси жамоат тартибini сақлаш бўлими	Патруль-пост хизмати отряди	Олмазор тумани
6.	Чилонзор тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси жамоат тартибini сақлаш бўлими	Патруль-пост хизмати отряди	Чилонзор тумани
7.	Учтепа тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси жамоат тартибini сақлаш бўлими	Патруль-пост хизмати отряди	Учтепа тумани
8.	Яккасарой тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси жамоат тартибini сақлаш бўлими	Патруль-пост хизмати отряди	Яккасарой тумани
9.	Сирғали тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси жамоат тартибini сақлаш бўлими	Патруль-пост хизмати отряди	Сирғали тумани
10.	Бектемир тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси жамоат тартибini сақлаш бўлими	Патруль-пост хизмати отряди	Бектемир тумани
11.	Яшнобод тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси	Патруль-пост хизмати отряди	Яшнобод тумани

	жамоат тартибини сақлаш бўлими		
12.	Миробод тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими	Патруль-пост хизмати отряди	Миробод тумани
13.	Янгиҳаёт тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси жамоат тартибини сақлаш бўлими	Патруль-пост хизмати отряди	Янгиҳаёт тумани
14.	Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси Биринчи минтақавий ҳудуд	Патруль-пост хизмати отряди	Чирчиқ шаҳри
			Бўстонлик тумани
			Қибрай тумани
			Юқори Чирчиқ тумани
			Паркент тумани
15.	Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси Иккинчи минтақавий ҳудуд	Патруль-пост хизмати отряди	Ангрен шаҳри
			Олмалиқ шаҳри
			Оҳангарон тумани
			Оҳангарон шаҳри
			Пискент тумани
16.	Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси Учинчи минтақавий ҳудуд	Патруль-пост хизмати отряди	Бўка тумани
			Бекобод тумани
			Бекобод шаҳри
			Оққўрғон тумани
			Ўрта Чирчиқ тумани
17.	Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси Тўртинчи минтақавий ҳудуд	Патруль-пост хизмати отряди	Янгийўл шаҳар
			Янгийўл тумани
			Чиноз тумани
			Қуйичирчиқ тумани
			Зангиота тумани
			Тошкент тумани
18.	Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш	Биринчи отряд	Гулистон шаҳри

19.	бошқармасининг Патруль-пост хизмати батальони	Иккинчи отряд	Янгиер шаҳри
20.	Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати батальони	Биринчи ва иккинчи отрядлар	Жиззах шаҳри
21.	Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати батальони	Биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи отрядлар	Самарқанд шаҳри
22.	Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати батальони	Биринчи, иккинчи ва учинчи отрядлар	Бухоро шаҳри
23.	Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати батальони	Биринчи отряд	Навоий шаҳри
24.	бошқармасининг Патруль-пост хизмати батальони	Иккинчи отряд	Зарафшон шаҳри
25.	Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси Биринчи минтақавий ҳудуд	Патруль-пост хизмати отрядининг иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи гуруҳлари	Фарғона шаҳри
26.		Патруль-пост хизмати отрядининг биринчи гуруҳи	Марғилон шаҳри
27.		Патруль-пост хизмати отрядининг еттинчи гуруҳи	Боғдод, Бувайда, Олтиарик, Риштон, Фарғона, Кува туманлари
28.	Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси Иккинчи минтақавий ҳудуд	Патруль-пост хизмати отрядининг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва	Қўқон шаҳри

		бешинчи гуруҳлари	
29.	Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати батальони	Биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи отрядлар	Андижон шаҳри
30.	Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати батальони	Биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи отрядлар	Наманган шаҳри
31.	Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати батальони	Биринчи ва иккинчи отрядлар	Термиз шаҳри
32.	Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати батальони	Учинчи отряд	Денов тумани
33.	Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати батальони	Биринчи ва иккинчи отрядлар	Қарши шаҳри
34.	Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси Жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати батальони	Биринчи ва иккинчи отрядлар	Урганч шаҳри
35.	Қорақалпоғистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги хизмати жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати батальони	Биринчи, иккинчи ва учинчи отрядлар	Нукус шаҳри

**16-Мавзу: Темир йўл транспорти ва объектлари ҳамда аэропортларда патруль-пост хизматини ташкил этиш.**


### Семинар машғулоти

Ушбу ўқув машғулоти **“Сухбат”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи тингловчи ва (курсант)лар ўртасида диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги сухбат жараёнида

ойдинлашмаган масалалар юзасидан кўшимча саволлар бериш, тингловчи ва (курсант)нинг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида руҳий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.

Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:



### ***Ўқув машғулоти саволлари:***

1-савол. Темир йўл вокзаллари, станциялари, платформалар, поездлар ва аэропортларда ППХ нарядларининг хизмат ўташ тартиби ким томонидан белгиланади.

2-савол. Нарядлар томонидан поездларни кузатишда қўлланиладиган усуллар.

3-савол. Поездларни кузатиш наряди ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда кимлар билан ҳамкорлик қилади.

4-савол. Махсус поездларнинг ҳаракатланиши давомида темир йўл транспорт объектларида патруль-пост хизматини ташкиллаштириш.

5-савол. Метрополитен объектларида патруль-пост хизматини ташкиллаштириш.



**17-мавзу: ППХ ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишда гумон қилинган ҳамда ушланган шахсларни ИИОларига олиб келиш тартиби.**

(маъруза 2 соат)

**Машғулот режаси:**

1. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаш ва ушланган шахснинг кийим ва буюмларини ташқи кўриқдан ўтказиш тартиби.

2. Ички ишлар органлари ходимларининг жиноят содир қилганликда гумон қилинаётган шахсни ИИБга олиб келиш тартиби.

3. Жиноятчилар ва бошқа жамиятга қарши шахслар беркиниши мумкин бўлган жойларни кўздан кечириш тартиби ва маъмурий назорат остида бўлган шахсларни кузатиш тартиби.

**1-ўқув саволи: Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаш тартиби.**

Жиноятчиларни ва жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлашга доир ҳаракатлар наряд ходимларидан қонунчиликка риоя қилишни, ўта хушёрлик, зийраклик, қатъийлик, чидамлилик, вазиятга қараб тез ҳаракат қилиш қобилиятини талаб қилади. Шубҳали шахслар аниқланганда наряд уларнинг ва атрофидаги фуқароларнинг диққатини тортмаган ҳолда кузатув олиб боради. Фуқарони ушлаш ва ички ишлар органларига олиб бориш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда у ўз ҳатти-ҳаракатларининг қонуний эканлигини аниқ билиши, ушлаш тартибининг белгилаб олиши, ушлаш учун энг қулай вақт ва тактика усулини аниқлаб олиши керак.

*Бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:*



❖ ушланадиган шахснинг шахси ва агар у озодликда қолдирилса, келиб чиқиши мумкин бўлган хавfli натижалар;

❖ ушланадиган шахс, унинг шериклари ва хайрихоҳлари томонидан қаршилик қилинганда юзага келиши мумкин бўлган мураккабликлар;

○ қуролланган қаршилик ёки ҳужум эҳтимоли;

○ зарурият туғилганда қуролни ишлатиш шартлари.

Жиноятчиларни ва жинояти содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлашдан олдин уларда ўқотар ёки совуқ қурол бор бўлиши мумкинлигига ва эҳтиёт чораларининг таъминланишига алоҳида эътибор бериш зарур. Шу билан бирга наряд табель қуролини дарҳол қўллаш зарурияти бўлганда жанговар ҳолатда бўлишини текшириши лозим (тўппонча кини камар тўқасига яқин сурилади ва ечилади, тепкиси жанговар ҳолатга келтирилади).

Агар жиноятчилар гуруҳини ушлаш зарур бўлса, наряд олдин навбатчи, кўшни нарядлар билан боғланиб, ёрдам кучи сўраши, шунингдек фуқаролар томонидан ёрдам берилишини таъминлаши керак. Жиноятчилар имкон қадар

одамлар сийрак бўлган ва шаҳар жамоат транспорти бекатларидан йироқ жойларда ушланади.

Ҳодиса кутилмаганда бўлишини таъминлаш учун наряд қўлга олинадиганларнинг қаршилик кўрсатишига тайёр бўлмаган вақтини танлаб яқинлашади, «Тўхта! қўлингни кўтар!» буйруғини беради ва уларнинг қўлга олинганини эълон қилади. Қаршилик кўрсатилмаслиги учун баъзи ҳолларда ушланган шахсларга бунинг ҳақиқий сабаблари айтилмайди, бу ҳолда бошқа сабаблар жамоат тартиби, паспорт тартиби, карантин ва шу кабиларнинг бузилиши сабаб сифатида ишлатилади. Бундай ҳолларда «Тўхта! қўлингни кўтар!» буйруғи берилмайди.

Ушланган шахсларнинг кийимлари ва нарсалари вазиятга қараб дарҳол ёки бошқа наряддан, фуқаролардан ёрдам кутиш мумкин бўлган қулай вақтда текширилади. Қаршилик кўрсатиш, нарядга ҳужум қилиш ёки қочиш учун ишлатилиши мумкин бўлган қуроллар ва бошқа нарсалар топилса, дарҳол олиб қўйилади.

Гумон қилинаётган шахснинг ҳужжатларини текширишда ва уни сўроқ қилишда ходим текширилувчидан бир қадам нарида, ярим ўгирилган ҳолда туриши ва ҳужумни қайтаришга тайёр бўлиши керак. Қўлга олинган шахслар ички ишлар органига, одатда, махсус транспортда ёки ташкилотларга ва алоҳида фуқароларга тегишли автомобилларда олиб борилади. Жамоат транспортдан, махсус мўлжалланган автомобиллар-ўт ўчириш, инкассаторлик, тез ёрдам (*зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатиши зарур бўлган ҳоллардан ташқари*)дан, шунингдек дипломатик ваколатхоналар ва консулхоналарга тегишли транспортдан фойдаланиш тақиқланади.

*Ички ишлар органларининг хизматга жалб қилинган сафдорлар таркибидаги ходими жиноят содир қилганликда гумон қилинаётган шахсни ушлашда қуйидагиларга амал қилиши лозим:*

***Қуйидаги асослардан бири бўлган тақдирда, бундай шахслар қўлга олинади;***



❖ қачон, шахс жиноятни бевосита содир этган бўлса ёки содир этишда гумон қилинса;

❖ жабрланувчи ёки гувоҳлар бу шахсни тўғридан-тўғри жиноят содир этувчи сифатида кўрсатганда;

❖ жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахснинг ўзида ёки кийимларида ўзи билан бирга ёки яшаш жойида жиноят излари бўлса;

❖ жиноят содир қилганликда гумон қилишга асос бўла оладиган аниқ далиллар бўлса-ю, агар шубҳа қилинаётган шахснинг қочишга мойиллиги бўлса, доимий яшаш жойи бўлмаса ёки унинг шахси аниқланмаган бўлса;

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жиноят содир этишда гумон қилиниб, ушланган шахснинг кийим ва буюмларини ташқи кўрикдан ўтказиш тартиби.

Ички ишлар органлари ходими томонидан қўлга олинган шахснинг кийим ва буюмларини ташқи кўриқдан ўтказиш қатъий талаб қилинадиган эҳтиёткорлик чораларидан биридир.

**Бунда:**

❖ жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсни ушланган заҳоти тезлик билан кийим ва буюмларини кўриқдан ўтказиш лозим, шунингдек ушбу ҳолатда бошқа ходимлардан ва фуқаролардан ёрдам олиш эҳтиёжи мавжуд бўлган ҳолатларни ўзи ҳал қилиши лозим;

❖ кийим ва буюмларни ташқи кўриқдан ўтказиш учун - “Қўлингни кўтар” деб буйруқ бериш зарур; бу ҳолатда жиноятда гумон қилинаётган ёки бевосита жиноятчи шахс юзини деворга қаратган ҳолда оёқларини елка кенглигида қўйиб, пастга эгилган ҳолда, олдинга қараб, гапирмасдан жим туриш зарур.

❖ тезлик билан ташқи томондан чўнтаклар, енг ва бел қисмини қурол ҳамда бошқа предметларни ташиш эҳтимоли борлигига текшириб чиқилади.

❖ ташқи кўриқдан ўтказиш ушланган шахснинг орқа ёки ёнида туриб, унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатган ҳолда амалга оширилади;

❖ ушланган шахснинг қўлга олиш вақтида турган жойини ташлаб юбориши мумкин бўлган предметларнинг мавжудлигига кўздан кечириб чиқиш лозим;

❖ ушланган шахсни бир гуруҳ ходимлар томонидан ташқи кўриқдан ўтказишда, бир киши уни текширади, қолганлар бир неча қадам узоқликда туриб унинг ҳар бир ҳаракатини кузатган ҳолда, ҳар қандай ҳолатга шай бўлиб туришлари зарур;

❖ бир гуруҳ ушланган шахсларни ташқи кўриқдан ўтказиш вақтида, уларни бир-биридан узоқроқ масофада, буюм ва нарсаларини алмаша олмайдиган шароитда, гапиришларини ва ўзаро алоқа ўрнатишларини таъқиқланган ҳолда қўйиш лозим.

Агарда ушланган шахсларнинг хавфли жиноятчи эканлиги тўғрисида маълумот бўлса, уларга нисбатан ташқи кўриқ ўтказилмасдан, ерга ётишлари тўғрисида буйруқ бериб, қўлларини ён томонга узатган ҳолда, юз тубан ётқизиб, навбати билан кўздан кечирилади.

**2-ўқув саволи: Ички ишлар органлари ходимларининг жиноят содир қилганликда гумон қилинаётган шахсни ИИБга олиб келиш тартиби.**



Жиноятчиларни ва жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлашга доир ҳаракатлар наряд ходимларидан қонунчиликка риоя қилишни, ўта хушёрлик, зийраклик, қатъийлик, чидамлилик, вазиятга қараб тез ҳаракат қилиш қобилиятини талаб қилади.

Шубҳали шахслар аниқланганда наряд уларнинг ва атрофидаги фуқароларнинг диққатини тортмаган ҳолда кузатув олиб боради. Фуқарони ушлаш ва ички ишлар органига олиб бориш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда у ўз ҳатти-ҳаракатларининг қонуний эканлигини аниқ билиши,

ушлаш тартибини белгилаб олиши, ушлаш учун энг қулай вақт ва тактика усулини аниқлаб олиши керак.

*Бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:*

- ушланадиган кишининг шахси ва агар у озодликда қолдирилса, келиб чиқиши мумкин бўлган хавфли натижалар;
- ушланадиган шахс, унинг шериклари ва хайрихоҳлари томонидан қаршилик - қилинганда юзага келиши мумкин бўлган мураккабликлар;
- қуролланган қаршилик ёки ҳужум эҳтимоли;
- зарурият туғилганда қуролни ишлатиш шартлари.

Жиноятчиларни ва жинояти содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлашдан олдин уларда ўқотар ёки совуқ қурол бор бўлиши мумкинлигига ва эҳтиёт чораларининг таъминланишига алоҳида эътибор бериш зарур. Шу билан бирга наряд табель қуролини дарҳол қўллаш зарурияти бўлганда жанговар ҳолатда бўлишини текшириши лозим (тўппонча қини камар тўқасига яқин сурилади ва ечилади, тепкиси жанговар ҳолатга келтирилади).

Агар жиноятчилар гуруҳини ушлаш зарур бўлса, наряд олдин навбатчи, кўшни нарядлар билан боғланиб, ёрдам кучи сўраши, шунингдек фуқаролар томонидан ёрдам берилишини таъминлаши керак.



Жиноятчилар имкон қадар одамлар сийрак бўлган ва шаҳар жамоат транспорти бекатларидан йироқ жойларда ушланади. Ҳодиса кутилмаганда бўлишини таъминлаш учун наряд қўлга олинандиганларнинг қаршилик кўрсатишига тайёр бўлмаган вақтини танлаб яқинлашади, «Тўхта! қўлингни кўтар!» буйруғини беради ва уларнинг қўлга олинганини эълон қилади.

Қаршилик кўрсатилмаслиги учун баъзи ҳолларда ушланган шахсларга бунинг ҳақиқий сабаблари айтилмайди, бу ҳолда бошқа сабаблар-жамоат тартиби, паспорт тартиби, карантин ва шу қабиларнинг бузилиши сабаб сифатида ишлатилади. Бундай ҳолларда «Тўхта! қўлингни кўтар!» буйруғи берилмайди. Ушланган шахсларнинг кийимлари ва нарсалари вазиятга қараб дарҳол ёки бошқа наряддан, маҳалла посбони ёки фуқаролардан ёрдам кутиш мумкин бўлган қулай вақтда текширилади.

Қаршилик кўрсатиш, нарядга ҳужум қилиш ёки қочиш учун ишлатилиши мумкин бўлган қуроллар ва бошқа нарсалар топилса, дарҳол олиб қўйилади. Гумон қилинаётган шахснинг ҳужжатларини текширишда ва уни сўроқ қилишда ходим текширилувчидан бир қадам нарида, ярим ўгирилган ҳолда туриши ва ҳужумни қайтаришга тайёр бўлиши керак. Қўлга олинган шахслар ички ишлар органсига, одатда, махсус транспортда ёки ташкилотларга ва алоҳида фуқароларга тегишли автомобилларда олиб борилади. Жамоат транспортдан, махсус мўлжалланган автомобиллар-ўт ўчириш, инкассаторлик, тез ёрдам (зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлган ҳоллардан ташқари)дан, шунингдек дипломатик ваколатхоналар ва консулхоналарга тегишли транспортдан фойдаланиш таъқиқланади.

Наряд қўлга олинган шахсни олиб бораётганда унинг шериклари томонидан қочиш учун шароитлар яратиб берилишига ёки зўрлик билан озод қилинишига ҳаракат қилиш ҳолларининг олдини олиш чораларини кўзда тутиб қўйиши, ушланган шахс ашёвий далилларни ташлаб юбормаслиги ёки бирор кимсага бериб юбормаслиги ҳамда шерикларидан қурол-яроғ ёки бошқа ҳужум қилиш воситаларини олмаслигини кузатиб бориши керак.

Ушланган шахсни пиёда тарзда, одатда, икки ёки ундан ортиқ ходимлар олиб боришади, бунда улардан бири ушланган шахснинг ёнида бориши, иккинчиси эса олиб борилаётган шахснинг ва атрофдагиларнинг ўзини қандай тутишини кузатиб орқада бориши керак. Агар олиб бориш бир нафар ходим томонидан амалга оширилса, у ушланган шахснинг орқасида ёки ёнида, ўнг томонида бориши лозим. Бунда олдинга ўтиб кетиш ёки олиб борилаётган шахснинг олдида энгашиш таъқиқланади.

Ушланган шахсни олиб боришда одамлар гавжум жойлардан юрилмаслиги лозим.



Ушланган шахсни ички ишлар органига олиб келган наряд шаҳар, туман ИИБ бошлиғига билдирги орқали ахборот беради. Билдиргида олиб келинган шахснинг фамилияси, исми шарифи, уй манзили, ушланган вақти, жойи, ҳолати, сабаблари, гувоҳларнинг, шунингдек ушлашда ва олиб келишда ёрдам берган шахсларнинг фамилиялари, манзиллари кўрсатилади.

*Жиноят содир қилганликда гумон қилинаётган шахсни ИИБларга пиёда ёки транспортда олиб келинади:*

➤ олиб келиш, қоидага биноан 2 ёки ундан ортиқ ички ишлар ходими ёки фуқаролар ёрдами билан амалга оширилади;

доимо олиб келинаётган шахснинг ҳаракатларини кузатиб бориш;

➤ гумон қилинаётган шахсни шериклари томонидан қочириб юбориш ёки уни озод этиш мақсадида амалга оширилиши мумкин бўлган ҳолатларга тайёр туриш;

➤ олиб келинаётган шахсни ашёвий далил бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган бирор бир ҳужжат, буюмни бировга бериши ёки ташлаб юборишига йўл қўймаслик лозим, чунки бу буюм ходимларга нисбатан ҳужум қилиш қуроли сифатида ишлатилиши мумкин.

*Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсни тегишли ИИБга 2 нафар ички ишлар органлари ходими кузатувида олиб келиниши тартиби:*

*Гумондор шахсни икки ёки ундан ортиқ ички ишлар ходими томонидан пиёда тарзда олиб келишда қўйидагиларга амал қилиш зарур:*

➤ бир нафар ички ишлар органлари ходими олиб келинаётган шахснинг ёнида бориши лозим;

➤ ички ишлар органлари бошқа ходими улардан 2-3 қадам орқада, олиб келинаётган шахсни ва атрофдагиларнинг ҳаракатини кузатиб боради.

Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсни тегишли ИИБга ИИО ходими томонидан яқка ҳолатда пиёда тарзда олиб келиш тартиби.

***Бундай ҳолда:***

- ИИО ходими олиб келинаётган шахсдан 2-3 қадам орқада ёки унинг ёнида хавфсизлик масофасини сақлаган ҳолда юриши;
- олдинга ўтмасдан, ерга эгилмасдан, олиб келинувчини яқинига бегоналарни йўлатмасдан ҳаракатланиши лозим;
- орқа томондан бирон бир шахс яқинлашганда, олиб келинаётган шахс билан бирга тўхтаб, орқадаги шахсни ўтказиб юборгач, кейинчалик ҳаракатланишни давом эттириш;
- агар ички ишлар органлари ходими олиб келинаётган шахсни хизмат ити билан кузатиб келаётган бўлса, хизмат итини юз ниқобсиз ва бўйинбоғини қисқа ушлаган ҳолда, жинойтчи шахсдан бевосита 3-4 метр масофа орқада юриши лозим.

### **Транспортда олиб келиш тартиби:**



- олиб келинаётган жинойт содир этишда гумон қилинаётган шахсни машинага ўтказишда, у томонидан ҳужум қилинмаслик чораларини кўрган ҳолда ҳаракат қилиш керак;
- жинойт содир этишда гумон қилинаётган шахсни орқа ўриндикқа бир ёки икки нафар ички ишлар органлари ходими билан бирга ўтказиш лозим;

- Жамоат тартибини қасддан бузган ёки жинойт содир қилганликда гумон қилинган шахснинг қўлига кишан солинади, қўлга олинган шахсни ўтказиб бўлингач, автомашина эшиклари кулфланади;
- ҳаракат вақтида олиб келинаётган шахсни йиқилмаслиги, шикастланмаслиги ва қасддан автотранспортдан ўзини ташлаб қочмаслиги учун доимо кузатиб борилади;
- олиб келинаётган шахсни автомашинадан туширгач, бирор буюмни автотранспорт салоида қолдириб кетмаслиги учун шахс ва автотранспорт салои қайта кўздан кечирилиши лозим;
- жинойт содир этишда гумон қилинаётган ёки жинойтчи шахсни ички ишлар органлари ходимига тегишли бўлмаган автотранспортда олиб келган ҳолатларда, мансаби, унвони, хизмат телефони, исми шарифи ва йўлга кетган вақти йўл варақасига ёзиб берилади;
- жинойт содир этишда гумон қилинаётган шахсларни олиб келишда жамоат транспорти, ҳукумат раҳбарларига тегишли бўлган автотранспортлар, махсус транспортлардан фойдаланиш таъқиқланади.

### **3-ўқув саволи. Жинойтчиларни беркиниши мумкин бўлган жойларни кўздан кечириш тартиби ва маъмурий назорат остида бўлган шахсларни кузатиш тартиби**

Патруль-пост нарядлари зарур бўлганда йўналишдаги жинойтчиларни беркиниши мумкин бўлган жойларни (ертўлалар, чордоқлар, ҳеч ким яшамайдиган қурилмалар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, қурилаётган ва ташландиқ бинолар ва шу кабиларни) кўздан кечиришлари керак.

Жинойтчилар беркиниши мумкин бўлган жойлар камида икки ходим, зарур ҳолларда хизмат ити ёрдамида кўздан кечирилади. Баъзи ҳолларда

бундай ишлар маҳалла кўмиталари фаоллари, қоровуллар, ётоқхона комендантлари иштирокида амалга оширилади.



***Агар текшириладиган жойда қуролланган шахслар беркингани тўғрисида маълумотлар бўлса, наряд каттаси:***

❖ текшириш лозим бўлган объектнинг жойлашиши, унинг кириш чиқиш жойлари, объектга беркиниб бориш йўллари бор-йўқлигини олдиндан аниқлаб олиши;

❖ ходимларнинг, маҳалла посбони ва текширишга жалб қилинган бошқа фуқароларнинг вазифаларини белгилаб бериши, объектга яқинлашишда ва уни текшириш жараёнида эҳтиёт чораларини кўришлари ҳамда шахсий хавфсизлик қоидаларига риоя қилишлари зарурлигига уларнинг диққатини тортиши керак. Ҳаракатларнинг кутилмаганда бўлишини таъминлаш учун текширувни кеч тунда ёки эрта тонгда ўтказиш керак.

Белгиланган объектга шовқин-суронсиз ва шошилмасдан бориш лозим. Чекиш ва гаплашиш мумкин эмас. Барча текширув иштирокчилари наряд каттасининг буйруғига биноан ҳаракат қилишади. Буйруқсиз, ўзбошимчалик билан бирор ҳатти-ҳаракат қилиш қатъиян тақиқланади.

Буйруқлар паст овозда ёки махсус белгиланган сигналлар билан берилади. Объектни текшириш олдиндан албатта қуролнинг ишлатишга тайёр эканлиги текширилади. Объектнинг ичига киришда қилиниши мумкин бўлган ҳужумдан эҳтиёт бўлиш чораларини кўриш зарур.

Агар ичкарига киришнинг иложи бўлмаса, олдин «Ким бор! Бу ёққа чиқ!» буйруғи берилади. Агар текшириладиган объектда ўзини тутиши ва бошқа белгилари билан жиноятни содир этганликда гумон қилишга асос бўладиган шахслар топилса, наряд уларни ушлаш чораларини кўради.

Агар текшириладиган объектни ичи қоронғи бўлса (подвал, чордоқ, ташландиқ бинолар, шуларга ухшаш жойлар) кинология хизматини хизмат итларидан фойдаланилади. Ичкарига киришдан олдин, Кинолог «Ким бор! ташқарига чиқ!» акс ҳолда хизмат ити қўйиб юборилади!» буйруғи берилади. Берилган буйруқ жавобсиз қолса, Кинолог ходими хизмат итини тумшукбандсиз ҳолда, шахсий қуролини ишлатишга тайёр ҳолга келтириб, хизмат итини текшириладиган объектга қўйиб юборади. Ўзи эса хизмат итини кўздан йўқотмайдиган масофада орқасидан бориб, ушлаш чораларини кўради.

Маъмурий назорат остида бўлган шахсларни кузатишга доир вазифалар йўл-йўриқнома ўтказилаётганда ва бевосита хизматни ўташ вақтида қўйилади. Вазифаларнинг ҳажми ва хусусияти ҳар бир йўналишдаги тезкор вазиятни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Вазифаларни беришда нарядларга бу шахсларнинг фамилияси, исми шарифи, яшаш манзили, иш жойи ва уларнинг шахсини ифодаладиган бошқа маълумотлар, кузатувни ўрнатиш асоси, унинг муддати ва кўзда тутилган чекланмалар маълум қилинади, кузатув тури ва уни олиб

боришдаги аниқ ҳатти-ҳаракатлар кўрсатилади. Зарур ҳолларда нарядларга кузатилиши керак бўлган шахсларнинг фотосуратлари берилади.

Наряд имкон қадар кузатув олиб бориши керак бўлган фуқароларнинг юз тузилишларини билиши керак.

Одатда, бундай шахсларни ходимларга профилактика инспекторлари ёки тезкор-қидирув ходимлари кўрсатишади.

Маъмурий назорат остида бўлган шахсларни кузатишни наряд уларнинг бориши мумкин бўлмаган жамоат жойларида пайдо бўлишлари устидан назорат қилиш орқали олиб боришади.

Кузатилаётган шахс бориши мумкин бўлмаган жамоат жойида ушланса, наряд унга йўл қўйган хатосини кўрсатади ва белгиланган қоидаларга риоя қилишини талаб этади.

Кузатилаётган шахс кетиши мумкин бўлмаган вақтда яшаш манзилида йўқлиги ҳақида маълумот олинганда, наряд дарҳол навбатчига хабар беради ва унинг кўрсатмасига биноан иш кўради.

Наряд ходимлари кузатилаётган шахсларга нисбатан ҳушмуомалада бўлишлари, улар йўл қўйган қоидабузарликлар бўйича бегона кишиларнинг иштирокисиз, атрофидаги фуқароларнинг диққат-эътиборларини тортмаган ҳолда гаплашишлари керак.

Маъмурий назорат ўрнатилган шахслар йўл қўйган қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумот хизмат дафтарига ёзилади ва бунда кузатилаётган шахснинг фамилияси, исми шарифи, қаерда ва қачон қоидаларни бузганлиги кўрсатилади. Йўналишдаги хизматни тугатгандан сўнг наряд аниқланган қоидабузарликлар ҳақида ёзма равишда ахборот беради.


Кейинги ўтиладиган машғулот: ППХ ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишда гумон қилинган ҳамда ушланган шахсларни ИИОларига олиб келиш тартиблари.

**17-мавзу: ППХ ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишда гумон қилинган ҳамда ушланган шахсларни ИИОларига олиб келиш тартиби.**

### Семинар машғулот

Ушбу ўқув машғулот *“Давра суҳбати”* интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган саволлар юзасидан тингловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.



“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида



жойлаштириш керак. Бу ҳар бир тингловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва тингловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар.

### ***Ўқув машғулотнинг саволлари:***

1. Жиноятчиларни ва жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлашга доир ҳаракатлар наряд томонидан нимага асосан амалга оширади.

2. Шубҳали шахслар аниқланганда ППХ нарядларнинг ҳаракати.

3. Жиноятчиларни ва жинояти содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлашдан олдин ППХ нарядлари эътибор берадиган жиҳатлар.

4. Агар жиноятчилар гуруҳини ушлаш зарур бўлса ППХ нарядларнинг ҳаракати.

**18-Мавзу: Ички ишлар органлари Патруль-пост хизмати бригадаси ва батальонларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш тартиби.**

(маъруза 2 соат)

### **Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. Ички ишлар органлари Патруль-пост хизмати бригадаси ва батальонларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари тўғрисида Низом.

2-ўқув савол. Ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари таркиби.

**1-ўқув савол. Ички ишлар органлари Патруль-пост хизмати бригадаси ва батальонларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари тўғрисида Низом.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил «13» июлдаги “Ички ишлар органлари Патруль-пост хизмати бригадаси ва батальонларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 148-сон буйруғи қабул қилинди.

Ушбу буруқ асосида “Ички ишлар органлари Патруль-пост хизмати бригадаси ва батальонларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари тўғрисида Низом” қабул қилинди.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тизимидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини (хизмат йўналишлари, асосий вазифалари ва функциялари, ваколатлари ва ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги) белгилайди.

Оммавий тадбирлар деб - очик ва ёпиқ объектларда, биноларда, иншоотларда (маданий-маърифий муассасалар, спорт мажмуалари ва бошқа) 200 ва ундан ортиқ кишиларнинг иштирокида ижтимоий-сиёсий (анжуманлар, конференциялар, съездлар ва бошқалар), маданий-оммавий ва кўнгилочар-томоша дастурлари (муסיкий, адабий ва бошқа фестиваллар, концерт, театр, спорт, реклама тадбирлари, халқ сайллари, цирк, миллий намоишлар ва ўйинлар, кўрик-танловлар ва бошқалар), шунингдек умумхалқ, диний, касб байрамларини ўтказиш мақсадида оммавий тадбирни ўтказиш объектида ташкил этиладиган тадбирлар тушунилади.

Ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни (бундан буён матнларда оммавий тадбирлар деб юритилади) ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари - Ўзбекистон Республикаси ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармасининг таркибий тузилмаси ҳисобланиб, оммавий тадбирлар ўтказилиши даврида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан террорчилик-қўпоровчилик ва бошқа жиноий ҳаракатларни содир этиш ниятида бўлиб, объектга киришга уринаётган шахсларни аниқлаш ҳамда уларни зарарсизлантиришга мўлжалланган вазифаларни бажаради.

Ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларда хавфсизликни таъминлаш батальон (отряд)лари (бундан буён матнда - ИСМОТХТ бўлинмалари деб юритилади) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

ИСМОТХТ бўлинмалари таркибига қуйидагилар киради:

ИСМОТХТ батальони Тошкент шаҳар ИИББ Патруль-пост хизмати бригадаси таркибига;

ИСМОТХТ отрядлари Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ва вилоятлар ИИБларининг Патруль-пост хизмати батальонлари таркибига.

ИСМОТХТ бўлинмалари хизмат фаолиятини ва жанговар хизматини олиб боришда ҳудудий ППХ саф бўлинмалари командирларига (ППХ бригадаси, батальон командирларига), террорчилик-қўпоровчилик ёки бошқа ўта оғир турдаги жиноий ҳаракатларни бартараф этишга қаратилган махсус тадбирларда – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан, ушбу тадбирларга жавобгар бўлган махсус бўлинма командирларига бўйсундилар.

ИСМОТХТ бўлинмаларининг фаолиятини умумий мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

ИСМОТХТ бўлинмалари зиммаларига юклатилган вазифаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларига мувофиқ, патруль-пост, йўл-патруль, кинология, ёнғин хавфсизлиги хизматлари, Алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядлари, Портлатиш қурилмалари ва портлаш хавфи бўлган предметларни аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича махсус отрядлари ва ички ишлар органларининг бошқа хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларнинг маъмурияти ва тадбир ташкилотчилари билан бевосита ҳамкорликда амалга оширадilar.

ИСМОТХТ бўлинмаларини замонавий қурол-яроғ, ўқ-дори ва бошқа моддий-техник воситалар билан таъминлаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларни қўриқлаш тизимлари билан жиҳозланганлиги юзасидан қўйиладиган талаблар, уларнинг аҳамияти ва кўламидан, шунингдек хавфсизликка таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа омил ва шароитлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

### **ИСМОТХТ бўлинмаларининг асосий вазифалари ва функциялари**

Қуйидагилар ИСМОТХТ бўлинмаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

намунали жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида террорчилик-қўпоровчилик ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўриш;

қўриқланадиган объектдан узоқ ва яқин масофадаги ҳудудларда (шу жумладан автотураргоҳлар, транспорт коммуникациялари ва бошқа объектлар) тезкор вазиятни

электрон-визуал кузатиш, оммавий тадбирларни ўтказиш даврида ҳуқуқбузарлик, террорчилик-қўпоровчилик ва бошқа турдаги жиноятларни содир этишга ҳаракат қилаётган шахсларни аниқлаш ҳамда уларни зарарсизлантириш чораларини кўриш;

қўриқловга олинган объектнинг тактик-техник тавсифлари ва ўзига хос хусусиятларини, шунингдек юзага келиши мумкин бўлган (табiiй, техноген хусусиятли, террорчилик-қўпоровчилик ва бошқа турдаги) фавқулодда ҳолатларни олдини олиш мақсадида, объект атроф-ҳудудларини муҳандислик-техник воситаларидан фойдаланган ҳолда жисмоний тўсиш, ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ва тезкор хизматлари билан ҳамкорликда оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларни ўраб олиш

ва хизматни ташкиллаштириш;

замонавий техник воситалардан (металлодетектор, газоанализатор, эндоскоп

ва бошқа) фойдаланган ҳолда ҳамда психологик-визуал кузатувлар орқали жисмоний шахсларни ва автотранспорт воситаларини сифатли текширувдан ўтказиш;

оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш ҳамда хавфсизликни таъминлашга жалб этилган бошқа вазирлик, идора, ташкилот ва корхоналарнинг ишчи-хизматчиларини ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

террорчилик-қўпуровчилик ҳаракатлари содир этилганда, шу жумладан портловчи мосламалар қўлланилганда, оммавий тартиббузарликлар ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар юзага келганда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий идора ва органларига тезкор хабар бериш, ҳамкорлик қилувчи ёрдамчи кучлар етиб келгунига қадар, қўриқланаётган объектни бирламчи ўраб олиш, жинойий ҳаракатларни олдини олиш ва бартараф этишда ёрдамчи кучларга самарали ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун эвакуация, кутқарув ва бошқа тадбирларни амалга ошириш;

қўриқланадиган объектнинг муҳандислик-техник, коммуникация ва ёнғинга қарши тизимларини, бино ва иншоотларни оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш талабларига мувофиқлиги ҳамда объект маъмуриятининг белгиланган талабларга риоя этаётганлиги юзасидан мунтазам назорат ўрнатиш.

Зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ИСМОТХТ бўлинмалари қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) оммавий тадбирларни ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва тегишли чоралар кўриш соҳасида:

қўриқланаётган объектдаги тезкор вазиятни назорат қилиш ва кузатишни ташкиллаштириш ҳамда оммавий тадбирларни ўтказиш даврида хавфсизликни таъминлашга жалб этилаётган бошқа хизмат, орган ва идоралар бўлинмаларининг куч ва воситалари ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

оммавий тадбирларни ўтказиш даврида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ёки жамоат тартибига таҳдид солиши мумкин бўлган бошқа хавф-хатарлар тўғрисидаги хабарларга тезкорлик билан муносабат билдириш;

оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарлар аниқланган тақдирда, таҳдид ўчоқларини тарқалишини олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан ҳамкорликда қўриқланаётган объектда жинойий ва бошқа ҳуқуқбузарликларни олдини олиш;

террорчилик ҳаракатлари, шу жумладан портловчи мосламаларни қўллаш билан оммавий тартибсизликлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар содир бўлиши хавфи туғилганда зудлик билан Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий идораларига хабар бериш, жамоат хавфсизлигига таҳдид солаётган ҳаракатларни олдини олиш ва бартараф этишда ташкил этилган махсус бўлинмаларга амалий ёрдам кўрсатиш;

фавқулодда вазиятлар содир бўлган тақдирда, тегишли вазирлик ва идораларнинг бўлинмалари билан ҳамкорликда эвакуация ва қутқарув тадбирларини амалга ошириш;

б) объект атроф-ҳудудини жисмоний тўсиб олиш ва ўраб олиш тўсиқларини яратишни ташкиллаштириш соҳасида:

объектнинг жойлашуви ва атроф-ҳудудининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, объектга яширин кириш жойларини аниқлаш мақсадида ўрганиб чиқиш;

оммавий тадбир ўтказилиши вақтида объектни қўриқлов остига олиш;

объект атрофини жисмоний тўсиб олиш ва ўраб олиш тўсиқларини яратишда ички ишлар органларининг муҳандислик ва бошқа куч ва воситаларидан фойдаланиш;

ўраб олиш тўсиқларидан фуқароларнинг рухсатсиз киришини олдини олиш ва тўхтатиш;

в) оммавий тадбирларни ўтказиш даврида фуқаролар ва автотранспорт воситаларини текширувдан ўтказиш соҳасида:

ўраб олинган ҳудудга (объектга) фуқаролар ва автотранспорт воситаларини тўсиқсиз (рухсатсиз) киришларини чеклаш;

оммавий тадбир ўтказиладиган объектнинг кириш-чиқиш жойларида ҳамда унинг атроф-ҳудудида назоратдан ўтказиш пунктларини ташкил этиш;

назоратдан ўтказиш пунктларида фуқароларни ва автотранспорт воситаларини психологик-визуал кузатув ва техник воситалардан фойдаланган ҳолда кўздан кечириш;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи қурол-яроғ, ўқ-дори, портловчи қурилма ҳамда кучли таъсир кўрсатувчи заҳарли моддаларни объектга олиб кирилишини аниқлаш ва бартараф этиш;

г) оммавий тадбирларни ўтказиш даврида хавфсизликка таҳдид солиш эҳтимоли бўлган тартиббузарликларни аниқлаш, уларни зарарсизлантириш чораларини кўриш соҳасида:

объект атроф-ҳудудидаги тезкор вазиятни электрон-визуал кузатишга олиш;

жамоат хавфсизлиги ҳамда оммавий тадбирларни ўтказиш тартибига қарши қаратилган ҳаракатларни аниқлаш, олдини олиш ва тўхтатиш;

террорчилик ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатларни содир этиш мақсадида оммавий тадбир ўтказиладиган ҳудудга киришга ҳаракат қилаётган шахсларни аниқлашга қаратилган назорат-текширув тадбирларини амалга ошириш, мазкур шахсларни ўраб олиш ва зарарсизлантириш чораларини кўриш;

д) оммавий тадбирларни ўтказиш даврида объект маъмурияти томонидан хавфсизликни таъминлаш бўйича талабларга риоя этишини назорат қилиш соҳасида:

тадбир ўтказиладиган объектнинг муҳандислик-техник, ёнғин хавфсизлиги, коммуникация ва бошқа турдаги қурилмаларини текширувдан ўтказиш орқали, уларнинг оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўйича белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиб бориш;

оммавий тадбирларни ўтказиш даврида хавфсизликни таъминлашнинг ташкилий, техник воситалари, шу жумладан, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда эвакуация қилиш воситалари ва тадбирлар мажмуасининг белгиланган талабларга мувофиқлигини назорат қилиш;

шубҳали буюм ва предметларни, террорчилик-қўпоровчилик ва бошқа жиноий ҳаракатлар содир этилиши мумкин бўлган жойларни ўз вақтида аниқлаш;

оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларни назорат текширувидан ўтказиш давомида, хавфсизлик тизимларига қўйиладиган талаблар бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш.

ИСМОТХТ бўлинмалари қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**2-ўқув савол. Ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари таркиби.**

Ўраб олиш ва кўздан кечиришни ташкиллаштириш гуруҳи - оммавий тадбир ўтказиладиган объектда ҳамда унга туташ бўлган жойларда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ вазифалар ва функцияларни бажаради.

Гуруҳ таркибидаги бўлинмалар оммавий тадбирларни ўтказиш даврида, ўтказиш пунктларида шахслар ва автотранспортни кўздан кечиришни амалга оширувчи бўлинмаси ходимлари - зиммаларидаги вазифаларни йўл-патруль ва кинология хизмати ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Объектни ўраб олишни ташкиллаштириш бўлинмаси ходимлари - зиммаларидаги вазифаларни патруль-пост, йўл-патруль ва кинология хизмати ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Текшириш, кузатиш ва тезкор ҳаракатланиш гуруҳи - оммавий тадбирларни ўтказиш даврида объектнинг хавфсизлиги билан боғлиқ вазифалар юзасидан олдиндан текширувлар ўтказиш, шунингдек, фуқаролар хавфсизлигига таҳдид солаётган вазиятларда тезкор ҳаракатланиш вазифаларини амалга оширади.

Оммавий тадбир ўтказиладиган объектда ва унга туташ ҳудудларда тезкор вазиятни кузатиш вазифаларини амалга оширувчи, хавфсизликка таҳдид солиши эҳтимоли бўлган ҳуқуқбузарларни аниқловчи электрон-визуал кузатиш бўлинмаси - ўзига юклатилган вазифаларни ППХ ва ИПХ саф бўлинмалари ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Оммавий тадбир ўтказиладиган объектларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида муҳандислик-техник, ёнғин

хавфсизлиги, эвакуация, коммуникация тизимларига қўйиладиган талабларга амал қилиниши юзасидан назорат қилиш ишларини амалга оширувчи объектни текшириш ва хавфсизлик тизимини назорат қилиш бўлинмаси ходимлари - ўзларига юклатилган вазифаларни кинология хизмати ҳамда Портлатиш қурилмалари ва портлаш хавфи бўлган предметларни аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича махсус отряди ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Оммавий тадбирларни ўтказиш даврида қонунга хилоф ҳаракатларни, жамоат тартибини бузилишини зудлик билан бартараф этилишини ташкил этувчи ва фуқаролар хавфсизлигини, жамоат тартибини бузганларни ушлаш чора-тадбирларини амалга оширувчи-тезкор ҳаракатланиш ва қўлга олиш бўлинмаси ходимлари - ўзларига юклатилган вазифаларни ППХ, ЙПХ саф бўлинмалари ва Алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Фавқулодда ҳолатлар юз берганда (террорчилик, оммавий тартиббузарликлар ҳамда безорилик ҳаракатлари содир бўлганда, ёнғин юзага келганда) гуруҳ ички ишлар органларининг тезкор ва бошқа соҳавий хизматларига ҳамда Алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядига ўз вақтида хабар берилишини таъминлайди, фавқулодда вазиятларда, унинг оқибатларини бартараф этишда ҳамда эвакуация қилиш тадбирларини ушбу хизматлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Оммавий тадбирнинг аҳамияти, тоифаси ва кўлаמידан келиб чиққан ҳолда, тадбир ўтказиладиган объектлар тадбир бошланишидан бир сутка олдин (зарур ҳолларда ундан олдинроқ), алоҳида аҳамиятга эга бўлмаган тадбир ўтказиладиган объектлар тадбир бошланишидан камида 4 соат олдин Ўзбекистон Республикаси ИИВ Портлатиш қурилмалари ва портлаш хавфи бўлган предметларни аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича махсус отряди бўлинмалари томонидан текширилади ва ИСМОТХТ бўлинмалари кўриқловига топширилади.

ИСМОТХТ бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

объект маъмуриятдан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган йўриқномалар асосида муҳандислик-техник, ёнғин хавфсизлиги, коммуникация ҳамда объектнинг хавфсизлигини таъминловчи бошқа тизимларига қўйиладиган талаблар ва функцияларга тўла-тўқис мутаносиб бўлишини талаб қилиш;

оммавий тадбирлар ўтказиладиган объект (жой) ҳудудини муҳандислик-техник воситалари билан ўраб олиш, оммавий тадбирлар вақтида фото ва видео тасвирлар олинишини амалга ошириш;

фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш ва уларнинг биометрик маълумотларини мавжуд бўлган ахборот базаси билан солиштириш;

фуқароларни ва уларнинг ёнидаги предметларни техник ва махсус воситалардан фойдаланган ҳолда шахсий кўриқдан ўтказиш (текширувчи текширилаётган шахс билан бир хил жинсда бўлиши шарт);

зарурият туғилганда оммавий тадбир ўтказиладиган объектга (жой) фуқароларнинг киришларини асосланган ҳолда тўхтатиш;

транспорт воситаларини ҳамда улардаги юкларни текширувдан ўтказиш;  
хукукбузарлик содир этаётган фуқаролар ва мансабдор шахслардан ушбу ҳаракатларини тўхтатишларини талаб қилиш;

жамоат тартибини ва ўрнатилган қоидаларни бузаётган фуқаролардан оммавий тадбир ўтказилаётган объектдан (жой) чиқиб кетишларини талаб қилиш;

иштирокчиларнинг хавфсизлигига, ҳаёти ва соғлиғига таҳдид туғилганда, табиий, техноген ва бошқа кўринишдаги фавқулодда ҳолатларда, оммавий тадбирни тўхтатиш чораларини кўриш;

хукукбузарларни ҳудудий профилактика инспекторларига ёки ички ишлар органларининг навбатчилик қисмига маъмурий баённома тузиш учун топшириш;

фуқаролар хавфсизлигига таҳдид солаётган, жамоат тартибини бузган шахсларни ушлаш.

ИСМОТХТ бўлинмалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Махсус вазифаларни бажариш вақтида бўлинма ходимлари ўрнатилган тартибда фуқаролик кийимида хизмат олиб боришлари, махсус қурол ва таъсир этувчи воситалардан, шу жумладан нолетал таъсир кўрсатувчи воситалардан белгиланган тартибда фойдаланишлари мумкин.

### **ИСМОТХТ бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБлари Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқарма ва бошқармалари - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2940-сон “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари (батальон ва отрядлари) фаолиятини бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи масъул орган ҳисобланиб, улар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ИСМОТХТ бўлинмаларининг жанговар шайлигини доимий равишда таъминлаш;

бўлинмаларни хизмат ва жанговарлик масалалари юзасидан қўллаш тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, ўрганиш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

бўлинма шахсий таркибининг жанговар тайёргарлиги ва жанговар-хизмат фаолияти сифатини назорат қилиш, ўқув-методик йиғинларини ҳамда бўлинмалар шахсий таркибининг жанговар тайёргарлигини ташкилий-методик ташкил этишни амалга ошириш;

бўлинманинг хизмат фаолиятини ташкиллаштириш бўйича намунавий йўриқнома ва фармойишларни ишлаб чиқиш;



оммавий тадбирларда хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб чиқишни ташкиллаштириш ва таҳлил натижаларини бўлинманинг фаолиятида жорий этиш;

белгиланган таъминот меъёрлари асосида қурол-яроғ, ўқ-дори, кийим-кечак ва ҳарбий-техник воситалар билан таъминланишини ташкиллаштириш;

бўлинманинг офицерлар, сержантлар ва сафдорлар таркибини ўрганиш, танлаб олиш ва жамланишини ташкиллаштириш;

Ҳудудий ППХ саф бўлинмалари (бригада, батальон) командирлари оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида хавфсизликни таъминлашга тўғридан-тўғри жавобгардир ва қуйидаги бошқарув вазифаларини амалга оширадилар:

қўриқланадиган объектнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ИСМОТХТ бўлинмалари шахсий таркибининг хизмат ўташ жойларини, оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида хавфсизликни таъминлаш бўйича вазифаларини ва ўташ тартибларини белгилайди;

жанговар-хизмат вазифаларини бажариш учун ИСМОТХТга қўшимча ажратилган куч ва воситаларни тақсимлаб, ҳамкорлик қилиш усуллари ва алоқа қилиш тартибларини белгилайди;

оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида хавфсизликни таъминлаш борасида аниқланган камчиликлар, муаммолар, ҳодисалар, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотларни узлуксиз олинишини ва таҳлил қилинишини, хизмат ва жанговар фаолиятнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқилишини, ушбу йўналишда замонавий шакл ва услубларни тадбиқ этилишини таъминлайди;

оммавий тадбирларда хавфсизликни таъминлашга жалб этилган ички ишлар органларининг саф бўлинмалари, тезкор хизматлар ва бошқа идоралар ходимларининг, шу жумладан объект маъмуриятининг сифатли ҳамкорлик қилишини ташкиллаштиради;

оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектларнинг ҳолатини узлуксиз назорат қилиш ишларини ташкиллаштиради ва объект маъмурияти билан ҳамкорликда хавфсизликни таъминлашга қаратилган техник-муҳандислик, ёнғинни олдини олиш ва коммуникация тизимларининг ўрнатилган талабларга жавоб бериши бўйича чора-тадбирларни амалга оширилишини ташкил этади.

### **ИСМОТХТ бўлинмалари шахсий таркибини саралаш, жамлаш ва тайёрлаш тартиби**

ИСМОТХТ бўлинмалари малакали, маънавий етук ва юқори ахлоқий фазилатларга эга бўлган, руҳан чидамли, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилишга қодир бўлган ходимлар билан жамланади.

ИСМОТХТ батальони ва отрядларининг командирлар, офицерлар, сержантлар ва сафдорлар таркиби, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБлари бошлиқлари томонидан тайинланади.

Бўлинмалар шахсий таркибининг жанговор ва махсус тайёргарлиги бўйича ўқув-амалий машғулоти Ички ишлар вазирлигининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ташкиллаштирилади.

Машғулотларни ўтказишнинг асосий мақсад ва вазифалари:

бўлинмани хизматда қўллаш усуллари, шу жумладан бошқа махсус бўлинмалар билан ҳамкорликда ҳаракатланиш тактикасини тўлиқ ўзлаштириш ва такомиллаштириш;

оммавий тадбирларни ўтказиш даврида террорчи гуруҳларнинг ҳаракатланиш усуллари ва тактикасини, хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш борасидаги ижобий тажрибаларини ўрганиш, жанговар-хизмат фаолиятининг замонавий услубларини татбиқ этишни ташкиллаштириш;

оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида юзага келадиган турли хил вазиятларда кузатиш, алоқа, кўриқдан ўтказиш, таҳлил қилиш воситаларидан, шунингдек автотранспорт ва бошқа махсус техникалардан фойдаланиш бўйича маҳоратларини мукамаллаштириб бориш;

мунтазам равишда шахсий таркибни жисмонан ва руҳан чиниқтириб бориш, қўл жанги усуллари бўйича маҳоратларини ошириш.

Бўлинма шахсий таркибини зиммаларидаги вазифаларни бажаришга тайёрлаш даврида, шу жумладан шошилиш ва экстремал ҳолатлар юзага келган вақтларда ППХ саф бўлинмалари, ЙПХ, Алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отряди ҳамда Портлатиш қурилмалари ва портлаш хавфи бўлган предметларни аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича махсус отряд бўлинмалари билан ҳамкорликда ҳаракатланиш юзасидан машғулотлар ўтказилишини таъминлаш.

ИСМОТХТ бўлинмалари ходимлари ўқ отиш, жисмоний ва махсус тайёргарлик машғулоти бўйича доимий равишда малакаларини ошириб боришга, малака тоифаси синовлари давомида профессионаллик даражаларини тасдиқлашга мажбурдир.

Соғлиғи ёки бошқа сабабларга кўра келгусида хизмат ўташга чегараланган яроқли ёки яроқсиз деб топилган ходимлар ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматларига ёки бўлинмаларига ўтказиладилар ёки ўрнатилган тартибда ички ишлар органларидан бўшатиладилар.

### **Яқуний қоидалар**

ИСМОТХТ бўлинмалари ходимлари хизматни ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда ўтайди.

Уларнинг хизмат ўташ тартиблари Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари учун белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

Бўлинма ходимлари хизмат вазифаларини ўташ вақтида тан жароҳати олганларида ёки соғлиқларининг ёмонлашувига олиб келган бошқа ҳолатларда, ўрнатилган тартибда Ички ишлар вазирлигининг амбулатор ва стационар даволаш-профилактик муассасаларида бепул даволанади.

ИСМОТХТ бўлинмалари ходимлари зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

**Топшириқ:** Кейинги семинар машғулотига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил «13» июлдаги “Ички ишлар органлари Патруль-пост хизмати бригадаси ва батальонларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 148-сон буйруғини ўқиб конспектлаштириш.


**18-Мавзу: Ички ишлар органлари Патруль-пост хизмати бригадаси ва батальонларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш тартиби.**

**Семинар машғулоти**

Ушбу ўқув машғулоти **“Сухбат”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи тингловчи ва (курсант)лар ўртасида диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги сухбат жараёнида ойдинлашмаган масалалар юзасидан қўшимча саволлар бериш, тингловчи ва (курсант)нинг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида рухий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.

Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:



### **Ўқув машғулоти саволлари:**

1-савол. ИИО ППХ бригадаси ва батальонларининг ИСМОТХТ бўлинмалари тўғрисида Низомнинг мазмуни.

2-савол. Ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари.

3-савол. ИСМОТХТ бўлинмалари таркиби.

4-савол. ИСМОТХТ бўлинмаларининг фаолиятини умумий мувофиқлаштириш ким томонидан амалга оширилади.

### **19-Мавзу: ИИОларидан конвой хизмати фаолияти.**

(маъруза 2 соат)

#### **Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. Конвой бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш.

2-ўқув савол. Ички ишлар органлари томонидан конвой ҳаракатларини амалга оширишда электрон браслетлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом.

**1-ўқув саволи: Конвой бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш.** Конвой қилиш деганда-ушланган ва қамоққа олинганларни белгиланган манзилга қўриқлаб етказиш (кузатиб бориш) тушунилади. Ушланган ва қамоққа олинганларни Вақтинча сақлаш хибсхонсида қўриқлаш ички ишлар органларининг нарядлари, уларни конвой қилиш конвой хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади. Конвой хизмати мавжуд бўлмаган жойларда конвой тадбирлари ҳудудий Ички ишлар органлари бошлиқларининг буйруқлари асосида ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартиб ва буйруқ асосида малакали ходимлардан иборат ташкил этилган махсус конвой гуруҳлари томонидан амалга оширилади. Уларнинг хизмат вазифасига қўйидагилар киради:

Ушланган ва қамоққа олинганларни ушлаб туриш камераларида ва Вақтинча сақлаш хибсхоналарида қўриқлаш;



Вақтинча сақлаш хибсхоналаридан тергов жараёнларини амалга ошириш учун тергов хибсхоналарига, умумий ювенил жойларига (хаммомларга), ички ишлар органларига қаршли Вақтинча сақлаш хибсхоналаридан шахар ва туманлараро ВСХларига ва ушбу жойлардан қайта йўналишда конвой қилиш, тергов жараёнларида, соғлиқни сақлаш муассасаларига келтирилган вақтда ҳамда камераларга санитария ишловларини бериш жараёнида қўриқлаш ишларини амалга ошириш; Вақтинча сақлаш хибсхоналаридан шахар-туман ва вилоят судларига конвой тадбирларини амалга ошириш, суд жараёнларида ушланган ва қамоққа олинганларни қўриқлаш тадбирларини амалга ошириш; Ушланган ва қамоққа олинганларни Вақтинча сақлаш хибсхоналардан тергов хибсхоналарига у ердан, режали йўналишларга, алмаштириш жойларига конвой қилиш. Ушланган ва қамоққа олинган шахсларни Ўзбекистон

Республикаси ЖПК кўрсатилганидек терговчининг қарори ёки суднинг ажримига асосан қуйидаги тергов ҳаракатлари учун олиб чиқилади:

воқеа жойига, гумонланувчи томонидан берилган кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш учун;

психоневрологик ва наркологик диспанцерларга ҳамда бошқа экспертизалар ўтказишга;

суднинг санкциясига;

терговчи, суриштирувчи ва прокурорнинг чақирув талабномасига асосан юзлаштириш, эксперимент ўтказиш, сўроқ қилиш, таниб олиш учун кўрсатиш, гувоҳлантириш ва бошқа ҳолатлар бўйича.

Ушланган ва қамоққа олинганларни тергов ҳаракатларига конвой қилиш ҳақида буйруқни олган конвой сардори уларнинг шахсий жилдлари билан танишади, тергов ҳаракати ўтказиладиган жой ёки бинони кўздан кечириб чиқади, тергов ҳаракатини олиб борувчи ходим билан конвой қилинаётганларни кўриқлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни келишиб олади. Ушланган ва қамоққа олинганлар билан тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида, конвой ходими доимий равишда шахснинг ёнида бўлиши, қонун билан белгилаб қўйилган ҳолларда унга қўл кишанларини тақиши, ҳар бир конвой қилинаётган шахснинг тергов ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳаракатини кузатиб бориши ва шахсни махсус автотранспортга ўтказишдан олдин тинтиб кўриши лозим. Тергов ҳаракати олиб борилаётган бино хонасида конвой ходимлари деразалар олдида, конвой сардори эшик олдида туради. Тергов ҳаракатларининг тугаганлиги ёки уни бошқа кунда давом эттирилиши ҳақида тергов ходими (прокурор, суриштирувчи) ушланган ва қамоққа олинганни конвой қилиш тўғрисидаги талабномада тегишли тартибда ёзув қолдиради ва имзолайди.

Ушланган ва қамоққа олинганларни камераларидан тергов ҳаракатларини ўтказиш учун олиб чиқишга прокурор, терговчи, суриштирув ишини олиб борувчи томонидан ёзма равишда берилган талабномаларига асосланган ҳолда амалга оширилади. Химоячилар ушланган шахслар билан терговчи, прокурор ва суднинг розилиги ва ордер мавжуд бўлганида учрашиши мумкин. Ушланган ва қамоққа олинганларни Вақтинча сақлаш хибсхонадаги учрашув хоналарига олиб чиқишга жиноят ишини юритаётган ходимнинг ёзма равишдаги рухсатномаси асос бўлади. Тегишли тасдиқланган ҳужжат (ордер) асосида химоячининг жиноят ишида иштирок этиш вақтидан бошлаб, ушланган ва қамоққа олинганлар билан Вақтинча сақлаш хибсхонасининг ўрнатилган ички тартибларига амал қилган ҳолда, учрашув сони ва вақти чекланмаган миқдорда, яккама-якка учрашиши мумкин. Ушланган ва қамоққа олинганларни камерадан тергов ва учрашув хоналарига чиқарилганлиги тўғрисида Вақтинча сақлаш хибсхонаси навбатчиси «Камералардан олиб чиқиш китоби»га қайд қилиб бориши лозим. Конвой бўлинмалари таркибига Тошкент шаҳар ИИББнинг Алоҳида конвой батальони, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ИИБлари ҳамда туман (шаҳар) ИИБлари тасарруфидаги конвой бўлинма (гурух)лари киради. Конвой бўлинмаларига сардор (батальон, бўлинма, гуруҳ командири ёки

ВСХ бошлиғи) раҳбарлик қилади ва у тегишинча ИИБ-ИИББ-ИИБ ППХваЖТСБ бошлиқларига, туман (шаҳар) ИИБлари кесимида туман (шаҳар) ИИБ ЖТСБ бошлиқлари (катта инспекторлари)га бўйсунди.



Конвой бўлинмалари ўз фаолиятини суд ва тергов органларининг талабномалари асосида амалга оширади. Суд ва тергов органларининг сақланувчи шахсларни суд мажлислари ва тергов ҳаракатлари ўтказиш учун конвой қилиш тўғрисидаги талабномалари конвой бўлинмаси сардори ёки конвой бўлинмалари фаолият олиб борадиган ички ишлар органи бошлиқлари номига тергов ҳаракатлари ва суд жараёни бошланишидан камида 24 соат олдин юборилиши лозим. Суд ва тергов органи томонидан имзоланган ва гербли муҳри билан тасдиқланган талабномаларда қуйидагилар кўрсатилади:

Конвой қилинувчиларнинг фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили ва ЖКнинг қайси моддаси билан айбланаётганлиги;

ВСХ, тергов ҳибсхонаси ёки жазони ижро этиш муассасасининг номи; тергов ҳаракатларини ўтказиш ва суд мажлисининг кўриб чиқиш жойи; конвой қилинувчиларни тергов ҳаракатлари ҳамда суд мажлисларига олиб келиш (санаси, соати), шунингдек тергов ҳаракатлари ҳамда суд мажлисларининг давом этиш муддати (тахминий);

конвой қилинувчиларни кўриқлаб боришда сақлаш тартиби (бир-биридан зарурий ажратиб туриш тартиблари баён этилади).

Агар суд мажлисига бир вақтнинг ўзида олдиндан чиқарилган суд қарори асосида қамоққа олинганлар ёки бошқа жиноий иш бўйича судланаётган шахслар гувоҳ сифатида чақиртирилаётган бўлса, уларнинг ҳозирги ҳолати талабномада кўрсатиб ўтилади.

Суд ва тергов органи хизмат кўрсатувчи конвой бўлинмаси билан битта аҳоли яшаш пунктида жойлашмаган тақдирда, шунингдек улар орасида конвой бўлинмасининг режали йўналиши бўлмаган ҳолларда, суд ва тергов органларининг талабномалари ҳудудий ички ишлар органи бошлиғи номига юборилади. Бундай ҳолларда ушлаб турилган ва қамоққа олинганларни суд ва тергов жараёнларига олиб боришга кетадиган вақт ҳисобга олинади. Ички ишлар органининг бошлиғи номига ёзилган талабнома ушлаб турилган ва қамоққа олинганларни конвой қилиш учун ходимлар ажратилишига асос бўлади. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни конвой қилиш учун талабномалардан ташқари қуйидагилар ҳам асос бўлади:

тегишли суднинг кўчириш (этап қилиш) тўғрисидаги ажрими;

алоҳида тергов ҳаракатларини (стационар суд-психиатрия кўригидан ўтказиш) амалга ошириш учун суриштирув ишларини олиб борувчи томонидан қабул қилинган қарор;

суд томонидан чиқарилган ажримга асосан ВСХда сақлаш ёки қамоққа олиш йўли билан эҳтиёт чораси ўзгартирилганлиги тўғрисидаги ажрим муддатининг тугаганлиги, шунингдек, қамоқ жазоси белгиланганлиги

тўғрисида суд ажрими қабул қилиниши (тергов ҳибсхоналарига кўриқлаб борилади);

ВСХ бошлиғининг кўрсатмаси билан тиббиёт муассасаларга ёки бошқа жойларга юборишда конвой қилиш. Ушлаб турилганлар ва қамокқа олинганларни суд ва тергов органларининг талабномалари асосида конвой қилиш юзасидан қарорлар белгиланган вазифанинг ҳажми ва масъулияти, шунингдек тезкор вазиятдан келиб чиқиб қўйидагиларни инобатга олган ҳолда қабул қилинади:

конвой қилинувчиларнинг сони ва уларнинг шахси, улар орасида бир неча маротаба ўта оғир жиноятларни содир қилган ёки қилганликда гумон қилинган (жумладан, нарядлардан қочган ёки қочишга уринганлар), вояга етмаган ва ҳоказо шахсларнинг борлиги;

махсус автотранспортларнинг техник кўрсаткичлари (сиғими, камера-лар сони, қочиш ҳолатларининг олдини олишга мослаштирилганлиги, махсус алоқа ва ташвишгоҳ воситалари ҳамда бошқа ускуналар билан жиҳозланганлиги), махсус муассасаларда сақланиш муддатлари, кўриқлаш учун яратилган шарт-шароитлар, йўналишнинг масофаси ва хусусиятлари; шахсий таркиб сони ва уларнинг жанговар шайлик даражаси;

белгиланган ҳудудда жамоат тартибини сақланиши ва жиноятлар содир этилиш ҳолати, йил фасллари, кун ва об-ҳаво шароитлари.

Вазиятни ўрганиш, баҳолашда ушлаб турилганлар ва қамокқа олинганларни кўриқлаб бориш ҳолатининг аҳволи, суд ва тергов органлари, шунингдек ички ишлар органларининг тезкор хизматлари маълумотларидан, давлат корхоналари, жамоатчилик ташкилотларидан олинган хабарлардан, фуқаролардан олинган аризалардан фойдаланилади. Мавжуд маълумотлар асосида конвой бўлинмаси сардори томонидан конвой таркибини белгилаш бўйича қарор қабул қилинади. Конвой таркиби оддий ёки кучайтирилган бўлиши мумкин. Оддий тартибдаги конвой таркиби қўйидагича тайинланади:

1-2 нафар конвой қилинувчига 3 нафар ходим;

3-4 нафар конвой қилинувчига 5 нафар ходим;

5-6 нафар конвой қилинувчига 7 нафар ходим;

7-8 нафар конвой қилинувчига 9 нафар ходим;

9-10 нафар конвой қилинувчига 11 нафар ходим ажратилиб, навбатдаги ҳар 5 нафар конвой қилинувчига 1 нафардан кўшимча конвой ходимлари ажратилади. Шунингдек, конвой бўлинмаси таркибида беш ва ундан ортик нафар конвой ходимлари бўлганда, конвой бўлинмаси сардорининг ёрдамчиси тайинланади.



Кучайтирилган тартибдаги конвой таркиби қуйидагича тайинланади:

1 нафар конвой қилинувчига 2 нафар ходим;

2-4 нафар конвой қилинувчига 4-6 нафар ходим;

5-6 нафар конвой қилинувчига 7-8 нафар ходим;

7-8 нафар конвой қилинувчига 9-10 нафар ходим;

9-10 нафар конвой қилинувчига 11-12 нафар конвой ходимлари бириктирилади ва навбатдаги ҳар бир нафар конвой қилинувчига 2 нафардан қўшимча конвой ходими ажратилади.

Кучайтирилган тартибда конвой тадбирлари конвой қилинувчилар орасида қочиш нияти борлигини очиқ-ойдин намойиш этаётган, манбалардан тегишли тартибда олинган ахборотларга асосланган ҳолда ўз жонига ва атрофдагилар жонига қасд қилиш, конвой ходимига ҳужум қилиш эҳтимоли бўлган, қасддан ўта оғир турдаги жиноятларни содир этганликда айбланган, табиий, географик ва об-ҳаво шароити ўта оғир бўлган ҳудуд орқали узок масофали конвой тадбири амалга оширилиши кутилаётганда белгиланади. Кучайтирилган тартибдаги конвой тадбирлари амалга оширилаётган вақтда конвой сардори этиб офицерлар таркибидан ходим тайинланади.

Конвой бўлинмаси сардори қабул қилинган қарорни хизматга жалб этилган ходимларга эълон қилади. Куч ва техник воситалар тақсимоти йўналишлар жойлашувига қараб амалга оширилади.

**2-ўқув савол. Ички ишлар органлари томонидан конвой ҳаракатларини амалга оширишда электрон браслетлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом.**

Ушбу Низом жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар ҳамда маҳкумлар (кейинги ўринларда — конвой остидаги шахслар) билан конвой ҳаракатларини амалга оширишда ички ишлар органлари томонидан электрон браслетлардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан электрон браслетлардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**конвой**—жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар ҳамда маҳкумларни белгиланган манзилга қўриқлаб бориш;

**конвой остидаги шахслар**—конвой қилинаётган, жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар ҳамда маҳкумлар;

**конвой бўлинмалари**—конвой остидаги шахсларни белгиланган манзилга қўриқлаб бориш борасидаги вазифаларни амалга оширувчи ички ишлар органларининг бўлинмалари;

**электрон браслет**—конвой остидаги шахслар қочишга уринган (электрон браслетни ечиш, шикаст етказиш, конвойчи ходимдан узоқлашиш ва бошқа) ҳолатлар ҳақида онлайн режимида автоматик тарзда товушли ва визуал хабар берувчи, шунингдек, конвой остидаги шахсларнинг ҳаракатланишини онлайн назорат қилиш имкониятини яратувчи электрон курилма.

Конвой ҳаракатларини амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:  
суд, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг талабномалари;  
суд ажрими (ҳукми);

ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ҳамда тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларни ва жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни тиббиёт муассасасига жойлаштириш ёки тиббиёт муассасасида текширувдан ўтказиш лозимлиги тўғрисида тиббиёт ходимининг маълумотномаси.

Электрон браслетлар билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари, ички ишлар органларининг конвой бўлинмалари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колониялари таъминланади.

Электрон браслетлардан фақат конвой остидаги шахслар билан барча конвой ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида, шунингдек, ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ҳамда тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларнинг ва жазони ижро этиш колонияларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт муассасаларида стационар даволаниши ёки тиббиёт муассасасида тиббий текширувдан ўтказиш даврида улар устидан тўлиқ назорат ўрнатиш мақсадида фойдаланилади.

### **Электрон браслетларни сақлаш**

Конвой бўлинмалари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналари учун ажратилган электрон браслетлар, улар жойлашган ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларидаги махсус воситаларни сақлаш хоналарида, Қоровул қўшинлари қўмондонлиги учун ажратилган электрон браслетлар ҳарбий қисм бўлинмалари махсус воситаларни сақлаш хоналарида, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колониялари учун ажратилган электрон браслетлар эса ушбу муассасаларнинг махсус хоналарида сақланади.

Электрон браслетлар алоҳида жавонлар, сейфлар ёки махсус ажратилган жойларда сақланади.

Электрон браслетларнинг ҳаракати ушбу Низомга **иловага** мувофиқ шаклда Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмлари, ички ишлар органлари, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колониялари навбатчилик қисмлари томонидан алоҳида юритиладиган Электрон браслетларни тарқатиш ҳамда қабул қилиш журналида (кейинги ўринларда — журнал) қайд этилади.

Журналда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

электрон браслет берилган ходим (ҳарбий хизматчи) фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда имзоси;

берилган электрон браслетнинг индивидуал рақамлари;  
электрон браслет берилган ҳамда қабул қилиб олинган сана ва вақт;  
электрон браслетнинг топшириш вақтидаги ҳолати (соз ёки носозлиги);  
электрон браслетни қабул қилиб олган масъул шахснинг фамилияси,  
исми ва отасининг исми ҳамда имзоси.

Журнал белгиланган тартибда Қоровул қўшинлари қўмондонлиги, ички ишлар органлари, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колониялари девонхоналарида рўйхатдан ўтказилади.

Журнални сақлаш ва йўқ қилиш ички ишлар органларида махсус воситаларни бериш ва қабул қилиш журналини юритишга (сақлаш ва уларни йўқ қилиш) белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

Электрон браслетларнинг техник созлиги, электр қувватининг тўлиқлиги Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисм бўлинмаларининг навбатчилари, ҳудудий ички ишлар органлари ва тергов ҳибсхоналари ҳамда жазони ижро этиш колониялари навбатчилик қисмлари масъул ходимлари томонидан доимий равишда назорат қилиб борилади. Хизматга жалб этилаётган ходим (ҳарбий хизматчи)ларга носоз ёки электр қуввати тўлиқ бўлмаган электрон браслетлар берилишига йўл қўйилмайди.

Электрон браслетни қабул қилиб олган ходим (ҳарбий хизматчи) махсус тасма бутлигини, махсус мослама созлигини ва электр қуввати тўлалигини, электрон браслетнинг «ГПС» сигнали ишлаётганлигини текширади.

Электрон браслетда носозликлар аниқланганида носоз электрон браслет топширилиб, соз электрон браслетга алмаштирилади.

Электрон браслетдан фойдаланишдан олдин ходим (ҳарбий хизматчи) томонидан унинг махсус тасмасига дезинфекция воситалари (антисептик, спирт) ёрдамида ишлов берилади.

Конвой ҳаракатлари яқунлангандан сўнг ходим (ҳарбий хизматчи) томонидан махсус тасмага дезинфекция воситалари (антисептик, спирт) ёрдамида ишлов берилган ҳолда электрон браслетлар тегишлича Қоровул қўшинлари ҳарбий қисмлари бўлинмаларининг навбатчиларига ва ҳудудий ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига, шунингдек, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колонияларининг махсус хоналарига топширилади.

Топширилаётган электрон браслетлар Қоровул қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисм бўлинмалари навбатчиларининг, ҳудудий ички ишлар органлари, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колонияларининг навбатчилик қисмлари масъул ходимлари томонидан ташқи кўриқдан ўтказилгандан сўнг журналга имзо қўйиш йўли билан қабул қилиб олинади.

**Топшириқ:** Электрон браслетлардан хизматда фойдаланишни ўқиб конспектлаштириш.

## **19-Мавзу: ИИОларида конвой хизмати фаолияти.**

### **Семинар машғулоти режаси:**

Ушбу ўқув машғулоти “**Ақлий хужум**” методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга савол ташланади. “Ақлий хужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий хужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; тингловчиларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланadi; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

#### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1. Конвой бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш.
2. Ушланган ва қамоққа олинганларни ушлаб туриш камераларида ва Вақтинча сақлаш хибсхоналарида қўриқлаш.
3. Вақтинча сақлаш хибсхоналардан тергов хибсхоналарига у ердан, режали йўналишларга, алмаштириш жойларига конвой қилиш.
4. Ушланган ва қамоққа олинганларни тергов ҳаракатларига конвой қилиш олдидан конвой сардорининг вазифаси.

#### **20-Мавзу: Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш махсус қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш.**

(маъруза 2 соат)

##### **Машғулот режаси:**

- 1-ўқув савол. Қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва ҳисобга қўйиш асослари.
- 2-ўқув савол. Қамоққа олинган шахсларнинг сақланиши.
- 3-савол. Қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

##### **1-ўқув савол. Қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва ҳисобга қўйиш асослари.**

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланганда, ППХ ходимлари қонун ҳужжатлари ва Вазирликнинг ички идоравий ҳужжатлари талабларига риоя этишлари ҳамда уларни бажаришлари шарт. Бунда улар қуйидагиларга мажбур:

- а) ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тугатишни талаб қилишга;
- б) ҳуқуқбузарнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини текширишга, улардаги маълумотларни қайд этишга;
- в) гувоҳларни (агар улар мавжуд бўлса) аниқлаш ва улар ҳақидаги маълумотларни ёзиб олишга, гувоҳларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиришга;
- г) ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳолатларни аниқлашга, хусусан:
  - ❖ маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисасини ёки аломатини;
  - ❖ ғайриқонуний ҳаракатларни содир этган шахсни;
  - ❖ шахснинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдорлигини;

❖ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатларни;

❖ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни;

❖ ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа ҳолатларни;

д) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 281-моддаси талабларига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузишга ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида ушбу Кодекснинг 284-моддасига мувофиқ ҳуқуқбузарни ички ишлар органига ёхуд таянч пунктига ушлаб келтиришга.

ППХ ходимлари ҳаракатларининг изчиллиги содир этилган ҳуқуқбузарликнинг характери, наряднинг таркиби ва бошқа ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Қуйидагилар маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланганда, ППХ ходимларининг биринчи навбатдаги вазифалари ҳисобланади:

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилишини тугатиш ва ҳуқуқбузарни ушлаш чорасини кўриш;

-маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича материалларнинг сифатини ва тўлиқлигини таъминлаш;

-ғайриқонуний қилмиш ҳолатларини ҳужжатлаштириш.

Қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхоналарга қабул қилиш ва сақлаш учун жиноят ишлари бўйича туман (*шаҳар*) судининг судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи (*кейинги ўринларда ваколатли мансабдор шахс деб юритилади*) томонидан қабул қилинган қарор асос бўлиб ҳисобланади.

Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган муддатларда ижро этилади. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати маъмурий қамоқ муддатига кўшиб ҳисобланади.

Жиноят содир қилганликда гумон қилинаётган шахслар махсус қабулхонага қабул қилинмайди.

Махсус қабулхона қамоққа олинган шахсларни кечаю кундуз давомида қабул қилади.

**Қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхоналарга қабул қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:**

-шахсга маъмурий қамоқ жазоси белгилаш тўғрисидаги ваколатли мансабдор шахс томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳри билан тасдиқланган қарор;

қамоққа олинган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (*паспорти, ҳарбий гувоҳнома ёки бошқа ҳужжат ёхуд унинг шахси ички ишлар органи томонидан тасдиқланганлиги тўғрисидаги маълумотнома*).

Махсус қабулхона навбатчиси қамоққа олинган шахсни қабул қилаётганида қамоққа олиш тўғрисидаги қарорда баён қилинган маълумотларни келтирилган шахс ҳақидаги маълумотлар билан солиштиради

ҳамда Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шахсий кўриқдан ўтказиш баённомасини расмийлаштиради.

Қамоққа олинган шахслар камерага киритилиши олдидан шахсий кўриқдан ўтказилади. Шахсий кўриқдан ўтказиш махсус қабулхонанинг қамоққа олинган шахс билан бир жинсда бўлган ходими томонидан икки ҳолис иштирокида амалга оширилади. Қамоққа олинган шахсларни шахсий кўриқдан ўтказиш ва уларнинг буюмларини текшириш учун техник воситалар (*металлодетекторлар*) қўлланилиши мумкин.

Қамоққа олинган шахсдан кийими, пояфзали, дастрўмоли, кўзойнаги, шахсий гигиена воситалари ҳамда ювиниш-пардоз буюмлари (*улар ёрдамида ҳаёт ёки соғлиққа зарар етказиш мумкин бўлган буюмлар бундан мустасно*), шунингдек олиб қўйилган буюмлар ва қимматликларнинг маълумотномасидан ташқари бошқа буюмлари олиб қўйилади. Олиб қўйилган буюмлар уларнинг характерли аломатлари, рақамлари кўрсатилиб, батафсил равишда шахсий кўриқдан ўтказиш баённомасида қайд этилади ҳамда калитлари махсус қабулхона бўйича навбатчида сақланадиган темир шкафларда сақланади.

Дорилар ва тиббий буюмлар хатлов бўйича тиббиёт пунктига топширилади, у ерда алоҳида сақланади ва махсус қабулхона тиббий ходими кўрсатмаси бўйича қамоққа олинган шахсга имзо қўйдириб берилади.

Махсус қабулхонага келтирилган шахслар Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги Махсус қабулхонага келтирилган шахсларни қайд этиш китобида қайд этилади.

Қамоққа олинган шахснинг махсус қабулхонага жойлаштирилганлиги ҳақида яқин қариндошларини хабардор қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарликни расмийлаштирган ва кўриб чиққан органларнинг барчасига юкланади.

## **2-ўқув савол. Қамоққа олинган шахсларнинг сақланиши.**

Қамоққа олинган шахслар қулфланган камераларда соқчиларнинг доимий кузатувида сақланиши лозим.

*Қуйидагилар алоҳида сақланади:*

эркаклар аёллардан;

чекувчилар чекмайдиганлардан;

чет эллик фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар;

инфекцион юқумли касалликлар билан касалланганлар ёки махсус тиббий парваришга мухтожлар;

сақланиш тартибини бузганлиги учун ёки ҳаётига ва соғлигига таҳдид бўлган ҳолларда шахсий аризага асосан махсус қабулхона бошлиғининг қарорига биноан умумий камерадан кўчирилганлар.

Махсус қабулхона камералари эшикларига кузатув туйнуклари, деразаларига темир панжаралар ўрнатилади.

Қамоққа олинган шахслар камераларга жойлаштирилади ва ухлаш жойи билан таъминланади.

Қамоққа олинган ҳар бир шахсга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси икки ярим квадрат метрдан кам бўлмаслиги керак.

Агар махсус қабулхона камералари санитария тармоқлари билан жиҳозланмаган бўлса, қамоққа олинган шахслар, нарядларнинг кучлари ёрдамида ҳожатга ҳавфсизлик чораларини кўрган ҳолда олиб чиқарилади.

Қамоққа олинган шахслар Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги Махсус қабулхонада сақланаётган шахсларга озиқ-овқат маҳсулотларини бериш китобига асосан ҳамда Низомнинг 5-иловасига мувофиқ Маъмурий қамоққа олинган шахсларга бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг тавсия этилган суткалик ўртача жамланма меъёрлари бўйича овқат билан таъминланади.

Қамоққа олинган шахсларни иссиқ овқат билан таъминлаш учун ички ишлар органи раҳбарияти умумий овқатланиш ташкилотлари билан иссиқ овқатни тайёрлаб бериш ҳақида шартнома тузади. Овқатланишнинг белгиланган нормасини ҳисобга олган ҳолда, шартномада овқатлар ассортимент, кундузги рацион баҳоси ва овқатланиш учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби кўзда тутилади.

Қамоққа олинган шахснинг овқат ейишдан бош тортиши ҳолларида (*очлик эълон қилганида*), махсус қабулхона бошлиғи, унинг ўринбосари (*уларнинг йўқлигида – навбатчи*) сабабларни аниқлайди ва дарҳол махсус қабулхона қайси ички ишлар органига тегишли бўлса, ўша органнинг бошлиғига махсус ёзма хабарнома жўнатади. Очлик эълон қилишга туртки бўлган сабабларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўрилади, қўйилаётган талаблар асосланган тақдирда, улар қондирилади. Талабларни дарҳол бажариш имконияти йўқлигида қамоққа олинган шахсга бу ҳақда тушунтирилади. Очлик эълон қилган қамоққа олинган шахслар алоҳида камераларга жойлаштирилади ҳамда уларга доимий тиббий кузатув белгиланади.

Тиббий ходимнинг ёзма хулосаси асосида қамоққа олинган шахснинг соғлигини назорат қилиб туриш ёки тиклаш чоралари кўрилади. Очлик эълон қилган шахснинг ҳаётига ёки соғлигига ҳавф туғилган пайтда тиббий ходим, унинг йўқлигида эса - махсус қабулхона бўйича навбатчи шошилинч тиббий ёрдам хизматини чақиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (*омбудсманнинг*) махсус қабулхонага бориши.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (*омбудсман*) махсус қабулхонага монеликсиз кириш, шунингдек қамоққа олинган билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиш ҳуқуқига эга.

Махсус қабулхона маъмурияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (*омбудсманга*) қамоққа олинганлар билан монеликсиз ва холи учрашуви ҳамда суҳбати учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (*омбудсманнинг*) қамоққа олинган билан учрашувлари ва суҳбатлари махсус қабулхона ходимлари уларни кўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда холи ўтказилади.

### **3-ўқув савол. Қамокқа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.**

Қамокқа олинган шахслар ушбу Низом қоидаларига ҳамда махсус қабулхона бошлиғи томонидан тасдиқланган кун тартибига риоя қилишга мажбурдир.

Сақлаш қоидалари ва кун тартиби кўринадиган жойга осилади, қамокқа олинган шахслар камерага жойлаштирилишидан олдин улар билан танишиши лозим.

Махсус қабулхонада сақланаётган қамокқа олинган шахслар, қонунчиликда кўзда тутилган чекловларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган мажбуриятларни бажаради, ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланади.

#### **Махсус қабулхоналарда сақланаётган қамокқа олинган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

❖ ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сақлаш тартиби, таклифлар, аризалар ва шикоятлар бериш тартиби ҳақида махсус қабулхона ходимларидан маълумотлар олиш;

❖ махсус қабулхонада сақланаётган пайтида шахсий хавфсизликка эга бўлиш;

❖ овқат, моддий-маиший ҳамда тиббий-санитар таъминот олиш;

❖ қамокқа олинган шахсга нисбатан махсус қабулхонада сақланаётган бошқа шахслар томонидан ҳаётига, соғлигига таҳдид ёки унга нисбатан жиноят содир этилиши ҳавфи пайдо бўлганда, бошқа хонага кўчирилиши ҳақидаги ариза билан исталган мансабдор шахсга мурожаат этиш (бундай ҳолларда мансабдор шахс қамокқа олинган шахсни дарҳол бошқа ҳавфсиз хонага кўчириш чораларини кўриши лозим);

❖ махсус қабулхона раҳбариятига шахсан қабул қилиниши илтимоси билан мурожаат қилиш;

❖ тунги вақтда саккиз соатлик (*соат 22.00 дан соат 06.00 гача*) уйқу вақтига эга бўлиш;

❖ уйқу вақтида ухлаш жойига эга бўлиш;

Махсус қабулхона ходимлари ва ишчиларининг хушмуомила муносабатларига;

Низомнинг 6-иловасига мувофиқ мавсумга қараб ўз кийими, пояфзали ва бошқа буюмлардан фойдаланиш;

Ҳар куни давомийлиги бир соатдан кам бўлмаган сайрдан фойдаланиш;

ўқув бадийий ва бошқа хил ахборот материалларидан фойдаланиш;

адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ва улар билан холи учрашувлар ўтказиш;

яқин қариндошлари билан қисқа муддатли учрашувлар ўтказиш ва улар билан телефон орқали сўзлашиш;

уларнинг виждон эркинлиги кафолатланишини талаб қилиш.

#### **Қамокқа олинган шахслар қуйидагиларга мажбурдир:**

Низом билан белгиланган махсус қабулхонада сақланиш тартибига риоя этиш;



- ❖ махсус қабулхона ходимларининг қонуний талабларини бажариш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришларига тўсқинлик қилмаслик;
- ❖ гигиена ва санитария талабларига риоя этиш;
- ❖ махсусқабулхонамулкниниэхтиётқилиш;
- ❖ навбатчилик жадвалига мувофиқ махсус қабулхона камералари ва бошқа хизмат хоналарини тозалаш;

Махсус қабулхона ходимлари ва бошқа қамоққа олинган шахсларнинг кадр-қимматини ерга урадиган ҳаракатларни қилмаслик;

Шахсий ҳаёти ва соғлигига, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлигига қасддан таҳдид соладиган ҳаракатларни амалга оширмаслик;

белгиланган кун тартибигариояэтиш;

ташқи кўринишини озода қилиб юриш.

**Қамоққа олинган шахс камераси бўйича навбатчилик қилади ва у қуйидагиларга мажбурдир:**

махсус қабулхона ходимлари камераларга кирганларида команда бўйича ўрнидан туриш, кўрсатилган жойда саф тортиб туриш ва камерада бўлган шахсларнинг сони ҳақида айтиш;

камерадаги жиҳозлар ва бошқа мулкнинг сақланишини назорат қилиш;

қамоққа олинган шахслар учун идиш-товоқ олиш ва топшириш;

камерада тозаликни сақлаш, полни супуриш ва артиш.

**Қуйидагилар қамоққа олинган шахсларга тақиқланади:**

спиртли ичимлик ва наркотик моддаларни сақлаш ҳамда истеъмол қилиш;

камералардан бирор нарсаларни олиш, дераза тоқчаларига чиқиш, форточкалардан бош чиқариш, камера эшигидаги кузатув туйнугини беркитиш;

камера жиҳозларига зарар етказиш, камера деворлари ва махсус қабулхона мулкига бирор ёзувлар ёзиш, шунингдек деворлар ва инвентарга расмлар, фотосуратлар, газета ва китоблардан қирқиб олинган парчаларни ёпиштириш;

камерадаги санитария тармоқларини ифлослантириш;

ўзида пул вақимматликларнисақлаш;

сақланиши ва фойдаланилиши тақиқланган нарсалар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш;

буюмларни алмашиш ёки сотиш;

махсус қабулхона ходимларининг қонуний талабларини бажаришни рад этиш ёки бош тортиш.

***Қамоққа олинган шахсларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларини жўнатиш***

Махсус қабулхона ходимлари қамоққа олинган шахсларнинг оғзаки ва ёзма таклифларини, аризаларини ҳамда шикоятларини қабул қилишлари лозим. Оғзаки ва ёзма шаклда баён этилган таклифлар, аризалар ёки шикоятлар китобга қайд этилади ва махсус қабулхона раҳбарлари уларни ҳал этиш чораларини кўради.

Қамоққа олинган шахсларнинг давлат ҳокимияти органларига, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига ёки махсус қабулхонани назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган органларга юбориладиган таклифлари, аризалари ва шикоятлари қабул қилинади ҳамда берилган куннинг эртасидан кечиктирилмай манзилга жўнатилади.

Суд, прокурор, ҳимоячи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (*омбудсман*) ёки махсус қабулхонани текшириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа давлат органлари номига йўлланган аризалар, таклифлар ва шикоятлар цензурадан ўтказилмайди.

Таклиф, ариза ёки шикоятларга жавоблар қамоққа олинган шахсларга тилхат остида эълон қилинади ва уларнинг йиғма жилдларига тикиб қўйилади.

Қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги муносабати билан йўллаган таклифлари, аризалари ва шикоятлари учун ҳеч қандай таъкиб қилинишларига йўл қўйилмайди.

Таклифлар, аризалар ва шикоятларни жўнатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ариза (*таклиф, шикоят*) йўлловчи ҳисобидан қопланади. Қамоққа олинган шахсда пул бўлмаган тақдирда, юборилаётган бу харажатлар махсус қабулхона бевосита бўйсунувчи ички ишлар органи ҳисобидан қопланади.

Қамоққа олинган шахснинг пули йўқлигини тасдиқлаш учун ўрнатилган тартибда далолатнома тузилади, юборилаётган ҳужжатлардан нусхалар олиниб, йиғма жилдига тикилади.

Қамоққа олинган шахсларнинг илтимосларига биноан таклифлар, аризалар ва шикоятлар ёзиш учун уларга ёзув жиҳозлари (*қоғоз, шарикли ручка*) берилади.

Лозим бўлган кийим-кечак ва буюмларни қабул қилиш ва бериш.

Қамоққа олинган шахслар ўзларида сақлашлари, олишлари мумкин бўлган биринчи навбатда зарур бўладиган буюмлар, пояфзал ва кийимлар мазкур Низомнинг 6-иловасига асосан белгиланади.

Қамоққа олинган шахслар махсус қабулхонада бўлишлари даврида уларни зарур дорилар ёки тиббий буюмлар билан таъминлашнинг иложи бўлмаган тақдирда ушбу дорилар ва тиббий буюмларни яқин қариндошларидан махсус қабулхонанинг навбатчиси орқали қабул қилиб олишлари мумкин.

Лозим бўлган кийим-кечак ва буюмлар махсус қабулхона навбатчиси томонидан қабул қилинади ва қамоққа олинганга берилади.

Қамоққа олинган шахсларнинг яқин қариндошларидан олинган дорилар, кийим-кечаклар ва бошқа буюмлар тўғрисида далолатнома тузилиб, расмийлаштирилади ва қамоққа олинган шахснинг йиғма жилдига тикилади.

*Сайрларни ўтказиш*

Қамоққа олинган шахслар сайрга олиб чиқилади. Беморлар, агар шифокор ёки тиббий ходим томонидан сайрга чиқиш тавсия этилмаган бўлса, олиб чиқилмайди.

Қамоққа олинган шахсларни сайрга олиб чиқиш кун тартибига асосан кундузги вақтда амалга оширилади.

Қамоққа олинган шахсларнинг сайри махсус қабулхонанинг кўрикланадиган ҳудудида соат 09.00 дан 18.00 гача бўлган вақт давомида камераларнинг навбати билан камида бир соат давомида кечади.

Ноқулай об-ҳаво шароитларида, фавқулодда ҳолат (қочиш, суиқасд ва ҳ.к) оқибатларини бартараф этишда ёки табиий офатлар, ёнғин ва турли хил кўнгилсизликлар содир бўлган ҳолларда сайир ўтказиш махсус қабулхона бошлиғининг кўрсатмасига биноан қолдирилиши ёки давомийлиги камайтирилиши мумкин.

Сайрда тартибни бузган қамоққа олинган шахслар, махсус қабулхона бошлиғининг (у йўқлигида махсус қабулхона бўйича навбатчисининг) кўрсатмасига биноан, камерага қайтарилади.

### **Махсус қабулхонада қамоқда сақланаётган шахсларнинг моддий жавобгарлиги**

Қамоққа олинган шахслар ўзлари қамоқда сақланиши даврида махсус қабулхона мулкига етказилган зарар учун фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Махсус қабулхонага етказилган моддий зарар миқдори Низомнинг 7-иловасига мувофиқ махсус қабулхона бевосита бўйсунувчи ички ишлар органи бошлиғининг қарори билан фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган тартибда Абелгиланади.

Моддий зарар етказган айбдорларни аниқлаш учун, махсус қабулхона раҳбарияти (*ички ишлар органи бошлиғи*) томонидан тайинланадиган ҳамда зарарнинг етказилиши факти аниқланганидан сўнг уч кундан кечикмаган муддатда ўтказилиши лозим бўлган хизмат текшируви олиб борилади.

Ички ишлар органи бошлиғининг қарори қамоққа олинган шахсга тилхат остида эълон қилинади ва ушбу қарор устидан юқори турувчи мансабдор шахсга, прокурорга ёки судга шикоят келтирилиши мумкинлиги тушунтирилади.

Қамоққа олинган шахснинг илтимосига биноан етказилган моддий зарар миқдорини унинг яқин қариндошлари ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк муассасасига тўлаш орқали қопланиши мумкин.

Қамоққа олинган шахс моддий зарарни ихтиёрий равишда қоплашдан бош тортганда, моддий зарар қонунчиликка мувофиқ суд тартибда ундирилади.

### **Қамоққа олинган шахслар меҳнатидан фойдаланиш**

Қамоққа олинган шахсларни, уларнинг ёзма розилиги билан жисмоний меҳнат қилишга жалб этиш мумкин. Қамоққа олинган шахс ёзма равишда розилик бермаса, уни жисмоний меҳнатга жалб этиш тақиқланади.

Қамоққа олинган шахслар меҳнатидан фойдаланишни ташкил этиш туман (шаҳар) ҳокимликларига юклатилади. Бунда, кунлик иш вақти саккиз соатдан ошмаслиги лозим.

Махсус қабулхона ташкилотлар билан қамоққа олинган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида шартнома тузади. Меҳнат ҳақи конунчиликда белгиланганидан кам бўлмаслиги лозим.

Қамоққа олинган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган пул маблағлари қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақланишлари ва овқатланишлари билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплашга сарфланади.

Қамоққа олинган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган пул маблағларидан ортиб қолган қисми, банкда уларнинг номига очилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Қамоққа олинган шахслар меҳнатидан ижтимоий фойдали ёки жамоат ишларида, махсус қабулхонанинг ўзининг ишлаб чиқариш қувватларида фойдаланиш мумкин, шунингдек улар ички ишлар органлари ва махсус қабулхоналарнинг ободонлаштириш ишларига ҳам жалб қилинишлари мумкин.

Қамоққа олинган шахсларни ишга олиб чиқиш махсус қабулхона ходими ҳамроҳлигида амалга оширилади, бунда битта ходимга кўпи билан 4-6 нафар қамоққа олинган шахслар тўғри келиши лозим. Ишга олиб чиқиладиганлар Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шаклда қамоққа олинган шахслар меҳнатидан фойдаланишни ҳисобга олиш китобида қайд қилинади. Ушбу китобнинг қатъий ҳисоби юритилиб, ҳар бир варағи рақамланади, тикилади ва тасдиқланади ҳамда ушбу китобга қамоққа олинган шахсларнинг танишганлиги ҳақида имзо қўйдирилади.

Қамоққа олинган шахсларни ишга олиб чиқиш ва уларнинг ўз вақтида қайтарилишини назорат қилиш махсус қабулхона раҳбарияти ва навбатчиси томонидан амалга оширилади.

Ишларда меҳнат муҳофазасини ва хавфсизлик чораларини таъминлаш иш берувчи ташкилот томонидан, ички ишлар органи ёки махсус қабулхона объектларидаги ишларда эса - махсус қабулхона бошлиғи томонидан таъминланади.

#### **Қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонадан озод этиш.**

Қамоққа олинган шахслар махсус қабулхонадан белгиланган қамоқ муддати ўталганидан сўнг ёки охири сутканинг соат 20.00 га қадар бўлган вақти давомида озод этиладилар.

Озод этилаётган шахсларга тилхат остида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шу ерга жойлаштирилишида олиб қўйилган (ғайриқонуний сақланаётган деб олиб қўйилганларидан ташқари) шахсий хужжатлари, пуллари, қимматликлари, нарсалари ва бошқа буюмлари қайтариб берилади.

Озод этилаётган шахсларга мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ шаклда қамоқда сақланиши муддати ва озод этилиши асоси кўрсатиладиган маълумотнома берилади.

#### **Қамоққа олинган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти.**

Махсус қабулхонада сақланаётган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатишда тиббий ходимлар қуйидагиларни амалга оширадилар:

зарурий эпидемия ва юқумли касалликларга қарши тадбирларни ўтказиш, бундай ҳолатлар аниқланганда ўта хавфли карантин ва бошқа юқумли эпидемиология назорат марказларига 24 соат ичида тезкор хабарномаларни бериш;

амбулатор, шу жумладан кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш;

шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш;

ўрнатилган тартибда беморлар, махсус тиббий ёрдамга муҳтожлар консултацияларини ташкил қилиш;

ўрнатилган тартибда стационар даволанишга муҳтож бўлган шахсларни даволаш муассасаларига жойлаштириш ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

мутахассис шифокорлар ва маслаҳатчиларнинг тавсиялари ва кўрсатмаларини бажариш;

дорилар, дезинфекция воситалари ва тиббий жиҳозларга эҳтиёжни ҳисобга олиш, уларни тўлдириш (*сотиб олиш*) ҳақида махсус қабулхона раҳбариятига ўрнатилган тартибда тегишли талабномаларни бериш, уларни сақлаш, бериш ва ҳисобга қўйишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш;

жойлаштиришда, овқатланишни ташкил қилишда, сув билан таъминлашда, махсус қабулхонада сақланаётган шахсларни санитария жиҳатидан ишлов берилишида санитария-эпидемиологик қоидаларгария этилишини тиббий жиҳатдан назорат қилиш.

Шошилинич тиббий ёрдамга муҳтож бўлган қамоққа олинган шахсларга, олиб қўйилган буюмлар ва қимматликлар қайтариб берилиб, махсус қабулхонадан чиқариб юборилдилар ҳамда тегишли даволаш муассасаларига жўнатиладилар. Бир сутка давомида ушбу ҳолат ҳақида қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқарган ваколатли мансабдор шахс, шунингдек ўша шахснинг яқин қариндошлари хабардор қилинади.

Махсус қабулхонага янги келган шахсларни қабул қилиш пайтида тана шикастларининг яққол аломатлари бор бўлган қамоққа олинган шахслар, улар тиббий ходим ёки худудий даволаш-профильёьактика муассасаси томонидан тиббий кўриқдан ўтказилиб, қамоқда сақлаб туриш мумкинлиги ҳақидаги ёзма ҳулосадан сўнг махсус қабулхонага қабул қилинади.

Атрофдагилар учун эпидемик хавф туғдираётган беморлар (*ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган беморлар, силнинг фаол шакллари, бошқа хавфли юқумли касалликлар, захм ва сўзакнинг юқумли шакллари билан касалланганлар*) мутахассис-врач томонидан кўриқдан ўтказилгандан ва ёзма ҳулосаси олинганидан сўнггина махсус қабулхонага жойлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолларда улар бошқа қамоққа олинган шахслардан алоҳида сақлаб турилади.

Қамоққа олинган шахсларнинг соғлиғи ҳақидаги шикоятлар ва кўрсатилган тиббий ёрдам натижалари ҳақида Низомнинг 10-иловасига мувофиқ махсус қабулхонада сақланаётган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш китобида қайд қилинади, бу китоб махсус қабулхона тиббий

пунктида, тиббий ходим йўқлигида- махсус қабулхона бўйича навбатчида сақланади.

Махсус қабулхонанинг тиббий ходими ёки шошилиш тиббий ёрдам хизматининг ҳулосасига биноан қамоққа олинган шахс кечиктириб бўлмайдиган стационар даволанишга муҳтож бўлса, у махсус қабулхона ходими назорати остида даволаш муассасасида даволанади.

Касалхонага ётқизишга кўрсатма йўқлигида шошилиш тиббий ёрдам хизматининг катта тиббий ходими томонидан кўриқдан ўтказиш, ташхислаш, тиббий муолажаларни бажариш, шунингдек махсус қабулхона тиббий ходимларига беморни парваришлаган тавсиялар ҳақида тегишли маълумотнома ёзилади. Ушбу маълумотнома махсус қабулхонада сақланаётган қамоққа олинган шахснинг шахсий ишига тикиб қўйилади. Маълумотномада баён қилинган кўрсатмалар тиббий ходим томонидан махсус қабулхонада сақланаётган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш китобига киритиб қўйилади.

Махсус қабулхонада тиббий ходимларнинг йўқлигида, у ердаги сақланаётган шахсларга дастлабки тиббий ёрдам махсус қабулхона ходимлари томонидан кўрсатилади.

Ҳар бир махсус қабулхонада биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун дорилар қутиси бўлиши лозим.

Суд-тиббий (суд-психиатрик) тасдиқланишига муҳтож бўлган шахслар ўрнатилган тартибда тегишли соғлиқни сақлаш муассасаларига жўнатилади.

Махсус қабулхонада қамоқда сақлаб турилган шахснинг оғир касалланиши ёки ўлими билан боғлиқ ҳолатлари ҳақида махсус қабулхона маъмурияти дарҳол яқинларига ва юқори турувчи ички ишлар органига хабар беради.

Қамоққа олинган шахслардан қамоқда сақлаш харажатларини ундириш “Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасига мувофиқ маъмурий қамоққа олинган шахслардан ваколатли мансабдор шахснинг қарорига биноан қамалганларни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар суткасига энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида ундириб олинади. Қамалган шахс маъмурий қамоқда бўлган вақтида ишлаган ва бу билан ўзининг сақлаш харажатларини қоплаган ҳолларда ундан харажатлар ундириб олинмайди. Қамалган шахслар меҳнатга қобилиятсиз бўлсалар, улар ҳам бу харажатларни ундиришдан озод этилади.

Маъмурий қамоққа олиш тўғрисида жазо тайинлаш ҳақидаги масалани ҳал қилишда ваколатли мансабдор шахс ўз қарорида ҳуқуқбузардан махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни ундириш масаласини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатлари учун ундирилган пул маблағлари ушбу шахсларни қамоқда сақлаш учун қилинган харажатларни қоплаш учун йўналтирилади.

**Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 9 январдаги “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги қонунини ўқиб,конспектлаштириш.

## **20-мавзу:Мавзу: Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш махсус қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш**

### **Семинар машғулоти**

Ушбу ўқув машғулоти *“Ақлий ҳужум”* методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга савол ташланади. “Ақлий ҳужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; ходимларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1. Қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва ҳисобга қўйиш асосларини айтиб беринг.
2. Қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхоналарга қабул қилиш учун қандай ҳужжатлар асос бўлади:
3. Қамоққа олинган шахслар қандай сақланади.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) махсус қабулхонага бориши ва кириш тартиби.
5. Қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари нималардан иборат.
6. Қамоққа олинган шахслар нималарга мажбур.
7. Қамоққа олинган шахсларга нималар тақиқланади?
8. Қамоққа олинган шахсларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларини жўнатиш тартиби қандай?

### **Амалий машғулот:**

Мавзу юзасидан амалий машғулот синфхонада тингловчиларга асосан жойларида хизмат олиб бораётган ППХ нарядлари томонидан Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш жойларида яъни махсус қабулхонага маъмурий ҳуқуқбузарлик учун суднинг ажримига асосан келтирилган фуқароларни қабул қилиш тартиби, ҳужжатлаштириш ва уларни жойлаштиришни амалий тартибда мисоллар ва ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

**21-МАНВЗУ: Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари ва уларнинг фаолиятини баҳолаш.**

(маъруза 2 соат)

**Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларни электрон идентификация қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ.

2-ўқув савол. Тошкент шаҳрининг жамоат тартибини таъминлаш кучлари таркибида хизматни ўтаётган ходимлар ва ҳарбий хизматчилар фаолиятини баҳолаш ва уларга бир марталик пул мукофоти тўлаш мезонларини белгилаш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМ**.

**1-ўқув савол. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларни электрон идентификация қилиш тартиби тўғрисида Низом.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон **Фармони** ижросини таъминлаш, шунингдек, ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 июлдаги “**Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**” ги 399-сон Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб ички ишлар органлари фаолиятига босқичма-босқич «Е-патруль» тизими жорий этилиб, фуқаронинг шахсини аниқлаш учун ички ишлар бўлимига олиб бориш амалиётидан воз кечилади ҳамда барча маълумотлар жойида планшет орқали текширилиб, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати (кейинги ўринларда—патруль-пост хизмати) ходимларининг фаолияти «бодикамера»дан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши йўлга қўйилиши белгиланган.

«Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларни электрон идентификация қилиш тартиби тўғрисида»ги низом тасдиқланди.

Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларнинг шахсини электрон техник воситалар, шу жумладан планшет орқали аниқлаш, ходимларнинг фуқаролар билан ўзаро мулоқотини қайд этиб бориш тартиби, «Е-патруль» тизимидан фойдаланиш тартиби ҳамда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимларининг мазкур тизимдан фойдаланиш жараёнидаги мажбуриятлари, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари ҳаракатларини қайд этувчи техник



воситалардан фойдаланиш, «бодикамера» орқали қайд этилган маълумотларни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби белгиланган.

Ушбу Низом ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларнинг шахсини электрон техник воситалар, шу жумладан планшет орқали аниқлаш, шунингдек, патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимларининг фуқаролар билан ўзаро мулоқотини қайд этиб бориш тартибини белгилайди.

Ходимлар томонидан жамоат жойларида фуқаролар шахсини электрон техник воситалар, шу жумладан планшетлар орқали аниқлаш Ўзбекистон Республикасининг **Конституцияси**, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги **кодекси** ва бошқа қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, ушбу Низом ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**«Е-патруль» тизими** — текширилаётган шахсни планшет орқали бармоқ изларини планшетнинг махсус сканери ёрдамида, агар бармоқ излари билан идентификация қилиш имкони бўлмаса, юз тузилиши (юзнинг олд томони)ни расмга олиш орқали реал вақт режимида текшириш, тегишли маълумотларни шакллантириш, тўплаш, умумлаштириш, сақлаш, шунингдек, ваколатли давлат органлари ўртасида идоралараро ахборот алмашишнинг марказлаштирилган электрон тизими;

**бодикамера** — жамоат жойларида атрофдаги вазиятни, фуқароларнинг ҳаракатлари ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ходимлар томонидан хизмат вазифаларини бажариш вақтидаги ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни аудио-, видео ёзув шаклида қайд этувчи ускуна;

**планшет** — маълумотлар базаси ахборот тизимига интеграция қилинган техник восита бўлиб, шахсни биометрик идентификацияси (бармоқ изи ёки юз тузилиши)ни электрон равишда олиб, унинг шахсига оид (судланганлиги, қидирувдалиги, профилактик, пробация ва маъмурий назорат ҳисобида туриши ва бошқа) тезкор маълумотларини мобиль ҳолатда жойида текшириш воситаси.

Бодикамера орқали ёзиб олинган аудио-видео ёзувлардан профилактик тадбирларда жамоат жойларида шубҳали ҳаракатлар содир этаётган фуқароларни текшириш, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашда ашъвий далилларни тўплаш, шунингдек, масъул раҳбарлар томонидан ходимларнинг хизмат ўташ жараёнини текшириш ҳамда назорат қилиш мақсадида фойдаланилади.

«Е-патруль» тизими орқали фуқаронинг шахсга доир маълумотлари (фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, тугилган санаси) ҳамда ҳуқуқбузарлик ёки бошқа (судланганлиги, қидирувдалиги ёки профилактик, пробация ёхуд маъмурий назорат ҳисобида туриши ва бошқалар)

маълумотлари жойида текширилиб, тезкорлик таъминланади, ортиқча оврагарчиликка йўл қўйилмайди.

Бунда фуқароларнинг шахсини бармоқ излари ёки юз тузилиши орқали идентификация қилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг сервер қурилмаларидан фойдаланилади.

«Е-патруль» тизимининг ҳудудларда ишга туширилиши, унинг сифатли фаолият кўрсатиши учун алоқа каналлари узлуксиз ишлашини таъминлашга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги масъул ҳисобланади.

Ходимлар томонидан фуқаронинг шахсини аниқлашга доир маълумотлар электрон тизим орқали рўйхатдан ўтказилган вақтнинг ўзида «Е-патруль» тизимига автоматик равишда бу ҳақда хабар юборилади.

«Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси **Қонунига** мувофиқ, ходимга бириктирилган планшет орқали маълум бўлган шахсга доир маълумотлар ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Ходимлар қуйидаги ҳолларда фуқароларни тўхтатиши ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки «Е-патруль» тизими орқали уларнинг шахсини аниқлаши мумкин:

-шахс жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд кидирувда деб гумон қилиш учун асослар мавжуд бўлганда;

-шахсни содир этилган жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида маълумотга эга деб ҳисоблаш мумкин бўлганда;

-қонунчиликка мувофиқ шахсни ушлаб туриш учун бошқа қонуний асослар мавжуд бўлганда.

Ходим шахсни тўхтатиб, ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишни ва «Е-патруль» тизими орқали унинг шахсини аниқлашни талаб қилганда шахсга уни тўхтатганлик ҳамда ундан шахсини аниқлаш талаб этилаётганлиги сабаблари ва асосларини тушунтириб бериши шарт, бундан хизмат доирасидаги маълумотлар мустасно.

Ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган фуқаро қуйидаги ҳолларда шахсига аниқлик киритиш учун ички ишлар органларига олиб борилади:

унинг шахсини планшет орқали аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда; кидирувда бўлган ёки бедарак йўқолган шахслар аниқланган ҳолларда; шахсига аниқлик киритиш жараёнида қаршилик кўрсатган ҳолларда; жамоат жойларида ҳуқуқбузарлик содир этиш вақтида ушланган ҳолларда (жойида маъмурий баённома тузиладиган ҳоллар бундан мустасно).

«Е-патруль» тизими ҳимояланган тармоғида ишлайди ва маълумотлар архиви (иш ҳужжатларининг электрон шакли) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сервер қурилмаларида сақланади.

«Е-патруль» тизимининг техник ва дастурий таъминоти, шу жумладан «бодикамера» ва планшетлар созлиги, электрон ахборот тизими ва дастурий таъминот ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва янгилаб бориш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

### **«Е-патруль» тизимидан фойдаланиш тартиби**

Ходимлар томонидан «Е-патруль» тизими орқали фуқароларнинг шахсини аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

фуқаро суҳбатлашишдан олдин ходим ўзини таништиради ва хизмат гувоҳномасини кўрсатиш талаб этилган ҳолларда ходим томонидан хизмат гувоҳномаси фуқарога тўлиқ танишиб бўлгунга қадар кўрсатилади (бирок гувоҳномани фуқарога бериш тақиқланади);

фуқаронинг шахсига аниқлик киритишда, муомала маданиятига риоя қилган ҳолда «Е-патруль» тизими орқали идентификациялаш учун планшет ёрдамида шахснинг бармоқ излари планшетнинг махсус сканери ёрдамида, агар бармоқ изи билан идентификация қилиш имкони бўлмаса, унинг юз тузилиши (юзнинг олд томони) расмга олиш орқали текширилади;

мулоқотга киришаётганда ходим ҳушёрликни йўқотмасдан, ўзини оғир, вазмин тутиб, ҳар қандай қутилмаган ҳаракатга тайёр туриши лозим;

суҳбат жараёнида ходим шахсга нисбатан ҳурматсизлик деб қабул қилиниши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатларни содир этиши шу жумладан уяли алоқа воситаси орқали суҳбатлашиши мумкин эмас;

тақдим этилган ҳужжатларни эҳтиёткорлик билан кўздан кечиради, ҳужжатларни текшираётганда унинг ичида ишга тааллуқлиги бўлмаган буюмлар бўлса, уларни эгасига қайтаради (муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган нарсалар бундан мустасно).

Ходимларга бириктирилган планшетлар доимий равишда соз, батарея қуввати тўлдирилган ва дастурий-техник таъминоти ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

Ходимларга планшетлар «Е-патруль» тизимига кириш учун мўлжалланган логин ва пароль билан биргаликда бириктириб берилади.

Ходимлар хизмат вазифаларидан бўшатилганда планшет тегишли моддий-техник таъминот учун масъул ходимга топширилади.

Ходим ўзига бириктирилган планшетни иш вақти тугаганидан сўнг (ёхуд бошқа сабабларга кўра планшетдан фойдаланиш зарурати мавжуд бўлмаган ҳолларда) ички ишлар органи раҳбари белгилаган жой (масъул ходим)га топширади ҳамда ушбу жой (масъул ходим)дан қабул қилиб олади.

**Ходимларнинг ҳаракатларини қайд этувчи техник воситалардан фойдаланиш тартиби**

Бодикамера ходим кўкрак соҳасининг елка қисмига яқин жойга тақилади, шунингдек, махсус жилет ва плашга, хизмат вазифасини бажараётган ва профилактик тадбир ўтказаяётган ходим ҳаракатларига ҳалақит бермайдиган қилиб жойлаштирилади, шунингдек, давлат тилида: «Диққат! Аудио ва видео ёзиб олинмоқда», рус тилида: «Внимание! Ведется аудио и видеозапись», инглиз тилида: «Attention! Audio and video recording in progress» ёзувлари акс эттирилади.

Бодикамерани ёқиш ходим хизмат вазифаларини бажаришга киришган вақтдан амалга оширилади ва хизмат вақти тугагунга қадар бодикамера ишчи режимда бўлади.

Бодикамерани рухсатсиз ечиб ташлаш, ўчириш ва аудио-, видео ёзувга тўсқинлик қилиш мумкин эмас.

Дам олиш, овқатланиш вақтида фақат навбатчилик қисми ёки бевосита бошлиги (командир)нинг рухсати билан аудио-, видео ёзув олиб борилишини вақтинчалик тўхтатади ва бу ҳақда «бодикамера»ларни бериш ҳамда қабул қилишни қайд этиш автоматлаштирилган дастурий таъминотига тегишли ёзувлар киритади.

Бодикамерада носозликлар ёки аккумулятор қуввати тугаганда ходим дарҳол навбатчилик қисми ёки бевосита бошлиги (командир)га хабар беради ва бу ҳақида дастурий таъминотига тегишли ёзувлар киритади.

Бунда, навбатчилик қисми ёки бевосита бошлиқ (командир) ушбу ҳолатни текшириш ҳамда имкон даражасида носозликларни бартараф этиш учун жавобгар шахс — администраторни юборади.

Хизмат вазифасини бажариш вақтида фуқаролар билан низоли ёки мунозарали вазиятлар юзага келганда, жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳамда судланган ва назорат остидаги шахслар томонидан қоидабузарликлар содир этилган ҳолатлар тўғрисида навбатчилик қисмига ёки бевосита бошлиги (командир)га ўрнатилган тартибда воқеа ҳақида билдирги билан ахборот беради ва навбатчилик қисмида мониторинг гуруҳи томонидан дастурий таъминотга тегишли ёзувлар киритилади.

Билдирги ёки видеоёзувлар асосида қайд этилган маълумотлар бўйича масъул ходимлар томонидан қонуний қарор қабул қилиш мақсадида, ўрганиб чиқиш учун улар «Е-патруль» тизимининг умумий сақлаш хотирасидан, ҳуқуқбузарликларнинг турларига кўра, «Е-патруль» тизимининг дифференциал захира хотирасига кўчирилади.

**2-ўқув савол. Тошкент шаҳрининг жамоат тартибини таъминлаш кучлари таркибида хизматни ўтаётган ходимлар ва ҳарбий хизматчилар фаолиятини баҳолаш ва уларга бир марталик пул мукофоти тўлаш мезонларини белгилаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

Ушбу Низом Тошкент шаҳрининг жамоат тартибини таъминлаш кучлари таркибида хизматни ўтаётган ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси саф бўлинмаларининг ходимлари ва Миллий гвардиянинг шартнома асосида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилари (кейинги ўринларда ходимлар ва ҳарбий хизматчилар деб аталади) фаолиятини баҳолаш шартлари ва мезонларини, шунингдек, уларга бир марталик пул мукофоти тўлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом ички ишлар органларининг йўл-патруль хизмати, туман ички ишлар органлари бўйсунувидаги патруль-пост хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўриқлаш хизматлари ва саф бўлинмалари ходимлари ҳамда Миллий гвардиянинг шартнома асосида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларига татбиқ этилади.

Ҳар ойлик иш якуни бўйича ходимлар ва ҳарбий хизматчиларга улар лавозим маошининг 50 фоизигача бўлган миқдорда бир марталик пул мукофоти (кейинги ўринларда мукофот деб аталади) тўланади.

Патруллик қилиш ишларининг ҳудудлар бўйича натижалари мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилишнинг асосий шартлари

ҳисобланади ва ушбу Низомга 1-иловада келтирилган мезонларга мувофиқ ҳар ойда баҳоланади.

Мукофотлаш учун тақдим этилган санада интизомий жазоси бўлган ходимлар ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан рағбатлантириш тариқасида илгари берилган интизомий жазо муддатидан олдин олиб ташланиши кўлланилиши мумкин.

Ушбу мукофот амалдаги моддий рағбатлантириш тизими ва мукофотлаш турларига қўшимча ҳисобланади.

### **Ходимлар ва ҳарбий хизматчилар фаолиятини баҳолаш тартиби**

Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаларининг ички ишлар бўлимлари томонидан бириктирилган ҳудудларда хизмат олиб бораётган ходимлар ва ҳарбий хизматчилардан иборат бўлган патруль гуруҳларининг ҳар кунлик фаолияти натижаларининг ҳисоботи юритилади.

Ҳар куни смена якунланганидан сўнг патруль гуруҳларининг иш натижалари ҳам ҳар бир гуруҳ, ҳам гуруҳнинг ҳар бир аъзоси бўйича алоҳида таҳлил қилинади. Таҳлил натижалари бўйича гуруҳнинг ижобий иш натижалари (бевосита олди олинган, аниқланган, фош этилган оғир ва ўта оғир жиноятлар, ушланган тергов ёки суддан яшириниб юрган шахслар сони ва бошқа натижалар), фаолиятда йўл қўйилган камчиликлар (ушбу гуруҳ хизматни ўташи вақтида патруллик ҳудудидаги кўчалар ва бошқа жамоат жойларида рўйхатдан ўтган ва фош этилмаган жиноятлар сони) ҳақида тегишли ёзувлар ва қайдлар амалга оширилади.

Ҳар ойда ҳисобот оyi тугашидан уч кун олдин ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг ички ишлар бўлими раҳбарияти томонидан ҳар бир гуруҳнинг иш фаолияти умумлаштирилади, таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Гуруҳ фаолиятини баҳолаш унинг натижаларини мезон кўрсаткичлари билан таққослаш, баллар қўйиш, уларни қўшиш ва жарима балларини олиб ташлаш, мукофот миқдорининг лавозим маошига нисбатан фоизини аниқлаш йўли билан амалга оширилади.

Баҳолаш якунларига кўра, ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг ички ишлар бўлими бошлиғи мукофотга тақдим этилган ходимлар ва ҳарбий хизматчиларга уларнинг бевосита командирлари билан келишилган ҳолда хулосалар тайёрлайди.

Хулосада мукофотга тақдим этилган ходимлар ёки ҳарбий хизматчилар томонидан бажарилган ишларнинг баҳоси ва мукофотлаш учун асослар (балл миқдори) акс эттирилади.

Хулосалар ходимлар ва ҳарбий хизматчиларни мукофотлаш ҳақидаги буйруқлар лойиҳаларига киритиш учун асос ҳисобланади.

Келишилган хулосалар:

ходимлар учун — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасига;

ҳарбий хизматчилар учун — мукофот бериш масаласини ҳарбий қисм кўмондонлиги ваколати доирасида ҳал этиш учун Миллий гвардиянинг тегишли бўлинмасига юборилади.

Мукофот миқдорлари асосланган бўлиши лозим ва баҳолаш мезонларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

### **Мукофотни тўлаш тартиби**

Фаолияти натижалари бўйича ходимлар ва ҳарбий хизматчиларни мукофотлаш ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Ходимлар ва ҳарбий хизматчиларни мукофотлаш тегишлича Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг буйруғи ва Миллий гвардиянинг тегишли ҳарбий қисмлари қўмондонлигининг буйруқлари билан амалга оширилади.

Мукофотга тақдим этиш тўғрисидаги буйруқ матнида ҳар бир ходим ёки ҳарбий хизматчини мукофотлашнинг асоси (балл миқдори) ҳамда мукофотнинг аниқ миқдори кўрсатилиши керак.

Мукофотлаш тўғрисидаги буйруқ шахсий таркибга эълон қилинади.

### **Молиялаштириш манбалари**

Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг моддий рағбатлантириш махсус фондларининг маблағлари, уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар мукофотни тўлашни молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

Балларни асосли ва холисона белгилаш учун жавобгарлик ходимлар ва ҳарбий хизматчиларни мукофотга тақдим этиш ҳақида хулоса киритадиган ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаларининг ички ишлар бўлимлари бошлиқларига, мукофот тўланиши учун жавобгарлик эса — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бошлиғи ва Миллий гвардиянинг ҳарбий қисмлари командирларига юкланади.

Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия саф бўлинмалари ходимлари ва Миллий гвардиянинг шартнома асосида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилари фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари

Т/р	Фаолиятни баҳолаш мезонлари	Баллар	
<b>1.</b>	<b>Жиноятни шахсан фош этиш:</b>		
-	ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган*	+	6
-	унча оғир бўлмаган*	+	9
-	оғир*	+	12
-	ўта оғир*	+	15
<b>2.</b>	<b>Жиноят фош этилишида бевосита иштирок этиш:</b>		
-	ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган	+	2
-	унча оғир бўлмаган	+	3
-	оғир	+	4
-	ўта оғир	+	5
<b>3.</b>	<b>Шахсан аниқланган шахслар:</b>		
-	бедарак йўқолган	+	6
-	ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларни ва/ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлиги учун терговдан ва/ёки суддан яшириниб юрган	+	9

-	оғир ва/ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун терговдан ва/ёки суддан яшириниб юрган	+	12
<b>4.</b>	<b>Шахсларни аниқлаш ва ушлашда бевосита иштирок этиш:</b>		
-	бедарак йўқолган	+	2
-	ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни ва/ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлиги учун терговдан ва/ёки суддан яшириниб юрган	+	3
-	оғир ва/ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун терговдан ва/ёки суддан яшириниб юрган	+	5
<b>5.</b>	Муайян яшаш жойига эга бўлмаган, алкоғолли ичимликдан ёки гиёҳвандлик таъсирида кучли мастлик ҳолатида бўлган шахсларни реабилитация марказларига, тиббий ёрдам кўрсатиш ва реабилитация пунктларига, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига олиб келиш	+	1
<b>6.</b>	Тегишли бўлинмаларга ва/ёки органларга тақдим этилиб, жиноятларнинг олдини олиш ва/ёки фош этиш, терговдан ва/ёки суддан яшириниб юрган шахсларни ушлашга ёрдам берган тезкор ахборотнинг тасдиқланиши	+	3
<b>7.</b>	Маъмурий ҳуқуқбузарликни аниқлаш ва бартараф этиш	+	1
<b>8.</b>	Хизматни ўташ мобайнида хизмат вазифаларини бениқсон бажарганлиги учун корхоналар, ташкилотлар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидан, шунингдек, фуқаролардан миннатдорлик хатлари билан тақдирланганлар	+	2
<b>9.</b>	Ҳисобот даврида бириктирилган патруллик ҳудудида жиноят содир этилишига йўл қўймаслик, жамоат тартибини бузиш ҳолатларининг мавжуд эмаслиги	+	40
<b>10.</b>	Одамлар ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф солувчи ёнғинлар, табиий офатлар, фавқулодда ва бошқа вазиятларда одамларни қутқариш	+	50

\* Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг [15-моддасига](#) мувофиқ жиноятларнинг таснифланиши.

Изоҳ. Баллар ҳар бир ҳолат бўйича берилади.

Одамларни қутқаришда жасорат кўрсатиш кўринишидаги алоҳида хизматлар рағбатлантириш билан бирга давлат мукофотларига тақдим этиш учун асос бўлиши мумкин;

<b>Балларни олиш учун асослар</b>			
<b>1.</b>	<b>Патруллик ҳудудидаги кўчалар ва бошқа жамоат жойларида содир этилишига йўл қўйиш:</b>		
	ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят	-	5
	унча оғир бўлмаган жиноят	-	10
	оғир жиноят	-	15
	ўта оғир жиноят	-	20
<b>2.</b>	Тўлиқ бўлмаган экипировка билан хизматга чиқиш	-	20
<b>3.</b>	Хизмат интизомини қўпол равишда бузиш	-	100
<b>4.</b>	Хизмат олиб боришда хушёрликни йўқотиш	-	15
<b>5.</b>	Узрли сабабларсиз патруллик ҳудудидан четга чиқиш	-	35
<b>6.</b>	Хизмат олиб бориш вақтида ухлаш	-	40
<b>7.</b>	Нарядларни текширишга ваколатли мансабдор шахслардан ёзма танбеҳ олиш, шу жумладан, уларга нисбатан номуносиб муносабатда бўлиш	-	10
<b>8.</b>	Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш	-	10
<b>9.</b>	Формали кийим-бош кийиб юриш қоидаларини бузиш	-	10

10.	Асоссиз сабабларсиз ҳодиса содир бўлган ёки сигнал берилган жойга ўз вақтида етиб бормаслик	–	50
11.	Нарядларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки хурматсизларча муносабатда бўлганлиги, хизмат одоб-ахлоқи қоидаларини бузганлиги ҳақида фуқаролар мурожаатларида кўрсатилган ҳолатларнинг хизмат текшируви натижалари бўйича тасдиқланиши	–	45

Изоҳ. Баллар ҳар бир ҳолат бўйича олинади.

Балларни олишга сабаб бўлган ҳолатлар бир вақтнинг ўзида қилмишнинг оғирлиги ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда интизомий жазога тортиш учун асос бўлиши мумкин.

Баллар йиғиндиси	Мукофот миқдорининг лавозим маошига нисбатан фоизи
55 — 65 балл	10 %
66 — 75 балл	20 %
76 — 85 балл	30 %
86 — 95 балл	40 %
96 балл ва ундан юқори	50 %

### Топшириқ.

Бодикамералар орқали қайд этилган маълумотларни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби ҳамда . «Е-патруль» тизимидан фойдаланишда ходимнинг мажбуриятларини ўқиб конспектлаштириш.

**21-МАВЗУ: Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари ва уларнинг фаолиятини баҳолаш.**

### Семинар машғулоти:

Ушбу ўқув машғулоти **“Ақлий ҳужум”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга саволлар ташланади. “Ақлий ҳужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; ходимларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида кўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

**Ўқув машғулотнинг саволлари:**



1.Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш бўйича қабул қилинган норматив ҳужжат.

2.Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларни электрон идентификация қилиш тартиби.

3.Патруль-пост хизмати ходимлари Ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилинаётган фуқаролар ва бошқа шубҳали шахсларни текшириш тартиби?

4. “E-patrol” тизими орқали идентификациялаш.

5.Ходим қандай ҳолларда фуқароларни тўхтатиши ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиши ёки уларнинг шахсини “Е-патруль” тизими орқали аниқлаши мумкин.

### **Амалий машғулот**

Амалий машғулот асосан ППХ нарядлари томонидан кўча ва жамоат жойларида хизмат олиб бораётган ходимлар томонидан «Е-патруль» тизими, бодикамера ва планшетдан қандай фойдаланиш амалий тартибда ўтказилади

## **22-Мавзу: ППХ нарядларининг гиёҳванд моддалар ва психотроп воситалар тарқалишининг олдини олиш бўйича вазифалари.**

(маъруза 2 соат)

### **Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. Гиёҳвандлик моддалар ёки психотроп воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг тавсифи.

2-ўқув савол. Гиёҳвандлик моддалар ва психотроп воситаларни турлари ва номлари.

**1-ўқув савол: Гиёҳвандлик моддалар ёки психотроп воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг тавсифи.**

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан муомала қилиш тартиби “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август кунидаги 813-І-сонли қонуни билан белгиланади. Ушбу қонунга мувофиқ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонуний муомалада бўлиши (олиб кириш, олиб чиқиш, транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш) тартибга солинган. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат қилмишлар учун жавобгарлик амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисми VI бўлимининг XIX бобида белгиланган.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилишдан иборат жиноятлар деганда – жиноят қонунида жазо кўллаш таҳдиди билан назарда тутилган, инсон соғлиғи билан боғлиқ жамоат хавфсизлигини, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан муомала қилиш тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи, айбли ижтимоий хавфли қилмишлар тушунилади.

Гиёҳвандликнинг жаҳонда қабул қилинган номи – “наркомания” сўзи грекчадан таржима қилинганда “narke” – (оцепенение) қотиб қолиш, “mania” – (безумие, страсть влечение) кучли ҳис-туйғу, майл, ҳавас маъноларини ифодалаб, наркотик воситалар ва психотроп моддаларга тобеъликни билдиради.

XX аср бошларида эса дунёнинг қатор давлатларида аҳоли ўртасида наркомания авж олиб касаллик сифатида намоён бўла бошлаган.

Бугунги кунда дунё миқёсида наркомания ёшлар ўртасида кенг тарқалиб, улар сони кун сари ортиб бораётганлиги, жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган асосий муаммолардан бирига айланиб бормоқда.

Дунёда ва айнан минтақамизда гиёҳвандлик билан боғлиқ кескин вазиятнинг келиб чиқишига бизга кўшни бўлган давлат - Афғонистоннинг ҳиссаси каттадир.

Наркотаҳдиднинг ўчоғига айланган Афғонистонда вужудга келган сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий вазият нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақаси, Россия, Европа ва бошқа мамлакатларда юзага келаётган наркоҳолатга ўзининг муайян таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Халқаро экспертларнинг хулосаларига кўра, 2013 йилда Афғонистонда опийни ишлаб чиқарилиши кўрсаткичи охириги 10 йилдаги энг юқори поғонага кўтарилиб, етиштириш учун ажратилган майдонлар сатҳи ўтган йилларга нисбатан катта майдонни ташкил этган бўлса, 2014 йилда халқаро экспертларнинг тахминларига кўра кўкнор етиштириш майдонлари сатҳи ундан ҳам кўпроқ ва катта майдонга кенгайиши кутилаётгани тўғрисида айтиб ўтилган .

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилишдан иборат жиноятларнинг бевосита объекти бўлиб, аҳолининг соғлиғи ҳисобланади. Фақатгина, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатлар Жиноят кодексининг 275-моддасида назарда тутилган жиноятнинг бевосита объекти бўлиб ҳисобланади. Жиноят кодекси Махсус қисмининг саккизинчи бўлимида, гиёҳвандлик воситалари деб:

-“Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги БМТнинг 1961 йилги Ягона Конвенциясининг I ва II Рўйхатларига киритилган, табиий (ўсимликлардан табиий усулда олиниши) ёки сунъий (махсус лаборатория шароитида) усулда тайёрланган ҳар қандай гиёҳвандлик воситалари.

Психотроп моддалар деганда эса:

-БМТнинг «Психотроп моддалар ҳақида»ги 1971 йилги Конвенциясининг I, II, III ва IV рўйхатларига киритилган ҳар қандай табиий

ёки синтетик модда ёхуд ҳар қандай табиий материал ҳисобланиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги 1999 йил 19 август кундаги қонунининг 3-моддасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қуйидагича таъриф берилган:

-гиёҳвандлик (наркотик) – моддалар гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар;

-психотроп воситалари – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.

Кўрилатган аксарият жиноятларнинг объектив томони турли хил фаол ҳаракатларда намоён бўлади:

-Жиноят кодекси 270-моддасининг биринчи қисми диспозициясига мувофиқ тақиқланган экинларни етиштириш деганда, кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш тушунилади.

Жиноят предмети сифатида кўрилатган модданинг биринчи қисми мазмунига кўра кўкнор, мойли кўкнор, каннабис ўсимликлари ёки таркибида БМТнинг “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги 1961 йилги Ягона Конвенциясининг I ва II Рўйхатларига киритилган табиий ҳар қандай гиёҳвандлик воситалари ёки БМТнинг “Психотроп моддалар ҳақида”ги 1971 йилги Конвенциясининг I, II, III ва IV Рўйхатларига киритилган ҳар қандай табиий моддалар бўлган экинлар назарда тутилади. Жиноятнинг объектив томони тақиқланган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштиришдан иборат бўлган икки мустақил қилмишларни содир этишда ифодаланади.

-Жиноят Кодексининг 127-моддасига мувофиқ вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб қилиш, яъни вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этганлик учун жазо чораси белгиланган.

-Жиноят кодексининг 271-моддасига мувофиқ гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни эгаллаш учун жавобгарлик улар корхона, ташкилот ва муассасалардан қонунга хилоф равишда олинганда, таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари бўлган ўсимликлар ёки уларнинг бўлақлари қишлоқ хўжалиги корхоналари далаларидан ва бу ўсимликлар ўстирилатган фуқароларнинг ер майдонларидан қонунга хилоф равишда териб олинганда, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, уларни қонуний ва ноқонуний равишда эгаллаб турган

фуқаролардан қонунга хилоф равишда олинган (эгалланган) ҳолларда юзага келади. Кўрилаётган жиноятларнинг субъекти 14 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар ҳисобланади. Субъектив томондан жиноят айбнинг тўғри қасд шакли билан ифодаланади.

-Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш (ЖК 273-м.);

-Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш (ЖК 274-м.);

-Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖК 275-м.);

-Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (ЖК 276-м.) каби жиноятлар ҳам ҳаракат ҳам ҳаракатсизлик орқали содир этилиши мумкин.

Ноқонуний муомалада аниқланган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг миқдори наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссиясининг 2010 йил 6 апрелдаги 10/10-сонли қарори билан тасдиқланган “Қонунга хилоф сақлаш ёки муомаладаги топилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар ўлчамининг оз, озгинадан кўп ва кўп миқдорга мансублиги рўйхати”да белгиланган.

Жиноят кодексининг 271-моддасида (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш) назарда тутилган жиноят учун жавобгарлик 14 ёшдан белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 56-моддасида гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш каби ҳатти-ҳаракатларни содир этганлик учун гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазосига сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларининг аксарияти учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ва алоҳида оғирлаштирувчи қўйидаги ҳолатлар белгиланган:

-илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилиши;

-бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши;

-ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилиши;

-уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши.

Иштирокчиликнинг мураккаб шаклидан фарқли ўлароқ уюшган гуруҳда икки ёки ундан ортиқ шахслар жинойий фаолият билан шуғулланиш учун бирлашадилар. Бундан ташқари, жинойий гуруҳни уюшган деб квалификация қилиш учун асосий мезон тариқасида, масалан, гуруҳнинг барқарорлиги, унда ташкилотчининг бўлиши, одатда, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлиги, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлиги, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлиги, техника билан таъминланганлиги, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлиги, умумий интизомга ва жинойий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилинишини ва шу кабиларни ҳисобга олиш лозим.

## **2-ўқув савол. Гиёҳвандлик моддалар ва психотроп воситаларни турлари ва номлари.**

Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддалар айланишини назорат қилиш соҳасидаги давлат стратегияси давлат ҳудудини трансмиллий наркогуруҳлар томонидан гиёҳванд моддалар контрабандаси мақсадида фойдаланишини олдини олиш, мамлакат ичида наркобизнеснинг хом ашё базасини бартараф этиш, халқаро мажбуриятларни бажариш ва гиёҳванд моддаларнинг қонуний айланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиш, гиёҳванд беморларга кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек бу соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтирилган. Шу боис давлат мавжуд муаммони ҳал қилиш учун тегишли чора-тадбирлар кўришга мажбур бўлмоқда ҳамда наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомалада бўлишига қарши кураш соҳасида ўз сиёсатини амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 январь кунидаги 56-сонли “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги қарори билан республика ҳудудида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш кўрсатиб ўтилган. Жумладан: гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни *(таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни ўстиришдан ташқари)* лицензиялаш бўйича ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги; таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни ўстириш билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус ваколатли органлар этиб белгиланган.

“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август кунидаги 813-И-сонли қонунида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш, лицензия беришни рад этиш асослари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш шартлари, янги гиёҳвандлик воситалари ва

психотроп моддаларни ишлаб чиқиш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш каби бир қанча муаммоли ҳолатларга атрофлича тўхталиб ўтилган. Ушбу Қонун гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлишига оид ижтимоий муносабатларни тартибга солиди ҳамда уларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига монеълик қилиш, фуқаролар соғлигини сақлаш ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлашни мақсад қилиб қўяди.

### **Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:**

-гиёҳвандлик (*наркотик*) воситалари — гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар;

-психотроп моддалар — психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар;

-прекурсорлар — прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар;

-гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари — кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар;

-препарат — моддаларнинг ҳар қандай физик ҳолатдаги, таркибида битта ёки бир нечта гиёҳвандлик воситалари ёхуд психотроп моддалар бўлган аралашмаси;

-гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши — гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (*олиб чиқиш*), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш;

-гиёҳвандлик (*наркомания*) — гиёҳвандлик воситаларига руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик;

-заҳарвандлик (*токсикомания*) — психотроп моддаларга, шунингдек дорилик хусусиятига эга бўлмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий, гиёҳвандлик воситаларига ўхшаш руҳиятга фаол таъсир этувчи моддаларга руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик ва бошқалар.

Республикамизда ушбу йўналишда кўрилаётган чоралар наркотик воситалар ва психотроп моддалар муомаласини қатъий назорат қилиш, гиёҳвандлик билан касалланган шахслар сонини аста-секин камайтириш, шунингдек наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар сонини камайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси бир қанча халқаро Конвенцияларнинг иштирокчисидир, жумладан:

-1961 йилги БМТнинг “Гиёҳванд моддалар тўғрисидаги” ягона Конвенцияси;

-1971 йилги БМТнинг “Психотроп моддалар тўғрисидаги” Конвенцияси;

-1988 йилги БМТнинг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенцияси.

Миллий даражада гиёҳванд моддаларга қарши сиёсат ижтимоий муносабатларни қонунчилик йўли билан тартибга солиш шаклида амалга оширилади. Ўзбекистонда наркологик хизмат фаолиятини тартибга солувчи меъёрий – ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича ишлар доимий олиб борилмоқда. Жумладан:

-1999 йил 19 августдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги 813-І- сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;

-“Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрель кундаги Қонуни.

-1999 йил 20 март кундаги “Наркобизнес, наркотик воситалар ва психотроп моддалар, улар прекурсорларини ноқонуний муомаласига, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали ташишга қарши курашни кучайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 31 июль кундаги “Наркотик воситалар ёки психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва у орқали олиб ўтиш тўғрисида”ги қарори;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июль кундаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги 56-сонли Қарори;

-Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссиясининг 2009 йил декабрда тасдиқланган “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний сақлашда ёки муомаласида аниқланган миқдорларни “кўп бўлмаган”, “кўп бўлмаган миқдордан ошувчи” ва “кўп миқдорлар” нисбатини рўйхати.

Юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқий асослар, яъни Халқаро Конвенциялар ва уларга асосан республикамизда қабул қилинган қонунлар, қарорлар, буйруқлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар республикамиз ҳудудида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний муомаласини олдини олиш ва тартибга солиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

## Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг турлари ва номлари

Таркибида гиёҳвандлик воситаси мавжуд бўлган ўсимликлар асосан икки турга бўлинади:

**1.Каннабис** (*маҳаллий тилда Наша деб аталадиган ўсимлик*).

**2.Кўкнори.**

**Каннабис, лотинча номи – Cannabis sativa L.**

**Каннабис ўсимлиги** – бир йиллик ўсимлик ҳисобланиб, новдаси тўғри, асоси думалоқ шаклда, ўрта ва юқори қисмлари қовурғасимон, новдасидан томонларга шохчалар отган ва улардан барглар тўғри ҳолда униб чиққан кўринишга эга.

Каннабис ўсимлигининг баландлиги 3 метргача (2 м 80 см) бўлиб, вегетация даражаси энг юқори паллага чиққанда август-сентябр-октябр ойларига бориб таркибидаги гиёҳвандлик моддалари ҳисобланган тетрагидроканнабинол (ТГК) ушбу ўсимликларда пайдо бўлган гулмуғжаларда йиғила бошлайди. Каннабис ўсимликлари ердан униб чиққандан бошлаб, уларнинг барча қисмларида ТГК бор бўлади.



### Каннабис (наша) ўсимлиги

Шу сабабли бизда уни яширин экиш ҳолатлари тез-тез учраб туради

Каннабис (*Гиёҳвандлар тилида номланиши: дур, план, клевер, сено*) ўсимлигининг юқори қисми, қуритилган барглари ва уруғларидан иборат бўлган йиғим. Унинг ранги барг рангига ўхшаш ёки хира яшил рангли бўлиши мумкин.

**Марихуана** – каннабис ўсимлигининг юқори қисми, майдаланган барглари, гуллари, ғунчалари, майда шохчалари, ўзак поясидан ташқари баъзида бир неча уруғлари, ўзида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол (ТГК) мавжуд бўлган қуруқ ёки нам ҳолдаги кўринишидир.

Ташқи кўриниши: қуруқ ёки қуруқ бўлмаган ҳолдаги ўсимлик хомашёси, ранги оч-яшилдан кўнғир ранггача.

Асосан, чекиб ёки чайнаб истеъмол қилинади. Истеъмол қилинганда эйфория, борлиқни ранг-баранг қабул қилиш, фикрлашнинг тезлашиши, хирсий хусусиятларнинг кучайиши пайдо бўлади. Бундан ташқари,





психосенсор ўзгаришлар, иллюзиялар (*кичик ариқ худди катта дарёга ўхшаб, секин овозлар гумбурлашдек, шовқиндек туюлиши*), деперсонализациялар (*ўз тана аъзолари инкор этиши*) учрайди.

### Марихуана гиёҳвандлик воситаси

**Гашиш** - (*Гиёҳвандлар тилида номланиши: опикли, дур, чернушка*) канабис ўсимликларининг қисмларидан олинган, куришиб майдаланган марихуанани турли хил йўллар билан қайта ишлаш йўли билан олинади.

Ташқи кўриниши: майдаланган ҳолдаги ўсимлик хомашёси, пресланган таблетка, тугма-дори, плитка, чўпсимон, гувалачасимон ва сақичсимон шаклларда. Ранги тўқ-яшилдан тўқ-қўнғиргача.

### Гашиш гиёҳвандлик воситаси



**Гашиш мойи** – каннабис ўсимлигининг ҳар-хил кўриниши ва турлари қисмларидан экстракция (турли эритмалар ёки ёғлар ёрдамида) усулида ажратиб олинган ўзида фаол гиёҳванд модда ТГК мавжуд бўлган аралашма ёки қовушқоқ масса дир.

### Гашиш мойи



Ташқи кўриниши: суюқ кўринишидан қовушқоқ масса кўринишигача. Ранги яшилдан қўнғир ранггача.

### Кўкнори лотинча номи-*Paraver somniterum* L

**Кўкнори ўсимлиги** – бир йиллик, йирик кўринишдаги ўсимлик ҳисобланиб, бўйи ярим метрдан 2 метргача (50-200 см.гача) бўлиб, ўзаги ўт



билан қопланган, зангори-кўк ранг кўринишида бўлади. Кўкнор яшил рангли кенг ва япалоқ баргли ўсимлик бўлиб, ўсимлик пояси шохларининг юқори қисмларида аввал турли хил ранглардаги япроқлари бўлган гуллар ва гулмуғжалар пайдо бўлади, улар тушгандан кейин ўрнида айлана овалсимон кўринишдаги кўсақлар, яъни бошоқлар пайдо бўлади. Ушбу бошоқларда бу ўсимликларнинг вегитация даражаси энг юқориги паллага чиқиш арафасида май-июнь ойларига бориб гиёҳванд моддалари ҳисобланган опий гуруҳи алкалоидлари йиғила бошлайди. Кўкнор ўсимликларининг бошоқлари етилиб пишгандан кейин пояси шохининг ушбу бошоқлардан 20 см. пастгача бўлган қисмларида гиёҳвандлик моддалари ҳисобланган опий гуруҳи алкалоидлари – морфин, кодеин, *тебаин йиғилади*.

**Кўкнори пўчоғи (маковая солома)** – ўсимликнинг ҳамма турлари ва кўринишлари, уруғидан ташқари, барча қисмлари (бошоғи, шохлари ва барглари)дан иборат бўлган ўзида фаол гиёҳванд опий алкалоидлар – морфин, кодеин, тебаин мавжуд бўлган модда.

Ташқи кўриниши: бошоқ ёки унинг майдаланган кўринишида, қуритилган ёки қуритилмаган ҳолатда, ранги оч-кўкдан тўқ-кўк ранггача ва оч-сарғиш рангдан то қўнғир ранггача бўлади.

### Кўкнорининг пўчоғи.



**Кўкнори пўчоғи экстракти** - ўзида фаол гиёҳванд опий алкалоидлар – морфин, кодеин, тебаин мавжуд бўлган пишган ва пишиб етилмаган барча турдаги кўкнори бошоғидан ажратиб олинган ширасини экстракция йўли билан сув ёки органик эритувчилар ёрдамида ажратиб олингани.

Ташқи кўриниши: қаттиқ формасиз гуваласимон ва суюқ ҳолатда, ранги қўнғирдан то қора ранггача.



**Опий** – кўкнор ўсимлиги бошоқлари етилиб пишиши арафасида учи ўткир жисмлар ёрдамида кесилиши натижасида бошоқлардан опий моддаси ажралиб чиқади ва уни йиғиб олиш натижасида олинади. Аввал оқ рангли қаймоққа ўхшаш модда бошоқларидан сизиб чиқади ва иссиқлик, ҳамда ташқи муҳит таъсирида вақт ўтиши билан қорайиб қўнғир, қора-қўнғир ва қора рангга киради. Ўзида фаол гиёҳванд опий алкалоидлар – морфин, кодеин, тебаин мавжуд бўлган пишган ва пишиб етилмаган барча турдаги кўкнори бошоғидан ажратиб олинган ширасидир.

Ташқи кўриниши: малҳамсимон, пастасимон, пластилинсимон ҳамда куруқ ҳолдаги гуваласимон ва кукунсимон ҳолатларда, ранги қўнғир рангдан қора ранггача кўринишда бўлади.

**Опий (гиёҳвандлар тилида номланиши: опиуха, химанка, қорахон) лотинча номи Opium.**

Опий таркибида 2-20% алкалоидлар, углевод, каучук, органик кислоталар, тритерпен бирикмалар, пектин, оқсил, шиллик ва бошқа моддалар бор. Опийдан 30 га яқин хар хил алкалоидлар ажратиб олинган. Опийнинг асосий алкалоидлари морфин (4-21 %), наркотин (10-18%), кодеин (1-3 %), папаверин (0,5-1,5%) ватебаин (0,4-1%).



**Героин (Гиёҳвандлар тилида номланиши: гера)** Савдодаги номланиши Диацетилморфин, Героин биринчи марта 1874 йилда морфиндан олинган. 1898 йилда Байер компанияси биринчи бўлиб оғрикни қолдирувчи восита сифатида ишлаб чиқара бошлаган. Сунъий усулда олинган гиёҳвандлик воситаси. Тоза героин оқ кристалл, аччиқ тамли моддасидир.

**Героин** – кўкнор ўсимлиги бошоқларидан олинган опий моддасини кимёвий йўл билан махсус лабораторияларда органик бирикмалар ёрдамида қўлбола усулда ва бошқа кимёвий йўллар билан қайта ишлаш усули билан олинади. Опийнинг таркибида мавжуд бўлган морфиндан олинган, таркибида диацетилморфин гиёҳвандлик хусусиятига эга бўлган синтетик моддасидир.

Ташқи кўриниши: оқ рангдан жигарранггача. Кўпинча ун ва крахмаллар аралаштирилган ҳолларда учрайди.

Героин гиёҳвандлик воситаси гиёҳвандлар томонидан инъекция (шприц орқали) ва чекиш орқали қабул қилинади. Ушбу модда инсон ҳаёти учун хавфлилик даражаси бўйича биринчи ўринда туради. Героин гиёҳвандлик моддасига жисмоний қарамлик охириги қабул қилинган вақтдан

10-20 соат ўтгандан сўнг бошланади. Инсон ўз хоҳиши билан ушбу қарамликдан қутулолмайди.

**Кокаин** – жанубий Американинг



Андеан тоғли худудида ўсадиган

“Кока” номли ўсимлик баргидан тайёрланиб, алкалоидлар туркумидаги модда ҳисобланади. Кока баргларига керосин билан ишлов берилганда пастасимон модда пайдо бўлади. Ушбу пастага хлорид (*соляная*) кислотаси қўшилганда туз-кокаин гидрохлориди ҳосил бўлади. Рангсиз, аччиқ таъмли, сувда яхши эрийдиган майда кристалл кўринишида бўлади. 1860 йилда кашф этилиб, 20 йилдан сўнг тиббиётда оғриқсизлантирувчи сифатида фойдаланилган. Асосан, тери остига, венага юбориб, кўп ҳолларда ҳидлаб истеъмол қилинади. Истеъмол қилинганда, фикрлаш қобилиятининг кучайиши, сергаплик, ҳаракатчанлик билан ўтадиган эйфория ҳолати кузатилади. Оқибатида, дармонсизлик, жаҳлдорлик, мушаклар бўшашуви ва титроқ ҳолатлари келиб чиқиб, чуқур шахс ўзгаришлари ривожланади. Сурункасига истеъмол қилинса психозлар келиб чиқади.

“Крэк” – кокаиннинг кўчадаги номи бўлиб, аммиак, бикарбоант содаси (*ош содаси*) ва сувдан фойдаланилиб, тайёр маҳсулот ҳолатига келтирилади. Сўнг, гидрохлорид тузлари қайнатиш орқали йўқотилади ва чекишга тайёр бўлади.

**Наркотик “крокодил” (дезоморфин)** – таркибида кодеин мавжуд бўлган препаратлар, бензин, йод, маиший аралашмалар (растворитель), фосфорлар аралашмасидан тайёрланиб, тайёрланиш жараёнида металлларни тайёрлашда ишлатиладиган кучли захарли моддалар ишлатилиши билан тез орада (бир неча ой) ўлим келтириб чиқариши билан хавфлидир. Ушбу наркотик воситага “крокодил” деб ном берилишига сабаб, уни инъекция орқали қабул қилган инсон аъзосида яра ва емирилиш пайдо бўлиб йиринглайди ва терини шу шикастланган жойи тимсоҳ терисига ўхшаб қолади. Ушбу наркотик восита 2000 йилда аниқланган бўлиб, 2005 йилдан гиёҳвандлар орасида оммалашиб кетган. Крокодил наркотик воситаси қарамлик келтириб чиқариш даражаси бўйича икки марта истеъмол қилишнинг ўзи етарли бўлади. Хавфлилик даражаси бўйича героиндан кейинги иккинчи ўринда туради. Натижада ушбу наркотик воситани гиёҳвандлар томонидан истеъмол қилиниши оқибатида гиёҳвандларда охири ўлим билан тугайдиган яралар ва емирилишлар пайдо бўлиши кузатилган.

***Ички ишлар органларининг ППХ нарядлари томонидан наркотик воситалар ва психотроп моддалар тарқалишининг олдини олиш ҳамда бунга чек қўйиш борасидаги вазифалари ва функциялари***

❖ наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомалага чиқадиган манбалари ва каналларини аниқлаш ва тўсиш;

❖ наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг кўса ва жамоат жойларида ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш, уларни очиш ҳамда айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш;

❖ наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш, қонунларда белгиланган наркотик воситалар ва психотроп моддаларни муомалага чиқариш тартибини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортиш;

❖ наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний тарқатилиши сабаблари ҳамда бунга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

ППХ ва ЖТС хизмат ва бўлинмаларининг ходимлари наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қаршилик кўрсатишда қўллайдиган маъмурий-процессуал таъминот чоралари гуруҳига қўйидагиларни киритиш лозим:

➤ ушлаб келиш (мажбурлаб), олиб бориш, маъмурий тартибда ушлаб туриш, тиббий гувоҳлантириш;

➤ наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига алоқадор нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш.

Маъмурий мажбурлов чораларининг ушбу гуруҳи шахснинг ҳаракатланиш эркинлигини мажбуран чеклаш ва унинг ўз мажбуриятларини бажаришини процессуал таъминлашга, шунингдек далиллар олишга қаратилган (маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш шарт-шароитларини аниқлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иши юритилаётган шахсга оид маълумотларни аниқлаш).

**Келгуси машғулот учун топшириқ:** “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август кунидаги 813-І-сонли қонунини ўқиб конспектлаштириш.

## **22-Мавзу: ПИХ нарядларининг гиёхванд моддалар ва психотроп воситалар тарқалишининг олдини олиш бўйича вазифалари.**

### **Семинар машғулоти**

Ушбу ўқув машғулоти **“Ақлий хужум”** методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Мавзу юзасидан тингловчиларга саволлар ташланади. “Ақлий хужум” методи орқали уларнинг мавзу бўйича билимлари аниқланади.

“Ақлий хужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат: ходимларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади; ходимларлар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади; ходимларнинг фикр-ғоялари (диктофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади; фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади; юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

#### **Ўқув машғулотнинг саволлари:**

1. “Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август кунидаги 813-І-сонли қонун мазмун моҳияти.

2. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилишдан иборат жиноятлар тушунчаси.

3. Психотроп моддалар тушунчаси.

4. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларининг оғирлаштирувчи ва алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатлар.

**23-мавзу: Ички ишлар органлари ходимларининг карантин тадбирларини таъминлаш бўйича вазифалари.**

(маъруза 2 соат)

#### **Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси карантин тадбирларини таъминлаш бўлимининг вазифалари ва функциялари.

2-ўқув савол. Бўлимнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ва фаолиятини ташкил этиш.

3-ўқув саволи. Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари.

**1-ўқув савол: Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси карантин тадбирларини таъминлаш бўлимининг вазифалари ва функциялари.**

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1

майдаги ПК-2940-сон “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Республика ички ишлар органлари карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмалари ходимларининг роли ва фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 4 апрель кундаги “Ички ишлар органларининг карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмалари ходимларининг кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида” ги 99-сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 18 июндаги “Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБ карантин тадбирларини таъминлаш бўлими тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 111-сон буйруғи ижрога қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев такрор айтганларки: *Тинчлик учун, эртанги кунимизнинг осойишта ва ёруғ бўлиши учун барчамиз қатъият билан курашмоғимиз зарур. Бу барчамизнинг, зиммамизга мамлакатимиз, инсоният тақдири учун жавобгарлик масъулиятини юклайди. Зеро, биз барча бир-бири билан боғланган, ўз Ватанимиз, ҳалқимиз ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишимиз лозим бўлган ягона Ватанда яшамоқдамиз.*

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларини ислоҳ қилиш жараёни муваффақиятли амалга оширилиб, ҳозирги вақтда жадал суръатлар билан такомиллашиб бормоқда

*Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги “Ветеринария тўғрисида”ги ЎРҚ-397 сонли Қонуни 3-моддасида қўйидаги асосий тушунчаларга изох берилган:*

**биологик чиқиндилар** — ҳайвонларнинг жасадлари, ветеринария-санитария жиҳатидан хавфли деб топилган, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашё, ветеринарияга оид биологик саноат чиқиндилари;

**ветеринария** — ҳайвонларнинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, ҳайвонлар касалликлари пайдо бўлишининг, тарқалишининг олдини олишни ва уларни тугатишни, аҳолини ҳайвонлар ва одам учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилишни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари олиб кирилишидан муҳофаза қилишни таъминлашга, ҳайвонларга ветеринария хизмати кўрсатилишини амалга оширишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ветеринар осойишталигини, давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг ветеринария, ветеринария-санитария хавфсизлигини таъминлашга қаратилган илмий ва амалий фаолият соҳаси;

**ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари** — ветеринария соҳасидаги талабларни белгиловчи, давлат органлари ва бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар риюя этиши шарт бўлган ҳужжатлар;

**ветеринария дори воситалари** — келиб чиқиши табиий ва синтетик бўлган дори моддаларидан (субстанциялардан) ёки дори моддаларининг

(субстанцияларнинг) аралашмасидан олинган, ҳайвонлар касалликлари профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек ҳайвонлар организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун мўлжалланган воситалар;

**ветеринар осойишталик** — ҳайвонларнинг соғлиғига салбий омилларнинг зарарли таъсирлари, эпизоотия мавжуд бўлмаган, шунингдек ҳайвонларнинг яшаши учун қулай шарт-шароитлар таъминланадиган ҳолат;

**давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарлар** — ҳайвонлар, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашё, ветеринария дори воситалари, микроорганизмлар штаммлари, озуқалар ва озуқабоп қўшимчалар, ветеринария техника воситалари, шунингдек бозорларда реализация қилинадиган ўсимлик озиқ-овқат маҳсулотлари;

**келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот** — гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, тухум ва тухум маҳсулотлари, шунингдек асаларичилик маҳсулотлари;

**келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб хом ашё** — ҳайвонлардан олинадиган, қайта ишлашга мўлжалланган маҳсулотлар;

**нобоп пункт** — ҳайвонлар юқумли касалликларининг ўчоғи аниқланган ҳудуд;

**озуқа** — ҳайвонларни озиқлантириш учун фойдаланиладиган, келиб чиқиши ўсимлик ва ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар;

**озуқабоп қўшимчалар** — ҳайвонлар рационидида етишмайдиган озуқавий ва минерал моддалар ҳамда витаминларнинг манбалари сифатида фойдаланиладиган, келиб чиқиши органик, минерал ва синтетик моддалар;

**чекловчи тадбирлар (карантин)** — ҳайвонлар юқумли касалликлари ўчоқларининг доираси кенгайиб кетишига йўл қўймасликка ва уларни тугатишга, улар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракати чекланишини назарда тутувчи маъмурий, эпизоотияга қарши чора-тадбирлар ҳамда бошқа чора-тадбирлар;

**эпизоотия** — тегишли ҳудудда ҳайвонларнинг ўта хавfli ва бошқа юқумли касалликлари тарқалиши;

**эпизоотияга қарши тадбирлар** — эпизоотиянинг олдини олишга, уни аниқлашга ёки тугатишга доир ташкилий ва махсус ветеринария тадбирлари тизими;

**ҳайвонларнинг юқумли касалликлари** — пайдо бўлишига ҳайвонларга касалликларнинг қўзғатувчилари таъсири сабаб бўладиган, тарқалиши ҳамда бошқа ҳайвонларга ва одамга ўтиши эҳтимоли мавжуд бўлган касалликлар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси карантин тадбирларини таъминлаш бўлими Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармасининг таркибий бўлими ҳисобланади ва Бош бошқарма бошлиғига бўйсунди.



Бўлим Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси Давлат ветеринария кўмитаси билан ҳамкорликда эпизоотик барқарор-ликни таъминлашни ва карантин тадбирларини таъминлаш бўйича ички ишлар органларининг карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмалари-нинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташкилий-услубий таъминлашни амалга оширади.

Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституция-сига, Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Ветеринария тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойиш-ларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси бош Давлат ветеринария инспекторининг ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига оид қарорлари ва кўрсатмаларига амал қилади.

Бўлим тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмалари киради.

Бўлим шахсий таркиби таъминоти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Давлат ветеринария кўмитаси билан тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

Бўлимнинг таъминоти Давлат ветеринария кўмитаси томонидан ўзаро келишувга мувофиқ хизмат кийими ва анжомлари, енгил автомашина, алоқа воситалари, компьютер техникалари, нусха олиш аппаратлари, хизмат хоналари учун зарур инвентарлар билан таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қурол-аслаҳа, радио-алоқа воситалари, махсус воситалар ҳамда хизмат хоналари билан таъминлайди.

Бўлимнинг штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Давлат ветеринария кўмитаси томонидан ўзаро келишув асосидасдада белгиланади.

Бўлимда иш юритиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ўрнатилган тартибга мувофиқ Бош бошқарма канцелярияси орқали амалга оширилади.

### **Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари**

***Қуйидагилар Бўлимнинг Давлат ветеринария хизмати билан ҳамкорликда вазифалари ҳисобланади:***

- эпизоотик осойишталикни таъминлаш бўйича карантин тадбирларини ўтказилишини ташкиллаштириш;
- ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;
- карантин тадбирларини ўтказилишида ички ишлар органлари хизматлари ҳамкорлигини таъминлаш;

➤ кадрлар малакасини ошириш ишларини ташкиллаштириш.

***Бўлим ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни Давлат ветеринария хизмати билан ҳамкорликда амалга оширади:***

*а) эпизоотик осойишталикни таъминлаш бўйича карантин тадбирларини ўтказилишини ташкиллаштириш борасида:*

республика ҳудудида ҳайвонлар орасида юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик бўйича карантин тадбирларини ўтказилишини таъминлаш;

ҳайвонлар, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларнинг белгиланган тартибда ташилишини назорат қилиш;

уй шароитида ҳайвонларни сўйиш, тегишли ветеринария ҳужжатларисиз ҳайвонлар, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёлар савдоси билан шуғулланишга йўл қўймаслик ҳамда уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўриш;

республика ҳудудига ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш ва эпизоотияга қарши ҳамда ветеринария тадбирларини амалга оширишда давлат ветеринария хизматида кўмаклашиш;

карантин жорий қилинган ҳудудда назорат ўтиш жойи ва кечаю-кундуз навбатчилик ташкил қилиниши ҳамда карантин тадбирларини амалга оширилишида назорат ўрнатилишини таъминлаш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида Давлат ветеринария хизматида хисобот бериб бориш;

*б) ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш борасида:*

савдо объектларида (мол ва деҳқон бозорлари, супермаркет ва бошқа савдо нуқталари) ҳайвонлар, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёлар билан савдо қилинишида ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига риоя этилиши бўйича текширувларни амалга ошириш;

аҳоли орасида ҳайвонлар, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёларни сақланиши, ташилиши ва савдоси билан шуғулланишда ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига амал қилинишини таъминлаш мақсадида профилактик тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

бозорлар, кўчалар, хиёбонлар, истироҳат боғлари ва бошқа жамоат жойларида ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига амал қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

тегишли ветеринария ҳужжатларисиз келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёлар билан савдо қилинишини олдини олиш ва белгиланмаган жойларда ушбу маҳсулотлар билан савдо қилинишига йўл қўймаслик бўйича назоратни амалга ошириш;

давлат ветеринария назорати объектларида рейдлар ўтказиш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали намойиш қилинишини ташкиллаштириш;

аҳоли яшаш жойларида ҳайвонларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши бўйича аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш ва бу борадаги ишлар устидан қатъий назорат ўрнатиш, бу борада ҳудудий профилактика инспекторлари билан мақсадли тадбирларни амалга ошириш;

*в) карантин тадбирларини ўтказилишида ички ишлар органлари хизматлари ҳамкорлигини таъминлаш борасида:*

ҳайвонлар ва одамлар учун хавфли бўлган юқумли касалликларни бартараф этишда ҳудудий профилактика инспекторлари билан маълумотлар алмашиш;

карантин тадбирлари ўтказилиши даврида нобоп ҳудуд деб эълон қилинган ҳудудларга кириб келувчи ва чиқиб кетувчи йўлларда назоратни ташкил этилишида йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари билан ҳамкорликни таъминлаш;

*г) кадрлар малакасини ошириш ишларини ташкиллаштириш борасида:*

ходимларни ветеринария соҳаси бўйича малакасини ошириш юзасидан Давлат ветеринария қўмитаси билан ҳамкорликда ўқув семинарлар ташкил этиш;

Давлат ветеринария қўмитаси бошқармаси орқали ветеринар кадрлар тайёрлаш бўйича олий ўқув юртларига квоталар бериш;

Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**2-ўқув савол: Бўлимнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ва фаолиятини ташкил этиш**

Бўлим ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмаларининг ҳужжатлари ва материаллари билан танишиш, уларнинг ижроси ҳақида зарур маълумотларни олиш;

бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, Ҳайъат мажлиси ва тезкор йиғилишларда кўриб чиқиш учун материаллар, ахборот-таҳлилий ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашда қатнашиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларга, мансабдор шахсларга киритиш учун ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни тайёрлаш ва киритиш;

Бўлим зиммасига юклатилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида ички ишлар органлари маълумотлар базасидан фойдаланиш;

Бўлим фаолиятига оид масалалар юзасидан хизмат текширувлари материаллари ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш;

карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмаларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмаларида қонунийликка ва хизмат интизомига риоя этилиши аҳволини текшириш;

карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмалари ходимлари томонидан қонунийлик ва хизмат интизомини бузишга оид аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли чоралар кўриш;

карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмаларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш, ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш.

юридик ва жисмоний шахслардан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ўтказилишини талаб қилиш;

Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Бўлим қуйидаги мажбуриятларга эга:

нобопункт деб эълон қилинган ҳудудларда ветеринария ва тегишли хизматлар билан ҳамкорликда ҳайвонлар ва одамлар учун хавфли бўлган юқумли касалликларни бартараф этиш бўйича карантин тадбирларида иштирок этиш;

карантин эълон қилинган ҳудудларга кириб келувчи ва чиқиб кетувчи йўлларда назорат ўрнатилишини таъминлаш;

карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмаларининг иш фаолияти ҳақида зарур маълумотларни тайёрлаш ва Бош бошқарма раҳбариятига тақдим этиш;

Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Бўлим ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни самарали бажарилиши учун жавобгардир.

#### **Бўлим фаолиятини ташкил этиш**

Бўлимга Ўзбекистон Республикаси бош Давлат ветеринария инспектори билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

#### **Бўлим бошлиғи:**

❖ Бўлим фаолиятига бевосита раҳбарликни амалга оширади ва бўлим зиммасига юклатилган вазифалар, функциялар ҳамда мажбуриятларнинг тегишли тарзда бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

❖ ўз ходимлари ўртасида функционал вазифаларни тақсимлайди, улар зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

❖ бўлимнинг иш режаларини ишлаб чиқилишини ташкиллаштиради;

❖ бўлимнинг хизмат фаолияти аҳволига, шахсий таркиб билан яқка тартибдаги тарбиявий ишларга ва касбий маҳоратини ошириб боришга жавоб беради;

❖ Бўлимнинг ишини режалаштиради, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат ветеринария кўмитаси ҳамкорлигида карантин тадбирларини амалга ошириш режаларини тайёрлайди;

❖ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат ветеринария кўмитасининг карантин тадбирлари масалалари тўғрисидаги буйруқ ва кўрсатмаларда кўзда тутилган тадбирларни белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди;

❖ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Давлат ветеринария кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва бошқа хизматлар билан бўлимнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкиллаштиради;

❖ Бош бошқармага тайёрлаш учун топширилган муҳим хужжатларни ишлаб чиқишда раҳбарият кўрсатмасига асосан бевосита иштирок этади;

❖ карантин тадбирларини таъминланиши бўйича, кўрсатмалар, шарҳ, таҳлилий маълумотнома ва бошқа хужжатларни ишлаб чиқишни ташкиллаштиради;

❖ Бўлимга ижро учун келган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги буйруқ ва кўрсатмаларини бажарилишини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлайди;

❖ Бош бошқарма раҳбариятига бўлим шахсий таркибини рағбатлантириш ва жазолаш тўғрисида таклифлар киритади;

❖ Бўлимга юклатилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқилишини, ходимларнинг хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотларини ўтказилишини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда ички ишлар органларининг карантин тадбирларини амалга оширувчи бўлинмаларининг илғор иш тажрибаларини ўрганади ва тадбиқ этади;

❖ Бош бошқарма раҳбарияти билан ҳамкорликда Бўлимга ходимларни тайинлашни ва жой-жойига қўйишни амалга оширади;

❖ карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмаларининг штатлар сонини қайта тақсимлаш тўғрисида таклифлар киритади.

Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Бўлим бошлиғи йўқлигида унинг ваколатлари бўлим бош инспектори томонидан амалга оширилади.

Бўлим ходимлари, Бош бошқарма бошлиғининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмалари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторлари билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

**3-ўқув савол. ИИО ходимларининг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги. Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари..**

**Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимлари:**

-кўчаларда ва бошқа жойларда қаровсиз қолган, шу жумладан эгасиз итлар, мушуклар ва йиртқич ҳайвонларни тутишни ташкил қиладилар, шунингдек уларни вақтинча сақлаш учун махсус жойлар барпо этадилар;

-одамлар ва ҳайвонларга жароҳат етказган ёхуд ножўя ҳаракат қилинмаганда уларга ҳужум қилган ҳайвонларни кейинчалик карантин қилиш учун ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларига олиб келадилар;

-ҳайвонлар қутурган тақдирда тегишли ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари билан биргаликда иш олиб борилишини ташкил этадилар, шунингдек ўлган ҳайвонларни ветеринария-санитария қоидаларига риоя этган ҳолда зарарсизлантирадилар.

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:**

-ўлган ва дайди итлар ҳамда мушуклар аниқланганда бу ҳақда шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимига хабар қиладилар;

-ҳайвонлар қутурганлигига шубҳаланилганда қисқа муддатларда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларига ва соғлиқни сақлаш органларига хабар қиладилар.

**-Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари:**

-фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида итларни қутуришга қарши мажбурий вакцинация қилишни ҳар йили белгиланган муддатларда ўтказадилар;

-кутуриш аниқланган тақдирда карантин зонасидаги ва таҳдид зонасидаги қутуришга мойил барча ҳайвонларни қутуришга қарши профилактик вакцинация қиладилар;

-ҳайвонлар учун антирабик вакциналарнинг зарур захирасини яратадилар;

-ветеринария ҳақидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган қутуриш профилактикаси бўйича бошқа ветеринария тадбирларини ўтказадилар;

-ветеринария талаблари бажарилишини назорат қиладилар.

**Соғлиқни сақлаш органлари:**

-жабрланганлар мурожаат қилган тақдирда қутуришга қарши вакцинацияни тезкорлик билан ўтказадилар;

-кутуриш юқиши хавфи таъсирида бўлган аҳоли гуруҳини (қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимлари, ўрмон хўжалиги ходимлари ҳамда ихтисослаштирилган овчилик бригадаларининг овчиларини) мунтазам равишда вакцинация қиладилар;

-фуқаролар учун антирабик вакциналар ва иммуноглобулиннинг зарур захирасини яратадилар.

Юқорида кўрсатилган қоидаларга риоя этилишини ички ишлар органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қиладилар.

Ушбу Қоидалар бузилган тақдирда белгиланган тартибда ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади.

Ушбу Қоидалар бузилганлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги [кодексига](#) мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу Қоидаларнинг бузилганлиги учун итлар ва мушукларнинг эгалари белгиланган тартибда жавоб берадилар.

### Топшириқ.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси карантин тадбирларини таъминлаш бўлими тўғрисидаги НИЗОМни ўқиб конспектлаштириш.


## 23-мавзу: Ички ишлар органлари ходимларининг карантин тадбирларини таъминлаш бўйича вазифалари.

### Семинар машғулоти

Ушбу ўқув машғулоти “*Сухбат*” интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

Машғулотда ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида диалогик характерга эга савол-жавобга асосланувчи ушбу метод негизини жонли мулоқот ташкил этади. Методнинг афзаллиги сухбат жараёнида ойдинлашмаган масалалар юзасидан қўшимча саволлар бериш, ўқувчи (тингловчи ва курсант)нинг фикрлашга ундаш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Таълимий муносабатнинг жонли мулоқотга асосланиши эса ўқитувчи ва ўқувчи (тингловчи ва курсант)лар ўртасида руҳий яқинликни қарор топтириб, фаол фикр алмашиш имконини беради.

Методни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади:



### **Ўқув машғулоти саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 18 июндаги “Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБ карантин тадбирларини таъминлаш бўлими тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 111-сон буйруғининг мазмуни.

2. Биологик чиқиндилар тушунчаси.

3. Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси карантин тадбирларини таъминлаш бўлими фаолияти.

### **24-мавзу: Вақтинча сақлаш ҳибсхоналари фаолиятини ташкил этиш тартиби.**

(маъруза 2 соат)

#### **Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналар ҳудудига кириш ва ундан чиқиш ва олиб келинган шахсларни қабул қилиш ҳамда камераларга жойлаштириш тартиби.

2-ўқув савол. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарда шахсларни шахсий тинтувдан ўтказиш ва сақланаётган шахсларнинг моддий-маиший таъминоти.

3-ўқув савол. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналарда сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти ва сақланаётган шахслар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш.

**1-савол. ВСХ ҳудудига кириш ва ундан чиқиш ва олиб келинган шахсларни қабул қилиш ҳамда камераларга жойлаштириш тартиби.**

Шахсларнинг Вақтинча сақлаш ҳибсхоналар ҳудудига кириши ва ундан чиқиши уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ҳамда ВСХ бошлиғи рухсатига асосан бериладиган бир марталик рухсатнома асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ВСХга монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.

*Қуйидаги шахслар ВСХга хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда кириш ҳуқуқига эга:*



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ва Сенатининг аъзолари;

Ўзбекистон Республикаси судьялари;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратининг бош бошқарма ва бошқарма бошлиқлари ҳамда тегишли бўлим (бўлинма) ходимлари;

тегишли Ички ишлар бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

ВСХ ходимлари ҳамда ВСХда меҳнат шартномаси асосида ишловчи ишчи ва хизматчилар.

Назорат қилувчи прокурор муассасага монеликсиз ва исталган вақтда киришга, ҳамма камералар билан танишишга ҳамда ВСХда сақланаётган шахслар билан суҳбатлашишга ҳақли.

ВСХ маъмурияти суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳамда суднинг, шунингдек адвокат ва тергов ҳаракатларида иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ВСХ ҳудудига иш вақти давомида монеликсиз иш юритувидаги жиноят ишлари юзасидан киришларини таъминлайди.

ВСХ ҳудудига киришда ва ундан чиқишда шахсларнинг ашёлари, кийим-бошлари ва поябзаллари кўздан кечирилади, шунингдек кираётган ҳамда чиқиб кетаётган транспорт воситалари кўздан кечирилади, тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб қўйилади.

ВСХда сақланаётган шахсларга нисбатан жиноят ишларини юритаётган шахсларнинг, адвокатларнинг, шунингдек ВСХни назорат қилувчи ва текширувчи мансабдор шахсларнинг ашёлари, кийим-бошлари ва поябзаллари кўздан кечирилмайди. Мазкур шахслар келганда, ўқотар қурол ҳамда бошқа тақиқланган воситалар ва нарсаларни ВСХ жойлашган ички ишлар органларининг навбатчилик қисмига топшириши шарт.

ВСХга қабул қилиш ва сақлаш учун қуйидаги ҳужжатлардан бирининг мавжудлиги асос бўлади:

*ЖПКнинг 225-моддасида назарда тутилган тартибда тузилган ушлаб туриш баённомаси;*

суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ушлаб туриш тўғрисидаги қарори;

суднинг ЖПКда назарда тутилган тартибда чиқарган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрими;

озодликда юрган шахсга нисбатан уни озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги суднинг ҳукми.

ВСХга олиб келинган аёлларнинг ёнида икки ёшга тўлмаган боласи мавжуд бўлган ҳолларда қўшимча равишда боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ёки боланинг айнан шу аёлга тегишлилигини тасдиқловчи

бошқа ҳужжат, бундай ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, жиноят ишини юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг (бундан буён матнда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган деб юритилади) боланинг айнан шу аёлга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотномасига асосан қабул қилинади.

Мазкур ҳужжатлар тегишли мансабдор шахслар томонидан имзоланган ва гербли муҳр билан тасдиқланган бўлиши шарт.

ВСХга олиб келинган шахслар ВСХ навбатчиси томонидан сутка давомида қабул қилинади.

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ушлаб туриш тўғрисидаги қарори асосида ЖПКнинг 227-моддасига биноан баённома расмийлаштирилади. ЖПКнинг 227-моддасига биноан расмийлаштирилган баённомада ушлаш асослари, куни, оyi, вақти ва жойи кўрсатилади, баённома уни тўлдирган ходим, ушланган шахс ва холислар томонидан имзоланган бўлиши шарт.

Суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрим судьянинг имзоси билан тасдиқланиб, гербли муҳр қўйилган бўлиши шарт. ВСХ навбатчиси томонидан ВСХга олиб келинган шахсларни қабул қилиш учун асос бўладиган ҳужжатлар текшириб кўрилади, турли ноаниқликларнинг олдини олиш мақсадида ВСХга олиб келинган шахсларга саволлар берилиб, уларнинг берган жавоблари ВСХга қабул қилиш учун асос бўладиган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари (шахсий ҳужжатлар йиғма жилдида мавжуд бўлса) билан солиштирилади ва ушбу маълумотлар ВСХда сақланаётган шахсларни рўйхатдан ўтказиш журнаliga қайд этилади.

ЖПК талаблари бузилган ҳолда расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида олиб келинган шахслар ВСХга қабул қилинмайди.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар (ҳукм кучга киргунга қадар ВСХда сақланаётган бўлса) ҳукмга асосан жазони ижро этиш муассасаларига юбориш учун тергов ҳибсхоналарига ўтказилади.

Тергов ҳаракатларини бажариш ёки жиноят ишларини тергов ҳибсхоналари жойлашган аҳоли пунктлари ҳудудидан ташқарида судда кўриб чиқиш зарур бўлган ҳолларда қамоққа олинганларни мазкур ҳаракатларни амалга ошириш ва суд мажлисларини ўтказиш учун ҳар куни олиб бориш имконияти бўлмаганда тегишли тартибда тергов ҳибсхонасида қолдирилган маҳкум қамоққа олинган шахсни бошқа ерга кўчириш тўғрисидаги терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига асосан бир ой мобайнида кўпи билан ўн суткагача тергов ҳибсхоналаридан ВСХга ўтказилиши мумкин.

ВСХга вақтинча сақлаш учун олиб келинганлар (транзит орқали олиб ўтилувчилар) шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларининг очиқ варақалари асосида ва белгиланган шаклдаги йўловчи рўйхат асосида тузилган маълумотномалар бўйича қабул қилинади. ВСХ навбатчиси томонидан саволлар бериш жараёнида уларнинг берган жавоблари очиқ варақалардаги

маълумотларга тўғри келмаган тақдирда, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдлари очилиб, бу ҳақда далолатнома тузилади.

ВСХга сақлаш учун қабул қилинаётган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари ҳамда ВСХдаги режим тўғрисида хабардор қилинади. Бундай маълумотлар ҳар бир камера деворларига осиб қўйилади.

Бошқа шахслардан ажратиб қўйишни талаб қиладиган ёки кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатилиши зарур бўлган беморларни аниқлаш мақсадида ВСХга олиб келинган шахслар ВСХ навбатчиси ва ВСХ тиббиёт ходими томонидан дастлабки тиббий кўрик ва санитария ишловидан ўтказилади.

ВСХга олиб келинган шахсларнинг баданида ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар натижасида шикаст етказилганлиги аниқланган тақдирда бу ҳақда далолатнома тузилиб, ВСХ навбатчиси ва тинтув ўтказиётган ходим томонидан имзоланади ҳамда зудлик билан назорат қилувчи прокурорга хабар берилади.

Тиббиёт ходимлари томонидан чиқарилган хулосага кўра стационар шароитда даволанишга муҳтож бўлган шахслар ВСХга қабул қилинмайди.

ВСХга олиб келинганларни камераларга жойлаштириш бўйича ВСХ навбатчиси томонидан режа тузилади ва ушбу режа асосида камераларга жойлаштирилади.

Камераларга жойлаштириш бўйича режа ихтиёрий формада тузилади. Унга ҳар бир сақланаётганнинг фамилияси, содир этилган жиноятнинг оғирлиги бўйича камераларга жойлашиш тарҳи киритилади. Тарҳда вояга етмаганлар ва ўта хавфли рецидивистларнинг фамилияси алоҳида белги билан ажратилади.

ВСХда сақланаётган шахсларни камераларда алоҳида-алоҳида жойлаштириш уларнинг шахсини ва психологик жиҳатдан мослигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Чекувчилар имкони борича чекмайдиганлардан алоҳида жойлаштирилади.

ВСХда сақланаётган шахслар қуйидаги талабларга риоя этилган ҳолда бир-биридан алоҳида сақланади ва камераларга жойлаштирилади:

эркаклар аёллардан алоҳида;

вояга етмаганлар катта ёшдаги шахслардан алоҳида сақланади. Алоҳида ҳолларда прокурорнинг розилиги билан вояга етмаганлар сақланаётган камераларда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлик учун жинойий жавобгарликка биринчи марта тортилаётган, ижобий тавсифга эга катта ёшлиларни сақлашга йўл қўйилади;

жинойий жавобгарликка биринчи марта тортилаётган шахслар илгари озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланган шахслардан алоҳида сақланади.

Жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг ёки органнинг ёзма кўрсатмаси бўлганда, битта жиноят иши бўйича ёхуд бир нечта ўзаро боғлиқ жиноят ишлари бўйича ВСХда сақланаётган шахслар ҳам алоҳида-алоҳида сақланади.

Овқат ейишдан бош тортаётган ВСХда сақланаётган шахс имкони борича ВСХда сақланаётган бошқа шахслардан алоҳида сақланади.

*Қуйидагилар ВСХда сақланаётган бошқа шахслардан алоҳида сақланади:*

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

судья, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими, адвокат бўлиб ишлаган ёки ишлаётган шахслар;

ўта оғир жиноятларни содир этганликда гумон қилинаётганлар ёки айбланаётганлар;

ўта хавфли рецидивистлар;

маҳкумлар;

хаёти ва соғлиғига ВСХда сақланаётган бошқа шахслар томонидан хавф туғилганлар ВСХ бошлиғининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг қарорига кўра ёхуд жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг ёки органнинг ёзма кўрсатмасига кўра;

юқумли касалликларга чалинган ёки алоҳида тиббий парвариш ва кузатувга муҳтож бўлган беморлар.

Вояга етмаганлар ёши, жисмоний ривожланишига қараб камераларга жойлаштирилади.

Ҳомиладор аёллар ва болали аёллар бошқа шахслардан ажратилган, махсус жиҳозланган камераларга жойлаштирилади.

Ўта хавфли, юқумли ёки паразитар касалликлар билан касалланган шахслар карантин учун ажратилган камераларга жойлаштирилади. Карантин муддати тиббий кўрсаткичларга мувофиқ белгиланади.

Руҳий бузилишлари мавжуд бўлган шахслар, жумладан ВСХ ходимларига ва ВСХда сақланаётган бошқа шахсларга тажовуз қилишга мойил бўлган шахслар камераларга тиббиёт ходимининг тавсиясига кўра жойлаштирилади.

ВСХда сақланаётган шахслар умумий камераларда сақланади. Қамокқа олинганлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган бўлса, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига кўра тергов ҳибсхонасининг бир кишилик камерасида қамокда сақлаб турилиши мумкин. Бу чора вояга етмаганларга, олтмиш ёшдан ошган шахсларга, шифокорнинг ёзма хулосаси билан тасдиқланган оғир касалларга ва руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

ВСХда сақланаётган шахсларни бир кишилик камераларга жойлаштиришга:

мазкур Қоидаларда назарда тутилган алоҳида-алоҳида жойлаштириш талабларига риоя этилишини таъминлашнинг бошқа имконияти мавжуд бўлмаганда;

ВСХда сақланаётган шахсларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб;

ВСХда сақланаётган шахсларнинг якка сақлаш тўғрисидаги ёзма аризасига биноан;

ВСХда сақланаётган шахсларни, агар кундузи умумий камерада сақланаётган бўлса, тунги вақтда бир кишилик камерага жойлаштириш зарур бўлганда;

ВСХда сақланаётган шахсларнинг ажратиб қўйилишини таъминлаш талаб қилинган бошқа ҳолларда ҳам йўл қўйилади. ВСХда сақланаётганларнинг ВСХнинг бошқа камераларда ёки ўзга хоналарда сақланаётганлар билан сўзлашишига, уларга бирон-бир нарса беришига ҳамда улар билан ёзишмалар олиб боришига йўл қўйилмайди. Ажратиб қўйишни таъминлашга доир талабларга ВСХ худуди ва йўлагиди, сайр қилиш вақтида, санитар ишлов вақтида ва бошқа ҳолларда ҳам риоя этилиши керак.

**2-ўқув савол. ВСХда шахсларни шахсий тинтувдан ўтказиш ва сақланаётган шахсларнинг моддий-маиший таъминот.**

ВСХда сақланаётган шахслар шахсий тинтув қилинади, уларнинг бармоқ излари ҳамда фотосурати олинади. Улар жойлаштирилган хоналар тинтув қилинади, уларнинг ёнидаги ашёлари ҳамда номига келган посылкалар, йўқловлар ва бандероллар эса кўздан кечирилади.

ВСХга бир гуруҳ шахслар келтирилган вақтда, улар икки соатдан ошмаган муддат ичида шахсий тинтувдан ўтказилиши шарт.

Шахсий тинтув тўлиқ ёки тўлиқсиз шаклда ўтказилиши мумкин.

Тўлиқ шахсий тинтув ВСХда сақланаётган шахс ВСХга олиб келинганда, олиб кетилаётганда ёки қамокқа олинган шахслар қарцерга киритилаётганда ўтказилади.

Тўлиқ шахсий тинтув ўтказишда шахс тўлиқ ечинтирилиб, унинг бадани, кийим-боши, поябзали, агар мавжуд бўлса, ВСХ тиббиёт ходими назорати остида протезлари, пластр ёпиштирилган, гипсли ва бошқа боғланган жойлари бирма-бир синчиклаб текширилади. Кийим-боши орасида тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги аниқланган тақдирда, кийим-бошининг чоки сўкилади, поябзалида мавжуд супинатор ва темир нағал эса, ажратиб олинади.

*Тўлиқсиз шахсий тинтув қуйидаги ҳолларда ўтказилади:* ВСХда сақланаётган шахслар ВСХ тиббиёт хонасига, сайрга, бармоқ изларини олиш ёки фотосуратга олишга олиб чиқилаётганда, шунингдек қайтариб олиб кирилаётганда;

жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс, ҳимоячи, қонуний вакил, қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувга олиб чиқилаётганда, шунингдек қайтариб олиб кирилаётганда;

бошқа камерага ўтказилаётганда.

Тўлиқсиз шахсий тинтув ўтказишда шахс ечинтирилмасдан кўздан кечирилади, унинг кийим-боши, поябзали пайпаслаб текширилади. Шахсда тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари мавжудлиги аниқланган тақдирда, тўлиқ шахсий тинтувдан ўтказилади.

Шахсий тинтув ВСХнинг тинтув қилинаётган шахс билан бир жинсда бўлган ходимлари томонидан амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда ВСХда сақланаётган шахсларнинг ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари улар иштирокида кўздан кечирилади:

ВСХга олиб келинганда ёки олиб чиқиляётганда;

бошқа камерага ўтказиляётганда;

камоққа олинган шахслар карцерга киритиляётганда.

Зарур ҳолларда, ВСХ бошлиғининг кўрсатмасига кўра, ВСХда сақланаётган шахсларнинг ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари уларнинг йўқлигида ҳам ВСХ ходимлари томонидан камера бўйича навбатчи иштирокида кўздан кечирилади.

ВСХга олиб келинган ва сақланаётган шахсларда тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг борлиги аниқланганда, бу ҳақда далолатнома тузилади.

Мазкур баённома шахсий тинтув қилган ҳамда кўздан кечиришни ўтказган ВСХ ходим(лар)и ва шахсий тинтув қилинган ҳамда кўздан кечирилган шахс томонидан имзоланади. Шахс баённомада ўз эътирозларини кўрсатишга ҳақли.

Шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

Шахсий тинтув қилиш ҳамда ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўздан кечиришда Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситалар қўлланилиши мумкин.

ВСХда сақланаётган шахсларнинг камера карточкасига шахсий тинтув қилиш ҳамда кўздан кечириш ўтказилган сана, уларни ўтказган шахсларнинг унвони, фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими, фойдаланилган техник воситаларнинг тури (агар фойдаланилган бўлса) ёзилади ҳамда тузилган баённома ва далолатномалар уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига қўшиб қўйилади.

*Тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб қўйиш*

Тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ВСХ бошлиғининг ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 14 августдаги “*Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш хибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида*”ги 171-сон буйруғи билан белгиланган шаклдаги қарорига асосан олиб қўйилади.

Олиб қўйилган пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматликлар ВСХ навбатчилик қисмига сақлаш учун топширилади ва бу ҳақида уларнинг тавсифлари ва идентификация рақамлари санаб ўтилган ҳолда икки нусхада далолатнома тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси ВСХда сақланаётган шахсга берилади, иккинчи нусхаси унинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига қўшиб қўйилади. Олиб қўйилган пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматликлар ВСХнинг навбатчилик қисмидаги сейфда сақланади.

Тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари, нарсалар ва моддалар сақлаш учун топширилади ёки тегишли муассасаларга берилади ёхуд ВСХ бошлиғининг асослантирилган қарорига кўра йўқ қилиб ташланиб, бу ҳақда далолатнома тузилади.

Жиноят иши учун аҳамиятли бўлмаган ва муомаладан чиқарилмаган нарсалар ВСХда сақланаётган шахснинг аризаси ва жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органнинг розилигига кўра унинг қариндошлари ёки бошқа шахсларга бериб юборилиши мумкин.

ВСХда сақланаётган шахс ВСХга келганида яширган, шунингдек у ВСХда бўлган даврида ундан топиб олинган пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматликлар ВСХ бошлиғининг прокурор билан келишилган асослантирилган қарорига кўра давлат даромадига ўтказилади.

Санитария ишловидан ўтказиш чоғида ВСХда сақланаётган шахсларни назорат қилиш ҳамда шахсий тинтув ўтказиш ВСХда сақланаётган шахслар билан бир жинсда бўлган ВСХ ходимлари томонидан амалга оширилади.

Жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органга олиб қўйилган пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматликлар тўғрисида икки кун ичида хабар қилинади.

Сақланаётган шахслар тергов ҳибсхоналарига кўчирилган вақтда улардан олиб қўйилган нарсалар ва ашёлар тергов ҳибсхоналарига юборилади. ВСХда сақланаётган шахслар ВСХдан озод этилган тақдирда улардан олиб қўйилган нарсалар ва ашёлар ўзларига қайтариб берилади ва бу ҳақда тилхат олинади.

#### ***ВСХда сақланаётган шахсларнинг моддий-маиший таъминоти***

ВСХда сақланаётган шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган санитария, гигиена ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган маиший шароитлар яратилади. ВСХда сақланаётган шахслар шахсий кийим-боши ва поябзалидан фойдаланади. ВСХда сақланаётган шахсларда зарур маблағлар бўлмаган тақдирда уларнинг илтимосига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан уларга жинси ҳамда иқлим шароитлари инобатга олинган ҳолда кийиб юришга рухсат этилган мавсумий кийим-бош ва поябзал берилади. ВСХда сақланаётган шахсларга алоҳида ётоқ жойи, кўрпа-тўшак (кўрпа, ёстик, иккита чойшаб ва ёстик жилди), идишлар ҳамда овқатланиш асбоблари (коса (миска), кружка ва қошиқ) берилади.

ВСХда сақланаётган шахсларнинг илтимосига кўра, уларга яқка тартибдаги гигиена воситалари (совун, тиш чўткаси, тиш пастаси ёки порошоги), соқол оладиган асбоб ҳамда шахсий гигиена воситалари (аёллар учун) берилади. ВСХда сақланаётган шахслар сақланадиган камералар вентилляция жиҳозларига ҳамда иситиш тизимига, шунингдек кўзга зиён етказмайдиган ҳолда ўқиш ёки ёзиш учун етарли табиий ва сунъий ёруғликка эга бўлиши керак. Камераларнинг деразалари сунъий вентилляция тизими мавжудлигидан қатъи назар, тоза ҳаво киришини таъминлаши лозим. ВСХда сақланаётган шахслар сақланадиган камералар радиоэшиттириш воситалари билан жиҳозланади.

*Камераларга, уларда сақланиши мўлжалланган шахслар сонини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги жиҳозлар ўрнатилади:*

бир қаватли ёки икки қаватли каравотлар (ҳомиладор аёллар ва болали аёллар сақланадиган камераларда – фақат бир қаватли каравотлар);

стол ва стул (ўриндик);  
озик-овқат маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган жиҳозлар;  
кийим-бош учун илгич;  
радиоэшиттириш воситаси;  
ахлат қутиси;  
сунъий шамоллатиш тизими (вентиляция);  
санитария тармоғи (полга ўрнатилган унитаз ва бет-қўл ювгич);  
иситиш тизими.

Болали аёллар сақланадиган камераларга қўшимча равишда қуйидаги жиҳозлар ўрнатилади:

болалар учун пластмассали ваннача;  
дискли электр плита;  
зарурат бўлганда, қўшимча иситиш ускуналари.

Қамоққа олинганларнинг чўмилиб-ювиниши, чойшаб ва ёстик жилдларини алмаштириш етти кунда камида бир марта амалга оширилади. ВСХда сақланаётган шахсларга йигирма дақиқа давомида чўмилиб-ювиниш имконияти берилади. Ҳаммомнинг махсус жиҳозланган хонасида уларга бир марталик ёки электр устара ёрдамида соч-соқол олишига рухсат берилади.

ВСХда бир кишига тўғри келадиган яшаш майдонининг нормаси икки ярим квадрат метрдан, аёллар ва вояга етмаганлар учун эса уч квадрат метрдан кам бўлмаган ўлчамда белгиланади. ВСХда сақланаётган беморлар, шунингдек ҳомиладор аёллар ва болали аёллар сақланадиган камераларда бир кишига тўғри келадиган яшаш майдони тўрт квадрат метрдан кам бўлмаслиги лозим.

ВСХда яшаш майдони нормаси белгиланган тартибда тасдиқланган санитария-гигиена ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларига мос бўлиши керак.

ВСХда ҳомиладор аёллар ва болали аёллар учун яхшиланган моддий-маиший шароитлар яратилади ҳамда овқатнинг оширилган нормалари белгиланади.

ВСХда сақланаётган ҳомиладор аёллар туғиш учун давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига олиб чиқилади.

Зарур бўлган тақдирда, ВСХ бошлиғи жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга онанинг розилиги билан болани қариндошларига ёхуд бошқа шахсларга ёки болалар муассасасига вақтинча топшириш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин. Жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган илтимосномани олгач, ЖПКнинг [218-моддасига](#) мувофиқ ҳомийлик қилиш чораларини кўради.

ВСХда сақланаётган шахслар улар организмнинг нормал яшаши учун етарли бўлган бепул овқат билан таъминланади.

ВСХдаги овқат нормалари ВСХда сақланаётган шахсларнинг соғлиғи ҳолатига ҳамда ёшига, шунингдек қамоққа олинганлар жалб этилиши мумкин бўлган ишнинг хусусияти ва оғирлигига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.



ВСХда сақланаётган ҳомиладор аёлларга ва болали аёлларга, вояга етмаганларга, шунингдек беморларга, биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронларига бериладиган овқат оширилган нормаларда белгиланади.

ВСХда сақланаётган шахслар ҳар куни эҳтиёжга қараб қайнатилган ичимлик суви билан таъминланади.

ВСХда сақланаётган шахслар тасарруфида қоғоз ва канцелярия ашёлари бўлиши ҳуқуқига эга. ВСХда сақланаётган шахсларга уларнинг илтимосига кўра, аризалар, таклифлар ва шикоятларини ёзиши учун қоғоз ва шарикли ручка берилади.

**3-ўқув савол. ВСХда сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти ва сақланаётган шахслар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш**

ВСХда даволаш-профильёбъектика ва санитария, эпидемияга қарши ишлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ва ўтказилади. ВСХ маъмурияти ВСХда сақланаётган шахсларнинг соғлиғини сақлашни таъминлайдиган санитария-гигиена талабларини бажариши шарт.

ВСХга олиб келинган шахслар улар олиб келинган кундан бошлаб икки кун ичида давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларида мажбурий рентгенофлюорографик (рентгенофлюорографик текширувга оид маълумотлар бўлмаганда) текширувидан ўтказилади. Олинган тиббий кўрик натижалари уларнинг тиббий картасига ёзиб қўйилади.

ВСХда сақланаётган шахсларга ихтисослаштирилган тиббий ёки психиатрия ёрдами кўрсатилиши зарур бўлган ҳолларда улар давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига жойлаштирилади. Бунда уларни кўриқлаш ва хулқ-атворини назорат қилиш таъминланади. ВСХда сақланаётган шахсларни ВСХ ҳудудидан ташқарига олиб чиқишда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган билан келишилади.

ВСХда сақланаётган шахс оғир касалликка чалинган тақдирда, ВСХ маъмурияти бу ҳақда унинг яқин қариндошларига, қонуний вакилига, жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга ва прокурорга дарҳол хабар қилади.

ВСХда сақланаётган шахсга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлганда, уларни давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига олиб чиқиш ВСХ бошлиғининг ёзма рухсати билан амалга оширилиб, ўн икки соат ичида жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган ёзма равишда хабардор қилинади.

ВСХда сақланаётган қамокқа олинган шахсларнинг даволаниши учун узоқ (10 кундан ортиқ) вақт талаб этилганда, ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари томонидан берилган хулоса асосида улар ҳудудий тергов ҳибсхоналарининг тиббиёт бўлимларига даволаниш учун жойлаштирилади.

ВСХда сақланаётган шахс ВСХда тан жароҳатлари олганда ВСХнинг тиббий ходимлари томонидан кечиктирмасдан тиббий гувоҳлантириш ўтказилади. Тиббий гувоҳлантириш натижалари белгиланган тартибда қайд этилади ва жабрланувчига маълум қилинади.

Тиббий гувоҳлантириш ВСХ бошлиғининг ёхуд жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг ёки органнинг шахсий ташаббусига ёхуд ВСХда сақланаётган шахс ёхуд унинг ҳимоячисининг илтимосига кўра чиқарилган қарори асосида давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасалари ходимлари томонидан амалга оширилади. Тиббий гувоҳлантиришни ўтказишнинг рад этилиши устидан прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

ВСХда сақланаётган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ВСХда сақланаётган шахслар ҳар куни камераларни кўздан кечириш вақтида ВСХ тиббиёт ходимларига, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда эса, ВСХнинг исталган ходимига тиббий хизмат кўрсатилишини сўраб мурожаат қилишлари мумкин. Мурожаат қилганларга зарур тиббий хизмат кўрсатилиши шарт.

ВСХда сақланаётган шахсларга амбулатор тиббий хизмат камераларда ёки ВСХнинг махсус жиҳозланган тиббиёт хоналарида кўрсатилади. ВСХ тиббиёт ходими ҳар куни камераларни эрталабки кўздан кечириш вақтида, биринчи навбатда, амбулатор тиббий хизмат кўрсатилаётган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказди.

Дори воситалари беморларнинг ўзларига фақат бир кунлик истеъмол учун ВСХ тиббиёт ходими рухсатига кўра бериб қўйилади.

Дори воситалари ВСХ тиббиёт ходимининг кўрсатмаси бўйича беморнинг тиббий картасига ёзилган кўрсаткичларга мувофиқ берилади. Беморнинг хоҳишига кўра, шу жумладан бошқа тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ходимлари томонидан тайинланган дори воситалари унинг қариндошлари ёки бошқа шахслар томонидан олиб келинган тақдирда ВСХ тиббиёт ходимининг розилиги билан олиниши мумкин.

Шифокорнинг ёзма хулосасига кўра ВСХда сақланаётган шахсларга тавсия этиладиган дори воситаларининг миқдори чекланмайди.

Дори воситаларининг истеъмол қилиниши ВСХ тиббиёт ходими назоратида амалга оширилади. Даволаниши узлуксиз давом этадиган (юрак мускулларининг сиқилиши (стенокардия), беморнинг тинчланишига боғлиқ бўлган қон-томир, артериал қон босимининг кўтарилиши билан кечадиган гипертоник касалликлар, қандли диабет, тутқаноқ ва бошқа шу каби касалликларга чалинган) беморларга ВСХ тиббиёт ходими томонидан тайинланган дори воситалари бериб қўйилиши мумкин, бундан таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган, шунингдек кучли таъсир этувчи ва бошқа шу каби дори воситалари мустасно.

ВСХда сақланаётган шахсларда ўта хавфли, юқумли ёки паразитар касалликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда зудлик билан эпидемияга қарши чора-тадбирлар ва даволаш-профильёььактика ишлари амалга оширилади.

Эпидемияга қарши курашиш мақсадида ўн кунда камида бир маротаба ВСХ камералари, овқат тарқатиш хоналари ҳамда омборхона ва бошқа хоналари белгиланган тартибда кимёвий препаратлар ёрдамида

зараркунандаларни йўқотиш учун профилььььактик дезинфекция, дезинсекция ва дератизация қилинади.

ВСХни тайёр овқат билан таъминловчи ошхоналар умумий овқатланиш корхоналарига қўйиладиган санитария қоидалари ва меъёрлари талабларига жавоб бериши керак.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқат сифатини ВСХ навбатчиси ва тиббиёт ходими текширади ҳамда бу ҳақда махсус журналга қайд қилади. Тегишли ҳужжатлари бўлмаган, яроқлилик муддати тугаган, бузилиш аломатлари бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

ВСХда сақланаётган шахслар шахсий хавфсизлик ҳуқуқига эга. ВСХда сақланаётган шахснинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид ёхуд унга нисбатан шахсга қарши жиноятлар содир этилиши таҳдиди юзага келганда ВСХ ходимлари дарҳол унинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриши шарт.

ВСХ бошлиғи ВСХда сақланаётган шахсларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўради.

ВСХда сақланаётган шахснинг овқат ейишдан бош тортишдан факти аниқланганда, ВСХ навбатчиси дарҳол жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органи, шунингдек прокурорни бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

Овқат ейишдан бош тортаётган шахс ВСХ тиббиёт ходимнинг кузатуви остида бўлади.

Овқат ейишдан бош тортаётган шахснинг соғлиғини сақлаб туришга қаратилган мажбурий тусдаги чоралар (сунъий ва мажбурий овқатлантириш) агар унинг ҳаёти ёхуд соғлиғига хавф туғилса, шифокорнинг ёзма хулосаси асосида ҳамда тиббиёт ходими иштирокида амалга оширилади.

ВСХда сақланаётган шахснинг овқат ейишдан бош тортиши унинг бошқа қамокда сақлаш жойларига ўтказилишига ёхуд тергов ҳаракатлари ва суд мажлисларида иштирок этиш учун кўриқлаб борилишига тўсқинлик қилмайди. Зарурат бўлганда, ВСХда сақланаётган шахсларни бошқа ерга кўчириш ёки кўриқлаб бориш тиббий ходим кузатувида амалга оширилади.

*ВСХда сақланаётган шахслар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш*

ВСХда сақланаётган шахслар сақланиш даврида бир маротаба ўзи билан сақлаш тақиқланмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни нақд пульсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан сотиб олиш ҳуқуқига эга. ВСХда сақланаётган шахсларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизигача бўлган миқдорда пул сарфлашга рухсат этилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олишни хоҳловчилар ВСХ бошлиғи номига мазкур Қоидаларнинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади.

ВСХ бошлиғи ВСХга қабул қилишда шахслардан олиб қўйилган ва навбатчилик қисмида сақланаётган пул маблағлари ҳисобидан ВСХда сақланаётган шахсларнинг қариндошлари ёки бошқа шахслар орқали озиқ-

овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олишлари учун шароит яратиб беради.

Карцерда сақланаётган шахсларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиши тақиқланади.

Посилкалар, йўқловлар, бандеролларни қабул қилиш ва уларни ВСХда сақланаётган шахсларга бериш ва ВСХда сақланаётган шахсларнинг хат-хабарларни олиши ва жўнатиши тартиблари Посилкалар, йўқловлар, бандеролларни қабул қилиш ва уларни ВСХда сақланаётган шахсларга бериш ва ВСХда сақланаётган шахсларнинг хат-хабарларни олиши ва жўнатиши тартиблари

**Посилкалар, йўқловлар, бандеролларни қабул қилиш ва уларни ВСХда сақланаётган шахсларга бериш ва ВСХда сақланаётган шахсларнинг хат-хабарларни олиши ва жўнатиши тартиблари**

ВСХда сақланаётган шахслар посилкалар, йўқловлар ва бандероллар олиш ҳуқуқига эга.

ВСХда сақланаётган шахслар ушлаб турилган даврида оғирлиги почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган нормалардан ошмайдиган битта посилка ёки бандероль, шунингдек умумий оғирлиги ўн икки килограммгача бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат иккита йўқлов олишига рухсат этилади.

ВСХда сақланаётган ҳомиладор аёллар ва болали аёллар, вояга етмаганлар, шунингдек шифокорнинг ёзма хулосасига кўра даволанишга ҳамда кучайтирилган овқатга муҳтож деб топилган беморлар, биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлари учун йўқловларнинг сони ва оғирлиги чекланмайди.

Одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёки жиноят қуроли сифатида ёхуд ушлаб туриш мақсадларига тўсқинлик қилиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, нарсалар ва моддаларни ВСХда сақланаётган шахсларга бериш тақиқланади.

Посилкалар, йўқловлар ва бандероллар қабул қилиш ВСХнинг махсус жиҳозланган хонасида амалга оширилади.

Посилкалар, йўқловлар ва бандероллар қабул қилиш вақти, тартиби ва уларнинг сони ҳамда миқдорини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўчирмалар ВСХга келган шахсларга кўринадиган жойга осиб қўйилади.

Йўқлов олиб келган шахс икки нусхада ариза тўлдиради. Аризалар ва йўқлов уни олиб келган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати билан бирга ВСХ навбатчисига тақдим этилади.

Йўқловдаги нон ва колбаса маҳсулотлари, шунингдек пишлоқ ва тузланган балиқ бўлақларга ажратилиб текширилади, суюқ маҳсулотлар ВСХнинг идишига қўйилади, консервалар очилиб, бошқа идишга солинади, махорка, шакар ва шу кабилар махсус элакдан ўтказилади, конфетлар ўрамсиз қабул қилинади, тамаки маҳсулотлари қутисидан чиқарилган ҳолда кўздан кечирилади. Ёзишмаларни ҳамда тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини яшириш мумкин бўлган бошқа барча маҳсулотлар ҳам шу

тартибда текширилади. Зарур ҳолларда, текширув жараёнида техник воситалардан фойдаланилади.

Текширув йўқловни олиб келган шахс иштирокида амалга оширилади.

ВСХ ходими йўқлов олиб келган шахсга унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва аризасининг бир нусхасини йўқловни қабул қилганлиги тўғрисида имзо қўйиб қайтариб беради ҳамда йўқловнинг оғирлигини махсус журналга қайд этади. Аризанинг иккинчи нусхасига ВСХда сақланаётган шахс йўқловни олганлиги тўғрисида имзо қўйганидан сўнг, йўқлов унга берилади ва аризанинг ушбу нусхаси унинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига қўшиб қўйилади. ВСХда сақланаётган шахс аризага йўқловни олганлиги тўғрисида имзо қўйишдан бош тортса, бу ҳақда аризанинг ушбу нусхасига ёзиб қўйилади ва далолатнома тузилади.

Йўқловда жиноий мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган, ВСХ ҳудудига киритиш тақиқланган яширилган ашёлар аниқланган тақдирда, ВСХ жойлашган ички ишлар органи бошлиғига билдирги орқали маълум қилинади. Ички ишлар органи бошлиғининг текширув ўтказиш бўйича топшириғига асосан тезкор ходимлар томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади.

*ВСХда сақланаётган шахсларнинг хат-хабарларни олиши ва жўнатиши тартиби.*

ВСХда сақланаётган шахслар қариндошлари ҳамда бошқа шахслар билан ёзишмалар олиб бориш ҳуқуқига эга. ВСХда сақланаётган шахсларнинг хат-хабарларини жўнатиш уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ВСХда сақланаётган шахслар ёзишмалар учун зарур ашёларни (конвертлар, маркалар, телеграмма бланкалари, қоғоз ва бошқаларни) ВСХ ходимлари орқали сотиб олади.

ВСХда сақланаётган шахсларнинг ёзишмалари ВСХ маъмурияти орқали амалга оширилади ҳамда цензурадан ўтказилади. Цензура ВСХ маъмурияти томонидан, зарур бўлган тақдирда эса жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган томонидан амалга оширилади.

ВСХда сақланаётган шахсларнинг жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши ёхуд жиноят содир этилишига кўмаклашиши мумкин бўлган маълумотлар кўрсатилган, махфий ёзув, белгилар билан ёзилган, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган хат-хабари адресатга жўнатилмайди, ВСХда сақланаётган шахсларга берилмайди ҳамда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга топширилади. Бу ҳақда прокурор ёзма равишда хабардор қилинади.

### **Мустақил тайёргарлик учун топшириқ:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.


Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш хибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 171-сон буйруғини ўқиб ўрганиш ва тегишли бандларини конспектлаштириш.

### **Вақтинча сақлаш хибсхоналари фаолияти ташкил этиш тартиби. Семинар машғулоти**

Ушбу ўқув машғулоти «Савол-жавоб» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади..

«Савол-жавоб» методи мавзунинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Уни қўллашнинг самарадорлиги савол-жавобларнинг аниқ, қисқа ва тушунарли тарзда ифода этилиши, айнан мавзуга доир бўлишига боғлиқ.

Таълим жараёнида методни қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:



#### ***Машғулотнинг саволлари:***

1-савол. Кимлар ВСХга хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда кириш ҳуқуқига эга?

2-савол. ВСХга қабул қилиш ва сақлаш учун қандай ҳужжатлардан бирининг мавжудлиги асос бўлади?

3-савол. Суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ушлаб туриш тўғрисидаги қарори асосида ЖПКнинг қайси моддасига биноан баённома расмийлаштирилади?

4-савол. Тергов ҳаракатларини бажариш ёки жиноят ишларини тергов хибсхоналари жойлашган аҳоли пунктлари ҳудудидан ташқарида судда кўриб чиқиш зарур бўлган ҳолларда қамоққа олинганларни мазкур ҳаракатларни амалга ошириш ва суд мажлисларини ўтказиш учун ҳар кун олиб бориш имконияти бўлмаганда тегишли тартибда тергов хибсхонасида қолдирилган маҳкум қамоққа олинган шахсни бошқа ерга кўчириш тўғрисидаги терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига

асосан неча ой мобайнида кўпи билан неча суткагача тергов хибсхоналаридан ВСХга ўтказилиши мумкин?

**25-Мавзу: Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларининг фаолияти ташкил этиш.**

(маъруза 2 соат)

**Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. Реабилитация марказларининг асосий вазифалари ва функциялари.

2-ўқув савол. Реабилитация марказларида муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни сақлаш.

3-ўқув савол. Реабилитация марказларида сақланаётган шахсларни доимий яшаш жойларига жўнатиш.

**1-ўқув савол. Реабилитация марказларининг асосий вазифалари ва функциялари.**

Илмий адабиётларда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар “Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар”, “Доимий иш ва яшаш жойига эга бўлмаган шахслар”, “Иш ва яшаш жойи ноаниқ бўлган шахслар” деб номланиб келинган ва шу кунгача бирор бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда уларга таъриф бериб ўтилмаган эди. Шу билан бир қаторда бу тоифадаги шахсларни қабул қилиш бўйича махсус Реабилитация марказларини қандай номлаш борасида ҳам камчиликлар мавжуд бўлган ва шуни алоҳида таъкидлаш жоизки ушбу марказлар фаолиятини тартибга солувчи бирор бир норматив-ҳужжат ҳам қабул қилинмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2018 йил 26 апрель 309-сонли қарори қабул қилинди ва мавжуд камчиликлар бартараф этилиб Реабилитация марказларининг мақоми, уларнинг асосий фаолият йўналишлари, вазифалари, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш, уларни сақлаш, реабилитация қилиш тартиб қоидалари белгилаб берилди, шунингдек ушбу тоифадаги шахслар билан ишлаш фаолиятининг асосий тушунчалари кўрсатилди.

**реабилитация маркази** — муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни уларнинг шахси аниқлангунгача маъмурий суднинг ажрими асосида ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга сақлаб туриш ва реабилитация қилиш учун мўлжалланган ички ишлар органлари тизимидаги давлат муассасаси;

**муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс** — шахсини тасдиқловчи ҳужжати, шунингдек, бирон-бир манзилда доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинмаган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган 18 ёшдан ошган шахс;

**профилактика суҳбати** — реабилитация марказларига қабул қилинган шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтириш;

**реабилитация қилиш** — муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш, шунингдек, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Реабилитация марказлари юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

Реабилитация марказлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#) ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларга амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакили реабилитация марказига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.

**Реабилитация марказларида муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни сақлаш бўйича реабилитация марказларининг ички режимига мувофиқ қуйидаги махсус шарт-шароитлар таъминланади:**

реабилитация марказларида сақланаётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш;

реабилитация марказлари ҳудудига бегона шахсларнинг эркин киришини ҳамда бу ерда сақланаётган шахсларнинг марказ ҳудудидан эркин чиқишини чеклаш;

реабилитация марказларида сақланаётган шахсларни доимий ва узлуксиз назорат қилиш, шахсий кўрикдан ўтказиш, уларнинг буюмлари, олаётган ва юбораётган почта жўнатмалари ҳамда йўқловларини кўздан кечириш.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш, сақлаш ва уларни реабилитация қилиш ушбу Низомга иловадаги [схемага](#) мувофиқ амалга оширилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ишларни юритиш тўғрисидаги [Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси](#) талабларига асосан туман (шаҳар) жинойт ишлари бўйича судлар томонидан юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакили реабилитация марказига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.



Реабилитация марказларида муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни сақлаш бўйича реабилитация марказларининг ички режимига мувофиқ қуйидаги махсус шарт-шароитлар таъминланади:

реабилитация марказларида сақланаётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларни ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш;

реабилитация марказлари ҳудудига бегона шахсларнинг эркин киришини ҳамда бу ерда сақланаётган шахсларнинг марказ ҳудудидан эркин чиқишини чеклаш;

реабилитация марказларида сақланаётган шахсларни доимий ва узлуксиз назорат қилиш, шахсий кўриқдан ўтказиш, уларнинг буюмлари, олаётган ва юбораётган почта жўнатмалари ҳамда йўқловларини кўздан кечириш.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни аниқлаш, сақлаш ва уларни реабилитация қилиш ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ишларни юритиш тўғрисидаги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси талабларига асосан маъмурий судлар томонидан юритилади.

#### **Реабилитация марказларининг асосий вазифалари ва функциялари.**

Қуйидагилар реабилитация марказларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни сақлаш ва уларнинг шахсини аниқлаш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар билан профильёбъектика тадбирларини амалга ошириш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш.

#### **Реабилитация марказлари ўз зиммасига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:**

а) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни сақлаш ва уларнинг шахсини аниқлаш бўйича:

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни кеча-кундуз қабул қилиш ва рўйхатга олиш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни уларнинг шахсини ва психологик жиҳатдан мослигини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, уларга юкланган мажбуриятларни бажаришини ташкил этиш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган ҳар бир шахснинг давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари орқали шахсини аниқлаш мақсадида уларни белгиланган тартибда текширувдан ўтказиш;

б) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар билан профильёбъектика тадбирларини амалга ошириш бўйича:

ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдириш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бу ҳақида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларни хабардор қилиш;

доимий яшаш жойларига юборилиши лозим бўлган ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган чет эл фуқаролари ҳақида тегишли давлат органлари ва ташкилотларни белгиланган тартибда хабардор қилиш;

в) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш бўйича:

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар учун санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб берадиган моддий-маиший шароитлар яратиш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни белгиланган нормалар бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга психологик ёрдам кўрсатиш, яъни уларнинг психофизиологик мойилликлари, қобилиятлари, қизиқишлари ва бошқа ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий мослашув чора-тадбирларини амалга ошириш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан ҳамкорликда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган ва реабилитация марказларига жойлаштирилган меҳнатга лаёқатли муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, стационар шароитларда ёрдам кўрсатишга муҳтож деб топилган шахсларни белгиланган тартибда соғлиқни сақлаш органлари тизимидаги даволаш-профильёбъектика муассасаларига юбориш;

қаровсиз қолган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларига, руҳий касалликка чалинган ногиронлиги бўлган шахсларни «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларига, касалларни даволаш муассасаларига жойлаштириш чора-тадбирларини кўриш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг шахси аниқлангандан сўнг уларни доимий ёки вақтинча яшаш жойларига юбориш чораларини кўриш.

Реабилитация марказлари ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши учун жавоб беради.

**Реабилитация марказларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш.**

Реабилитация марказлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Реабилитация марказлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳрида, шунингдек, зарурат бўлганда аҳоли зич жойлашган бошқа ҳудудларда ташкил этилади.

Реабилитация марказлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаларига бўйсунди.

**Реабилитация марказларига келтирилган муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш.**

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига қабул қилиш учун маъмурий суднинг ажрими асос ҳисобланади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар реабилитация марказларига кеча-кундуз қабул қилинади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги қарор маъмурий суд томонидан қаноатлантирилган тақдирда, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс реабилитация марказига тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органларининг ходимлари томонидан келтирилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар реабилитация марказларига қабул қилинаётганда уларнинг фотосуратлари ва бармоқ излари олиниб рўйхатга кўйилади, тиббий ва шахсий кўрикдан ўтказилади, буюмлари ва ашёлари кўздан кечирилади ҳамда кийимлари ва буюмлари дезинфекция қилинади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс реабилитация марказининг у билан бир жинсдаги ходимлари томонидан шахсий кўрикдан ўтказилади ва баённома билан расмийлаштирилади. Баённома шахсий кўрикни ўтказган ходимлар ва шахсий кўрикдан ўтказилган шахс томонидан имзоланади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслардан сақланиши, тарқатилиши, истеъмол қилиниши, фойдаланилиши тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб кўйилади.

**Реабилитация марказларига олиб кирилиши тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари қуйидагилардан иборат:**

қонун ҳужжатлари билан муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган ашёлар;

пуллар, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо тошлар ва улардан ясалган буюмлар, турли марказдаги соатлар ва бошқа қимматликлар;

оптик асбоблар, кўзойнак бундан мустасно;

алкогол маҳсулотлари, шунингдек, таркибида спирт бўлган атир ва бошқа маҳсулотлар;

барча турдаги радиоаппаратура, компьютер техникаси, ёзув машинкаси, нусха кўчириш воситалари;

алоқа воситалари, жумладан, уяли алоқа воситаси, радиотелефонлар, рациялар ва уларнинг барча турдаги қисмлари;

пичоқлар, кайчилар, устаралар, электр устара бундан мустасно, шунингдек, бошқа барча турдаги санчувчи ва кесувчи ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли, жиноят қуроли сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар;

ойналар, камера деворига ўрнатилган ойна бундан мустасно;

ўйин карталари;

хамиртуруш ва ачиткилар;

уйда пиширилган, шунингдек, истеъмол қилиниши иситиш ва пиширишни талаб қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари.

Шахсий кўрик пайтида олиб қўйилган тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари тавсифлари ва идентификациялаш рақамлари санаб ўтилган ҳолда баённомада кўрсатилади.

Тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг реабилитация марказида сақланиш даврида реабилитация марказининг алоҳида хонасида ўрнатилган, ҳар бир хона учун алоҳида 4 тадан ячейкаси бўлган, рақамланган ва қулфланадиган махсус жиҳозланган шкафларда сақланади. Моддий-товар бойликларининг сақланиши учун реабилитация маркази навбатчиси жавобгар ҳисобланади.

Муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган нарсалар аниқланганда олиб қўйилади, уларни сақлаш, топшириш ёки йўқ қилиш масалаларини ҳал этиш, шунингдек, ушбу ашёларни сақлаган муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан белгиланган тартибда жавобгарлик масаласини ҳал этиш учун улар зудлик билан тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)га хабар берилади.

Дори воситалари тиббий пунктга рўйхат бўйича топширилади, алоҳида сақланади ва реабилитация маркази тиббиёт ходимининг кўрсатмаси асосида муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг имзоси билан қайтарилади.

Реабилитация марказларига жойлаштирилган муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар реабилитация марказига олиб келинган муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш дафтарида қайд этилади ва улар учун ҳисобга олиш йиғма жилдлари юритилади.

Реабилитация марказларида ҳисобга олиш, рўйхатдан ўтказиш, ҳужжатларини юритиш тартиби ва тегишли ҳужжатларнинг намуналари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

**2-ўқув савол. Реабилитация марказларида муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни сақлаш.**

Реабилитация марказларига қабул қилинган шахслар реабилитация марказларида уларнинг шахси аниқлангунига қадар маъмурий суднинг ажрими асосида ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга сақлаб турилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар реабилитация марказларини ўзбошимчалик билан тарк этишига ва ҳуқуқбузарлик содир этилишига йўл қўйилмайдиган, хавфсиз шароитларда сақланади ва кеча-кундуз реабилитация марказлари ходимларининг назорати остида бўладилар.

Реабилитация марказларида сақланаётган муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни назорат қилиш реабилитация маркази ходимларидан

иборат таркибда ташкил этиладиган навбатчилик гуруҳлари томонидан амалга оширилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказларининг хоналарида алоҳида-алоҳида жойлаштириш уларнинг шахсини ва психологик жиҳатдан мослигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Чекувчилар, қоидага кўра, чекмайдиганлардан алоҳида жойлаштирилади.

**Қуйидаги шахслар алоҳида жойлаштирилиши шарт:**

эркаклар ва аёллар;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

юқумли касалликларга чалинган ёки тиббий кузатувга муҳтож бўлган беморлар;

реабилитация маркази бошлиғининг қарорига кўра, ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш манфаатларидан келиб чиқиб айрим шахслар.

**Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.**

Реабилитация марказларида сақланаётган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

реабилитация марказлари ходимларидан сақлаш тартиби ва шароитлари, ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида ахборот олиш;

реабилитация маркази маъмуриятига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан муносабат қилиш;

адвокатнинг юридик ёрдами ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; уларнинг шахсий хавфсизлиги ва соғлигини таъминловчи шароитларда сақланиши, тегишли тиббий ёрдам олиш;

почта жўнатмалари ва йўқловларни олиш ва жўнатиш;

қариндошлари ёки бошқа шахслар билан учрашиш;

телефон орқали чекловларсиз сўзлашиш;

тунги вақтда узлуксиз саккиз соат ухлаш;

кундузги вақтда реабилитация маркази ҳудудидаги махсус ажратилган жойларда сайр этиш;

агар, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаса, диний расм-русумларни адо этиш;

белгиланган нормалар бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш, моддий-маиший шароитлар, ўқув-бадий, ахборот материалларидан фойдаланиш, реабилитация марказларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан ахборот олиш;

реабилитация марказларидан доимий ёки вақтинча яшаш жойларига юборилаётганда далолатнома асосида топширилган кийим-бошлари, тақиқланмаган буюмлари ва бошқа нарсаларини қайтариб олиш.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган чет эл фуқаролари ушбу бандда назарда тутилган ҳуқуқлардан ташқари, ўз давлатларининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан, Ўзбекистон Республикасида дипломатик ва консуллик муассасаларига эга бўлмаган

мамлакатларнинг фуқаролари эса уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган давлатнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан алоқа қилиш ҳуқуқига эга.

**Реабилитация марказларига қабул қилинган шахсларга қуйидаги мажбуриятлар юкланади:**

реабилитация марказининг кун тартибига қатъий риоя қилиш;

реабилитация маркази ходимларининг қонуний талабларини бажариш, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилмаслик;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига риоя этиш;

ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш;

реабилитация маркази мол-мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

бошқа шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи, шунингдек, ўзининг ҳамда бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи хатти-ҳаракатларни содир этмаслик.

**Реабилитация марказларига қабул қилинган шахсларни текшириш ва реабилитация қилиш.**

Реабилитация марказларида муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар текширувдан ўтказилади.

Текширувнинг асосий мақсади муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг шахсини аниқлаш, шу жумладан жиноят ва ҳуқуқбузарликларга алоқадорлиги ҳамда унга нисбатан жиноят содир этганлик учун ёки бедарак йўқолган шахс сифатида қидирув эълон қилинганлигини текшириш ва уларни реабилитация қилишдир.

Реабилитация марказларининг масъул ходимлари томонидан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар билан улар ушбу марказларга олиб келинган вақтдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан суҳбат ўтказилади.

Суҳбат давомида муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсдан уни текшириш учун зарур маълумот ва тушунтиришлар олинади ҳамда суҳбат натижалари ҳақида баённома тузилиб, уни ўтказган масъул ходим ва суҳбатлашилган шахс томонидан имзоланади.

Реабилитация марказларига қабул қилинган шахслар ички ишлар органларининг ахборот марказлари, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари, шунингдек, эксперт-криминалистика хизматининг мавжуд электрон ахборот базалари орқали текширилади.

Электрон ахборот базаларида реабилитация марказларига қабул қилинган шахслар тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, уларнинг ўзи ҳақида берган тушунтиришлардан келиб чиқиб, улар яшаган жойлардаги туман (шаҳар) ички ишлар органларига фотосуратлари илова қилинган ҳолда сўров хатлари юборилади.

Туман (шаҳар) ички ишлар органлари томонидан реабилитация марказларининг сўров хатларига асосан фуқаролик ҳолати далолатномасини ёзиш бўлими ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига сўров хатлари

юборилади ҳамда реабилитация марказларининг сўров хатлари келиб тушган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай, шахснинг туғилганлик ҳақидаги далолатномасидан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аҳолини рўйхатга олиш китобидан кўчирмаларни илова қилган ҳолда жавоб хатлари юборилади.

Реабилитация марказларига қабул қилинган шахслар орасида чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар аниқланса, бундай шахслар қабул қилинган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, белгиланган тартибда уларнинг шахсларини аниқлаш анкеталари тўлдирилиб, тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига юборилади.

Шахсини аниқлаш анкетасига чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг 3,5 см х 4,5 см ўлчамдаги икки дона фотосурати, тушунтириш хати ҳамда таржимаи ҳоли илова қилинади.

Реабилитация марказларига қабул қилинган шахсларнинг жиноятларга алоқадорлигини, уларга нисбатан қидирув эълон қилинганлигини аниқлаш юзасидан текширувлар реабилитация марказларининг тезкор ходимлари томонидан амалга оширилади.

Реабилитация марказларида сақланаётган шахслар орасида қидирувда бўлган, жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб қилинган, содир этилган жиноятларга алоқадор шахслар аниқланган тақдирда зудлик билан тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бошқарма (бўлим)ларига хабар берилади.

Реабилитация марказларида сақланаётган шахсларнинг шахси аниқланиб, доимий яшаш жойларига жўнатилаётганда реабилитация марказлари навбатчилари томонидан уларга реабилитация марказларида сақланганлиги тўғрисида маълумотномалар берилади.

Фуқаролик паспортини йўқотган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг илтимосига кўра, уларга вақтинчалик шахсини тасдиқловчи маълумотнома берилади.

Вақтинчалик шахсини тасдиқловчи маълумотнома олиш учун реабилитация марказлари навбатчилари томонидан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар ўзлари ҳақида берган тушунтиришлардан келиб чиқиб, доимий рўйхатда турган туман (шаҳар) ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига сўров хати юборилади. Сўров хатига муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг аризаси ва шахсига доир маълумотлар илова қилинади.

Сўров хатига асосан туман (шаҳар) ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига томонидан уч кун муддатда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс номига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда вақтинчалик шахсини тасдиқловчи маълумотнома расмийлаштирилиб, реабилитация марказига юборилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар шахсини тасдиқловчи вақтинчалик маълумотнома билан туман (шаҳар) ички ишлар органларининг

миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига муурожаат этганда қуйидагилар амалга оширилади:

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги унинг туғилган вақти ва жойи, қаерда яшаганлиги, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари ва бошқа яқин қариндошлари, аввалги доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзили ҳақидаги маълумотларни аниқлаш орқали ўрганиб чиқилади;

Ўзбекистон Республикаси ёки бошқа давлат фуқаролигига мансублиги аниқланмаган тақдирда, туман (шаҳар) ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари шахсини тасдиқловчи вақтинча маълумотномани белгиланган тартибда беради, шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш, яшаш гувоҳномасини ҳужжатлаштириш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти билан аввал ҳужжатлаштирилган, аммо уни йўқотиб қўйган ва доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмаган (суд қарори билан доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан чиқариб юборилган ва/ёки доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйишга асослари мавжуд бўлмаган), муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга, истисно тариқасида, вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинганлиги асосида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти қайта расмийлаштирилади.

Ушбу Низомнинг 421 ва 422-бандларида назарда тутилган ҳолларда фуқаролик паспортларни расмийлаштиришда ички ишлар органлари томонидан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 21 ва 308<sup>1</sup>-моддаларида назарда тутилган тартибда маъмурий жавобгарликдан озод этиш чоралари кўрилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг фуқаролик паспортларини расмийлаштириш учун давлат божлари туман (шаҳар) ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг талабномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва паспортни расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг шахсини ўттиз сутка муддат давомида аниқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, уларни реабилитация марказларига қайта жойлаштириш масаласини кўриб чиқиш учун сақлаш муддати тугашидан йигирма тўрт соат олдин реабилитация



маркази бошлиғининг асослантирилган илтимосномаси маъмурий судга тақдим этилади.

**Реабилитация марказларига қабул қилинган шахслар қуйидаги тартибда реабилитация қилинади:**

соғлом ва меҳнатга лаёқатли 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 55 ёшгача бўлган аёллар маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан ҳамкорликда бандлигини таъминлаш масаласини ҳал этиш учун тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органларига юборилади;

боқувчиси ва қаровчиси ҳамда доимий яшаш жойи бўлмаган 60 ёшдан ошган эркаклар ва 55 ёшдан ошган аёллар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қаровсиз қолган кексалар белгиланган тартибда тегишли ички ишлар органлари томонидан соғлиқни сақлаш органлари билан ҳамкорликда «Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларига, руҳий касаллик сабабли ногиронлиги бўлган шахслар «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларига жойлаштирилади;

тиббий даволанишга муҳтож бўлган шахслар тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органлари томонидан соғлиқни сақлаш органлари билан ҳамкорликда белгиланган тартибда даволаш-профиль-терапия муассасаларига юборилади.

**Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг моддий-маиший ва тиббий таъминоти.**

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талаблари ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган маиший шароитлар яратилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар сақланадиган хоналар вентиляция жиҳозларига ва иситиш тизимига, шунингдек, табиий ва сунъий ёруғликка эга бўлиши керак. Хоналарнинг деразалари сунъий вентиляция тизими мавжудлигидан қатъи назар тоза ҳаво киришини таъминлаши лозим.

Реабилитация марказларида бир кишига тўғри келадиган яшаш майдонининг нормаси икки ярим квадрат метрдан, аёллар ва вояга етмаганлар учун эса уч квадрат метрдан кам бўлмаган ўлчамда белгиланади. Юқумли касалликларга чалинган беморлар, шунингдек, ҳомиладор аёллар ва болали аёллар сақланадиган хоналарда бир кишига тўғри келадиган яшаш майдони тўрт квадрат метрдан кам бўлмаслиги лозим.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар шахсий кийим-боши, поябзали ва якка тартибдаги шахсий гигиена воситаларидан фойдаланади. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларда шахсий гигиена воситалари бўлмаган тақдирда, улар реабилитация марказлари ҳисобидан ушбу воситалар билан таъминланадилар.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг чўмилиб-ювиниши етти кунда камида бир марта амалга оширилади.

Реабилитация марказлари биноларини қуриш ва уларни жиҳозлаш ишлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига жавоб берадиган лойиҳалар асосида амалга оширилади.

**Реабилитация марказларида қуйидагилар бўлиши лозим:**

навбатчилик қисми, канцелярия, архив, реабилитация марказлари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, тезкор хизмат ходимлари, инспекторлар, бухгалтер, тиббиёт хизмати ҳамда моддий жавобгар ходимлар учун хизмат хоналари;

реабилитация марказлари ходимлари учун алоҳида ювиниш, дам олиш ва маиший хизмат хоналари;

эркаклар ва аёлларни, шунингдек, ўзи билан вояга етмаган фарзанди бўлган аёлларни алоҳида жойлаштириш учун, бундан ташқари, янги келган ва тиббий кўриқдан ўтмаган шахслар учун алоҳида хоналар;

қабул қилиш блоки (тезкор хизмат ходимлари ва профилъььактика тадбирларини олиб борувчи инспекторларнинг хоналари);

коммунал-маиший хизмат блоки (муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар учун ювиниш, дезинфекция қилиш, кир ювиш, кийимларни қуриштириш ва маиший хизмат хоналари);

ахборот-текширув блоки (қабул қилинган шахсларнинг шахсини, муқаддам содир этилган жиноятларга алоқадорлигини текшириш учун зарур компьютер техникаси, ички ишлар органлари электрон ахборот базаларига уланиш учун алоқа тармоғи, фото-видеоаппаратлар, бармоқ изларини олиш мосламалари билан жиҳозланган хизмат хоналари);

тиббий хизмат кўрсатиш блоки (шахсларни қабул қилиш ва тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда дори-дармонларни сақлаш хоналари);

овқатланиш блоки (ошхона, идиш ювиш хоналари);

спорт майдончалари (волейбол ва баскетбол майдончалари, тренажёрлар ва бошқалар);

маданий ҳордиқ чиқариш блоки (маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона).

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга реабилитация марказларида тиббий хизмат кўрсатиш реабилитация марказлари тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади. Тиббиёт ходими йўқлигида, қабул қилинган шахсларга биринчи тиббий ёрдам реабилитация марказлари ходимлари томонидан кўрсатилади.

Реабилитация марказларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун дори қутилари бўлиши лозим.

Реабилитация марказларида сақланаётган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатишда тиббиёт ходимлари қуйидагиларни амалга оширадilar:

Олдинги таҳрирга қаранг.

эпидемия ва юқумли касалликларга қарши зарур тадбирларни ўтказиш, бундай ҳолатлар аниқланганда, санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бўлимларига йигирма тўрт соат ичида тезкор хабар бериш;

амбулатор ва шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш;

белгиланган тартибда беморлар, махсус тиббий ёрдамга муҳтожлар консултацияларини ташкил қилиш;

белгиланган тартибда стационар даволанишга муҳтож бўлган шахсларни даволаш муассасаларига жойлаштириш ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

мутахассис шифокорлар ва маслаҳатчиларнинг тавсиялари ҳамда кўрсатмаларини бажариш;

дорилар, дезинфекция воситалари ва тиббий жиҳозларга эҳтиёжни ҳисобга олиш, уларни тўлдириш (сотиб олиш) ҳақида реабилитация марказлари бошлиғига белгиланган тартибда тегишли талабномаларни бериш, уларни сақлаш, бериш ва ҳисобга қўйишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш;

жойлаштиришда, овқатланишни ташкил қилишда, сув билан таъминлашда, реабилитация марказларига қабул қилинган шахсларга санитария жиҳатидан ишлов берилишида санитария-эпидемиологик қоидаларга риоя этилишини тиббий жиҳатдан назорат қилиш.

Реабилитация марказларига қабул қилиш вақти ҳамда сақланиш даврида муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларда тан жароҳатлари аниқланган тақдирда, реабилитация марказларининг тиббиёт ходимлари томонидан далолатнома тузилади. Тиббий кўрик натижалари тўғрисида дарҳол тегишли туман (шаҳар) прокурорига хабар қилинади.

Атрофдагилар учун эпидемик хавф туғдираётган беморлар (ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган беморлар, силнинг фаол шакллари, бошқа хавфли юқумли касалликлар, захм ва сўзакнинг юқумли шакллари билан касалланганлар) мутахассис шифокорлар томонидан кўриқдан ўтказилиб, ёзма хулосаси олинганидан сўнггина реабилитация марказларига жойлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолларда улар бошқа шахслардан алоҳида сақлаб турилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг соғлиғи бўйича шикоятлар ва кўрсатилган тиббий ёрдам натижалари реабилитация марказида сақланаётган муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш китобида қайд қилинади, бу китоб реабилитация маркази тиббиёт пунктида, тиббиёт ходими йўқлигида — реабилитация маркази навбатчисида сақланади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар тиббий кўрсатмалар бўйича ўзларига зарур бўлган дори воситалари ва препаратлардан реабилитация марказлари тиббиёт ходимларининг руҳсати билан фойдаланишга ҳақли.

Суд-тиббий (суд-психиатрик) тасдиқланишига ҳамда реабилитация марказлари тиббиёт ходимларининг хулосаларига кўра, стационар шароитларда ёрдам кўрсатилишига муҳтож деб топилган шахслар белгиланган тартибда соғлиқни сақлаш органлари тизимидаги даволаш-профильёвтика муассасаларига юборилади.

Реабилитация марказларида муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг тиббий таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Реабилитация марказлари ходимлари ва тиббиёт ходимлари мунтазам санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилишини таъминлаши шарт.

Реабилитация марказларининг санитария ҳолати, шунингдек, профильтр-вакцина ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг бажарилиши Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг тиббиёт бўлимлари томонидан назорат қилинади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг розилиги билан улар реабилитация марказлари хоналаридаги санитария-гигиена, маиший шароитларни яхшилаш, шунингдек, ички ишлар органлари ёки реабилитация марказлари ҳудудини ободонлаштириш билан боғлиқ, давомийлиги суткасига икки соатдан кўп бўлмаган хўжалик ишларига жалб қилинади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни хўжалик ишларга жалб қилиш уларнинг соғлиғи ҳолати ҳисобга олинган ҳолда ва навбати билан амалга оширилади. Меҳнатга лаёқатсиз шахслар хўжалик ишларига жалб қилинмайди.

Реабилитация марказларида сақланаётган шахсларни озиқ-овқат ва бошқа ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни иссиқ овқат билан таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг масъул ходимлари умумий овқатланиш ташкилотлари билан иссиқ овқат етказиб бериш ҳақида шартнома тузади. Овқатланишнинг белгиланган нормасини ҳисобга олган ҳолда, шартномада овқатлар тури, кундузги рацион баҳоси ва овқатланиш учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби кўзда тутилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс овқат ейишдан бош тортган ҳолларда (очлик эълон қилганида) реабилитация маркази бошлиғи, унинг ўринбосари (уларнинг йўқлигида навбатчи) сабабларни аниқлайди ва очлик эълон қилиш сабабларини бартараф қилиш чораларини кўради. Очлик эълон қилган шахслар алоҳида хоналарга жойлаштирилади ҳамда уларга доимий тиббий кузатув белгиланади.

Тиббиёт ходимининг ёзма хулосаси асосида муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг соғлиғини назорат қилиб туриш ёки тиклаш чоралари кўрилади. Очлик эълон қилган шахснинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғилган пайтда тиббиёт ходими, унинг йўқлигида эса — реабилитация марказлари бўйича навбатчилар шошилишч тиббий ёрдам хизматларини чақиради.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс вафот этган тақдирда унинг жасади эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакилларига ёхуд дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахсларга топширилади.

Эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошларидан ёки вафот этган шахснинг қонуний вакилларида ёки дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахслардан жасадни бериш тўғрисида ариза тушмаган тақдирда, вафот этган шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда дафн этилади. Вафот этган шахс реабилитация марказларига қабул қилинган вақтда ундан олиб қўйилган тақиқланган ашёлар ва озик-овқат маҳсулотлари реабилитация марказлари бошлиқларининг прокурор билан келишилган ва асослантирилган қарорларига кўра давлат даромадига ўтказилади.

**3-ўқув савол. Реабилитация марказларида сақланаётган шахсларни доимий яшаш жойларига жўнатиш.**

Реабилитация марказларида сақланаётган шахсларнинг шахси ва яшаш жойи аниқланганидан сўнг улар доимий яшаш жойларига жўнатилади ҳамда бу ҳақида шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида ажрим чиқарган суд йигирма тўрт соатдан кечиктирмай хабардор қилинади.

Реабилитация марказларида шахси ва яшаш жойи аниқланган шахсларни доимий яшаш жойларига жўнатиш бўйича реабилитация маркази бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан қарор қабул қилиниб, қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соат ичида сақланаётган шахсни доимий яшаш жойига жўнатиш чоралари кўрилади.

Реабилитация марказларида шахси ва яшаш жойи аниқланган шахсларни доимий яшаш жойларига жўнатиш реабилитация марказлари навбатчилари томонидан амалга оширилади. Зарур бўлганда, реабилитация марказининг буюртманомасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан уларга маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан йўл харажатлари учун пул берилади.

Доимий яшаш жойларига жўнатилаётган шахсларга уларнинг вақтинча сақлаш учун реабилитация марказларига топширган буюмлари ва бошқа нарсалари қайтариб берилади, шунингдек, улар билан профильёбъектика суҳбати ўтказилади.

Реабилитация марказларида сақланаётган чет эл фуқаролари тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари орқали белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хабардор қилинади ва уларни ўзлари яшайдиган давлатларга қайтариш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Реабилитация марказларини бошқариш.**

Реабилитация марказига белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари томонидан тайинладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Реабилитация маркази бошлиғи ўз ваколатлари доирасида:

реабилитация марказига раҳбарлик қилади, реабилитация маркази ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда реабилитация маркази зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг тегишли тарзда бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

реабилитация маркази ходимлари ўргасида функционал вазифаларни тақсимлайди, улар зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади, реабилитация марказида сақланаётган шахсларнинг кун тартибини тасдиқлайди;

реабилитация марказининг иш режаларини тасдиқлайди;

реабилитация маркази ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, бошқа лавозимга ўтказиш, шунингдек, уларни рағбатлантириш ва уларга интизомий жазоларни қўллаш ҳақидаги таклифларни тегишлича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларига белгиланган тартибда тақдим этади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Реабилитация маркази бошлиғи йўқлигида унинг ваколатлари реабилитация маркази бошлиғининг ўринбосари томонидан амалга оширилади.

Реабилитация маркази бошлиғининг ўринбосари белгиланган тартибда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари томонидан тайинланади.

Реабилитация маркази бошлиғининг ўринбосари ўз ваколатлари доирасида:

реабилитация маркази ходимлари фаолиятини бевосита назорат қилади ва уларнинг касбий тайёргарлигини ошириш ҳамда хизмат интизомига риоя этишларини ташкил этиш юзасидан реабилитация маркази бошлиғига таклифлар киритади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари, соғлиқни сақлаш органлари билан ҳамкорликда реабилитация марказида сақланаётган шахсларнинг реабилитация қилиниши учун жавоб беради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича реабилитация маркази ходимларининг хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги, шунингдек, ходимлар томонидан қонун бузилишининг ҳар бир аниқланган ҳолати юзасидан белгиланган тартибда текширувлар ўтказилишини таъминлайди;

реабилитация марказида махфийлик тартиботига риоя этилиши, шу жумладан ахборотларни техник ҳимоялаш тадбирларини ташкил этади;

реабилитация маркази фаолияти бўйича ахборот-таҳлилий ва ҳисобот маълумотларини тайёрлайди ва бевосита тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош

бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларига белгиланган тартибда тақдим этади.

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**Реабилитация марказлари ходимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.**

Реабилитация марказлари ходимлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар билан учрашувга келганларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш;

реабилитация марказларида кириш-чиқиш режимини ва объектнинг ички режимини таъминлаш чораларини кўриш, назорат ва текширувнинг техник воситаларини қўллаш, реабилитация марказлари ҳудудига кириб келаётган ва ундан чиқиб кетаётган транспорт воситаларини кўздан кечириш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни шахсий кўриқдан ўтказиш, бармоқ изларини рўйхатга олиш ва ушбу шахсларни фотосуратга олиш, уларнинг ёнидаги ҳужжатлар, пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, нарсалар ва бошқа ашёларни кўздан кечириш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар томонидан олинадиган ва жўнатиладиган почта жўнатмаларини ва йўқловларни кўздан кечириш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслардан сақлаш, тарқатиш, истеъмол қилиш ва фойдаланиш тақиқланган ҳужжатларни, пул маблағларини, қимматбаҳо буюмларни, нарсаларни ҳамда бошқа ашёларни олиб қўйиш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслардан ва реабилитация марказлари ҳудудида турган бошқа шахслардан реабилитация марказлари ходимлари томонидан хизмат мажбуриятлари бажарилишига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни дарҳол тўхтатишни талаб қилиш, ушбу ҳаракатларга барҳам бериш, уларни бартараф этиш ва айбдорларни қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш юзасидан зарур чоралар кўриш.

Реабилитация маркази ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**Реабилитация марказлари ходимлари қуйидаги мажбуриятларни бажаради:**

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслардан ва реабилитация марказлари ҳудудида турган бошқа шахслардан ушбу Низом талабларига риоя этишни талаб қилиш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни сақлаш тўғрисидаги ажримнинг бажарилишини ташкил этиш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс жойлаштирилган пайтдан бошлаб унга тельефон орқали адвокатга, қариндошларига ёхуд бошқа шахсларга ўзини реабилитация марказига жойлаштирилганлиги тўғрисида қўнғироқ қилиш ёки хабар қилиш имкониятини бериши;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг адвокат, қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувларини ташкил этиш;

реабилитация марказига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакилининг монеликсиз киришини ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслардан олиб қўйилган, шахсий кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш баённомаларида кўрсатилган ҳужжатлар, пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, нарсалар ва бошқа ашёларнинг сақланишини, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар реабилитация марказларидан чиқиш пайтида уларнинг қайтариб берилишини ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилиб ташланишини таъминлаш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказида сақлаш тартиби ва шартлари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар моддий-маиший шароитларининг белгиланган нормалари ва қоидаларини, уларнинг шахсий хавфсизлиги ва соғлигини таъминлайдиган шароитларда сақланишини, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг бошқа ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар ушбу Низомда белгиланган мажбуриятларни бажариши учун шароитлар яратиш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказларида сақлаш тартибига риоя этишини назорат қилиш;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларда тан жароҳатлари аниқланганлиги ҳақида прокурорга дарҳол хабар қилиш.

Реабилитация марказлари ходимлари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **Реабилитация марказларининг хўжалик фаолияти**

Қуйидагилар реабилитация марказлари фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Реабилитация марказлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тезкор-техник, транспорт воситалари, мебельъъъ, жиҳозлар ва бошқа мол-мулк билан таъминланади.

Реабилитация марказларининг штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

Реабилитация марказлари ходимларининг иш ҳақи қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Реабилитация марказлари қонун ҳужжатларида белгиланган ҳисоботларни юритади.

Реабилитация марказлари фаолияти бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош



бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари, шунингдек, Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаларининг масъул ходимлари томонидан ҳар ойда камида икки мартаба текшириб турилиши лозим.

Реабилитация марказларида қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан назорат прокуратура органлари томонидан амалга оширилади. Назорат қилувчи прокурор реабилитация марказларига монеликсиз ва исталган вақтда киришга ҳақли.

### **Мустақил тайёргарликчун топшириқ:**

Мустақил таълимнинг мазмунини тингловчилар маъруза ва бошқа ўқув машғулотларда олган билимларини мустақил таълим жараёнида янада чуқурроқ ўзлаштиришлари ва навбатдаги машғулотга мўлжалланган мавзу бўйича тайёргарлик кўришлари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2018 йил 26 апрель 309-сонли қарорини ўрганиш ва тегишли бандларини конспектлаштириш.

## Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларининг фаолияти ташкил этиш

### Семинар машғулоту

Ушбу ўқув машғулоту **“Кичик гуруҳларда ишлаш”** интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

### “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари



Гуруҳларга топшириқлар:

1-гуруҳга топшириқ. Шахснинг ўзлигини йўқотиши ёки ундаги иш ёқмаслик хусусиятларининг пайдо бўлиши, дайдилик ёки тиламчилик билан шуғулланиши жамиятда қандай турли кўнгилсиз ҳолатларга олиб келиши мумкин?

2-гуруҳга топшириқ. Дайдиларнинг психологик хусусиятлари.

3-гуруҳга топшириқ. Тиламчиларнинг психологик хусусиятлар.

4-гуруҳга топшириқ. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни «Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш Маркази»га жойлаштириш учун ҳужжатлар расмийлаштириш.

**ИЗОХ:** Ушбу метод қўлланилганда ҳар бир гуруҳга шартли ном берилиб, уларнинг жавоблари беш баллик тизим асосида баҳоланади. Бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг саволига тўғри жавоб берса баллар тўғри жавоб берган гуруҳ ҳисобига ёзилади. Гуруҳларни ҳар бир гуруҳнинг жавоби тингланади умумлаштирилади, қўшимчалар билан тўлдирилади. Аниқ жавоблар тўхтамига келинади.

**26-Мавзу: Патруль пост хизмати ходимларининг ИИОнинг бошқа соҳавий хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлиги.**

(маъруза 2 соат)

**Машғулот режаси:**

1-ўқув савол. ППХ ва ЖТС хизмати ходимларининг ИИО соҳавий хизматлари билан ҳамкорлик қилиш тартиби.

2-ўқув савол. Патруль-пост хизмати нарядларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўзаро ҳамкорлиги.

**1-ўқув саволи: ППХ ва ЖТС хизмати ходимларининг ИИО соҳавий хизматлари билан ҳамкорлик қилиш тартиби.**

Маҳаллалар, кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлашда қатнашадиган ППХ саф бўлинмалари нарядлари, ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари, бошқа хизмат ходимлари, маҳалла посбонлари, жамоатчилик уюшмалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш қўйилган вазифаларни бажарилишининг асосий шарти ҳисобланади.

Нарядларнинг ўзаро ва бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорлигини ташкил қилиш, вазиятдан келиб чиққан ҳолда хизматни ўташга ўзгартиришлар киритишни амалга ошириш.

ППХ саф бўлинмалари нарядлари ва бошқа хизматлар ходимлари олдида қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш ва ҳаракатларни жойи ва вақти бўйича келишиб олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Патруль-пост саф бўлинмалари ўзларига бириктирилган ҳудудда хизмат олиб бориш давомида тезкор вазият бўйича ўзаро ахборот алмашиш, содир этилган жиноятлар ва ўзга ҳуқуқбузарликлар тўғрисида бошқа нарядларни хабардор қилиш тартиблари, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш, ғайриқонуний ҳаракатларни содир этган шахсларни ушлаш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган ва ҳодиса жойини қўриқлаш, ички ишлар органларига юклатилган бошқа вазифаларни бажариш бўйича тактик ҳаракатлар, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги вазифаларни бажаришда давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, жамоатчилик тузилмаси вакиллари ҳамда аҳоли билан ҳамкорлик қилади.

ППХ ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш давомида ИИОларининг соҳавий хизматлари билан ўзаро ҳамкорлиги;

**ППХ ходимлари профилактика инспекторлари билан ҳамкорлиги**- билан биргаликда паспорт режими, ов қуроли эгалари томонидан сақлаш қоидаларига риоя этилишини текшириш, жиноят содир этган шахсларни аниқлаб ушлаш каби тадбирларни амалга оширади.

**ПШХ ходимлари Тергов органлари билан-жиноят содир этиб**, тергов органлари томонидан дастлабки тергов ва суриштирув ишлари олиб борилаётган шахсларни тергов ҳаракатлари ўтказилиши белгиланган жойда ҳавфсизликни таъминлаш жараёнида ва бошқа ҳолатларда ҳамкорлик қилади.

**Жиноят қидирув бўлими ходимлари билан-жиноят содир этган шахсларни ушлаш**, ИИОларига олиб келиш жараёнларида, жиноят содир этиб, суд ва дастлабки тергов органларидан яшринган шахсларни аниқлашда ва қидирувда бўлган шахсларни ушлашда, содир этилган жиноятларни иссиқ изидан фош этишда, жиноят жойидаги далилларни йўқ бўлишини олдини олишда ва қонунда белгиланган бошқа йўналишларда ҳамкорлик қилади.

**Терроризм ва экстремизм хизмати билан-одам савдоси билан боғлиқ жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан профилактик ишлар олиб бориш**, Терроризм ва экстремизм, қўпоровчилик ва бошқа конситуциявий тузумга қарши қаратилган жиноят содир этган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишини олдини олишда ва уларни аниқлашда ҳамда қонунда белгиланган бошқа йўналишларда ҳамкорлик қилади.

**Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати билан-фуқаролар томонидан паспорт тизими қоидаларига риоя этиш**, аҳолини фуқаролик паспорти ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларидан фойдаланиш тартибига риоя этилишини назорат қилишда, Ҳуқуқбузарликка йўл қўйган, зиддиятли вазиятларда иштирок этган ёки чет эл фуқаролари бориши таъқиқланган жойларда пайдо бўлган чет элликни аниқланганда, унинг паспортини, визасини ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси текширишда, чет элликнинг Ўзбекистон Республикасида ва ушбу пунктда бўлишининг қонунийлигини белгилайди (визалар борлиги ва вақтинчалик рўйхатга ёки яшаш гувоҳномаси рўйхатга қўйилган ҳақида штампларнинг мавжудлиги, рўй берган ҳодиса ва чет элликнинг ҳужжатларини текшириш давомида, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасида бўлиши қонунга мувофиқ бўлмаган чет элликлар аниқланган ҳолда, кўчаларда ёки бошқа жамоат жойларида кучли (ўртача ва оғир даражали) алкоголь ҳолатида бўлган чет элликлар аниқланганда, имтиёз ва даҳлсизлик мақомларидан фойдаланувчи шахслардан ташқари, уларни тиббий хушёрхоналарга, тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати бўлганда соғлиқни сақлаш органлари даволаш муассасаларига олиб боришда, Пост худуди, патруль қилиш йўналишлари (ўқув юртлари, умуётоқхоналар, корхона ва бошқа ташкилотлар, меҳмонхоналар, кемпинг, сайёҳлик базалари ва бошқалар) чет элликлар яшаш жойлари манзилларини ва жойлашиш хусусиятларини билиши, ҳамда уларнинг бориши эҳтимоли бор жойларда (ресторанлар, барлар, концерт заллари, стадионлар, сузиш ҳавзалари ва бошқалар) жамоат тартибини таъминлашда алоҳида қаратган ҳолда хизмат олиб боришларида ва қонунда белгиланган бошқа йўналишларда ҳамкорлик қилади.

**Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги ходимлари билан-йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш ва таъминлаш**, йўл ҳаракати қоидаларини бузган фуқароларга нисбатан қонуний чора кўриш ва жазо

муқаррарлигини таъминлаш, аҳолини йўл қоидаларига риоя этилиши бўйича ҳуқуқий онг ва маданиятини шакиллантириш ва қонунда белгиланган бошқа йўналишларда ҳамкорлик қилади.

**Жазони ижро этиш (Пробация) хизмати билан-жазони ижро этиш** муассасаларидан бўшатишдан, суд томонидан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм этилган ҳамда жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахсларни назорат қилиш, улар томонидан такрорий жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилишини олдини олиш ва қонунда белгиланган бошқа йўналишларда ҳамкорлик қилади.

Шунингдек, ППХ саф бўлинмалари ўзларига юклатилган хизмат вазифаларни бажариш давомида ИИОларининг бошқа соҳавий хизматлари билан қонунда белгиланган бошқа йўналишларда ҳам ҳамкорлик қилиб борадилар.

Ўзаро ҳамкорликни ташкил қилишнинг асосий шакллари куйидагилардан иборат;

- 1) тезкор вазиятни биргаликда ўрганиш ва баҳолаш,
- 2) келишилган иш режаларини ишлаб чиқиш,
- 3) ҳар бир патруль-пост наряди ва бошқа хизмат ходимига умумий, аниқ топшириқ бериш,
- 4) юзага келаётган вазият ҳақида ўзаро маълумот алмашиш ва алоқа тартибини белгилаш,
- 5) ҳамкорликдаги тадбирларни амалга ошириш, жумладан биргаликдаги хизматни ўташ,
- 6) кунлик вазифаларни бажаришда ва фавқулодда ҳолатлар юзага келганда ўзаро ёрдам кўрсатиш,
- 7) биргаликдаги иш натижаларини таҳлил қилиш.

ППХ саф бўлинмалари командирларининг ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорлиги амалга оширилаётган ишларни, олинган маълумотларни, тезкор вазиятни ва иш натижаларини биргаликда таҳлил этиш, тезкор йиғилишларда кўриб чиқиш, барча нарядлар ва ходимларнинг ҳаракат қилиш тартибини келишиб олиш ҳамда хизмат вақтида ўзаро ёрдам бериш йўли билан амалга оширилади.

Тезкор вазият мураккаблашган жойларда ППХ саф бўлинмалари нарядлари томонидан хизмат ўташ тартибига ўзгартиришлар киритилади.

Юзага келган вазиятга қараб патруль-пост нарядларининг хизмат ўташ тартибига ўзгартиришлар киритиш босқичли, кунлик ёки ундан узоқ вақтга мўлжаллаб амалга оширилиши мумкин.

ИИВ-ИИББ-ИИБ ва Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бошлиқлари республика, вилоят, шаҳар, темир йўл объектлари миқёсида ППХ саф бўлинмалари нарядларининг хизмат ўташ тартибига ўзгартириш киритишни амалга оширишади, зарур бўлганда ички ишлар органлари, ички кўшинларнинг махсус бўлинмаларидан кўшимча куч ва воситалар ажратиш ҳисобига патруль-пост хизматини кучайтириш мумкин.

Шаҳар, туман, тармоқ ички ишлар бўлимлари бошлиқлари шаҳар, туман ва транспорт объектларидаги тезкор вазият кескинлашган жойларда ўз

куч ва воситалари билан хизматни ўташ тартибига ўзгартириш киритишни амалга оширишади.

Хизматни ўташ тартибига ўзгартириш киритиш ҳақидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

1)хизматни ўташ тартибига ўзгартириш киритишни мақсади ва вазифалари;

2)ажратилаётган нарядларнинг сони ва уларнинг хизмат тартиби (қанча вақт мобайнида кўрсатилган жойда хизматни ўташлари);

3) патруллик йўналишлари ҳамда постларда хизматнинг бошланиш ва тугаш вақти;

4)нарядларни бошқариш ва хизмат фаолиятини назорат қилиш тартиби;

5)мавжуд ёки қўшимча ажратилган моддий-техник воситалар.

Хизматни ўташ тартибига ўзгартириш киритиш вақтида нарядларнинг жойи ўзгарганлигини патруль-пост нарядларини постлар ва патруллик йўналишларига тақсимлаш китобида кўрсатиш лозим.

ППХ саф бўлинмаси нарядларини аниқ муддат давомида бир жойда йиғиш зарур бўлганда улар йўл-йўриқномадан сўнг ёки бошқа белгиланган вақтда кўрсатилган ҳудудда хизматни ўташади, шундан сўнг ўзларига бириктирилган йўналишга қайтишади.

Тезкор вазият мураккаблашган ёки фавқулодда ҳолат юз берган шароитда хизматни ўташ тартибига ўзгартириш киритиш махсус режа асосида амалга оширилади.

Патруль-пост хизматини ўташ даврида кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш учун нарядларни жойлаштиришга керакли ўзгартиришларни киритиш мумкин:

1)шаҳар ва туманларга бўлинадиган шаҳар доирасида ИИВ-ИИББ-ИИБ бўйича навбатчининг буйруғига биноан;

2)шаҳар тумани ёки хизмат кўрсатиладиган ҳудуд доирасида – шаҳар, туман, тармоқ ИИБ бўйича навбатчининг буйруғига биноан, бунда зудлик билан ИИВ-ИИББ-ИИБ ва Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бўйича навбатчига хабар берилади;

3)туманларга бўлинмаган шаҳар доирасида-шаҳар ички ишлар бўлими бўйича навбатчининг буйруғига биноан, бунда ИИБ бошлиғига дарҳол хабар берилади;

4)таянч пункти ҳудуди доирасида-профилактика инспектори ёки ППХ гуруҳининг командири буйруғига биноан, ҳудудий ИИБ навбатчисига хабар берилади.

Зарур ҳолларда ППХ саф бўлинмаларининг командирлари ички ишлар бўлими раҳбариятига ахборот берган ҳолда нарядларнинг жойини ўзгартириш ҳуқуқига эгадирлар.

Нарядларни бошқаришда ички ишлар органлари бошлиғи, ППХ саф бўлинмалари командирининг муҳим вазифаси кўчалар ва жамоат жойларида содир этилаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш учун барча хизматларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкиллаштириш ҳисобланади.

Ўзаро ҳамкорлик - қўйилган вазифаларни бажаришда (мақсади, вақти ва жойига кўра) барча хизматларнинг бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатиши билан таъминланади.

Патруль-пост хизматини ўташда ўзаро ҳамкорлик қуйидагилар билан таъминланади:

1) барча хизматлар (нарядлар) қўйилган вазифани бир хил англаши, умумий ва алоҳида вазифаларни ҳамда уларни бажариш усуллари яхши билишлари,

2) тезкор вазият ва унинг ўзгаришини доимий равишда билишлари,

3) узлуксиз алоқанинг ва доимий ахборот алдмашувининг мавжудлиги,

4) шартли сигналларни тўғри қўллашлари,

5) хизматлар (нарядлар)нинг ички ишлар органлари бошлиқлари, ППХ саф бўлинмалари командирлари томонидан узлуксиз бошқарилиши ва улар олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилишлари,

б) хизмат (наряд) ларнинг хизматни ўташ жараёнида бир-бирига ўзаро ёрдам беришлари.

Куч ва воситаларни мақсадли йўналтириш тезкор вазият кескинлашган жойларда ички ишлар органлари куч ва воситаларини тартибли равишда ва ўз вақтида тўплаш, яъни кучайтиришдир. Куч ва воситаларни кўзланган жойларга мақсадли йўналтириш (маневр) жамоат тартибини сақлаш, жиноятларнинг олдини олишни таъминлайди.

Жамият тараққиётининг бошқа сохаларида бўлгани каби ҳуқуқбузарликларга қарши кураш соҳасида кам яқин йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлиги, юқори марраларга эришиш олдинда турибди. Шундан келиб чиққан қолда, ўз-ўзини бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари аъзолари, диний ва маърифий ишлар бўйича маслақатчилар қамда жамоатчиликнинг таъсири остида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларни қайта тарбиялаш фаолияти бўйича аниқ шакллари амалиётга тадбиқ этишга тўғри келади.

Хизматни ўташ вақтида бошқа хизматлар билан ҳамкорлик қилиш ППХ ходимининг профилактика инспекторлари билан ҳамкорлиги профилактика инспектори таянч пунктига бириктирилган ППХ ходими патруллик йўналишида жиноят содир этилиши мумкин ва эътибор бериш лозим бўлган бошқа жойлар, ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турувчи шахслар, айниқса маъмурий назорат остидаги шахслар, уларга ўрнатилган чекловлар, шунингдек жиноят содир этишга мойил бўлган ва қидирувдаги шахсларнинг яшаш, пайдо бўлиш манзиллари, очилмай қолган жиноятлар тўғрисидаги маълумотларни етказилади.

Тезкор вазиятнинг тез ўзгариб туриши, шунингдек беҳосдан вужудга келадиган табиий ҳалокатлар, оммавий тартибсизликлар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда куч ва воситаларни мақсадли йўналтириш муҳим рол ўйнайди.

Маҳаллалар, кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлашда қатнашадиган ППХ саф бўлинмалари нарядлари, ички ишлар

органларининг профилактика инспекторлари, бошқа хизмат ходимлари, бошқа жамоатчилик уюшмалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш-қўйилган вазифаларни бажарилишининг асосий шарти ҳисобланади.

ППХ саф бўлинмаси ходимлари ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг

16-моддасида назарда тутилган мажбуриятларни амалга оширади ҳамда 17-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар;

ППХ саф бўлинмаси ходимлари хизмат ўташ чоғида жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни бартараф қилиш ҳамда уларни содир этган шахсларни ушлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг

21-24-моддаларига мувофиқ жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга.

**2-ўқув саволи. Патруль-пост хизмати нарядларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўзаро ҳамкорлиги.**

Ички ишлар органлари ходимлари қайси соҳада хизмат олиб боришмасин, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчилик содир этилишининг олдини олиш уларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу ўринда ППХ ва ЖТС хизмати ходимлари олдига айнан шу вазифалар юклатилган. Шу ўринда ППХ ва ЖТС хизмати ходимлари кенг жамоатчиликка таянган ҳолда ўзларига бириктирилган ҳудудда жамоат тартибни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоат ташкилотлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ДХХ, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда хизмат олиб борадилар.

Ўзаро ҳамкорликни ташкил қилишнинг асосий шакллари қуйидагилар ҳисобланади:

- 1) тезкор вазиятни биргаликда ўрганиш ва баҳолаш,
- 2) келишилган иш режаларини ишлаб чиқиш,
- 3) ҳар бир патруль-пост наряди ва бошқа хизмат ходимига умумий, аниқ топшириқ бериш,
- 4) юзага келаётган вазият ҳақида ўзаро маълумот алмашиш ва алоқа тартибини белгилаш,
- 5) ҳамкорликдаги тадбирларни амалга ошириш, жумладан биргаликдаги хизматни ўташ,
- 6) кунлик вазифаларни бажаришда ва фавқулодда ҳолатлар юзага келганда ўзаро ёрдам кўрсатиш,
- 7) биргаликдаги иш натижаларини таҳлил қилиш.

Спиртли ичимликларга ашаддий рўжў қўйган ва гиёҳвандлик касалига мубтало бўлган шахсларни аниқлаб, зарур ҳолларда уларни белгиланган тартибда мажбурий даволанишга юбориш чораларини кўрадилар.

**Прокуратура органлари билан-ҳудудларда жиноят ва ҳуқуқбузарликларни содир этилишини олдини олиш, жиноят содир этган**



шахсларни аниқлаш, жиноят жойидаги далилларни йўқ бўлишини олдини олиш, маҳалла худудида оғир турдаги, мураккаб ва кўп эпизодли жиноятлар содир бўлганда уларни очиш, айбдор шахсларни аниқлаш, суриштирув тергов ишларини олиб бориш жараёнида, жиноятга алоқадор бўлган барча шахсларни аниқлаш ва ушлашда фаол иштирок этишда, ахоли ўртасида ҳуқуқий онг ва маданиятни шакиллантириш, оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш ва қонунда белгиланган бошқа йўналишларда ҳамкорлик ишларини амалга оширади.

**Давлат ҳавфсизлик хизмати билан-Ўзбекистон Республикаси** Конституциявий тузумига қарши қаратилган жиноятлар содир этган шахсларни аниқлаш, қўлга олиш, уларга нисбатан дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш, ёшларни диний ақидапарастликка берилиш ҳолатларини аниқлаш, маҳалла худудида оғир турдаги, мураккаб ва кўп эпизодли жиноятлар содир бўлганда уларни очиш, айбдор шахсларни аниқлаш, суриштирув тергов ишларини олиб бориш жараёнида, жиноятга алоқадор бўлган барча шахсларни аниқлаш ва ушлашда фаол иштирок этишда, оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш ва қонунда белгиланган бошқа йўналишларда ҳамкорлик ишларини амалга оширади.

**Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари билан-Маҳаллалар, кўчалар** ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлашда, маҳалла худудида оғир турдаги, мураккаб ва кўп эпизодли жиноятлар содир бўлганда уларни очиш, айбдор шахсларни аниқлаш, оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш ва қонунда белгиланган бошқа йўналишларда ҳамкорлик ишларини амалга оширади.

**Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан-ваколати доирасида ёнғин** ҳавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бозорлар ва савдо ярмаркалари худудида ёнғин ҳавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишда, ёнғин содир бўлганда уларни ўчиришни, ёнғин зонасида қолган одамларни ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини кутқаришни амалга оширишда, ёнғин ва бошқа фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда худудга махсус транспорт воситаларининг кириб-чиқиши ҳамда фуқароларни, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ҳавфсиз жойга олиб чиқилишини таъминлаш мақсадида асосий ва заҳира кириш-чиқиш жойлари (дарвозалари), уларга олиб борувчи йўлларининг тўсиб қўйилмаслигини назорат қилишда, ёнғинга қарши тарғиботни, ёнғин ҳавфсизлиги соҳасида ўқитишни ва ахборот билан таъминлашни, бозорларнинг радио тармоғи орқали фуқароларга мурожаатлар эшиттириш, плакатлар, эслатмалар, флаерлар ва бошқаларни тарқатиш орқали амалга оширишда, бозорлар ва савдо ярмаркаларида ҳамда уларнинг худудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёнғин-профилактика кўриқларини ўтказиш ва кўриқлар якунида аниқланган камчиликларни

кўрсатган ҳолда уларни бартараф этишга, ёнғинлар эҳтимолини камайтиришга қаратилган тавсиялар маълумотномасини киритишда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўнгилли ёнғин ўчириш дружиналарини ёки командаларини тузиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштиришда бозорлар ва савдо ярмаркалари маъмуриятига яқиндан ёрдам кўрсатишда, бозорлар ва савдо ярмаркалари, уларнинг атроф-ҳудудларида хизмат олиб бораётган ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимлари билан жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ва қонунда белгиланган бошқа йўналишларда ҳамкорлик ишларини амалга оширади.

Айниқса ППХ ходимлари хизмат ўтаётган ҳудудда фуқаролар ўсмирлар, ёшлар ўртасида диний ақидапарастликка берилиш ҳолатларини сезганда зудлик билан ҳудуд профилактика инспекторини хабардор қилиши лозим. Шунингдек ДХХ ходимлари ёки прокуратура ходимлари томонидан хизмат олиб бораётган ҳудудда тезкор тадбирлар ўтказиладиган бўлса, тезкор тадбирда унга юклатилган вазифаларни бажариши лозим, жумладан маълум белгиланган ҳудудга бегона транспорт воситаларини ва фуқароларни киритмаслик, ҳудуд дахлсизлигини таъминлаш, тадбир натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган эҳтимолий талофатларни олдини олиш, фуқароларда турли хил салбий шубҳа ва гумонларни келтириб чиқармаслик мақсадида хизматга жиддий қарши керак.

Маҳалла ҳудудида оғир турдаги, мураккаб ва кўп эпизодли жиноятлар содир бўлганда уларни очиш, айбдор шахсларни аниқлаш, суриштирув тергов ишларини олиб бораётган ДХХ ва прокуратура ходимларига жиноятга алоқадор бўлган барча шахсларни аниқлаш ва ушлашда фаол иштирок этишади.

ППХ саф бўлинмалари нарядлари ва бошқа хизматлар ходимлари олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш ва ҳаракатларни жой ва вақт бўйича келишиб олиш муҳим аҳамиятга эгадир. ППХ саф бўлинмалари командирларининг ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорлиги амалга оширилаётган ишларни, олинган маълумотларни, тезкор вазиятни ва иш натижаларини биргаликда таҳлил этиш, тезкор йиғилишларда кўриб чиқиш, барча нарядлар ва ходимларнинг ҳаракат қилиш тартибини келишиб олиш ва хизмат даврида ўзаро ёрдам бериш йўли билан амалга оширилади.

**Келгуси машғулот учун топшириқ:** ППХ ходимларини ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини ўқиб конспектлаштириш.


## 26-Мавзу: Патруль пост хизмати ходимларининг ИИОнинг бошқа соҳавий хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлиги.

### Семинар машғулоти

Ушбу амалий машғулоти «**Блиц-сўров**» интерфаол методидан фойдаланиш орқали ўтказилади.

«Блиц-сўров» (инглизча «блиц» – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Таълим муассасаларида ушбу методга мувофиқ саволлар, асосан, ўқитувчи томонидан берилади. Берилган саволларга жавоблар жамоавий, гуруҳли, жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши мумкин. Жавоб қайтариш шакли машғулот тури, ўрганилаётган мавзунинг мураккаблиги, тингловчиларнинг қамраб олинишига кўра белгиланади.

#### Машғулотларда ушбу методни қўллаш қуйидагича кечади:



#### Назорат саволлар:

1.Маҳаллалар, кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлашда қатнашадиган ППХ саф бўлинмалари нарядлари, ИИОнинг профилактика инспекторлари билан ҳамкорлиги.

2.ППХ саф бўлинмалари нарядлари ва бошқа хизматлар ходимлари олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда ўзаро ҳамкорлик.

3.ППХ нарядларининг Жиноят қидирув бўлими ходимлари билан ҳамкорлиги.

4.Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати билан ҳамкорлиги.

## **1-мавзу бўйича назорат саволлар**

1. ИИОнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги Қарорнинг мазмуни.

2. Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг Патруль-пост хизмати бригадаси таркибида ташкил этилиши белгиланган отряд.

3. Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хизматларни шартномавий-хуқуқий асосда амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом татбиқ этилмайдиган тадбирлар.

4. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасининг (бўлимининг) жамоат тартибини сақлаш бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) томонидан шартнома тузиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати.

5. Фуқаролар гавжум бўладиган жойни кўздан кечириш натижаси бўйича тузиладиган ҳужжат ва белгиланадиган тартиблар.

6. Кўздан кечириш далолатномаси ва шартнома лойиҳасини тегишли равишда кўриб чиқиш муддати.

7. Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш.

8. Фуқаролар гавжум бўладиган жой бир нечта туманлар (шаҳарлар) ҳудудида жойлашган тақдирда хизматни ўташни белгилаб берувчи орган.

9. “ИИОнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги”ги ПҚ-2940-сон Қарорда белгиланган биринчи, иккинчи ва учинчи вазифалар.

10. “ИИОнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги”ги ПҚ-2940-сон Қарорда белгиланган тўртинчи, бешинчи ва олтинчи вазифалар.

## **2-мавзу бўйича назорат саволлар:**

1. “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид кўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4229-сон Қарорининг асосий вазифаси.

2. Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаларининг вазифалари.

3. Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти қайси норматив хуқуқий ҳужжат асосида ташкил этилган.

4. Хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясининг мақсади?

5. Қарорга асосан 2019 йил 1 апрелдан бошлаб қандай тартиб жорий этилган.

6. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига туризм объектлари ва инфратузилмаси ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини моддий-техник мустаҳкамлаш мақсадида қандай вазифалар белгиланди.

7. Транспорт объектлари ва уларга туташ ҳудудларда содир этилган жиноятлар билан боғлиқ баҳсли материаллар ким томонидан кўриб чиқилади.

8. Транспорт объектларида, биринчи навбатда туризм йўналишдаги поездларда хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича функциялар ким томонидан амалга оширилади.

9. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда бошқарувни амалга ошириш тартиби.

10. Туризм йўналишидаги темир йўл транспортида ҳаракатланиш давомида содир этилган, тегишлилиги бўйича ички ишлар органларига тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қаерда амалга оширилади.

### **3-мавзу бўйича назорат саволлар:**

1. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.

2. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг асосий тамойиллари.

3. Жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар.

4. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда Ички ишлар вазирлигининг вазифалари.

5. Концепцияни амалга оширишдаги вазифалар.

6. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда Миллий гвардиянинг вазифалари.

7. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси қандай ҳужжат ҳисобланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари мажлисларида ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг ўринбосарлари—жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари томонидан ҳисоботи ва муддати.

9. Жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинувчи куч ва воситаларнинг ҳаракатлари

10. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги вазифаси.

### **4-мавзу бўйича назорат саволлар:**

1. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолияти?

2. Патруль-пост хизмати тушунчасига таъриф беринг?

3. Жамоат тартибини сақлашга таъриф беринг?

4. Патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ўзларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ким билан ҳамкорлик қилади?

- 5.ППХ саф бўлинмалари ўз фаолиятида қайси норматив ҳужжатлар асосида фаолият олиб боради?
- 6.ППХ саф бўлинмалари қайси хизматларни ўз ичига олади?
- 7.Патруль-пост хизмати бригадаси қандай ташкил этилади?
- 8.ППХ саф бўлинмаларининг фаолияти қандай принциплар асосида ташкил қилинади?
- 9.ППХ саф бўлинмаларининг хизмат олиб бориш жойлари ким томонидан белгиланади?
- 10.ППХ саф бўлинмалари кимга бўйсунди?

### **5-мавзу бўйича назорат саволлари:**

1. ППХ саф бўлинмаларининг мансабдор шахслари ким?
2. ППХ саф бўлинмаси командирининг вазифаси?
3. ППХ нарядлари билан йўриқномаларни ташкил этиш ва ўтказишни таъминлайди, уларни хизмат ўташини, ташқи кўринишини, формали кийим-бошни кийиш қоидаларига амал қилишлари ким томонидан назорат билиб борилади?
4. ППХ саф бўлинмаси командирининг биринчи ўринбосари – штаб бошлиғининг вазифалари?
5. Ўқотар куруллар, уларнинг ўқ-дорилари, махсус ва техник воситаларни белгиланган тартибда ҳисобини юритиш, сақлаш, тарқатиш ва қабул қилиш тартиб-қоидалари ким томонидан назорат қилинади?
6. ППХ нарядларининг бевосита хизмат ўташ жойларида ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволини ўрганиб ким томонидан баҳоланади?
7. ППХ нарядларининг экипировкаси ва хизмат автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини хизмат ўталишидан олдин ким томонидан текширилади?
8. Шахсий таркиб билан маънавият ва маърифат дарслари, хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотлар ўтказилишини ким ташкил этади?
9. ППХ саф бўлинмалари ходимларининг умумий мажбуриятлари қандай?
10. Пост ва патруллик йўналишларида хизмат ўтайдиган ППХ саф бўлинмалари ходимларининг мажбуриятлари қандай?

### **6-мавзу бўйича назорат саволлар:**

1. ППХ саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини бошқариш фаолиятини тушунтиринг?
2. ППХ саф бўлинмаларини, улар ходимларини моддий-техника билан ҳамда молиявий таъминлаш, шу жумладан иш самарадорлигини оширишга қаратилган рағбатлантириш масалаларини ҳал этиш ким томонидан амалга оширилади?

3. ППХ саф бўлинмалари фаолиятини режалаштириш ким томонидан амалга оширилади?
4. Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қарорларни ким қабул қилади ва нимага асосан?
5. ППХ нарядларининг турлари ва таркиби?
6. Патрул нарядлари зиммасига юклатилган мажбуриятларни қандай тартибда амалга оширади?
7. Оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида ўрнатилган назорат-ўтказиш пункти нарядларининг вазифаси?
8. ППХ саф бўлинмаси нарядлари ва автотранспорт воситаларини кунлик мажбурий хизматга чиқариш меъёрлари нимани ҳисобига белгиланади?
9. ППХ нарядларига ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш юзасидан кўрсатмаларни бериш, уларни патрулик йўналишидан (постдан) ечиш ёки хизмат ўташ жойини ўзгартириш ҳуқуқи кимга берилган?
10. Хизмат ўташга тушаётган ППХ ходимлари нималарни билишлари керак?

#### **7-мавзу бўйича назорат саволлар:**

1. ППХ нарядлари билан кунлик хизматолди йўриқномалар ким томонидан ўтказилади?
2. Туман (шаҳар) ИИБ, Транспортда ЖХТБ бошлиқлари ва ППХ саф бўлинмаси командири томонидан бўйсунувдаги бўлинмалар ва нарядлар билан узлуксиз алоқа қандай таъминланади?
3. ППХ нарядларининг ўзаро ва ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан биргаликдаги ҳаракати ҳамда маневри?
4. Маневр туфайли ППХ нарядларининг жойлашуви ўзгарганлиги тўғрисида қаерда қайд қилинади?
5. ППХ саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини бошқаришда қандай алоқа асосий восита ҳисобланади?
6. ППХ нарядлари билан кунлик хизматолди йўриқномаларига ППХ саф бўлинмаси командиридан ташқари яна кимлар қатнашади?
7. ППХ нарядларига йўриқнома ўтиш ва хизматга йўналтириш қайси норматив ҳужжатда белгиланган?
8. ППХ саф бўлинмалари ИИОнинг бошқа бўлинмалари, шунингдек бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлиги нимага асосланади?
9. ППХ нарядлари томонидан хизмат ташкиллаштирилиши ва ўталиши устидан назоратни амалга оширишнинг мақсади?
10. Ҳуфиёна текширув ППХ нарядининг ҳаракатларини пинҳона кузатиш қанча давом этади ва мақсади?

#### **8-мавзу бўйича назорат саволлар:**

1. Отлик отрядининг асосий вазифалари нималардан иборат?

2. Автопатрулнинг патруллик йўналишида ҳаракатланиш тартиби қандай белгиланади?
3. Автопатрул белгиланган йўналишда автомобилда кузатувни амалга ошириш вақтида унинг тезлиги қанча бўлиши керак?
4. Автопатрулга хизмат ўташ чоғида нималар тақиқланади?
5. Отлиқ патрулга хизмат ўташ чоғида нималар тақиқланади?
6. Патрул автомобилларидан махсус транспорт воситалари бўлмаганда қандай мақсадларда фойдаланилади?
7. Патрул автомобиллари қандай жихозланиши керак?
8. Автопатрул наряди каттаси нималарга жавобгар ҳисобланади?
9. Ушланган шахсларни автомобилга ўтказишда, ППХ нарядининг ҳаракати қандай?
10. Отлиқ нарядларни қоронғи вақтда хизмат ўташга жалб этиш кимнинг кўрсатмасига асосан амалга оширилади?

### **9-мавзу бўйича назорат саволлар:**

1. Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахслар гуруҳларини ушлаш зарур бўлган ҳолларда, ППХ ходимининг ҳаракати?
2. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланганда, ППХ ходимларининг биринчи навбатдаги вазифалари?
3. ППХ ходими қандай ҳолатларда жиноят содир этилган жойни тарк этмаслиги шарт?
4. ППХ нарядлари томонидан жиноят содир этилган жой ўраб олинишининг сабаби?
5. ППХ ходимлари жиноят содир этилган ёки ҳодиса жойида қатъиятлик билан ҳаракат қилишининг сабаби?
6. Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва ички ишлар органларига (таянч пунктига) олиб келиш тартиблари?
7. Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлашда ППХ наряди нималарни ҳисобга олиши шарт?
8. Ўқотар қуролни қўллаш зарурати бўлган ҳолларда, ППХ ходимининг ҳаракатлари?
9. Алоҳида ҳолларда ушланаётган шахс томонидан қаршилик кўрсатилишининг олдини олиш мақсадида ППХ нарядлари томонидан қандай чалғитадиган вазиятларни ишлатади?
10. Ушланган шахсларни ички ишлар органига (таянч пунктига) олиб келиш қандай амалга оширилади?

### **10-мавзу бўйича назорат саволлар:**

1. Биринчи тоифадаги оммавий тадбир?
2. Оммавий тадбирни ўтказиш объекти?
3. Оммавий тадбир ташкилотчиси?
4. Оммавий тадбирни ўтказиш учун рухсатнома олиш тартиби?
5. Рухсатномалар олиш талаб қилинмайдиган оммавий тадбирлар?
6. Оммавий тадбирларни ўтказишда ички ишлар органларининг мажбуриятлари?
7. Оммавий тадбирни ўтказишда ички ишлар органларининг ҳуқуқлари?



8. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда назорат ўтиш жойидаги ППХ ходимларининг амалга оширадиган ишлари?
9. Оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда назорат ўтиш жойидаги ППХ ходимлари қандай ишларни амалга оширишлари лозим?
10. Кузатув автоэкипажларининг вазифалари?

### **11-мавзу бўйича назорат саволлар:**

1. Ваколатли давлат органларининг муайян ҳаракатларни содир этишга рухсат олиши ёки жисмоний ва юридик шахсларнинг муайян ваколатлар олиши шартлигини назарда тутувчи тартиб қандай аталади?
2. Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонуни қачон қабул қилинган?
3. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш бу- Қонуннинг?
4. Ички ишлар органлари лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги фаолиятини асосий принципларидан бирини топинг?
5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ички ишлар органлари томонидан назорат қилинадиган назорат-лицензия объектларини нечта гуруҳга бўлиш мумкин?
6. ИИО назорат-лицензиялаш фаолияти билан шуғулланувчи хизматлари зиммасига қандай асосий вазифалар юклатилган?
7. «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунда нечта фаолият турлари бўйича лицензиялаш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади?
8. Қонунга асосан нечта фаолият тури бўйича рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар бериш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади?
9. Жисмоний ёки юридик шахсга бериладиган, лицензия талаблари ва шартларига мажбурий равишда риоя этилган тақдирда фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки унинг кичик турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат?
10. Муайян ташки таъсирлар остида тезлик билан содир буладиган кимиёвий ўзгаришлардан ҳосил бўлган кучли қизиган ва юкори босимли газларнинг кенгайишидан механик фаолиятни юзага келтирийдиган кимёвий бирикма ёки аралашма?

### **12-мавзу бўйича назорат саволлар**

1. “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” ги Қонуннинг қабул қилинган санасини кўрсатинг?

2. Назоратсиз вояга етмаган шахсга нисбатан берилган тўғри таърифни кўрсатинг?

3. Вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига нечи ёшдан жойлаштиради?

4. Кимлар вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилади?

5. Вояга етмаган шахснинг қаровсиз қолганлиги давлат идоралари, нодавлат ноижорат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқланган ҳолларда кимга хабар беради?

6. Назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш ва уларни қабул қилиш тартиби.

7. Вояга етмаганларни шахсий кўрикдан ўтказиш.

8. Ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишдаги ваколатлари.

9. Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган.

10. Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила.

### **13-мавзу бўйича назорат саволлар**

1. ИИО тўғрисидаги қонуннинг қуйидаги боби Махсус воситаларни қўллашни ўз ичига олади?

2. Махсус воситаларни қўллаш шартлари ИИО тўғрисидаги қонунининг қайси моддасида кўрсатилган?

3. ИИО тўғрисидаги қонунга асосан қандай ҳолларда ходим махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга?

4. Ички ишлар органлари таъминотида бўладиган махсус воситаларнинг рўйхати ким томонидан тасдиқланади?

5. ИИВнинг қайси буйруғи билан махсус воситаларни қўллаш тартибга солинади?

6. Резина таёқларни қўллашда қуйидаги зарбаларни бериш тақиқланади?

7. Ходим махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлади?

8. Ходим томонидан Махсус воситалар қўлланилишидан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган қандай ҳаракат бўлиши керак?

9. Махсус воситалар қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органининг ходими бевосита кимга дарҳол ахборот бериши шарт?

10. Махсус воситалар қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида ички ишлар органининг ходими бевосита кимга дарҳол ахборот бериши шарт?

### **14-мавзу бўйича назорат саволлар:**

1. Оммавий тартибсизлик тушунчаси.

2. Оммавий тартибсизликларнинг босқичлари ва уларнинг таснифланиши.

3. Оммавий тартибсизликларда қатнашаётган шахсларнинг тавсиф-

ланиши.

4.Оммавий тартибсизликларларни бартараф этишда ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган “Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга жалб этилган ИИО ППХлари нарядларининг фаоллиги” тактик усули.

5.Оммавий тартибсизликлар вақтида ўзаро ҳамкорликни ташкил қилишнинг шакллари.

6. Куч ва воситаларни манёвр қилиш.

7. Патруль-пост хизматини ўташда ўзаро ҳамкорликни таъминланаш.

8. Ўзаро ҳамкорликни ташкил қилишнинг асосий шакллари.

9. Юзага келган вазиятга қараб патруль-пост нарядларининг хизмат ўташ тартибига ўзгартириш.

10. Куч ва воситаларни мақсадли йўналтириш.

### **15-мавзу бўйича назорат саволлар:**

1. Портловчи модда тушунчаси.

2. Портловчи моддаларнинг турлари.

3. Гумондор шахс ва уларнинг буюмларини текшириш тартиби.

4.Наряд каттаси шахсан ўзи текширувга тўхатилган гумондор ва шубҳа уйғотувчи шахсни текшириш тартиби.

5.Текширилаётган гумондор шахс ва унинг ёнида бўлган шубҳали буюмлар аниқланганда ППХ нарядининг ҳаракати.

6.Автобус бекати олдида номаълум жисм (сумка) турганлиги аниқланганда ППХ нарядларининг ҳаракатлари.

7.Автоуловда шубҳали предметлар аниқланганда ППХ нарядларнинг вазифаси.

8. ИИОлари ходимлари портловчи моддалар ва портловчи қурилмаларни аниқлаганларида қатъиян тақиқланадиган ҳаракатларни.

9. Шубҳали ашёлар ва автомобиллар аниқланганда, ИИО ходимлари томонидан амалга ошириладиган кечиктириб бўлмас ҳаракатлар.

10.ППХ нарядлари ўз хизмат фаолиятида шубҳали, ўз аломатлари ва хатти-ҳаракатлари билан террорчи-«камикадзе»га ўхшаш шахсга рўпара келганида вазифалари ва ҳаракати.

### **16-мавзу бўйича назорат саволлар**

1-савол. Темир йўл вокзаллари, станциялари, платформалар, поездлар ва аэропортларда ППХ нарядларининг хизмат ўташ тартиби ким томонидан белгиланади.

2-савол. Нарядлар томонидан поездларни кузатишда қўлланиладиган усуллар?

3-савол. Поездларни кузатиш наряди ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда кимлар билан ҳамкорлик қилади?

4-савол. Махсус поездларнинг ҳаракатланиши давомида темир йўл транспорт объектларида патруль-пост хизматини ташкиллаштириш?

5-савол. Метрополитен объектларида патруль-пост хизматини ташкиллаштириш?

6-савол. Метрополитенда Патруль-пост хизматини ўташга жалб этиладиган нарядларнинг иш тартиби ким томонидан белгиланади?

7-савол. Метрополитен объектларида хизмат ўтайдиган нарядларнинг мажбуриятлари?

8-савол. Метрополитен объектларида патруль-пост хизматини ўташга жалб этиладиган нарядларнинг фаолияти устидан назорат ким томонидан олиб борилади.

9. ППХ саф бўлинмаларининг куч ва воситаларини тезкор бошқариш ким томонидан амалга оширилади.

10. ППХ саф бўлинмаси навбатчилик қисмининг вазифалари.

### **17-мавзу бўйича назорат саволлар**

1. Жинойтчиларни ва жинойт содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлашга доир ҳаракатлар наряд томонидан нимага асосан амалга оширади.

2. Шубҳали шахслар аниқланганда ППХ нарядларнинг ҳаракати.

3. Жинойтчиларни ва жинойти содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлашдан олдин ППХ нарядлари эътибор берадиган жиҳатлар.

4. Агар жинойтчилар гуруҳини ушлаш зарур бўлса ППХ нарядларнинг ҳаракати.

5. Гумон қилинаётган шахснинг ҳужжатларини текширишда ва уни сўроқ қилишда ИИО ходимларининг ҳаракати.

6. Ички ишлар органларининг хизматга жалб қилинган сафдорлар таркибидаги ходими жинойт содир қилганликда гумон қилинаётган шахсни ушлашда амал қилиши лозим бўлган асослар.

7. Ички ишлар органлари ходими томонидан қўлга олинган шахснинг кийим ва буюмларини ташқи кўрикдан ўтказиш қатъий талаб қилинадиган эҳтиёткорлик чоралари.

8. Жинойт содир этганликда гумон қилинаётган шахсни тегишли ИИБга ИИО ходими томонидан яққа ҳолатда пиёда тарзда олиб келиш тартиби.

9. Жинойт содир этганликда гумон қилинаётган шахсни тегишли ИИБга Транспортда олиб келиш тартиби.

10. Жинойтчиларни беркиниши мумкин бўлган жойларни кўздан кечириш тартиби.

### **18-мавзу бўйича назорат саволлар**

1-савол. ИИО ППХ бригадаси ва батальонларининг ИСМОТХТ бўлинмалари тўғрисида Низомнинг мазмуни.

2-савол. Ижтимоий-сиёсий, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари.

3-савол. ИСМОТХТ бўлинмалари таркиби.

4-савол. ИСМОТХТ бўлинмаларининг фаолиятини умумий мувофиқлаштириш ким томонидан амалга оширилади.

5-савол. ИСМОТХТ бўлинмаларининг асосий вазифалари.

6-савол. ИСМОТХТ бўлинмаларининг асосий функциялари

7-савол.Ўраб олиш ва кўздан кечиришни ташкиллаштириш гуруҳининг вазифалари.

8-савол.Фавқулодда ҳолатлар юз берганда террорчилик, оммавий тартибузарликлар ҳамда безорилик ҳаракатлари содир бўлганда ИИОнинг ҳаракакти.

9.ИСМОТХТ бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажаришда ҳуқуқлари.

10. ИСМОТХТ бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш.

### **19-мавзу бўйича назорат саволлар:**

1.Тергов харакати олиб борилаётган бино хонасида конвой ходимларининг жойлашуви қандай?

2. Конвой бўлинмалари таркиби қандай?.

3. Конвой остидаги шахслар кимлар?

4. Ички ишлар органлари томонидан конвой ҳаракатларини амалга оширишда электрон браслетлардан фойдаланиш тартибининг ҳуқуқий асослари?

5. Кучайтирилган тартибдаги конвой таркиби?

6.Оддий тартибдаги конвой таркиби?

7. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни конвой қилиш учун талабномалардан ташқари яна нима асос бўлади?

8. Конвой бўлинмалари ўз фаолиятини нима асосида амалга оширади?

9. Конвой бўлинмаларига сардор кимга бўйсунди?

10. Ушланган ва қамоққа олинганларни камераларидан тергов харакатларини ўтказиш учун олиб чиқиш тартиби?

### **20-мавзу бўйича назорат саволлар:**

1. Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва ҳисобга кўйиш асосларини кўрсатинг?

2. Маъмурий қамоққа олинган шахслар қандай сақланади?

3. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқларидан бирини кўрсатинг?

4. Маъмурий қамоққа олинган шахслар нималарга мажбурдир?

5. Маъмурий қамоққа олинган шахсларга нималар тақиқланади?

6. Махсус қабулхонада қамоқда сақланаётган шахсларнинг моддий жавобгарлиги қандай бўлади?

7. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг жисмоний меҳнатидан қандай фойдаланилади?

8. Маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг тиббий-санитария таъминотини кўрсатинг?

9. “Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасига мувофиқ маъмурий қамоққа олинган шахслардан ваколатли мансабдор шахснинг қарорига биноан қамалганларни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатларсуткасига энг кам иш ҳақининг неча фоизи миқдорида ундириб олинади?

10. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий камокни ўташ тартиби тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?

### **21-мавзу бўйича назорат саволлар**

1. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш бўйича қабул қилинган норматив ҳужжат.

2. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмалари ходимлари томонидан жамоат жойларида фуқароларни электрон идентификация қилиш тартиби.

3. Патруль-пост хизмати ходимлари Хуқуқбузарлик содир этишда гумон қилинаётган фуқаролар ва бошқа шубҳали шахсларни текшириш тартиби?

4. “E-patrol” тизими орқали идентификациялаш.

5. Ходим қандай ҳолларда фуқароларни тўхтатиши ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиши ёки уларнинг шахсини “E-патруль” тизими орқали аниқлаши мумкин.

6. Бодикамералар орқали қайд этилган маълумотларни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби.

7. «E-патруль» тизимидан фойдаланишда ходимнинг мажбуриятлари.

8. Тошкент шахрининг жамоат тартибини таъминлаш кучлари таркибида хизматни ўтаётган ходимлар ва ҳарбий хизматчилар фаолиятини баҳолаш ва уларга бир марталик пул мукофоти тўлаш мезонлари.

9. Мукофотлаш учун тақдим этилган, интизомий жазоси бўлган ходимлар ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан рағбатлантириш чоралари.

10. Ходимларнинг ҳаракатларини қайд этувчи техник воситалардан фойдаланиш тартиби.

### **22-мавзу бўйича назорат саволлар**

1. “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август кундаги 813-И-сонли қонун мазмун моҳияти.

2. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилишдан иборат жиноятлар тушунчаси.

3. Психотроп моддалар тушунчаси.

4. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларининг оғирлаштирувчи ва алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатлар.

5. Гиёҳвандлик моддалар ва психотроп воситаларни турлари ва номлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 январь кундаги 56-сонли “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги қарорининг мазмуни.

7. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари.

8. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши.

9. Таркибида гиёҳвандлик воситаси мавжуд бўлган ўсимликлар турлари.

10. ИИО нинг ППХ нарядлари томонидан наркотик воситалар ва психотроп моддалар тарқалишининг олдини олиш ҳамда бунга чек қўйиш борасидаги вазифалари ва функциялари.

### **23-мавзу бўйича назорат саволлар**

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 18 июндаги “Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБ карантин тадбирларини таъминлаш бўлими тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 111-сон буйруғининг мазмуни.

2. Биологик чиқиндилар тушунчаси.

3. Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормалари.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибini сақлаш бош бошқармаси карантин тадбирларини таъминлаш бўлими фаолияти.

5. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари.

6. Бўлимнинг Давлат ветеринария хизмати билан ҳамкорликда вазифалари.

7. Карантин тадбирларини ўтказилишида ички ишлар органлари хизматлари ҳамкорлигини таъминлаш.

8. Бўлимнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги.

9. Бўлим фаолиятини ташкил этиш.

10. ИИО ходимларининг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги.

### **24-мавзу бўйича назорат саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш хибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 171-сон буйруғи қачон қабул қилинган?

2. Кимлар ВСХга хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда кириш ҳуқуқига эга?

3. Кимлар ВСХда сақланаётган бошқа шахслардан алоҳида сақланади?

4. Қамоққа олинганлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нечанчи моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган бўлса, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига кўра тергов хибсхонасининг бир кишилик камерасида қамоқда сақлаб турилиши мумкин?

5. Шахсий тинтув қандай шаклда ўтказилиши мумкин?

6. Қайси ҳолларда ВСХда сақланаётган шахсларнинг ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари улар иштирокида кўздан кечирилади?

7. Камераларга, уларда сақланиши мўлжалланган шахслар сонини ҳисобга олган ҳолда қандай жиҳозлар ўрнатилади?

8. ВСХда бир кишига тўғри келадиган яшаш майдонининг нормаси қанча ўлчамда белгиланади?

9. ВСХга олиб келинган шахслар улар олиб келинган кундан бошлаб неча кун ичида давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларида мажбурий рентгенофлюорографик (рентгенофлюорографик текширувга оид маълумотлар бўлмаганда) текширувидан ўтказилади?

10. ВСХда сақланаётган шахслар ёзишмалар учун зарур ашёларни (конвертлар, маркалар, телеграмма бланкалари, қоғоз ва бошқаларни) ВСХ ходимлари орқали сотиб олади?

### **25-мавзу бўйича назорат саволлар:**

1. Реабилитация марказларига олиб кирилиши тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари?

2. Реабилитация марказларига қабул қилинган шахслар қандай тартибда реабилитация қилинади?

3. Реабилитация қилиш марказларига жойлаштириш тартиби?

4. Реабилитация марказларининг асосий вазифалари?

5. Реабилитация марказлари қуйидаги функциялари?

6. Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низом қайси меъёрий ҳужжат билан тасдиқланди?

7. Реабилитация маркази — муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни уларнинг шахси аниқлангунгача маъмурий суднинг ажрими асосида ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга сақлаб туриш ва реабилитация қилиш учун мўлжалланган ..... тизимидаги давлат муассаса?

8. Дайдилик ёки тиламчилик билан шуғулланиш жамиятда қандай кўнгилсиз ҳолатларга олиб келиши мумкин?

9. Профилактика инспектори дайдилик ёки тиламчилик билан шуғулланадиган тоифадаги шахслар билан ишлаш фаолиятида қандай ишларни амалга оширади?

10. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни «Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш Маркази»га жойлаштириш учун талаб этиладиган ҳужжатларнинг айримларини кўрсатинг?

### **26-мавзу бўйича назорат саволлар**

1. Маҳаллалар, кўчалар ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлашда қатнашадиган ППХ саф бўлинмалари нарядлари, ИИОнинг профилактика инспекторлари билан ҳамкорлиги.

2. ППХ саф бўлинмалари нарядлари ва бошқа хизматлар ходимлари олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда ўзаро ҳамкорлик.

3. ППХ нарядларининг Жиноят қидирув бўлими ходимлари билан ҳамкорлиги.

4. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати билан ҳамкорлиги.

5. Пробация хизмати билан ҳамкорлиги.

6. Патруль-пост хизматини ўташда ўзаро ҳамкорликни таъминлашнинг асослари.

7. Патруль-пост хизмати нарядларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўзаро ҳамкорлиги.

8. Ўзаро ҳамкорликни ташкил қилишнинг асосий шакллари.



9. Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари билан ҳамкорлиги.

10. Ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик.

### Мавзулар бўйича глоссарий

**патруль-пост хизмати** - ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг кўчалар ва бошқа жамоат жойларда жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ белгилаб берилган ҳудудлар ва жойларда хизмат ўташи;

**патруль-пост наряди** - патруль-пост хизматини ўташга жалб этилган ички ишлар органи ходими ва ҳарбий хизматчи ёки улардан иборат бўлинма;

**жамоат жойлари** - сутканинг ҳар қандай вақтида шахсларнинг бўлиши, эркин ҳаракатланиши ва тўпланиши мумкин бўлган жойлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ кириш (чиқиш) тартибга солинган объектлар . Шу жумладан, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, истироҳат боғлари, стадионлар, иш жойлари, барча турдаги жамоат транспортлари жамоат жойлари ҳисобланади;

**транспорт объектлари** - темир йўл ва ҳаво транспорти ҳамда метрополитен объектлари;

**жамоат тартибини сақлаш** - фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, ташкилотларнинг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун тўлиқ шароит яратишга, уларнинг шаъни, қадр-қимматини ҳамда умумахлоқий қадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий нормалар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими;

**жамоат хавфсизлиги** - шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнғинлардан ҳимояланганлик ҳолати;

**жиноят** – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

**ҳуқуқбузарлик** - содир этилганлиги учун маъмурий ёки жинойий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

**маъмурий ҳуқуқбузарлик** - маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

**жиноятчиликка қарши кураш** - жиноятнинг содир этилишига имконият туғдирувчи ҳолатларни бартараф этиш (камайтириш), жиноятларнинг олдини олиш, уларни тўхтатиш, рўйхатга олиш, очиш, жиноятчиларни қидириш ва тергов қилиш, одил судловни амалга ошириш,

жиноят содир этган шахсни тузатиш, жазони ўтаб чиққанидан сўнг уларнинг ахлоқини назорат қилиш, шунингдек жиноятнинг салбий оқибатларини тугатишга қаратилган иқтисодий-сиёсий, ҳуқуқий, руҳий, ташкилий, техник хусусиятдаги чора-тадбирлар йиғиндиси.

**патрул** – икки ва ундан ортиқ ички ишлар органлари ходимлари, Вазирлик тизимидаги таълим муассасаларининг курсант ва тингловчилари, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларидан иборат ҳаракатдаги наряд.

Патрул ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни патруллик йўналишларида пиёда, автомобильъъ ва хизмат отида амалга оширади.

Қоида тариқасида, патруллик йўналишининг масофаси пиёда патрул учун 1-1,5 км, автопатрул учун 6-8 км, отлик патрул учун 2-3 км ни ташкил этади. Зарур ҳолларда патруллик масофаси узайтирилиши ёки қисқартирилиши мумкин;

**патрул гуруҳи** – ягона раҳбарлик остида аҳоли гавжум бўлган кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, истироҳат боғлари ва бошқа жамоат жойларида хизмат ўташ учун бирлаштирилган икки ва ундан ортиқ патруллардан иборат наряд.

Патрул гуруҳига туман (шаҳар) ҳудудидаги фуқаролар гавжум бўладиган участкалар бириктирилиб, унинг негизини автомобилдаги патрул ташкил этади. Ушбу автомобильъъ радиостанция, махсус нур ва товуш чиқарувчи мосламалар, овоз кучайтириш қурилмаси ва бошқа техник воситалар билан жиҳозланади.

**пост** – ички ишлар органлари ходимларининг кечаю-кундуз ёхуд сутканинг маълум вақтлари давомида узлуксиз хизмат ўташлари зарур бўлган аниқ жойда ёки ҳудуд участкасида ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажарадиган наряд.

Постнинг маркази ва чегаралари белгиланади. Кузатувни амалга ошириш, шунингдек жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳамда турли фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш учун қулай бўлган жой постнинг маркази этиб белгиланади. Бунда пост марказидан унинг чегарасигача бўлган масофа 300 м дан ошиши мумкин эмас.

**назорат-ўтказиш пункти** – оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида, табиий ва техноген хусусиятга эга бўлган фалокатлар, шу жумладан зилзилалар, сув тошқинлари, ёнғинлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва бошқа фавқулодда вазиятларда ўтказиш тартиботини таъминлаш ёки транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракатини чеклаш бўйича аниқ жойда ёки ҳудуд участкасида хизмат ўтайдиган наряд;

**поездларни кузатиш наряди** – поездларнинг ҳаракатланиши давомида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида поездларни кузатиб борадиган наряд;

**тўсиқ** – ҳудуднинг аниқ белгиланган участкасини назорат қилиш ёки айрим транспорт йўналишларини тўсиш бўйича вазифаларни бажарувчи ички ишлар органлари ходимларидан иборат бўлинма (гуруҳ);

**захира** – тезкор вазият мураккаблашганда юклатиладиган алоҳида вазифаларни бажариш, жамоат жойларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлашни

қўшимча куч ва воситалар ҳисобига кучайтириш, шунингдек зарурат туғилганда патруллик йўналишида (постда) хизмат ўтаётган нарядларни алмаштириш учун мўлжалланган наряд.

Захира нарядининг таркиби, жойлашиши ва уни сафарбар этиш тартиби ваколатли раҳбарлар томонидан белгиланади;

**назорат-кузатув гуруҳлари** – оммавий тадбирлар яқунланганидан сўнг тадбир иштирокчиларининг объект ҳудудидан чиқиши ва тарқалиши давомида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган наряд.

**Ҳалқа**– оммавий тадбирлар ўтказилишида тадбир ўтказиладиган ҳудудда транспорт воситалари ва фуқароларнинг ҳаракатларини чеклаш ёки тақиқлаш мақсадида ўраб олинган ҳудуд. Ҳалқага жалб этилган ИИО ва ички қўшинлар нарядлар ўраб олинган ҳудудга транспорт воситалари ва йўловчиларнинг фақат назорат – текширув пунктлари орқали ўтишларини таъминлайди.

**Зона** – оммавий тадбирлар ўтказилишида тадбир ўтказилаётган жойда хизматга жалб этилган ИИО ва ички қўшинлар нарядларнинг бошқарилишини таъминлаш мақсадида объектнинг ҳудудларга бўлиниши.

**Участка** – оммавий тадбирлар ўтказилишида зоналарга хизматга жалб этилган ИИО ва ички қўшинлар нарядларининг бошқарилишини таъминлаш мақсадида тадбир ўтказилаётган жойдаги оператив вазиятдан келиб чиққан ҳолда уларнинг ҳудудларга бўлиниши

**Назорат – тарқатиш гуруҳи** – оммавий тадбир ўтказилаётган пайтда ўраб олинган ҳудуддаги ҳалқаларда ташкил этилган назорат текширув пунктлари олдида тўпланиб қолган ва чипталари, таклифномалари ёки махсус рухсатномалари бўлмаган фуқаролар ўртасида профилъьььактик тушинтириш ишларини олиб бориш йўли билан уларни тарқатиш учун қўйиладиган ИИО наряди.

**Электрошок қурилмалари** – ушлаб турилган шахсларни ва қамокқа олинган, маъмурий қамокқа олинган шахсларни олиб бориш, қўриқлаб бориш ва қўриқлашда, шунингдек қочишга уринишини, атрофдагиларга ёки ўзига зарар етказишини бартараф этиш мақсадида, зўравонлик билан ушлаб турилган шахсларни, эгаллаб олинган биноларни, хоналарни, иншоотларни, транспорт воситаларини ва ер участкаларини озод қилишда ва фуқарога ёки ички ишлар органи ходимига қилинган ҳужумни қайтариш учун ҳамда жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда қўлланилади.

**лицензиат** – фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки унинг кичик турини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**лицензия** – жисмоний ёки юридик шахсга бериладиган, лицензия талаблари ва шартларига мажбурий равишда риоя этилган тақдирда фаолиятнинг лицензияланадиган турини ёки унинг кичик турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

**лицензиялаш** – лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш, қабул қилиш ва кўриб чиқиш, лицензияни бериш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ҳамда тугатиш, шунингдек лицензияни бекор қилиш, қайта расмийлаштириш ва чақириб олиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи;

**фаолиятнинг лицензияланадиган тури** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган, қонун билан белгиланадиган фаолият тури;

**лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартлари** – фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш ёки фаолиятни (ҳаракатларни) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида ёхуд хабардор қилиш тартибида амалга ошириш чоғида жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган, қонунчиликда белгиланган талаблар ҳамда шартлар мажмуи;

**лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар** – фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашни, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни амалга оширадиган, шунингдек махсус электрон тизим воситасида хабарномаларни қабул қиладиган махсус ваколатли органлар ва ташкилотлар;

**лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрлари** – ваколатли органларнинг тегишинча берилган, узайтирилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, тугатилган, бекор қилинган, қайта расмийлаштирилган ва чақириб олинган лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар тўғрисидаги, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар томонидан ваколатли органларга юборилган хабарномалар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базалари;

**лицензияланадиган фаолият турининг кичик тури** – фаолиятнинг лицензияланадиган тури таркибига киритиладиган фаолият турининг йўналиши;

**давлат хизматлари паспорти** – лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш жараёни билан боғлиқ бўлган ўзига хос талаблар ва шартларни, шунингдек маълумотларни ўз ичига олган лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳужжат;

**рухсат бериш тартиб-таомили** – рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани топшириш, қабул қилиш ва кўриб чиқиш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш ҳамда тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш, қайта расмийлаштириш жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи;

**рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат** – ваколатли орган томонидан рухсатнома, келишув, хулоса шаклида, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа шаклларда бериладиган, рухсат бериш талаблари ва шартларига мажбурий равишда риоя этилган тақдирда муайян фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳужжат;

**талабгор** – лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

**хабарнома** – хабардор қилиш тартибида фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширишни бошлаш (тугатиш) учун хабардор қилувчи томонидан ваколатли органга юбориладиган маълумотлар;

**хабардор қилувчи** – ваколатли органга хабарнома юборган ва хабарномалар реестрига киритилган жисмоний ёки юридик шахс;

**хабардор қилиш тартиб-таомили** – хабарнома юбориш, хабарномани қабул қилиш (қабул қилмаслик), хабарнома қабул қилинганлигини тасдиқлаш, шунингдек хабардор қилувчининг фаолиятини (ҳаракатларини) тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш ва хабардор қилиш тартибида фаолиятни (ҳаракатларни) амалга оширишга тақиқ жорий этиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи;

**«ягона дарча» принципи** – хизматлар кўрсатиш тартиби бўлиб, бунда талабгорга тегишинча лицензияни ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун ваколатли органга бошқа давлат органлари ёки ташкилотлар томонидан бериладиган турли бошқа ҳужжатларни олиш талаб қилинадиган ҳолларда мазкур ваколатли орган кўрсатилган ҳужжатларни талабгорнинг иштирокисиз мустақил равишда сўрайди ва олади.

**«Е-патруль» тизими** — текширилаётган шахсни планшет орқали бармоқ изларини планшетнинг махсус сканери ёрдамида, агар бармоқ излари билан идентификация қилиш имкони бўлмаса, юз тузилиши (юзнинг олд томони)ни расмга олиш орқали реал вақт режимида текшириш, тегишли маълумотларни шакллантириш, тўплаш, умумлаштириш, сақлаш, шунингдек, ваколатли давлат органлари ўртасида идоралараро ахборот алмашишнинг марказлаштирилган электрон тизими;

**бодикамера** — жамоат жойларида атрофдаги вазиятни, фуқароларнинг ҳаракатлари ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ходимлар томонидан хизмат вазифаларини бажариш вақтидаги ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни аудио-, видео ёзув шаклида қайд этувчи ускуна;

**планшет** — маълумотлар базаси ахборот тизимига интеграция қилинган техник восита бўлиб, шахсни биометрик идентификацияси (бармоқ изи ёки юз тузилиши)ни электрон равишда олиб, унинг шахсига оид (судланганлиги, кидирувдалиги, профилььяктив, пробация ва маъмурий назорат ҳисобида туриши ва бошқа) тезкор маълумотларини мобильья ҳолатда жойида текшириш воситаси.

**реабилитация маркази** — муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни уларнинг шахси аниқлангунгача маъмурий суднинг ажрими асосида ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга сақлаб туриш ва реабилитация қилиш учун мўлжалланган ички ишлар органлари тизимидаги давлат муассаса;

**муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс** — шахсини тасдиқловчи ҳужжати, шунингдек, бирон-бир манзилда вақтинча ёки доимий пропискаси

бўлмаган ёхуд яшаш жойи бўйича ҳисобда турмаган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган 18 ёшдан ошган шахс;

**профильактика суҳбати** — реабилитация марказларига қабул қилинган шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтириш;

**реабилитация қилиш** — муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш, шунингдек, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

**Текинхўрлик**- бу меҳнат қилиш қобилиятига эга фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан фойдали бўлган меҳнатдан бўйин тортишидир.

**камера**—махсус қабулхонада жойлашган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган хона;

**махсус қабулхона**—ички ишлар органлари тизимига кирадиган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус муассаса;

**махсус қабулхона маъмурияти**—махсус қабулхонани бошқаришни амалга оширувчи махсус қабулхона бошлиғи ва унинг ўринбосарлари;

**махсус қабулхона ходимлари**—маъмурий қамоқни ўташ режимини таъминлаш мажбуриятларини бажараётган ички ишлар органларининг сафдорлар, сержантлар ва офицерлар таркибидаги шахслари;

**маъмурий қамоққа олиш**—маъмурийжазо тури бўлиб, у шахсни жамиятдан вақтинча ажратиб қўйиш шароитларида сақлашдан иборат ва уч суткадан ўн беш суткагача бўлган муддатга, фавқулодда ҳолат режими шароитларида эса жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун ўттиз суткагача бўлган муддатга қўлланилади;

**конвой**—жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар ҳамда маҳкумларни белгиланган манзилга қўриқлаб бориш;

**конвой остидаги шахслар**—конвой қилинаётган, жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар ҳамда маҳкумлар;

**конвой бўлинмалари**—конвой остидаги шахсларни белгиланган манзилга қўриқлаб бориш борасидаги вазифаларни амалга оширувчи ички ишлар органларининг бўлинмалари;

**электрон браслет**—конвой остидаги шахслар қочишга уринган (электрон браслетни ечиш, шикаст етказиш, конвойчи ходимдан узоқлашиш ва бошқа) ҳолатлар ҳақида онлайн режимида автоматик тарзда товушли ва визуал хабар берувчи, шунингдек, конвой остидаги шахсларнинг ҳаракатланишини онлайн назорат қилиш имкониятни яратувчи электрон қурилма.

## Адабиётлар:

### І. Асосий адабиётлар:

1. *Х.Т. Одиқориев, И. Исмаилов, Н.Т. Исмоилов.* Маъмурий ҳуқук: Дарслик// – Т., 2010.
2. *М.З. Зиёдуллаев ва бошқалар.* Ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати фаолияти курсидан масалалар тўплами: Ўқув-амалий қўлланма. – Тошкент: 2013. –121 б.
3. *Ш.Т. Икромов ва бошқалар.* Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари ва ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги: Ўқув қўлланма. – Тошкент: 2013. –210 б.
4. *Б.Ш. Умаров, Ш.Ш. Ризаев, М.Х. Сайидов.* Автомобилни бошқариш ва ҳаракатланишда йўл ҳаракати хавфсизлиги асослари. Ўқув қўлланма.–Т., 2014 й. –180 б.
5. *Н.Т. Исмоилов, Д.Д. Бабаев.* Маъмурий ҳуқукбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, – 2014. – 118 б.
6. *Қаҳҳоров А.А., Саидов М.Х.* “Ёълларда ҳаракатланишни тартибга солувчи воситалар”. Ўқув қўлланма. – Т., 2014 й. – 124 б.
7. *Х.Х. Бахрамов.* Ички ишлар идоралари томонидан маъмурий мажбурлаш чораларини қўллаш асослари ва тартиби: Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 66 б.
8. *И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев.* Ахборот-таҳлил фаолияти асослари: Ўқув қўлланма – Т., 2015. – 78 б.
9. *Саидов М.Х., Қаҳҳоров А.А., Умаров Б.Ш.* “Автомобиль тайёргарлиги”. Дарслик. – Т.: 2016 й. – 544 б.
10. *И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев.* Коррупциявий ҳуқукбузарликлар профилъактикаси: Ўқув қўлланма – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 78 бет.
11. *И. Исмаилов, Ж.С. Мухторов, С.Хўжақулов.* Ички ишлар органларининг ҳуқукбузарликлар профилъактикаси фаолияти: Ўқув қўлланма – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 82 бет.
12. *Й.С. Пулатов, И. Исмаилов, А.А. Қурбанов.* Ички ишлар органлари фаолияти. Дарслик. – Т., 2018. – 407 б.
13. *И. Исмаилов ва бошқ.* Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 400 б.
14. *И. Исмоилов, Ж.С. Мухторов, Ф.Н. Шукуров ва бошқ.* Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.– 439 б.
15. *С.С. Шарипов.* Ички ишлар органлари патрул-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятининг ташкилий - ҳуқуқий асослари: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 84 б.

16. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг назарий-амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. Тошкент, 2006.- 359 б.

17. Миллий қадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. Тошкент, 2007.–317 б

18. Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар: бугунги ҳолати, муаммо ва ечимлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. Тошкент, 2008. – 377 б.

19. Баркамол авлодни шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. Тошкент, 2010. – 432 б.

20. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати: Илмий назарий конференция материаллари тўплами. ТДЮи нашриёти. Тошкент, 2011. – 230 б.

21. Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. Тошкент, 2015. 335 б

22. Экстремизм ва терроризм – тараққиёт душмани. Ички ишлар тизими ходимлари (профиль-актика инспекторлари) учун ўқув-амалий қўлланма. Ўқув-амалий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 164 б.

23. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш. Ўқув қўлланма. ИИВ Академияси, 2017., 128 б.

24. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. 116 б.

25. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. 547 б.

26. Ички ишлар органлари тизимидаги туб ислохотлар – халқ манфаатларига хизмат қилишни таъминлаш кафолати. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020., 331 б.

27. Ички ишлар органлари фаолияти. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. 382 б.

28. Ўзбекистон ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 489 б.

29. Ички ишлар органлари хизматига кириш махсус курси. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш Институти , 2021. 79 б.

30. *Ф.М. Пулатов*. “Борба самбо.” Учебник. - Т., 2005 й.

31. Ёш аскарлар учун бошланғич ҳарбий умумқўшин тайёргарлик бўйича қўлланма. – Т., 2004.

32. Саф тайёргарлик методикаси: Ўқув қўлланма. – Т., 2012.

33. *А.А. Аташайхов*. “Жанговар-жисмоний тайёргарлик.” Дарслик-Т.,2016й. Т.2014 й.



34. *А.С.Қурбонов*. “ИИО ходимлари учун шахсий ҳимоянинг асосий усуллари.” Ўқув қўлланма. - Т., 2016 й.

35. *Х.З.Гаппаров*. “Жанговар жисмоний тайёргарлик.” Ўқув қўлланма.- Т., 2016 й.

36. *Ф.М.Пўлатов*. “Жисмоний қобилиятларни ривожлантириш асослари.” Ўқув қўлланма. - Т., 2013 й.

37. *А.А.Аташайхов, Худайбергандов О.К.* “Жисмоний тайёргарлик.” Ўқув қўлланма. - Т., 2013 й.

38. *А.А.Аташайхов, О.К.Худайбергандов.* “Жисмоний тайёргарлик машғулотида кўп учрайдиган атамалар луғати.” Ўқув қўлланма. - Т., 2014 й.

39. *З.Р.Нуримов*. “Рукопашни бой.” Учебно-пособиэ. - Т., 2014 й.

40. *А.Ш.Усманов, А.М.Саримсақов, У.Р.Ражабов.* “ИИО ходимларининг жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш” бўйича ўқув-услубий қўлланма.- Т. 2015 й.

41. Ўқ отиш тайёргарлиги: Дарслик. – Т., 2019.

## **II. Қўшимча адабиётлар.**

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

2. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

3. *Мирзиёев Ш.М.* Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.

4. *Мирзиёев Ш.М.* Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

5. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2017. – 596 б.

6. *Мирзиёев Ш.М.* Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т., “Ўзбекистон”, 2018. – 512 б.

## **III. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2019. – 76.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2021. – Лех.уз.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2021. – Лех.уз.

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.– Т., 2021. – Лех.уз.

5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 2014. 320 б.

6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2014. 745 б.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎРҚ-167-ИИ-сон қонуни.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги 2013 йил 10 апрель қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – 2013.– №17. – 197-м.

9. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилъактикаси тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2014. – № 20. – 221-м.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2016.– № 38.– 438-м.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги “Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2940-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилъактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2883-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.–2017.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон Қарори - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.11.2017 й., //lex.уз.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилъактикаси ва жиноятчиликка қарши курашни сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528-сон Қарори - Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.11.2017 й., //lex.уз.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075-сон қарори;

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилъактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4166-сон қарори. //lex.uz

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги “Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилъактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришни сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4343-сон Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони;

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 27-сон Фармони;

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори;

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори;

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони;

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарори;

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 205-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –2014.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 апрелдаги “Ички ишлар органи ходимининг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига унинг хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 234-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017.

30. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 1 январдаги “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2-сон буйруғи.

31. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 27 августдаги “Ички ишлар органларида узлуксиз ўқув-караера жараёни тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 310-сон буйруғи.

32. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 21 октябрдаги “Ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 400-сон буйруғи.

33. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2023 йил 20 февралдаги “Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 77-сон буйруғи.

#### **Электрон таълим ресурслари:**

[хтти://мвд.уз](http://мвд.уз) (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);

[хтти://ипкмвд.уз](http://ипкмвд.уз) (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);

[хтти://акадмвд.уз](http://акадмвд.уз) (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академийаси);

[хтти://лех.уз](http://лех.уз) (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси);

[хтти://www.тсил.уз](http://www.тсил.уз) (Тошкент давлат юридик университети);

[хтти://www.сонест.уз](http://www.сонест.уз) (Ўзбекистон умумтаълим портали);

[хтти://узсси.нет](http://узсси.нет) (Илмий таълим тармоғи);

[хтти://www.зиёнет.уз](http://www.зиёнет.уз) (Ахборот таълим тармоғи).

**ХОЖИБЕКОВ ЗИЁМИДДИН НАСРИДДИНОВИЧ**

**Ички ишлар органлари учун “Жамоат тартибини сақлаш  
фаолияти” мутахассислиги бўйича сержантлар таркиби  
ходимларини махсус касбий тайёрлаш модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Муҳаррир Н.Тасимов

---

Босишга рухсат этилди \_\_\_\_ 2023 й. Нашриёт-ҳисоб табағи 3.6  
Адади \_\_\_\_ нусха. Буюртма № \_\_\_\_. Баҳоси шартнома асосида.

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,  
100213. Тошкент шаҳар Хусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй